

А.В.ВАҲОБОВ
Т.С.РАСУЛОВ

ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ
НАЗАРИЯСИ




БЗО
РЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.В.ВАҲОБОВ, Т.С.РАСУЛОВ

**ВАЛЮТА
МУНОСАБАТЛАРИ
НАЗАРИЯСИ**



ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 792.54 (072)

КБК 74.202

В-52

В-52 А.В.Ваҳобов, Т.С.Расулов. Валюта муносабатлари назарияси . -Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 280 бет.

ISBN 978-9943-10-964-3

Мазкур ўқув қўлланмада валюта муносабатлари доирасида валюта курсларини шакланиши ва ривожланишининг назарий асослари, валюта ва олтин бозорларини амал қилиш механизми, жумладан, спот битимлари, форвард ва биржадан ташқари савдо операцияларининг бошқа турлари, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг валюта муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни кўриб чиқилади. Ўқув қўлланма иқтисодиёт назарияси соҳасидаги мутахассисларнинг ўқиган маъruzalari ҳамда кўп йиллик назарий изланишлари асосида тайёрланди. Олий ўқув юртларининг «Иқтисодиёт назарияси» ва «Банк иши» йўналиши бакалавр ва магистрантлари учун мўлжалланган.

УЎК: 792.54 (072)

КБК 74.202

Масъул муҳаррир:

Ш.Ш.Шодмонов – иқтисод фанлари доктори. профессор

Тақризчилар:

Х.П.Абулқосимов – иқтисод фанлари доктори. профессор:

Ш.Р.Ражаббоев – иқтисод фанлари намзоди, доцент.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий Кенгашининг
2013 йил 29 майдаги 10-сонли қарори билан нашир этилди.*

ISBN 978-9943-10-964-3

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

КИРИШ

ХХ асрнинг сўнгти йилларида мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиши, миллий хўжалик алоқаларининг интеграциялашуви билан глобализация жараёнларининг жадаллашуви юз бермоқда. Глобализация натижасида жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айланиб бораётган мамлакатларнинг сони ортиб бормоқда. Бу миллий даражадаги хукукий, иқтисодий ҳамда технологик тўсиклар йўқолишига, унинг ўрнига ҳалқаро иқтисодий хўжаликнинг умумий иқтисодий конуниятлари ва ҳалқаро хўжаликнинг функционал алоқаларини тадбиқ этишга олиб келмоқда. Мамлакатлар дунё хўжалигига интеграциялашувда аниқ бир мамлакат чегараларидан ташкарида юзага келувчи ташқи муаммоларга қарши туришга мажбур бўлмоқдалар.

Йирик инвестициявий ресурслар яхши иқтисодий ўсиш салоҳиятига эга бўлган мамлакатларга жадал йўналтирилмоқда. Бу табиий хол, чунки ҳар бир сармоядор ўз жамғармаларини ҳимоялашда ўзи учун етарли даромад меъёрини таъминлашни истайди: капитал кўпроқ фойда олиш мумкин бўлган жойга йўналтирилади.

Ўзбекистон ҳам бу жараёндан истисно эмас — унинг ижобий ривожланиши республикага киритилган инвестицияларнинг ҳимояси қанчалик таъминланганига, валюта муносабатларининг ривожланганлик даражасига ва шу билан бир вақтда қарз олинган ресурсларни бошқариш жараёни қанчалик тўғри юритилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Таназзул натижасида юзага келувчи, шунингдек, уни келтириб чиқарадиган кўплаб муаммолар ичida оғирроғи, назаримизда, молия бозорларини барқарорлаштириш муаммосидир. Сўнгги йиллар, валюта бозори, сусда капиталлари бозори ёки катта аҳамият касб этиб бораётган кимматли қоғозлар бозори бўғинларидан биринииг бекарорлашуви бутун молия бозорларида кескин пасайишларга олиб келганлигини ва валюта муносабатларини салбий томонга ўзгарганилигини кўрсатмоқда.

Валюта бозорини барқарорлаштириш муаммоси айниқса дол зарб ҳисобланади. Чунки айнан валюта қурси динамикаси экспорт ва импорт ҳажмларига, бинобарин, бутун тўлов баланси мувозанатига таъсир кўрсатади.

Валюта курсининг сунъий пасайтирилиши ёки пореал паст даражада ушлаб турилиши кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этмайди. Аксинча, иктисадиётнинг колоклашиб боришининг тезлашуви муддатини чўзиб туради, холос. Россиядаги 1998 йилги инқизоз валюта курсини пастдаражада ушлаб туриш экспорт ривожини ҳалокатга олиб келишини кўрсатди. Валюта ресурсларининг манбай бўлган экспортнинг пасайиши эса валюта курсини ушлаб туришни янада мураккаблаштиради.

Валюта бозори ва фоиз ставкалари бозорининг ниҳоят даражада бекарорлиги валюта ва фоиз рискларини валюта операциялари турларини кўпайтириш орқали олдини олишни тақозо этади. Бунинг устига, дунёда турли валюталар мавжуд экан, валюта ва фоиз рискларини хеджерлаш ўз долзарблигини йўқотмайди. Яъни, назарий жиҳатдан олиб қараганда, бу муаммони тўлиқ ҳал этиш учун мамлакатлар бир битимга келишлари ва битта валютани чиқариши, ҳамда, ягона жаҳон валюта тизимини ишлаб чиқишни ташкиллаштиришни амалга оширишлари кифоядир. Аммо, бугунги босқичда бу мумкин эмас, чунки доллар, евро ва япон йенаси каби етакчи валюталарга эга бўлган мамлакатлар миллий валюта билан боғлик бўлган «миллий суверенитет» тушунчасини бекарорлик ва инқизорзларининг жаҳон иктисадиёти ривожига етказаётган зарарини бартараф этиш заруратидан кўра юкори қўядилар. 1999 йилнинг январида ягона европавалютанинг амалга киритилиши Европа молия бозорини барқарорлаштириш йўлидаги қадамлардан бири бўлиб хизмат килди. Шунга қарамасдан европанинг муомалага киритилишига таъсир этган омиллардан бирп — америка долларининг Европа мамлакатлари иктисадиёти тажовузига қарши еврохудуднинг сиёсий қарама-қаршилиги бўлди.

Ўкув кўлланмада замонавий валюта муносабатларини ривожланиш тарихи, жумладан, Ўзбекистон Республикасида валюта бозорларини ривожланиш босқичлари, валюта курсларининг ўзгаринишига таъсир этувчи омиллар ҳамда молия ва пул бозорларидаги амалга оширилаётган операцияларни ёритишга бир уриниш бўлди. Улардан юртимиздаги банк-молия тузилмаларида ҳам кўлланниши мумкин бўлган, молия бозорларидаги нокулай вазиятлардан муҳофазаланиш учун жаҳон амалиётида фойдаланиладиган айrim услублар бор.

Хусусан, замонавий шароитларда кенг тарқалган, мазкур кўлланмада биз томонимиздан таҳлил этилган услублардан бири,

турли хеджинг операцияларини (*hedging* атамаси инглизча «түсиқ», нарх ўзгаришлари оқибатидаги заарлардан сакланиш бўйича очик позициялар ҳимоясига доир операциялар ўтказиш) валюта бозорларида, шунингдек, ссуда капитали ва олгин бозорларида ҳам қўллашдан иборатdir. Бугунги кунда сармоядорлар томонидан ҳатарлар сугуртасига қўйиладиган сифат жиҳатдан янги талаблар, банкларнинг кескин рақобат шароитларида қўнгилдагидай фоиз олишга бўлган интилишлари банкларни валюта бозорларидағи хизматларни такомиллаштиришга ва улардан кенг фойдаланишга унダメоқда.

Таъкидлаш жоизки, пул бозорини ривожлантириш орқали давлат ҳазинасига бевосита нақд пул тушуми таъминланади. Натижада жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинча бўш маблағлари пул бозоридаги операциялар ўтказиш эвазига даромад олиш имконини беради. Шунинг билан бирга ҳазинага тушган нақд пулларни иқтисодиётнинг нақд пулга эҳтиёжи бор соҳаларига йўналтириш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларини янада кучайтириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим омил сифатида кўриш мумкин.

I БЎЛИМ.

ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ, БОЗОРЛАРИ, КУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНГ НАЗАРИЙ • АСОСЛАРИ

I БОБ. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Валюта муносабатларининг иқтисодий меҳияти ва валюта тизимлари

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кисми – халқаро валюта муносабатлари ҳисобланади. Халқаро валюта муносабатлари – валютанинг жаҳон хўжалиги ва миллий хўжалиқда амал килини ҳамда хўжаликлар фаолияти натижаларини ўзаро айирбашланишида юзага келган ялпи ижтимоий муносабатларидир.

Валюта муносабатларининг элементлари қадимий антик даврга бориб тақалган бўлиб, қадимий Греция ва Римда вексель кўринишида ва пулни майдалаш ҳамда айирбошлиш кўринишида бўлган. Валюта муносабатларининг кейинги ривожланиш даври ўрта асрларга тўғри келади. Бу даврда Фарбий европада ўтказма векселлари бўйича савдо марказлари ташкил қилинган, шулар жумласига Лиондаги вексель ярмаркасини киритишимиз мумкин. Феодал ишлаб чиқаришдан капиталистик ишлаб чиқаришга ўтилиши натижасида халқаро ҳисоб-китобларнинг банклар орқали амалга оширилиши жуда тез ривожланди.

Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, жаҳон бозорининг пайдо бўлиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, хўжалик юритишнинг халқаро тизими шаклланиши ва хўжалик алоқалари нинг байналминаллашуви халқаро валюта муносабатлари ривожланишининг асоси бўлиб ҳисобланади. Халқаро валюта муносабатлари халқаро иқтисодий муносабатлар орқали, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмолда намоён бўлади. Валюта муносабатлари билан такрор ишлаб чиқариш ўртасида тўғри ва тескари алоқа мавжуд. Уларнинг объектив асоси жамиятдаги товар ва хизматлар ҳамда капиталнинг халқаро айирбошлишини юзага келтирувчи такрор ишлаб чиқариш ҳисобланади. Валюта муносабатларининг ҳолати мамлакатлар иқтисодиёти ривожланганлигига боғлиқ.

Мамлакатлар халқаро бозорга қўшилиши натижасида капитал айланиши жараёни миллтий пул бирлигидаги капиталнинг бир кисмини хорижий валютага айланиши ва аксинча ҳолат юз берини англаради. Бу ҳолат халқаро ҳисоб-китоб, валюта, кредит ва молиявий операцияларни амалга оширишда юз беради.

Валюта муносабатлари тақрор ишлаб чиқаришга нисбатан иккимачи саналсада, унга сезиларли тескари тъясир ўтказади. Хўжалик ишлаб чиқаришининг байналміналлашуви шароитида тақрор ишлаб чиқариш ташки омилларга – ишлаб чиқариш динамикаси, хориж фан ва техника тараққиёти даражаси, халқаро савдонинг ривожланиши, капиталлар оқимига жуда боғлиқ бўлиб қолади. Халқаро валюта муносабатларининг бекарорлиги ва валюта инкиrozлари тақрор ишлаб чиқаришга салбий тъясир кўрсатади. Шу сабабдан халқаро валюта муносабатларини аник бир шаклга келтиришга ва уни доим назорат килишга ҳаракат килиб келинган.

Валюта тизими бу – валюта муносабатларини миллий конунчиллик ёки халқаро келишувлар асосида тартибга солиш тизими. Валюта тизими уч хил бўлади: миллий, худудий ва халқаро.

Тарихан дастлаб халқаро ҳуқук нормаларини ҳисобга олган холда миллий конунчиллик билан мустаҳкамланган миллий валюта тизимлари пайдо бўлган.

Миллий валюта тизимлари халқаро валюта тизими билан узвий боғлиқ, яъни халқаро валюта муносабатлари юзага келишининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Халқаро валюта тизими XIX аср ўрталарида юзага келган. Халқаро валюта тизимининг баркарор бўлиши дунё хўжалиги структураси даражасига мувофиқ келишига, етакчи давлатларнинг манфатларига ва қўчларнинг жойлашишига боғлиқ. Ушбу шартларнинг бузилиши валюта тизимининг инкиrozига олиб келади ва янги валюта тизимининг юзага келишига асос бўлади.

Халқаро валюта тизимининг амал китиши механизми ва уни тартибга солиш миллий валюта тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик ташки фаолиятга хизмат китувчи миллий банклар орқали амалга ошириллади ва давлатлараро валютани тартибга солишида юзага келади ҳамда етакчи давлатларнинг валюта сиёсатини мувофиқлаштиради.

Халқаро валюта тизими ва миллий валюта тизимининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқтари үларнинг злементларнида кўринади (1.1-жадвал).

Миллий валюта бу – давлат конунлари билан белгиланган ва хисоб-китобларда қўлланиладиган пул бирлиги. Шу ўринда, пул бирлиги ва валюта ўртасида фарқни ажратиш мақсадга мувофиқ. Пул бирлиги бу бир мамлакат худудида хисоб – китобларни амалга ошириш воситаси бўлиб хисобланиб, у халқаро иқтисодий муносабатларда қатнашса (бошқа валютага айирбошланганида, хорижда тузилган битим бўйича талаб ва мажбуриятларни бажаришда қатнашса, бир мамлакатдан бошқасига капитал сифатида ҳаракат килса) валютага айланади. Демак, ҳар қандай пул бирлиги ҳам валюта ҳисобланмайди.

1.1-жадвал

Валюта тизими элементлари¹

Миллий валюта тизими	Халқаро валюта тизими
1. Миллий валюта	1. Захира валюта
2. Миллий валютани айирбошлаш шартлари	2. Валюталарнинг ўзаро айирбошлаш шартлари
3. Миллий валюта паритети	3. Валюта паритетларининг ягона режими
4. Миллий валюта курсининг режими	4. Валюта курси режимларини тартибга солиш
5. Валюта назорати ва валюта чекловларининг мавжудлиги ёки йўклиги	5. Валюта чекловларининг халқаро назорат қилиниши
6. Давлатлар халқаро валюта ликвидлилигининг назорати	6. Валюта ликвидлилигининг халқаро назорат қилиниши
7. Халқаро кредит маблағларидан фойдаланиш тартиби	7. Халқаро кредит маблағларидан фойдаланишнинг бирхиллашган қоидаси
8. Давлатлар халқаро хисоб-китобларининг тартиби	8. Халқаро хисоб-китоб шакларининг унификацияси
9. Миллий валюта бозори ва олтин валюта бозорининг режими	9. Халқаро валюта бозорлари ва олтин бозорлари режими
10. Валюта муносабатларини тартибга солувчи ташкилотлар ва муассасалар	10. Халқаро валюта муносабатларини тартибга солувчи халқаро ташкилотлар.

¹Международные валюты – кредитные и финансовые отношения. Под ред. Л.Н.Красавиной. Москва, 2003г.

Захира валюта – халқаро ҳисоб – китобларда қатнашувчи ва мамлакат захирасини шақллантиришда фойдаланиладиган эркин айирбошланадиган валютадир. Бундай валюталарга АҚШ доллары, SDR, евро, йена, фунт стерлинглар ва башқа етакчи мамлакат валюталари ва халқаро валюта бирликларини киритиш мүмкін. Захира валюта башқа давлатлар валюта курслари ва валюта паритетини аниклашда фойдаланилади. Захира валюта мақомига зға бўлиш учун мамлакат ишлаб чиқариши етакчи ўринларни эгаллаши, товар ва хизматлар ҳамда капитал экспорти юкори ва олтин валюта захираси етарли бўлиши, банк тизимининг ликвидли ва капиталлашиш даражаси юкорилиги, валюта операцияларини амалга оширишнинг эркинликка зға бўлиши зарур.

1.2 - жадвал

SDR валюта саватининг таркиби

Wednesday, April 04, 2010

ВАЛЮТА САВАТИ	Валюталарнинг дастлабки улуши	30/12/09 санага бўлган валюта курси ²	АҚШ доллари эквиваленти ³
Евро	34	1.33530	0.547473
Япон иенаси	11	118.99000	0.154635
Фунт стерлинг	11	1.97350	0.178207
АҚШ доллари	44	1.00000	0.632000
АҚШ\$1.00 = SDR		0.661238	
SDR1 = АҚШ\$		1.51231	

Валюта тизимида валюталарни айирбошлаш (конвертация) даражаси мухим ўрин эгаллайди. Улар эркин айирбошланадиган, қисман айирбошланадиган ва айирбошланмайдиган валюталарга бўлиниди. Шунингдек, ички ва ташки конвертация бўлиб, ички конвертация мамлакат резидентларининг айирбошлаш операцияларида

² Хар бир валютанинг АҚШ долларига нисбатан курси

³ SDR нинг АҚШга нисбатан курсини шақллантиришда ҳар бир валютанинг эгаллаган улуши.

чекловлар бўлмаслигини англатса, ташки конвертация норезидентларга нисбатан чекловларни кўлламаслиқда акс этади.

Валюта тизимининг навбатдаги элементи – валюта паритети валюта курсини аниқлашда бирламчи омил бўлиб, у икки мамлакат валюталарининг нисбатида акс этади. Олтин танга стандартида валюта паритети сифатида уларнинг металл таркиби олинган эди. Олтин монометаллизми даврида валюталар курси олтин паритетига асосланган бўлиб, белгиланган нуқталар орасида тебранар эди.

Кредит пулларнинг ривожланиши билан валюта курси аста – секинлик билан олтин паритетидан узоклашиб борди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин олтин паритетига АҚШ доллари ва фунт стерлинги эга эди. 1971 йилда АҚШ ҳукумати доллар курсини белгилашда олтин паритетидан воз кечганидан сўнг, олтин халқаро муомаладан чиқарилди. Олтин паритети бекор қилингач, халқаро валюта муносабатларида валюта савати тушунчаси киритилди. Бунда бир валютанинг курси валюта саватига кирган бирликларга нисбатан олинган ўртacha қиймат билан аниқланади. Ҳозирги пайтда, валюталар курси қонуний тартибда белгиланган валюталар ўртасида нисбат билан аниқланади.

Валюта тизимининг навбатдаги элементи валюта курси режими ҳисобланади. Амалда валюта курсининг асосий режимлари - катъй ўрнатилган ва эркин сузуб юрувчи кўринишида мавжуд бўлиб, қолган кўринишлари уларнинг комбинациясидан ҳосил бўлади.

Валюта чекловларининг мавжудлиги валюта тизимининг элементи бўлиб, бу чекловлар халқаро миқёсда ХВФ томонидан аниқланади ва аъзо мамлакатлар доирасида тартибга солиб турилади. Валюта чекловларининг валюта сиёсати инструменти сифатида кейинги параграфда батафсил кўриб чиқамиз.

Валюта тизимининг элементи сифатида халқаро ликвидлилкни бошқариш халқаро ҳисоб – китобларнинг таъминланишига қаратилади. Халқаро валюта ликвидлилк – бу мамлакатнинг кредиторлар учун қулай валютада халқаро мажбуриятларни ўз вақтида бажара олиш қобилиятидир. Мамлакат миқёсида валюта ликвидлиллиги қуйидагилар билан ўлчанади: расмий олтин – валюта захираси, СДР ва бошқа валюта бирликлари, ХВФдаги позицияси (аъзо мамлакат квотасининг 25% миқдорида зудлик билан кредит олиш ҳукукига эга). Ликвидлилкни ўлчаш учун одатда, олтин – валюта захирасининг йиллик импортга нисбати олинади.

Миллий валюта тизими доирасида халқаро кредит маблагла-ридан фойдаланиш, уларни жалб қилиш, қайтариш ва тўлаш тартибга солинади. Валюта тизимининг бу элементи жаҳон валюта тизимида кредит ҳаракати билан боғлик ҳолатлар бўйича умумлаштирилган қоидаларни ишлаб чиқишида намоён бўлади.

Маҳсулотларни айрбошлиш, экспорт – импорт операцияларини ўтказишнинг асосий шарти бўлиб, халқаро ҳисоб – китобларнинг йўлга кўйилганлиги ҳисобланади. Валюта тизимининг бу элементи бўйича миллий миқёсда халқаро даражада қабул қилинган умумлашган қоидалардан келиб чиқиб, меърий – ҳукукий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Бундай қоидаларга Халқаро савдо палатаси томонидан қабул қилинган қўйидаги ҳужжатлар киради: 522 – сонли «Инкассо бўйича бирхиллашган қоидалар» ва 500 – сонли «Ҳужжатли аккредитив бўйича бирхиллашган қоидалар», 458 – сонли «Талабни тақдим этиш билан тўланадиган кафолат бўйича бирхиллашган қоидалар», шунингдек, савдо атамаларини талқин этиш бўйича «Инкотермс» (ҳозирда, Инкотермс 2000) халқаро қоидаси.

Миллий валюта ва олтин бозорларининг ишлаш тартиби валюта қимматликлари билан ўтказиладиган операцияларни амалга ошириши белгилаб беради. Олтиннинг халқаро муомаладан чиқарилиши билан олтин бозорлари қўлами қисқариб борди. Ҳозирда олтин савдоси қўйидаги марказларда бажарилади:

- Локо Лондон (Loco London)
- Локо Цюрих (Loco Zurich)
- Локо Нью-Йорк (Loco New York)
- Локо Токио (Loco Tokio)

Олтин савдоси марказларида, битимнинг қаерда тузилганлиги-дан қатъий назар, олтин етказилишини амалга ошириш жойи қайд этилган марказ ҳисобланади (масалан Локо Лондон (Loco London), яъни «Лондонга етказиб бериш билан»). Олтин бозорларининг фаолияти ҳеч бир дакиқага тўхтамайди. Бунда вакт минтақаларининг ҳисоб боши, одатда Гринвичдан ўтувчи (Лондон атрофи) нол меридианидан бошланади ва дунё вакти ёки GMT – Greenwich Meridian Time деб аталади.

Валюта тизимларининг мухим элементларидан бири валюта муносабатларини тартибга солувчи органлар фаолияти ҳисобланади. Миллий валюта тизимида бу органларга Марказий банк ва бошқа мутассади органлар (Ўзбекистонда Ҳукумат, Молия

вазирлиги, Солик ва Божхона идоралари) киради. Жаҳон валюта тизимида валюта муносабатларини тартибга солувчи маҳсус давлатлараро институтлар бўлиб, уларга: ХВФ, ЕТТБ, ОТБ кабилар киради.

Валюта тизимининг ривожланиш қонуниятлари такрор ишлаб чиқариш мезонлари билан аниқланади. Бу миллӣ ва халқаро хўжаликнинг ривожланиш босқичларида ўз аксини топади. Халқаро хўжалик тузилмасининг ўзгариши халқаро валюта тизимининг инқирозига олиб келади.

Ишлаб чиқариш шакли, халқаро савдо ва кучларни ўзгариши биринчи халқаро валюта тизими – олтин монометаллизмининг инқирозини келтириб чиқарди. Халқаро валюта тизимлари ўзгаришининг асосий сабаби бу инқирозлардир.

Валюта инқирозлари одатда халқаро валюта муносабатларининг бекарорлигидан келиб чиқади. Халқаро валюта муносабатларининг бекарорлиги валюта курсларининг бекарорлигига, олтин – валюта резервларининг қайта тақсимланишида, валюта чекловларида, халқаро валюта ликвидлилиги ёмонлашувида ва валюта карама – қаршиликларида акс этади.

1.3 - жадвал

Халқаро валюта тизимлари⁴

Париж вал.тизими 1867 й.	1. Олтин танга стандарти 2. Олтин захира ва тўлов воситаси ҳисобланган. Олтин паритет ўрнатилган 3. Курс олтин сотиш марказларига боғлиқ холда тебраниб турган. 4. Конференция орқали назорат қилинган
Генуя вал.тизими 1922 й.	1. Олтин-девиз стандарти 2. Олтин захира ва тўлов воситаси ҳисобланган. Олтин паритет ўрнатилган 3. Курс тебраниб турган, олтин сотиш марказларига боғлиқ бўлмаган 4. Конференция, музокаралар орқали назорат қилинган

⁴ Международные валютно – кредитные и финансовые отношения. Под ред. Л.Н.Красавиной. Москва 2003г.

Бреттонвуд вал.тизими 1944 й.	1. Олтин-девиз стандарти 2. Олтин расмий курс б-ча АҚШ доллариға конвертация қилинган 3. Қатый белгиланған курс ва паритет үрнатылған 4. ХВФ ташкил этилди
Яマイка вал.тизими 1976-1978 й.	1. СДР стандарти 2. Олтин расмий мұомаладан чиқарылған, ғақат реал актив сифатида фойдаланилған. 3. Валюта курсининг әркін режими 4. ХВФ, юқори даражадаги музокаралар.
Европа вал.тизими 1979 й.	1. ЭКЮ стандарти (еврога айлантирилди) 2. Олтин-валюта захираси. Олтин резервини бозор бақосида қайта баҳолаш 3. Белгиланған чегарада сузib юрувчи валюта курси режими 4. Европа хамкорлық валюта фонди

Дастрекемдегі халқаро валюта тизими 19 асрнинг охирида саноат революциясидан кейин олтин – танга стандарти шаклида олтин монометаллизми асосида шаклланған. 1867 йилда ҳуқукий жиҳатдан Париж конференциясида расмийлаштирилған ва олтин халқаро пул бирлиги сифатида тан олинған.

Париж валюта тизими құйидаги тамойилларга асосланған:

- валюта тизимининг асоси олтин монета стандарты қаралған.

- әр бир валюта олтин билан таъминланған ва шунга қараб әр бир валютаниң олтин паритети үрнатылған. Валюталар олтин паритет асосида олтинга бемалол алмаشتырылған.

- бозордаги талаб ва таклиф асосида шаклланадиган әркін сузib юрувчи валюта курси режими үрнатылған. Олтин паритеттегі нисбатан валюта курсининг чегараси белгилаб қойылған ва ушбу чегарада валюта курслари үзгариб турған. Агар валюта курслари белгиланған чегарадан кескин фарқ қиласа болса халқаро түловларда олтин күлләнілған.

Олтин танга стандарты I-жағон урушында бозор механизми орқали түлов балансини мувозанатлаштиришда ва валюта курсини барқарорлаштиришда самарали рол йүнади. Түлов балансида дефицитта эга бўлган давлатлар дефляция сиёсатини ўтказишга ҳаракат

қилишган, яъни миллий валютани қадрсизлантиришган. 1-жаҳон урушигача бўлган бир аср давомида факат АҚШ доллари ва Австрия таллери девалвация килинганд, Англия фунт стерлинги ва Франция франки ўзгармасдан қолган.

Халқаро ҳисоб-китобларда вексель кўп кўлланила бошланганини сабабли олтиннинг ҳиссаси бирмунча камайган. АҚШ, Франция, ва Англияда олтиннинг ҳиссаси 1872 йилда 28%-ни ташкил қилган бўлса, 1913 йилга келиб 10%-ни ташкил қилди. Олтин - танга стандарти иқтисодиётнинг бозор қонуниятлари билан тартибга солиниши шароитига ва хўжалик алоқаларининг жуда катта кўламда ривожланишига мувофиқ келмаганлиги сабабли емирила бошлади ва ушбу стандартнинг пул ва валюта тизимидағи ўрни йўқолди.

Уруш бошлангандан кейин ҳарбий ҳаражатларни қоплаш максадида урушда қатнашаётган давлатлар банклари банкноталарини кўпроқ эмиссия қила бошладилар ва банкноталарни олtinga алмаштириш тўхтатиб кўйилиши ва валюта чекловлари ўрнатилиши натижасида инфляция кучайиб кетди.

1-жаҳон урушидан кейин юзага келган валюта инкиrozидан кейин янги олтин ва олtinga алмаштириладиган етакчи валюталарга асосланган олтин-девиз стандарти жорий этилди. Халқаро ҳисоб-китобларда кўлланиладиган хорижий валютадаги тўлов воситалари девиз деб юритила бошланди.

2-халқаро валюта тизимига 1922 йилда Генуяда бўлиб ўтган халқаро иқтисодий конференцияда расмийлаштирилган халқаро келишув ҳуқуқий асос қилиб олинди.

Генуя валюта тизими куйидаги тамойилларга асосланади:

- Ушбу тизимнинг асоси қилиб олтин ва девиз – хорижий валюта олинди. Ушбу тизимда миллий кредит пул бирликлари халқаро тўлов ва резерв валюталари сифатида амал қила бошлади. Бу тизимда фунт стерлинг ва АҚШ доллари етакчилик қилди.

- Олтин паритет сакланиб колди.
- Эркин сузиб юрувчи валюта курси режими ўрнатилди.
- Валюта муносабатларни тартибга солиш халқаро конференциялар ва музокаралар орқали амалга оширилди.

1-жаҳон урушидан кейин АҚШнинг тез суръатларда ривожланиши натижасида молиявий марказ Фарбий Европадан АҚШга кўчиб ўтди. Шу даврга келиб АҚШнинг валюта-иктисодий салоҳияти сезиларли даражада ўсди, АҚШ карздор давлатдан кредитор давлатга айланди. АҚШнинг мажбурияти 1913 йилда 7млрд.

долларни, талаби эса 2 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, 1926 йилда мажбуриятлари 2 марта камайди, талаблари эса 6 марта га ошди ва 12 млрд. долларни ташкил қилди. Шу сабабли АҚШ олтин монета стандартини сақлаб қолган ягона давлат ҳисобланиб, доллар курси гарбий европа валюталарига нисбатан 10%дан 90%га кўтарилиган. АҚШ долларнинг гегемон валюта бўлишига катта зътибор қаратилган қураш олиб борди, резерв валюта мақомига иккинчи жаҳон урушидан кейингина эришди. Шу пайтда АҚШ долларининг ягона рақобатчиси фунт стерлинг ҳисобланарди.

Валюта барқарорлигини 30-йилдаги жаҳон инқирози издан чиқарди. Ушбу валюта инқирози кўйидагича характерланади:

- Циклли характер. Валюта кризиси жаҳон кризиси билан бирга юз берди.
- Таркибий характеристики. Ушбу тизим тамойили – олтин-девиз стандарти ўзини оқлай олмади.
- Инкирор узок давом қилди. 1929 йилдан 1936 йилнинг кузигача давом этди.
- Халқаро кредитлар, айниқса узок муддатли кредитлар бўйича қарздор давлатларнинг банкрот бўлганилиги сабабли тўловлар амалга оширилиши тўхтатилди ва тўлов баланси капиталлар оқимининг кескин бекарор ҳолатга келиши, валюта курсларнинг кескин тебраниши ва иқтисодий инқирордан путур етишлар кучайиб кетди.

▪ Ривожланишнинг нотекислиги.

Иккинчи жаҳон уруши даврида барча давлатлар валюта чекловларини ўрнатдилар, валюта курслари катъий белгилаб кўйилди ва шу давр мобайнида ўзгартирилмади. Шу боис валюта курси иқтисодий муносабатлардаги фаол ролини йўқотди.

Иккинчи жаҳон уруши инқирозни жуда чуқурлаштириб юборди ва Генуя валюта тизими бутқул издан чиқди. АҚШ долларининг жаҳон валюта тизимида етакчи рол ўйнашига интилишлари АҚШ молия вазирлиги валюта изланишлари бўлими бошлиги Г.Д. Уайнинг лойиҳасида ўз аксини топди. Англияда Ж.М. Кейнс томонидан ҳам лойиҳа ишлаб чиқилган эди, лекин АҚШ лойиҳаси ютиб чиқди. 1944 йил БМТнинг Бреттонвудсдаги конференциясида халқаро савдо, валюта кредит ва молия муносабатларининг қоидлари ўрнатилди ҳамда янги валюта тизими жорий этилди. Конференциядаги халқаро келишувда Бреттонвудс валюта тизимининг кўйидаги тамойиллари белгиланган:

- Олтин-девиз стандарти саклаб қолинди. Бу ерда девиз қилиб иккита давлат валютаси олинди: АҚШ доллари ва фунт стерлинг.
 - Халқаро келишувга асосан олтиннинг 4та шакли ишлатилиши кўзда тутилди:
 - а) Валютанинг олти^н паритети сакланиб қолинди ва Халқаро Валюта Фондидаги белгилаб қўйилди.
 - б) Олтин халқаро тўловлар ва резерв воситаси сифатида кўлланила бошланди.
 - в) АҚШ резервларининг ошганлиги сабабли ва иқтисодий салоҳиятининг ўсганлигини ҳисобга олиб, доллар олтинга тенглаштириди ва қуидагича белгиланди: **35 USD=1 троицк унцияси** (1 троицк унцияси **31,1035 граммга** тенг)
 - г) Ўрнатилган расмий баҳоларда доллар олтинга алмаштирила бошланди.
 - Валюта курслари ҳамда конвертация қатъий белгилаб қўйилган валюта паритетлари асосида аниқланган ва амалга оширилган. 10%дан юкори девальвация ХВФнинг рухсати билан амалга оширилган. Валюта курси ХВФнинг низомига асосан валюта паритетига нисбатан 1% атрофида тебраниб туриши белгиланган.
 - Халқаро валюта кредит ташкилотлари тузилди. Булар ХВФ ва ХТТБ (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки).
- Бреттонвудс валюта тизими инқирозининг сабаблари:
- 1) Иқтисодиётнинг бекарорлиги.
 - 2) Инфляциянинг ўсиши баҳоларга ва фирмаларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсири ўтказиши.
 - 3) Тўлов балансининг бекарорлиги. Тўлов балансида бир давлатнинг актив сальдога бошқа давлатнинг эса пассив сальдога эга бўлиши валюта курсининг кескин тебраниб туришига сабаб бўлди.
 - 4) Бреттонвудс тамойилларининг дунёдаги кучлар ўзгариши сабабли ўзини оқлай олмаслиги. АҚШ ва Англия тўлов балансини мувозанатлаш учун доллар ва фунт стрелингни девальвация қилиб турилиши бошқа давлатларга салбий таъсир ўтказди.
 - 5) Евродоллар бозорининг фаоллашуви.
 - 6) Трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) валюта соҳасидаги бузғунчилик роли. ТМК лар турли валюталарда жуда катта миқдорда активларга эга бўлганлар, хатто резервлардан ҳам кўп бўл-

ган, шу боис фойда олиш мақсадида чайқовчилик билан шугулланғанлар.

Бреттонвудс валюта тизимидан кейин ХВФга аъзо давлатлар томонидан янги халқаро валюта тизимининг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 1978 йил апрелда Кенгистонда (Ямайкада) келишув расмийлаштирилди. Ушбу валюта тизими куйидаги тамойилларга асосланди:

- Олтин-девиз стандарти ўрнига СДР стандарти киритилди.
- Ҳуқукий жиҳатдан олтин пул бирлиги (монетизация) тўхтатилди. Олтин паритетлари олиб ташланди ва АҚШ доллари олтинга алмаштирилиши тўхтатилди.
- Давлатларга валюта курсининг хоҳлаган режимини танлаш ҳуқуки берилди.
- ХВФ ўз мавқенини сақлаб қолди ва давлатлараро валютани тартибга солишни кучайтириди.

СДР стандарти остида доллар стандарти яширинган эди. Гарчи валюталар плюрализми тенденцияси кучайган бўлсада, халқаро тўлов ва резерв восита сифатида долларга муқобил валюта мавжуд эмас эди. СДРни қўллашнинг тўртта муаммоси бўлиб, булар:

- 1) Эмиссия ва тақсимлаш;
- 2) Таъминланганлик;
- 3) Курсни аниқлаш услуби;
- 4) СДРдан фойдаланиш соҳаси.

Дастлаб 1СДР = 0,888671 г. олтинга тенглаштирилди, кейинчалик ҳисоб-китоблар қўйинлашганлиги сабабли СДРни олтинга бөглаш олиб ташланди. 16 та валютадан иборат валюта савати ташкил килинди. Нефть казиб олуви чаржлар валюталарнинг кадри ошганлигини инобатга олиб, СДРни ҳисоблашни осонлаштириш мақсадида 1981 йил валюта саватидаги валюталар бештага туширилди.

Ямайка валюта тизимининг бекарорлигига жавобан 1979 йилда иктисолий интеграциялашув жараёнини тезлаштириш мақсадида Европа иттифоки давлатлари янги жаҳон валюта тизимини жорий килдилар. Европа валюта тизимининг асосий мақсади гарбий европапада валюта интеграциясини ва ҳудудда иктисолий интеграцияни кучайтиришга ҳамда АҚШ долларининг гегемонлигига қарши курашишга қаратилган.

Римда тузилган келишув асосида Европа иктисолий ҳамкорлик ташкилоти 1958 йилдан бўён амал қилиб келмоқда.

Ушбу тизим тамойиллари куйидагича:

- Асос килиб ЭКЮ жорий қилинди. Ушбу валюта савати 12 та давлат валютасидан иборат бўлиб, уларнинг курслари жами ЯИМдаги улушига қараб аниқланган.
- Ямайка валюта тизимидан фарқли ўлароқ Европа валюта тизими (ЕВТ)да олтиндан реал актив сифатида фойдаланилади.
- Валюта курси режими валюталарнинг биргаликдаги сузуб юришига асосланган.
- Тўлов балансидаги вақтингчалик дефицитларни қоплаш учун ЕВТ марказий банкларга кредитлар ажратиш орқали давлатларда валютани тартибга солиши амалга оширади.

Хозирги кунга келиб Европа валюта тизими ЭКЮни нақд валюта кўринишига «Евро»га айлантириди.

1.2. Валюта муносабатларини тартибга солиш ва валюта сиёсатининг пазарий асослари

Бозор иқтисодиёти билан боғлик жараёнларни бошқаришда, миллий валютани халқаро мавқеини белгилашда ва мамлакатнинг жорий ҳамда келажақдаги иқтисодий муносабатлари тизимида валюта сиёсати мухим рол ўйнайди. Валюта сиёсатининг шакли ва ўрни, мамлакат валюта-иктисодий ҳолати, жаҳон хўжалиги эволюцияси, жаҳон майдонидаги ўрни билан аниқланади. Тарихий ривожланишга назар соладиган бўлсак, биринчӣ навбатда. ҳар қандай валюта сиёсатининг асосий мақсадлари кўйидагича шаклланиб келмоқда: валютавий инқирозни бартараф этиш ва валюта қийматини таъминланганлиги, валютавий чеклашлар, валютанинг эркин алмашинуви, валюта операцияларини эркинлаштириш ва бошқалар. Мамлакатлараро муносабатларда валюта сиёсатининг асосий жиҳати: ҳамкорлик ва келишув, яъни ривожланаётган мамлакатлар ички сиёсатига молиявий ва маслаҳат хизматлари орқали ёрдам бериш.

Валюта сиёсати ҳукукий жиҳатдан валютавий конунлар асосида тартибга солинади. Буларга ҳукукий даражадаги чегараларнинг ўрнатилиши, мамлакат ичкарисида ва мамлакат ташқарисида валюта қимматликлари билан бўладиган муносабатларни тартибга солиш, валютавий муаммолар бўйича икки томонлама ва кўп томонлама мамлакатлараро валютавий келишувларни тузиш киради. Валюта сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўлларидан бирин давлатнинг халқаро ҳисоб-китоблари бажарилишини бошқариш ва миллий, мамлакатлараро, ҳудудлараро валюта муносабатларини

амалга оширишдан иборат. Валютани тартибга солишининг бевосита йўли - бу конуний хужжатлар ва ҳукуматнинг ижро органлари орқали амалга оширилади. Билвосита йўли - эса бу бозор агентларининг иктисодий ҳаракатланишига, иктисодий усуллар. Хусусан, валюта-кредит усуслари билан таъсир этади.

Валюта сиёсати – бу валюта муносабатларини бошқариш ва тартибга солиш бўйича давлат томонидан ишлаб чиқилган чоратадбирлар йигиндисидир.

Валюта муносабатларини тартибга солиша куйидагилар иштирок этишади:

- Йирик валюта маблағларига эга бўлган хусусий корхоналар, валюта муносабатларида актив иштирок этаётган миллий ва халқаро банклар ҳамда корпорациялар;
- Молия вазирлиги, Марказий банк, валюта назорати ташкилотлари.

Халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш валюта, кредит ва молия сиёсатининг куйидаги тамоилилари асосида шаклланган:

- Миллий иктисолиётда валюта, кредит ва молия муносабатларининг бир бирига ўзаро боғлиқлиги.
- Ҳўжалик муносабатларини эркинлаштириш шароитида бозор ва давлат бошқарувини бозор томон юз тутиши.
- Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жаҳон сиёсий ва иктисолий майдонида асосий куч ҳисобланган АҚШ ўрнида учта асосий ҳамкорлик ва қарама-қарши марказларнинг ташкил топиши: АҚШ, Фарбий Европа ва Япония.
- Жаҳондаги етакчи валюталар, кредит ва молия бозорлари, яъни сузиб юрувчи курслар, фоиз ставкалари, биржа инқирозлари ва бошқалар ўзгаринининг барқарор эмаслиги.
- Бир-бира га ўзаро боғлиқ бўлмаган ички миллий иктисолий сиёсатнинг халқаро ҳўжаликдаги интеграциялашуви.

Мамлакатлараро валютани бошқариш ташкилоти бўлиб Халқаро валюта фонди (ХВФ) ҳисобланади.

Валюта сиёсати мақсад ва шаклига кўра таркибий ҳамда жорий шаклларга бўлинади. Таркибий валюта сиёсати жаҳон валюта тизими таркибини ўзgartирishiшга қаратилган узоқ муддатли тадбирлар мажмунидир. Улар барча мамлакатларнинг мақсадларига тўғри келадиган, алоҳида валюталарни шакллантиришга қарши қаратилган

валюта тадбирлари орқали амалга оширилади. Таркибий валюта сиёсати жорий валюта тизимиға ўз таъсирини кўрсатади.

Жорий валюта сиёсати валюта курси, валюта операцияси, валюта бозорининг фаолияти ва олтин бозорини киска вактда тезкорлик билан бошқаришдир. Валюта сиёсатининг куйидаги икки шакли мавжуд: дисконт ва девиз сиёсати. Унинг кўринишлари – валюта интервенцияси, валюта захираларини диверсификациялаш, валютавий чеклашлар, валюта курсининг тартиби, девальвация, ревальвация.

Дисконт сиёсати бу Марказий (Миллий) банкларнинг фоиз ставка сиёсати бўлиб, у валюта курсига икки томонлама таъсир этиш мақсадида олиб борилади. Фоиз ставкасини ошириш билан хорижий инвестор маблағлари мамлакат ичкарисига жалб этилади, валюта окимини кучайтиради, шу билан бирга инфляция жиловланади ва миллий валюта қадри ошади. Фоиз ставкаси тушганида аксинча ҳолат кузатилади. Дисконт сиёсати асосан, капитал окими эркинлаштирилганида самара бериши мумкин.

Валюта сиёсатининг бу шаклидан ривожланган мамлакатлар тўлов балансини мувозанатлаш мақсадида олиб боришади.

Ушбу жадвалдан кўриб турганимиздек, келтирилган мамлакатларда фоиз ставкалари турли даражада белгиланган. АҚШ ва Буюк Британияда узок йиллардан бери (1960 – йил охиридан бошлаб) тўлов баланс дефицити кузатилиб келмоқда, аксинча, Япония ва Европанинг бир катор етакчи давлатлари профицит тўлов балансига эга. Тўлов балансининг дефицити, албатта, салбий ҳолат бўлсада, профицитни ҳам ижобий деб бўлмайди. Шу боис, жадвал маълумотларида ҳам акс этаётганидек, тўлов баланси дефицитига эга давлатлар фоиз ставкасини бошқаларга нисбатан оширишади, ўз навбатида профицит кузатилаётган давлатлар капитал экспортини амалга ошириш билан фоиз ставкасини туширишади.

Валюта сиёсатининг девиз шакли валюта айирбошлиш операцияларига ҳукуматнинг хорижий валюта олди – сотдиси орқали таъсир этиш, уларни чеклаш билан боғлиқ тадбирларида намоён бўлади. Девиз сўзи Генуя валюта тизимида муомалага киритилиб, у етакчи валюталарни шу ном билан аташ мақсадида қўлланилган (шунинг учун ҳам бу тизимни «Олтин – девиз стандарти» деб киритилади).

Девиз сиёсатининг асосий кўринишларидан бири интервенция хисобланади. Интервенция орқали Марказий банклар валюта курси

1.4 - жадвал

Ривожланган мамлакатлар Марказий банкларининг фоиз ставкалари⁵

Давлатлар	
1.	АҚШ федерал тизими Федерал фондлар бўйича фоиз ставкаси – бу фоиз бўйича тижорат банклари федерал резерв тизими хисобварағидаги маблагларни бошқа банкларга overnight шарти асосида жойлаштиришда кўлланилади. Дисконт ставкаси – бу фоиз бўйича федерал резерв тизими тижорат банкларга ликвидлилигини таъминлаш учун кредит беришда ишлатади. Унинг аҳамияти федерал фондлар бўйича фоиз ставкасидан паст юради.
2.	Англия Банки Репо битимлари бўйича ставка – бу ставка бўйича Англия Банки тижорат банкларга қимматли қоғозлар гарови асосида кисқа муддатли кредит беришади. Шунингдек, у Буюк Британияда асосий ставка хисобланади.
3.	Европа Марказий банки Кайта молиялаш ставкаси – бу ЕМБ тендер маблагларни жалб килишда минимал ставка хисобланади. Асосий фоиз ставкаси. Депозитлар бўйича ставка – ЕМБ институтларида маблаг жойлаштириш учун ишлатилади. Қарз маблаглари бўйича чегаравий ставка – бу ставка ЕМБ институтларидан кисқа муддатли ликвидлиликни таъминлаш мақсадида қарз маблагларини олиш мумкин. Бу ставка overnight бўйича энг юқори ставка хисобланади.
4.	Япония Банки Overnight қарзлари бўйича мақсадли фоиз ставкаси – бу кисқа муддатли депозитлар бозорида белгиланадиган фоиз, у асосий ставка хисобланади. Бу ставкага Япония Банки давлат қимматли қоғозлари олди-сотдиси билан таъсир кўрсатади.

⁵ <http://www.forexite.com>

		Дисконт ставкаси – бу фоиз бўйича Япония банки қисқа муддатли ликвидлиликни таъминлаш мақсадида кредит беради.
5.	Швейцария Банки	Уч ойлик LIBOR ставкасининг кенглиги. Қисқа муддатли фоиз ставка даражасини бошқариш мақсадида Банк LIBOR нинг Швейцария франки бўйича фоиз ставкасининг 1,00 % кенглиги ни таъминлашни қабул қилган.

баркарорлигини таъминлаб туришади. Қатъий ўрнатилган валюта курси режимида интервенцияга бўлган эътибор ортади.

Бунда валюта курсини бир маромда ушлаб туриш учун Марказий банк олтин – валюта захираси ҳисобига хорижий валютани сотади (миллий валютани қадрини ошириш учун) ёки харид қиласди (ревальвация шароитида валюта қадрини тусириш учун). Валюта курси режими эркин сузуб юришга яқинлашган сайн интервенция қисқариб боради. Бу шароитда интервенция валюта курсининг кескин тебранишини коплашга қаратилади.

Девиз сиёсатида девальвация миллий валюта қадрини тусириш билан боғлиқ тадбирга айтилади. Одатда, девальвация миллий экспортни раббатлантириши мақсадида амалга оширилади. Шу ўринда, девальвациянинг салбий оқибатини, яъни унинг миллий валюта қадрини тусириш билан боғлиқ жиҳати сифатида мамлакатда инфляцияни жадаллашувига олиб келишини айтиш жоиз. Шу боис, девальвация мамлакатда кечётган инфляция даражасидан юкори бўлган ҳолатдагина экспортчиларга қўшимча даромад келтириши мумкин. Девальвациянинг акси, яъни ревальвация асосан экспорт салоҳияти катта бўлган мамлакатларда кузатилиб, миллий валюта курсининг ошишида акс этади.

Маълумки, Марказий банк мамлакат олтин – валюта захирасини бошқаради. 1970 – йил бошларидан валюта курси паритети сифатида валюталар саватидан кенг фойдаланилган. Унинг ёрдамида валюта курси шакллантирилган.

Бунда миллий валюта қадрини жаҳон бозорларидағи ўзгаришлар таъсирида тушиб кетиши олдини олиш мақсадида, валюта савати деверсификация қилинган. Ҳозирги кунда валюта захиралари деверсификацияси бекарор валютани «соғлом» валютага айлантириб, ортиқча валюта йўқотишлар олдини олишга қаратилади.

Жадвал маълумотларидан, АҚШ долларининг девальвациясига қарамасдан валюта захираларининг аксарият қисми айнан шу валютада йигилмоқда. Иккинчи ўринда мавқеи йилдан – йилга ошиб бораётган ЕВРО турибди.

Валюта чекловлари – бу валюта қимматликлари билан операцияларни ўтказиш бўйича давлат меъёрлар тизимиdir. Валюта чекловлари қўлланиш соҳаси, таркиби ва тузилмаси билан фарқланади. Тўлов балансининг жорий операциялари бўйича чекловларнинг қўйидаги шакллари мавжуд:

- экспорт бўйича тушумга қўлланиладиган чекловлар;
- импортчиларнинг хорижий валюта харидини чеклаш;
- муддатли битимларни тузиш бўйича чекловлар;
- чет элга маҳсулотларни миллий валютада сотишни таъкилаш;
- баъзи маҳсулотлар импортини хорижий валютада сотишни таъкилаш;
- экспорт – импорт операциялар бўйича тўлов муддатини тартибга солиш;
- кўп погонали валюта курси тартибини қўллаш.

Тўлов балансининг дефицити ҳолатида капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйича қўйидаги чекловлар қўлланилади:

- валюта қимматликларини олиб чиқиш, кредит беришни чеклаш;
- кредит ва молия бозорлари фаолиятини назорат қилиш;
- миллий банкларнинг хорижий валютада берилаётган кредитларни иштирок этишни чеклаш;
- резидентларга тегишли қимматли қоғозларни мажбурий тортиб олиш.

Айирбошлаш курси сиёсатида хукумат валюта курси тартибини белгилайди.

1.3. Валюта инқирозларининг валюта муносабатлари эволюциясида тутган ўрни

1.3.1. Валюта инқирозининг келиб чиқиш сабаблари

Валюта инқирозини белгилаб берувчи индикаторлар сифатида одатда қўйидагилардан фойдаланилади:

- Миллий валюта девальвацияси;
- Валюта бозорида курс девальвацияси, захираларни кисқариши ёки фоиз ставкаларининг ўсишида акс этадиган ҳолатлар юзага келиши;
- Миллий валюта⁶ девальвациясининг ахоли бойлиги қисқариши билан бирга кечиши.

Бу ҳолатда, микдорий кўрсаткичларни камайтириш мақсадида, ривожланаётган мамлакатларда валюта инқирози деганда, номинал курсининг 20% дан ортиқ девальвацияланишига айтилади. Миллий валюта девальвацияси одатда АҚШ долларига нисбатан олинади. Бу бир томондан, ўша мамлакат валюта курсларини азалдан АҚШ долларига боғлангани билан асосланса, иккинчи томондан, Американинг жаҳон иқтисодиёти ва молия тизимида эгаллаган салоҳияти билан боғлаш мумкин.

Валюта инқирозларини баҳолаш ХВФ томонидан амалга оширилади. Валюта инқирозларини аниқлаш мақсадида, номинал курсининг йил давомида миллий валюта курсининг АҚШ долларига нисбатан 20% дан ошган девальвация ҳолатлари қайд этилади.

Жаҳон валюта тизимининг даврий инқирози эски тизим конуниятлари бузилиши ва янгисини ташкил этилишига олиб келади. Янги валюта тизимининг барпо этилиши куйидаги босқичларга бўлинади:

- тикланиш, келгуси тадбирларни ташкил этиш, янги тизим конуниятларини аниқлаш - бунда олдинги тизим асоси билан нисбий алоқадорлик мавжуд бўлади;
- тузилмавий бирликни шакллантириш, янги тизим конуниятларини тадбик этиш;
- тўлиқ амал қиласидаган янги тизимни унинг ташкилий элементлари асосида барпо этиш.

Ундан сўнг мамлакатлар валюта ва иқтисодий муносабатларининг ҳолати яхшилангач, мос равишда жаҳон валюта тизими самарали амал кила бошлайди. Худди шундай ҳолат Генуя ва Бреттон Вудс валюта тизими шаклланган даврларда кузатилган.

Валюта инқирозлари иқтисодиётнинг ташкилий тузулмасини издан чиқаради, миллий валютани бекарорлиги натижасида ташкил савдони қийинлаштиради ва оғир ижтимоий-иктисодий оқибатларга олиб келади. Бу, ўз навбатида, ишсизлик даражасининг ўсиши, иш ҳақларининг кечикиши, қимматчиликни юзага келишида акс этади.



1.1-расм. Валюта инқирозининг турлари.

Валюта инқирози мамлакат миллий валютасининг кескин қадрсизланиши ҳисобланади. Баъзи адабиётларда валюта инқирози миллий валютанинг 25-35 % девальвацияланиши натижасида юзага келиши келтирилган бўлса, бошқа манбаларда, жумладан, ХВФ кўрсатмасига мувофик, номинал курснинг АҚШ долларига нисбатан 20% кўп кадрининг йўқолиши валюта инқирозини англатади.

Проф. Л.Н.Красавинанинг фикрича, валюта инқирозларининг қуидаги турлари мавжуд:

- тўлов баланси инқирози;
- давлат ташки қарзи инқирози;
- давлат ички қарзи инқирози.

Америкалик иқтисодчи олим, Нобель мукофотининг лауреати П.Кругманнинг «Balance of Payment Crises and Capital Flight» номли модели асосида инқирознинг яна бир тури – хусусий сектор қарзи инқирози аниқланди (1.2-расмга қаранг).

1. Тўлов баланси инқирози. Бу – Марказий банк қатъий ўрнатилган ёки шунга яқин бўлган валюта режимларидан фойдаланганида, монетар сиёсатнинг бошқа мақсадларига зид равишда иқтисодиётда юзага келган номутаносибликлар натижасидаги инқироз ҳисобланади. Масалан, пул массасининг бошқа мамлакатларга караганда ўсишининг кўпайиши бу мамлакатда инфляцияни юзага келтиради ва валюталар тенглик қонуниятидан келиб чиқкан ҳолда, миллий валюта курсини туширади. Қатъий ўрнатилган валюта курсида эса Марказий банк интервенция қилиб, курсни ушлаб туришга мажбур бўлади. Бу ҳолат давомийлиги Марказий банкнинг валюта захиралари ҳажмига боғлиқ бўлади. П.Кругманнинг

«Balance of Payment Crises and Capital Flight» моделида бу инқирознинг юзага келиши иктисадий сиёсат, хусусан бюджет дефицити монетизацияси ва қатъий ўрнатилган курсни таъминлашга бўлган уриниш ўртасида фундаментал номутаносиблик ҳолатидан бошланади⁶, деб тавсифлаган.

2. Давлат қарзи натижасида юзага келадиган валюта инқирози. Бу инқироз давлатнинг ички ва ташки қарзларининг хаддан ташқари ошиб кетиши ва инвесторлар орасида маблағларнинг асосий қисмининг қайтиши бўйича шубҳаларининг ошиши натижасида келиб чиқади. Бунда қарз олган давлатта бўлган ишончнинг йўқолиши, маблағларни муддатдан аввал чакириб олинишига ва хорижий валютага бўлган талабнинг кескин кўтарилишига олиб келади, натижада миллий валюта кескин қадрини йўқотади.

3. Хусусий сектор қарздорлигининг валюта қадрини тушишида акс этиши. Бунда инқироз давлат қарздорлиги унча катта бўлмаганида ҳам юзага келиши мумкин.

Валюта инқирозлари учинчи турининг ёрқин кўриниши сифатида Шарқий Осиё мамлакатларида кечган 1997-1999 йиллардаги инқирозни келтириш мумкин. Унинг натижасида, миллий валюта ва мамлакатлар ички активлари қадри 20 – 75 % гача пасайди, ЯИМ эса 7 – 20% гача қисқарди⁷.

Бу инқирознинг ўзига хослиги шундаки, у нисбатан кичик мамлакат, Таиланддан бошланган ва кўшни мамлакатларида қучайиб (Шарқий Осиё ва МДҲнинг баъзи мамлакатлари) дунёning бошқа худудлари (Лотин Америкаси)гача тарқалди.

1997 йил июлида Таиланд Марказий банки миллий валютани қаттиқ валюталар саватига боғланишини пасайтириши тўғрисида хабар берди. Натижада валюта курси кескин туша бошлади, худди шундай вазият Малайзия, Индонезия ва Филиппинда ҳам кузатилди.

90 – йилларнинг ўрталаригача Таиланд юқори суръатларда ривожланиб келди ва унинг модели бошқа ривожланадиган мамлакатларга намуна сифатида хизмат қилди. Мамлакат ЯИМ ўсиши йилига 6 – 12 % бўлиб, унда товар ва хизматлар экспорти 30% дан кўпни ташкил қиласди.

⁶ P.Crugmann. Balance of Payment Crises and Capital Flight.

⁷ Под ред. Э. Трушина «Опыт развития финансовой и фискальной системы и привлечения прямых иностранных инвестиций в Восточной Азии: уроки и рекомендации» - Алматы 2001.

Халқаро эксперталар фикрига кўра, Таиланд молиявий эркинлаштириш дастурини юкори самарада амалга оширди. Бунда валюта назорати юмшатилди, фоиз ставкаси бўйича барча чекловлар олиб ташланди, банк назорати кучайтирилди ва капитал бозори ривожланиши рагбатлантирилди. Бунинг натижасида, кредитглаш ҳажмида хусусий сектор улуси кескин ошди ва 1995 йилга келиб, у жами жалб этилган маблаглар таркибида қарийб 99 %га эга бўлди. Фоиз ставкасининг эркинлашуви мамлакатга хорижий инвестиция оқимини янада кучайтиргди.

Фоиз сиёсатининг эркинлашуви ва капитал ҳаракатини назорат килиш юмшатилиши хусусий иктиносидий агентларга хориждан қисқа муддатли қарз маблағларини жалб килишни тезлаштириб юборди. Бунда маблағларнинг асосий қисми кўчмас мулка кўйилди. Шу билан бирга молиявий воситачиларнинг кредит лойиҳасини баҳолашда валюта рискини ҳисобга олишмаган ва қисқа муддатли кредитлардан узок муддатли лойиҳаларни молиялашда фойдаланилган. Буларнинг барчаси мамлакат ташки карзининг ошишига олиб келган.

Мамлакат валюта захиралари ҳам сезиларли пасайган. Валюта захираларининг асосий қисми қисқа муддатли кредитлар ҳисобига ташкил этилган. Бундан ташқари, молия бозорида спекулятив операцияларнинг кучайиши вактида захиранинг анчагина қисмн миллий валюта барқарорлигини таъминлашга ишлатилди.

Бу каби инқирозлар замонавий очиқ иктиносидиёга эга бўлиш ҳар доим ҳам ижобий натижалар беравермаслигидан далолат беради ва макроиктисодий сиёсатда хатога йўл қўйган мамлакатларни «жазолайди». Бу албаттга жаҳон бозорларининг глобаллашуви инқирози эканлигини англатмайди. Инқирозлар фақатгина макроиктисодий сиёсатни олиб боришда маълум меъёрларда сакланиш заруратини таъкидлайди.

1.3.2. Жаҳон тарихида қузатилган асосий валюта инқирозлари

Металл стандарти даврида қузатилган инқирозлар.

Бу инқирозларнинг умумий жиҳати металл захираларини йўқотиш билан боғлик. Бу даврдаги ҳар бир инқироз ўзига хослиги билан ажралсада, уларнинг умумий элементи, хукумат олдида ички ёки ташки максадларга қаратилган сиёсатни кўллаб қуватлашда акс этган эди. Ташки мақсадлардан воз кечиш, яъни катъий

белгиланган курс асосида валютани айирбошлашни қўлламаслик валюта инқирозининг келиб чиқишини белгилаб берган.

Жон Лоу операцияси (1716-1720).

1705 йилда Жон Лоу пулни чиқариш билан йирик иқтисодий лойиҳаларни молиялаштириш, бу билан нархни кўтартмаган ҳолда реал бойликни кўпайтириш мумкин деб ўйлаган. Бу назарий қараш Францияда амалда кўллаб кўрилган. 1716 йилда банкноталарни эмиссия қилувчи банк тузилган, шунингдек, Луизиана билан савдо монополиясига зга компания ташкил этилган. Кейинчалик унинг монополияси тамаки соҳасини, Африка билан савдо қилишда ва охир оқибат мамлакатнинг ташки савдосини қамраб олди. 1719 йилда бу конгломерат (бир қанча соҳаларда монопол фоалият юритаётган фирма) монета чиқариш ва соликларни йигиш хукуқини кўлга киритди шу билан бирга компания давлат қарзни бозор нархи бўйича, яъни нисбатан пастроқ фоиз асосида сотиб олди.

Компания акциялар сотувини кўпайтириш мақсадида банк банкнота эмиссиясини оширди. 1720 йилда акция эгалари фойдаларини металлга алмаштиришлари натижасида акциялар нархи 10 000 ливрдан пастга тушиб кетди. Лоу 100 ливрдан кўп бўлган монетадаги тўловларни таъқилади. 1720 йилда компания банк бошқарувини ўз қўлига олди ва у эмиссия қиласидан банкноталарни қонуний тўлов воситаси сифатида зълон қилди. Нархларнинг тушиши натижасида банк 9000 ливр қиматида қатъий курсни белгилади ва акцияларни банкноталарга алмаштириш билан интервенция амалга ошира бошлади. 1720 йилнинг майида муомаладаги қонуний пул воситаси ҳамда нарх даражаси икки баробар ошиши ва металл захирасининг қисқариб кетиши оқибатида курсни қатъий белгилаш бекор қилинди. Қироллик Банки захирасига бошланган хужум Лоуни олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилди, бу эса ишончсизлик инқирози ва унинг операциясининг тааназулга учрашига олиб келди.

Франциядаги бу инқироз 1720 йил майидан декабригача кузатилган дефляциядан қатъий назар юзага келди. Муомаладаги банкноталар 1720 йилда 56%гача қисқарди. 1721 йилда акциялар нархи 500 ливргача тушиб кетди. Металл ўзининг 1720 йилдан аввалги кийматигача ревальвацияланиб, муомалага яна кириб келди.

Англия (1797).

1797 йил 27 февралда Англия Банкининг захира ҳажми 1 млн. фунт стерлингта тушиб кетгани туфайли олтин стандартини тўхтатиб кўйди. Франция билан бўлган урушдан олдин бу миқдор 4

млн. фунтни ташкил этган эди. 1793 йилдан 1797 йилгача бўлган даврда ҳарбий ҳаражатларни молиялаштириш ва конвертация масалаларида зиддият янада кескинлашди. Ниҳоят, 1797 йил февралида Англия Банкининг банкротлигини олдини олиш мақсадида, ҳукумат вақтинчалик олтинга эркин айирбошлишни тўхтатиб кўйди. Кўп ўтмай Банк айирбошлишни қайта тиклашга тайёрлигига қарамасдан, ҳукумат фаолиятни давом эттиришга рухсат бермади. Айирбошлиш ҳар йили 1803 йилгача вақти вакти билан тўхтатиб турилиб, тинчлик шартномаси тузилгандан сўнг, олти ойдан кейин фаолият давом эттирилди.

Америка Кўшма Штатлари (1861).

1861 йил апрелда, фуқаролик уруши бошланганида, Газначилик бошлиги этиб Салмон Чейз тайинланган эди. У Нью Йорк, Филадельфия ва Бостон банклари билан учрашиб, уларнинг ҳар бири ҳукумат учун 50 млн. доллар қарз беришларига келишиб олди. Банклар шу заҳотиёқ қарзнинг 5 млн. доллар teng қийматдаги металлни тақдим этишди, кейинги қисмларини зарурат туғилганида ўтказилиши керак эди. Чейз уч йиллик облигация, яъни газначилик ноталарини йиллик 7,30% билан эмиссия килиб, тушадиган маблағ ҳисобига банк авансини коплашга рози бўлди.

Нью Йорк банклари монетадаги захиранинг нетто – мажбуриятларини 25% қийматида таъминлашга тайёрлигини хабар беришди. 19 августда 35 млн. доллар ҳукумат ҳисоб варагига кўчириб берилиди, банклар эса ҳар ҳафтада 3,5 млн. долларни металл билан тўлай бошлади. 2 сентябрга келиб аксарият банкларда дефицит ҳосил бўлди ва Ҳисоб Палатаси улардан кундалик тўловларни ола бошлади. 19 сентябрда Ҳисоб Палатаси ссуда сертификатларини чиқара бошлади. Фоизларни тўламаслик мақсадида, дефицитга эга бўлган банклар сертификатларини олтинга алмаштириб олишни бошладилар. 1 октябрда Нью-Йорк банкларига яна 35 млн. доллар микдорида газначилик ноталари ўтказиб берилиди, 16 ноябрда эса яна шу қийматга teng сумма кўчириб берилиди. Декабрда газначилик тақдим этувчига (гринбэк) чиқарилган ноталар эмиссия қилинди ва банклардан металл запасларининг яна бир қисми олинди. Ой охирида банклар олтин билан тўлашни тўхтатдилар, мос равищда Газначилик ҳам шундай килди. Конвертация олтин захираси қисқаришига олиб келган қоғоз пулларнинг ортиқча эмиссияси натижасида тўхтатилгани йўқ. Инкиroz Газначиликнинг ин-

ституционал хусусияти ва раҳбариятнинг ҳаддан ташкари қатъйлиги натижасида юзага келди.

1861 йилда олтин билан тўлашнинг тўхтатилиши шу захотиёқ олтин нархини кўтариб юборди. Олтин тўловлари 1879 йил 1 январга келиб қайта тикланди.

Долларнинг юмшоқлиги (1894 – 96).

1890 йилдан сўнг АҚШ бюджетининг дефицити ва шу йили конуний тўлов воситаси – олтинга алмаштириладиган газначилик ноталарининг чиқарилиши натижасида долларга бўлган ишончсизлик янада ошди. Дефицитни молиялаштириш учун Фазначилик олтин захираси ва банкноталар эмиссиясидан фойдаланди. Муомалага чиқарилаётган банкноталар олтин захирасига хавф sola бошлади. 1894 йилнинг январи ва нояброда Фазначилик олтин захирасини камида 100 млн. доллар ҳажмида қайта тиклашга ҳаракат килди ва 50 млн. доллар қийматга teng 10 йилга мўлжалланган йиллик 5% асосида облигациялар чиқарилди. Инвесторлар банкноталардан, облигация учун тўланадиган олтинни харид қилиш учун фойдаланаидиган бўлдилар, бу эса мамлакат олтин захирасини кўпайтиришга хизмат қилмас эди. 1895 йилнинг январида олтин захирасига бошланган ҳужум, унинг ҳажмини 45 млн. долларгача тушириб юборди.

Фазначилик 1895 йилда банк синдикати Бельмонт – Морган билан битим тузди. Битим шартларига мувофик, мазкур синдикат монеталарни келишилган шартлар асосида харид қилиш ҳукуқига эга бўлди ва бозорда 30 йилга мўлжалланган йиллик 4% бўйича облигацияларни жойлаштириш мажбуриятини олиб, газначиликка олтин захирасини тўлдириш учун олти ойлик киска муддатли кредит линиясини очиб берди. 3,5 млн. унциянинг ярми Европадан келтирилиши лозим эди, бунда ҳар ой 300 минг унция олиб киришга рухсат берилган. Синдикат банкнотани алмаштириш ёки хорижий валютани сотиб олиш билан Фазначиликни олтин чиқиб кетишидан саклашга рози бўлди. Шунингдек, у қўшимча 25 млн. долларга teng олтинни банкнотага алмаштириш учун тақдим этди. Лондондан Нью-Йоркда сотишга мўлжалланган хорижий валютани қарзга олиш билан валюта бозорини тартибга солишни ўз қўлига олди. Синдикат 68,8 млн. доллар қийматидаги облигацияларни жойлаштиришга муваффак бўлди.

Битим тузилгач, олтин газначиликдан беш ой давомида олинмай турди. 1895 йил август ойининг охирида қишлоқ хўжалиги

экспортининг кўпайиши ва олтин импортиning кўпайиши билан синдикат тарқатилди.

1894 – 96 йилларда кузатилган АҚШдаги олтин стандартининг инқироз девальвациясини олдини олиш учун хорижий валютада кредит линиясини очиш самарали эканлигини кўрсатди.

1914 йилдаги инқироз.

1914 йилдаги инқирознинг ўзига хослиги Лондон орқали ҳалқаро ҳисоб – китобларнинг тўхтатилиши билан боғлиқ. Бу инқироз валюта бозори фаолиятини бузилишига олиб келган бўлсада, лекин ички ва ташки макроиқтисодий мақсадлар ўртасида зиддият юзага келмаган. Бу тизим инқирози бўлиб, у бутун жаҳон олтин андоза тизимини бузилишига олиб келган.

Банклар накд пулга бўлган оммавий талабнинг кескин ошишини таъминлаш учун фақатгина қисқа муддатли кредит шартномаларини тузишни бошладилар. Лондон фоизлар бозори янги векселлар оқимидан маҳрум бўлди. Лондондаги акцептловчи уйлар янги кредитларни тақдим этишни рад этиш. Бунинг натижасида норезидентлар ўз стерлинг колдикларини тўлдира олмай колишиди. Узок муддатли кредит бериш тўхтатилди. Лондон Фонд Биржаси ишлаб тургани учун қимматли қофозларни фунтга алмаштириш имкони бор эди. Нархнинг кескин тушишидан хавотирда бўлган биржалар иш фаолиятини тўхтатишиди.

1 августда Англия Банки асосий ставкани йиллик 10% гача кўтарди, ҳисоб уйлари ва Фонд биржасига талаб қилингунча депозитларни қоплаш учун кредит берди, шунингдек, Фазначиликдан конун билан белгиланган меъёрдан ортиқча бўлган эмиссия килишга расмий рухсатномани олди. Банклардан омонатларни оммавий олиниши юзага келмаган бўлсада, Фазначилик валюта ноталарини чиқарди. Англия Банки 13 августда асосий ставка бўйича 4 сентябргача акцептланган векселларни ҳисобга олиш мажбуриятни кабул қилди ва акцептловчиларга тўловни асосий ставкадан иккифоиз ортиқ бўлган ставка бўйича амалга оширишларида муддатни узайтириш имкони берилди. Бундан ташқари, Банк 5 сентябрда, мораторийгача бажарилган барча акцептлар бўйича маблаглар борлигини эълон қилди ва бу акцептловчилар ўз мажбуриятларини бажаришларига ёрдам берди. Бунда банк янги векселлар ҳисобини молиялаштиришга рози бўлди. 1915 йил 4 январда Лондон Фонд биржасининг қайта очилиши уруш бошланиши билан юзага келган савдодаги «танаффус»нинг тугашини англатди.

Нью-Йорк пул бозорлари фаолиятининг бузилиши банкларни вакил банклардан олтинни олишни тезлаштирди. Одрич – Фрилэнд конуни валютага бўлган ички талабни камайтирди, лекин фунт танқислиги муаммоси бартараф этилмади. Нью-Йорк банклари хорижда қайтариладиган облигациялар гарови асосида кредит бера бошлади. Лондон эса олтинни талаб этар эди. 100 млн. долларга тенг олтин пул 1 сентябрда Нью-Йорк ва бошқа шаҳарлардан йигиб олинди. Банклар долларни фунтга алмаштириш билан тўланадиган ташки карз бўйича барча маълумотларга эга бўлишди. Банклар ҳар куни келгусида шаклланадиган курс тўғрисида ахборот оладиган бўлишди.

1914 йил охирига келиб, Европадаги урушда қатнашаётган мамлакат валюталарига нисбатан долларнинг қадри анча кўтарилиди. 1915 йил бошида фунт стерлинг курси АҚШга экспорт қилинаётган олтин нархидан ҳам тушиб кетди ва йил давомида қадрсизланиб борди.

1918 йил 18 майдан бошлаб, Англия олтинни премия билан ҳарид қилишни ноконуний деб белгилаб қўйди ва олтин бозоридаги операциялар тўхтатилди. АҚШда олтин экспорти 1917 йилдан 1919 йил июнигача лицензияланиши жорий этилди. Иккала мамлакатда ҳам банкнота ва олтиннинг айирбошланиши ҳамда олтиннинг ҳалқаро эркин ҳаракати тўхтатилди.

Франция франкнинг инқизори (1923 – 26).

1919 йил марта бўлган франкнинг қатъий белгиланишидан воз кечиш нитижасида унинг қиймати кескин пасайиб кетди. 1920 йил 31 декабрида инфляцияга қарши қаратилган қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, Франция Банки аванс тариқасида ажратган молиявий маблаглари ҳар йили қайтарилни лозим эди, шунинг учун ҳукуматни кредитлаш сезиларли чекланди. Бюджет соҳаси яхшиланиши билан франк курси 6,27 дан 8,99 гача кўтарилиди.

Миллий бюджет франк учун жиддий муаммо тугдираш эди. Бюджет одатий ва маҳсус бўлимларга бўлинди: маҳсус бўлимда акс этган маблаглар Версалъ шартномасига кўра, репатриация шаклида Германияда урушдан кейинги тикланиш ҳаражатларига сафарбар этилди. Германияда ҳукм сурган гиперинфляция шароитида унинг тўлов қобилияти шубҳали бўлиши франк курсини яна тушишига сабаб бўлди. 1922 йилга келиб, франк 8,99 дан 5,25 гача қадрсизланди. 1923 йилда ҳукумат Франция Банкига қарзни қайтариш

қобилятига эга эмас эди ва 1924 йил марта келиб, курс 3,49 гача тушиб кетди.

Инкирор жойларда янги соликларни жорий этиш ва Франция Банкидаги олтинни гарови остига олинган 100 млн. доллар ва 4 млн. фунт микдорида хорижий кредитларни олиш билан бироз юмшади. Кредит маблаглари курсни барқарорлаштиришга қаратылған эди, натижада валюта захираси түлдірилди ва курс 6,71 гача күтарилди. Янги соликларнинг жорий этилиши бюджетнинг одатий бўлимини тиклашга ёрдам берди, аммо Даузэ режаси бўйича бюджетнинг маҳсус бўлимини молиялаштиришга маблаг етмай қолди.

1925 йилда давлат қарзини қимматли қогоз сифатида жойлаштириш билан боғлик тадбир оқланмаганилиги туфайли сентябрда 4,7 ни ташкил этган курс 1926 йил июляига келиб 2,05 гача қадрсизланди. Молиявий барқарорлик бош вазир ва молия вазири сифатида Пуанкаренинг тайинланиши билан қайта тикланди (Пуанкаре замондошларидан фарқли ўлароқ, капитални соликка тортишга қарши эди). Йил охирида франк 3,95 центгача күтарилди. Франция Банки курсни шу қийматда қатъий белгилаб кўйди ва 1928 йил июнда барқарорлаштириш кузатилди.

Фунт стерлинг инкирори (1931).

Кетма – кет келган сиёсий ва иктисадий зарбалар фунтнинг олтинга боғликларини узилишига олиб келди. 1931 йилнинг биринчи ярмида депрессия натижасида ишсизлар сонининг ошиши бюджет харажатларини талаб этди, бунинг оқибатида дефицит юзага келди. Хорижий қўйилмалар бўйича фоиз ставкасининг тушиши, денгиз ўтказмаларидан келадиган даромаднинг пасайиши ва ташки савдонинг сустлашуви савдо балансининг ижобий сальдосини кисқаришига олиб келди. Олтин захирасининг камайиб бориши 1930 йил майида 150 млн. фунт стерлинг қийматига тушиб кетди. 1931 йилдаги Австрия банкларининг инкирори капитал қочишини тезлаштириб юборди. Венага қўйилган 5 млн. фунт қийматидаги Британия депозитлари музлатилди. Кейинги ойларда Германия банк тизимида юзага келган муаммолар Англия банкларининг 70 млн. фунт стерлинг микдорида ажратган қарзни умидсиз ҳолатга айлантириди, бундан ташқари, немис инвесторлари англиядаги қўйилмаларни репатриация қилиб улгурғашган эди. Июл ойида энг йирик Германия банкининг ёпилиши ва Макмиллан Қўмитасининг маъруzasидан кейин фунт кескин қадрсизланди. Мамлакат асосий фоиз ставкаси 2,5% дан 4,5% гача, яъни икки баробар

күтарилди. Бу кўрсаткич фунтнинг олтинга айирбошланиши тўхтатилгунга қадар сакланиб турди.


1 августда Мэя Кўмитаси бюджет дефицити соликларни ошириш ва давлат харажатларини қисқартиришни талаб этишини айтиб ўтди. Ишчилар партияси (*labor party*) бюджет муаммоларини еча олмагач, шу ойда кўп партиявийлик коалицияга алмаштирилди. Париж ва Нью-Йорк берган кредитларига қарамасдан, фунтга бўлган хужум тўхтамади. Иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар ижтимоий тус олган эди ва шу давр матбуоти бу ҳолатни исъён дей таърифлади. 19 сентябрга келиб хукумат фунтнинг айирбошланишини расман тўхтатиб кўйди.

Доллар инқирози (1933 йил феврал).

1932 йилда Рузвельтнинг сайловларда ютиб чиқиши ва уни давлат тепасига келган кунидан бошлаб, маслаҳатчилари билан бирга АҚШда олтин стандартини бекор килиш имкониятлари ўрганила бошланди. 1932 йил охирига келиб, АҚШ бутун жаҳон олтин захирасининг 40%га яқинни жамлаган эди, тўлов баланси ижобий сальдога эга АҚШга кириб келган хорижий инвестициялар олтин захирасидан уч баробар кўп эди (1.3 – расмга қаранг). Америка қимматли қоғозларига жойлаштирилган маблағлар жами хорижий инвестициялар таркибида 20% улушга эга эди.

Бу ҳолатда олтинга ички талабнинг ошиб кетиши ёки капитални чиқиб кетиш риски юзага келди. Хусусий инвесторлар Рузвельт сиёсатидан хавфсираган ҳолда, капитални экспорт қила бошлади. Хусусий банклар доллар бўйича қиска позиция очиб, фунтни харид килишни бошлади. Англияликлар долларни харид килиб, унга мос олтинни талаб этадиган бўлишди. ФЗТ (Федерал захира тизими – *Federal reserve system*) ходимлари валюта дилинги бўйича спекулятив хужумга қарши туришга етарли кўнкимага эга эмас эди. Банкноталарнинг катта микдордаги эмиссияси банк тизимида олтин захирасининг депозитларга нисбатини акс этувчи коэффициентини пасайишига ва қонун билан белгиланган муомаладаги банкноталарнинг 40%дан паст бўлмаган микдорда олтин билан таъминланиш меъридан тушиб кетди.

Долларнинг олтинга боғлиқлигини узилиши Америка иқтисодиётидаги кечеётган таназзулни тўхтатиб қолди. Лекин бу тадбир одатдаги валюта инқирозига жавобан ўтказиладиган тадбир (девальвация) каби кечмасдан, аввалдан ўйланган сиёсатнинг нағбатдаги босқичи эди.



1.2 - расм. Иккинчи жағон урушидан аввал жағон мамлакатлари олтин захирасининг ўзгариш динамикаси⁸

Олтин блоки (1935 – 1936).

1935 йилгача олтин блоки мамлакатлар (Франция, Бельгия, Голландия, Италия, Польша ва Швейцария) валютасигина олтинга эркин айирбошланиши мумкин эди. Уларда юзага келган кийинчиликлар фунт блокнинг заифлашуви, АҚШга капиталнинг оқиб кетиши, аксарият мамлакатларда валюта чекловларини жорий этилиши билан боғлик эди.

Капитал чиқиб кетиши айирбошлаш паритетини таъминлаш блоки қобилиятига ишончнинг камайиши билан боғлик. Асосан ташки савдога боғлик бўлиб қолган Бельгия 1935 йилда биринчилардан блокни тарқ этди. Франция ҳам деярли шу ҳолатда эди, аммо ҳукумат олтин паритетини қўллаган ҳолда ички кредитларни кенгайтиришга ҳаракат қилди. Голландия ташки савдоси асосан колониялар билан амалга оширилгани боис, бу ерда босим бир оз юмшаган эди. 1936 йилда олтин блоки мамлакатларидағи ҳолат янайам ёмонлашди. Польша олтин алмаштиришга чекловларни киритди. Бундай йўл тутмаган Франция, Голландия ва Швейцария сезиларли захираларини йўқотди. 1936 йилда Франция ҳукуматини Халқ Фронти эгаллади. Аввалги ҳукумат каби у ҳам пул экспансияси ва олтин паритетини мослаштиришни қўллади ва муваффа-

⁸ www.gold.org

қиятсизликка дуч келди. 1936 йил сентябрида Англия ва АҚШ билан рақобатлашувчи девальвацияни ўтказмаслик тўғрисидаги уч томонлама келишувни имзолагач, франк девальвациясини амалга оширди. Блокнинг бошқа давлатлари Келишувга қўшилиб, ўз пул бирликларини девальва~~ф~~яладилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бўлиб ўтган инқирозлар

Бреттон Вудс валюта тизимидағи инқирозлар.

Бу даврдаги инқирозлар, асосан айирбошлиш паритетни ички иқтисодий шароитларга мос келмаслиги натижасида юзага келган.

Фунт стерлинг инқирози (1947 - 1949).

Англия урушда қатнашган бошқа давлатлар сингари, олтин ва тўлов балансининг дефицитига эга эди. Бреттон Вудс Келишуви шартларига жавоб бериш мақсадида, Англия АҚШ ва Канададан 5 млн. доллар миқдорида кредит олди. 1947 йил 11 июля Британия жорий операциялар бўйича конвертацияни қайта тиклаб олди. Фунтга қаратилган навбатдаги ҳужум жорий ой давомида захира-ларни 1 млрд. долларгacha тушириб юборди. 1947 йил 20 августда конвертация яна ёпилди.

Урушдан олдинги 4,03 долларга тенг бўлган паритетнинг ўрнатилиши халқаро рақобатда бўлиб ўтган ўзгаришларни ҳисобга олмагани боис инқироз учун шароит яратиб берди. 1949 йил ўрталарида валюта сиёsatига ишончнинг сустлашуви спекулятив ҳужум таъсирини оширди.

Фунт долларга айирбошланмайдиган халқаро валютага айланди. Бунинг асосий сабаби; уруш етиб бормаган Америкада ишлаб чиқаришнинг сақланиб қолиниши натижасида, тобора ошиб бораётган импортни чеклашдан иборат эди. Қадрсизланиши мукаррар бўлган фунт стерлинг курси 18 сентябрда 2,80 долларгacha тушиб кетди.

Фунт стерлинг инқирози (1967).

1964 йилдан бошлаб, ички ва ташки иқтисодий манфаатлар ўртасида зиддият юзага кела бошлади. Бандликни оширишга қаратилган экспансиян пул – кредит ва бюджет сиёsatи инфляцияни авж олиши, тўлов баланси дефицитини пайдо бўлиши, ҳамда захираларнинг қисқаришига олиб келди. Фунтга нисбатан тазыйк орта бошлади. 1964 йилда ҳукумат бошига келган Ишчилар партияси девальвацияга қарши эди. Унинг ўрнига ҳукумат ички иқтисодий сиёsatни ўзгаришсиз қолдириб, импортга қўшимча

чекловларни жорий этди. ХВФ ва «катта ўнлик» (G-10) ҳамкорлигига 4 мірд. доллар микдорида ажратилған кредит ҳамда 1965 йил июлида чекловчи солиқ меъёрларини қабул қилиниши ва капитал чикиб кетишига нисбатан чекловларнинг ўрнатилиши вазиятни вактингчалик яхшилашга хизмат қилди. Лекин 1966 йил ўрталарида фунт яна бир бор спекулянтларнинг тазикігі учради. Иктиносидің ўсишни таъминлаш билан бирға мамлакат ташқи тұлов ҳолатини яхшилаш имкони йүқолиб борди. Ижтимоий ҳолаттнинг жиддийлашуви фунт ҳолатини янада салбийлаштириди. Ҳукумат дефляцион түрлік – кредит сиёсатни олиб боришни эълон қилды ва нарх билан даромад устидан мажбурий назоратни жорий этди. Бунда чет зерт марказий банклари кредит берішгә рози бўлишди. 1967 йил майдан бошлаб, фунтга бўлган ишонч аста – секин сустлаша борди. Девальвация бўлиши муқаррар бўлгач, ишсизликнинг ортиши ва тўлов баланси ҳолатининг ёмонлашуви вазиятни янайам кескинлаштириди. Ноябр ойида бўлиб ўтган катта ҳажмдаги спекулятив операциялар валютани 2,40 долларгача девальвацияланишига олиб келди.

Франция франкирози (1968 - 1969).

1968 йил майида бўлган талабаларнинг оммавий чиқишилари мамлакат ахолиси ўртасида тартибсизликни ошишига олиб келган. Натижада ишчилар гурухи билан ҳукумат ўртасида иш ҳақини соатбай тўланиши 11% га кўтариш ва меҳнат ҳафтаси давомий-лигини қисқартириш бўйича келишувга эришилди. Бу капитални франкдан олтинга кўчиб ўтишига олиб келди. Франция ҳукумати нархлар устидан назоратни қатъийлаштириди, импорт бўйича чекловлари ва экспорт субсидияларини жорий этди, валюта операцияларига чекловларни киритди. Сентябрда бу меъёрлар кредит чекловларига алмаштирилди. Ноябрда капиталнинг франкдан маркага оқиб ўтиши жадаллашди, ой охирига келиб эса асосий Европа валюта бозорлари ёпилди.

Бу даврда Франция валюта захираси 2,9 млрд. долларга қисқарди. Мамлакат давлат ҳаражатларини камайтиришга мажбур бўлди ва эгри солиқларни кўпайтириди, тижорат кредити бўйича чекловларни жорий этди ҳамда фонд ставкасини кўтарди. Аммо тўлов баланси 1969 йилнинг олти ойи давомида кузатилған дефицитни пасайтириш учун бу тадбирлар етарли бўлмади. Банк кредитига чекловлар янада қатъийлаштирилди, лизингга харид бўйича талаблар оширилди, давлат инвестициялари бўйича ҳаражатлар

музлатилди. Девальвацияни олдини олиш максадида Франция 2,3 млрд. доллар микдорида қисқа муддатли кредитларни жалб қилди. Захира эса камайишда давом этар эди. Ниҳоят франк 11,11% га девальвацияланишга мажбур бўлди.

Доллар инқирози (1960).

Бреттон Вудс валюта тизимининг муваффакиятли фаолият юритиши марказий банкларнинг интервенциялари ҳамда АҚШни бошқа давлат органлари билан олтин унциясини 35 долларга сотиш ва харид қилиш қобилиятига боғлиқ эди. Олтин захирасини кўпайтириб олган бошқа мамлакатлар тўлов балансининг ижобий сальдоси АҚШ тўлов балансига салбий таъсир эта бошлади. 1960 йилда Америка олтин захирасининг ликвидлилиги белгиланган меъёрдан тушиб кетди. Бу эса олтин паритетини таъминлашга нисбатан шубҳани уйготди.

Долларга нисбатан асосий тазиқ Лондон олтин бозорида мужассамлашди. 1960 йил марта Европа марказий банклари ва хусусий инвесторлар долларни олtinga алмаштиришлари натижасида олтин унциясининг нархи 35 доллардан юқорида қайд этилди. Англия банки нархни барқарорлаштириш учун олтинни сота бошлади, аввалига Америка газначилиги Англия Банки олдида захира талабларини бажаришга рози бўлмади. Шунинг учун октябр ойида олтин нархи кўтаришганида, Англия банки доллар фойдасига интервенцияни амалга оширади ва ой охирида олтин унцияси 40 доллар гача кўтарилди. АҚШ газначилиги Англия банкига олтинни сотишга рози бўлди ва интервенцияни амалга оширишга мажбур килмади.

1960 йилда давлат бошига Кеннеди келиши билан олтин паритетига нисбатан қаршиликлар орта бошлади. Олтин захирасининг камайишини олдини олиш максадида, капитал ҳаракати бўйича чекловлар жорий этилди, мамлакат ташки тўлов ҳолатини барқарорлаштиришга йўналтирилган чоралар кўрилди, пул – кредит сиёсати воситалари қайта кўриб чиқилди, долларни олtinga айирбошлаш тўхтатилди. Ва ниҳоят, валюта интервенциясига ФЗТ ҳам кўшилди.

Бреттон Вудс валюта тизимининг инқирози (1971 – 73 йиллар).

1969 йилдаги девальвациядан сўнг Франция 1,7 млрд. долларга тенг дефицитдан 1970 йилда 2 млрд. долларлик профицитга чиқди, 1971 йилда эса бу кўрсаткич 3,4 млрд. долларни ташкил этди.

Валюта захираларида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Бу асосан, пул массасининг ўсиши ва АҚШ тўлов баланси дефицити ҳисобига эришилди.

АҚШнинг экспансион сиёсати бозор кучларини тўла баҳоланмай колган маркага йўналтирилди. Германияга капитал оқими янаям кучайди. 1969 йилда бўлиб ўтган сайловлардан кейин хукумат валюта бозори фаолиятини бир кунга тўхтатиб қўйди ва уни қайта очганда маркани долларга нисбатан эркин сузуб юрувчи курси асосида аниқланишини жорий этди. Марканинг спот курси ўсди ва 26 октябрда 9,29% лик ревальвация эълон қилинди. 1969 йил охирида капиталнинг чиқиб кетишига қарамасдан, 1970 йилда катта ҳажмларда хорижий маблағлар кириб кела бошлади, бунинг натижасида валюта захиралари сезиларли кўпайди.

1971 йил мартада баъзи Европа мамлакатлари ўз доллар захираларини олтинга алмаштиришни талаб эта бошлади. Тўловнинг амалга оширилиши АҚШ валюта захирасини сезиларли қисқартириди. 1971 йилдан бошлаб, капиталнинг оммавий чиқиб кетиши бошланди. Шу йилнинг 5 майда Европанинг етти мамлакати ўз валюта бозорларини ёпишга мажбур бўлишди, бошқа китъалардаги яна беш мамлакат долларни таъминлашдан воз кечди. Марка, гульден ва Швейцария франки иштирокида битим тузиш тўхтатиб кўйилди. 9 майда Германия ва Голландия курсни белгиланган чегараларда ушлаб тура олмагани боис, ўз валюталарига нисбатан эркин сузуб юрувчи курс жорий этаётганларини эълон қилди.

Долларнинг маркага нисбатан девальвацияси иена масаласини кўтарди. Японияда капитал ҳаракатига нисбатан амал қилган чекловлар валюта бозорига долларни тақиқлашга қаратилган бўлсада, АҚШ ва Япония савдо дефицитига салбий тарьсир этмаётган эди. Айнан шу икки томонлама савдо дисбаланси АҚШни 1971 йил 15 августида валюта режимини ўзгартиришга мажбур қилди. Доллар конвертацияси вактинчаликка тўхтатиб кўйилди.

Бундан сўнг бошқа мамлакатлар доллар захираларини ушлаб туришлари ёки уни бозор шароитида сотишларига мажбур қилди, бу эса уларнинг валютасини ревальвацияланишини англатар эди. Япониядан ташқари бошқа валюта бозорлари ёпилди. Япониянинг катъий белгиланган курсини ушлаб туришга қаратилган дастлабки уриниши 15 августан кейин икки хафта давомида 4 млрд. долларни сотиб олишга мажбур қилди. Шундан сўнг иена эркин сузуб юрувчи режимга кўйилди, бу эса унинг курсини кўтарилишига

олиб келди. Бошқа валюталар ҳам 23 августда валюта бозорлари очилгач, эркин сузиги юрувчи курсга ўтишди. Шундай бўлсада, АҚШ ва унинг ҳамкорлари диққат марказида қатъий белгиланган курсни қайта тиклаш масаласи тураг эди.

Валюта паритетини ўзгариши юзасидан узок олиб борилган музокаралардан сўнг 1971 йил 17 – 18 декабрда Вашингтондаги Смитсон Институтида бўладиган учрашувни ташкил этишга келишилди. Келишувга мувофиқ, валюталар курси марказий курсдан 2,25% микдорида тебраниши мумкин эди. Смитсон келишувни олтин унциясини 38 доллар қийматида қайд этди, бу эса бошқа валюталар қийматининг ошиши эмас, балки долларнинг қадрсизланишини англатар эди. Бу Бреттон Вудс тизимини ушлаб қолишга каратилган сўнгги уриниш бўлди.

Смитсон келишувида қайд этилган марказий курслар бозор иштирокчилари ишончини қозона олмади. Олтиннинг Лондондаги баҳоси ўси (8.1 – расмга қаранг). АҚШдаги пул массаси ва инфляция орта борди, тўлов ва савдо баланслари дефицити кескин ўси. Голландия, Япония ва Германия капитал ҳаракати бўйича чекловларни қатъийлаштириди. 1973 йил 10 февралда Япония валюта бозорини ёпди ва доллар курсини таъминлашдан бош тортди. Навбатдаги музокаралар давомида, лира, иена, канада доллари, фунт, ирландия фунти ва Швейцария франки эркин сузиги юрган бўлсада, янги марказий курслар белгиланди. Олтиннинг расмий баҳоси яна кўтарилиб, 42,22 долларда қайд этилди, олтинни бошқа валюталарга нисбатан қиймати эса ўзгаришсиз қолди. Бу ҳам вазиятга ижобий таъсири эта олмади. Натижада ривожланган мамлакатлар ўз валютарини долларга боғлиқлигини бекор қилди.

Замонавий валюта тизимидағи инқирозлар.

Европа валюта «илони».

Валюта «илони» режимини жорий этиш 1971 йил июн ойида режалаштирилган эди, аммо Бреттон Вудс тизимининг инқирози натижасида, валюта бозорларида сезиларли тебранишлар кузатиллаётгани боис, бу тадбир 1972 йил апрелига қолдирилди. Валюта «илони»нинг жорий этилишига асосий сабаб, доллар девальвация касрига колганидан норози бўлган Европа мамлакатлари ўз валютаси қадрини ушлаб қолишга ҳаракат қилганилари ҳисобланади. Капитални оқиб келиши асосан марка ва Швейцария

франкига түгри келган эди. Шунинг учун Европа валюта курслари иктисодиёттинг фундаментал ҳолатини акс этмасдан, АҚШ валютаси муаммоси таъсирига колган эди. Германия тадқиқотчилари доллар заифлигидан келиб чиқкан марка ревальвациясини иктисодий ўсиш суръатларининг сустлигига деб изоҳлашган. Шу сабабдан, валюта «илони» пул бирликларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласи дея тахмин қилинган.

Валюта «илони»ни жорий этишнинг техник жиҳати бўлиб, Европа Иттифоки валюталарини Смитсон келишувида белгиланган 2,25% меъёрдан чиқиб кетгани ҳисобланади. Тебранишни торайтиришдан мамлакат макроиктисодий ва пул сиёсатини яқинлаштириш ҳисобига эришиш кўзланган, бу эса ўз навбатида айирбошлиш паритетларини белгилаб кўйишга имкон бериши керак эди.

Миллий ҳукуматлар ўртасида бошқарув ваколатини валюта иттифокига ўтказиш юзасидан бирдамлик бўлмагани валюта «илони» режимининг самарадорлигига шубҳа солар эди. 1978 йил декабрида валюта «илони» режимини Европа Валюта Тизими (ЕВТ)га алмаштириш таклиф килинди. Аввалги механизм камчиликларини қоплашга қаратилган ЕВТ 1979 йил марта жорий этилди.

Чили валюта инқирози (1982).

Чили валюта курсини 1979 йил июнида долларга нисбатан 39 песо даражасида қатъий белгилаб кўйди ва уни 1982 йил июнидаги 18% ли девальвацияга кадар ушлаб турди. Қатъий белгилашдан кўзланган асосий мақсад, 1979 йилда йиллик 35%ни ташкил этган инфляция суръатларини сақлаб туришдан иборат эди.

Маълумки, қатъий белгиланган курсни муваффакиятли ушлаб туриш учун биринчидан, мамлакат ривожланишида инфляция даражаси паст бўлиши, иккинчидан, белгиланган курсни таъминлашда қатъйликни талаб этади.

Одатда, биринчни талаб тўлиқ бажарилмайди. Масалан, АҚШда истеъмол нархлар индекси 1976 йилдаги 5%дан 1977 йилда 6,6% кўтарилиди ва 1978 йилдаги 9%дан 1979 йилда 12,7%га етди. Улгуржи нархлар индекси ҳам деярли шу суръатларда ўсиб борди. Нархнинг ошиш суръатлари 1980 йилда ҳам давом этиб, 1981 ва 1982 йилларга келиб бироз сустлашди. Бундай инфляция песо барқарорлигига таъсир этган омиллардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, песога таъсир этган омил сифатида 1979 йилда АҚШ ҳукумати олиб борган антиинфляцион сиёсатни келтириш мумкин.

АҚШдаги узок муддатли фоиз ставкалар 1981 – 82 йилларда ўртача 13,3%ни ташкил этди, бу 1980 йилга нисбатан 2 фоизли кўрсаткичга баланд эди. 1980 – 82 йилларда доллар курсининг тушиши тўхтади: курс номинал қийматда 29%га ва реал қийматда 28%га кўтарилиди, бундай ўзгаришлар Чили валютасига сезиларли таъсир этди.

Чилидаги савдо қилинадиган маҳсулотлар (tradable goods) нархи 1980 – 81 йилларда тушиши кузатилди. Савдода катнашмаган маҳсулотлар (non-tradable goods) аксинча, иш хақи индексацияси таъсирида кўтарилиди.

Молиявий эркинлаштириш ва қатъий валюта курси режими-нинг амал килиши Чилига қиска муддатли хорижий капитални жалб қилди. Фоиз ставкаси 1979 йилдаги 6,7%дан 1981 йилда 59,2% га кўтарилиди. Песога бўлган талаб норезидентлар томонидан ошиб борди, бу песони долларга нисбатан 39га тенг қийматда ушлаб турилмаган ҳолатда долларнинг песодаги курси тушишига олиб келган бўлар эди. Номинал айирбошлиш курсини ушлаб туриш экспортчиларга салбий таъсир этиб, импортчиларни рағбатлантириши керак эди. Лекин амалда, экспортчиларнинг ҳолати яхши эди.

Маблағларнинг оқиб келиши Марказий банк стерилашган интервенцияси бўлмаганида пул базасини кўпайтириш қерак. 1980 йилда база 1979 йилдагига караганда 2/3 мартаға кўп эди, 1981 йилда эса 10% га камайди ва 1982 йилда икки баробар ошди.

Чили ҳукумати мамлакат молия активларига бўлган талабнинг ошиши натижасида песо курсининг кўтарилиши олдини олиш мақсадида, хорижий валютани харид кила бошлади. 1980 йилда хорижий валюта 1/3 баробар кўпайди, 1982 йилга келиб эса ўзининг дастлабки (1979 йилдаги) қийматигача тушиб кетди. Хорижий валютанинг оқими стерилашмагани туфайли пул массаси тез орта бошлади.

Қатъий курсни ушлаб туриш натижасида савдода қатнашаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини тушиши тўлов баланси дефицитининг ортишига олиб келди. 1981 йилда савдо баланси ЯИМга нисбатан 10% ни ташкил этди. Дефицитни молиялаштириш мамлакатга капитал оқиб келаётган бир пайтда катта муаммо тутғирмас эди. Капиталнинг оқиб кириши тўхташи билан давлат валюта захираларини сота бошлади. Бунда ички кредитларни хориждан долларда жалб қилинган песодаги маблағлар хисобига тақдим этган банклар инкиroz ҳолатига келиб қолди.

1981 йилнинг охирида Чилида рецессия жараёни бошланди. Саноат ишлаб чиқариш 1981 йил ўрталаридан 1982 йил июнигача кескин тушиб кетди. Ишсизлик 30%гача кўтарилиди, савдо дефицити кўпайди, валюта захиралари қисқарди, ички кредит янада кенгайди. Инфляциянинг ошиши песони қатъий белгиланган валюта курсидан воз кечишга мажбур қилди. Чилига капитал оқими тұхтади, бунга мамлакат иктисадий ахволининг ёмонлашуви ва АҚШ реал фоиз ставкаларининг ошгани сабаб бўлди.

1982 йил охирига келиб, Чилида катта ҳажмда девальвация бўлди ва песо 73,43 қийматга эга бўлди.

Мексика песосининг девальвациялари.

Мексикадаги девальвация кетма – кет уч маротаба 1973, 1976 ва 1982 йилларда бўлиб ўтган. Барча валюта инқирозлари макроиктисодий сиёсатни белгиланган валюта режимига мос келмаганлиги натижасида юз берган.

1976 йил инқирози.

1972 йилда Мексикада талабнирагбатлантириш сиёсати олиб борилгани боис циклик жонланиш бошланди. Бюджет дефицити 1971 йилдаги ЯИМ нисбатан 2,5% ни ташкил этган бўлса, 1975 йилда бу кўрсаткич 10%гача кўтарилиди. Уни молиялаштириш марказий банк кредити ҳисобига амалга оширилар эди. Пул массасининг ўсиш суръатлари 1971 йилда 19,6% ни ташкил этган бўлса, 1975 йилда 33,8% гача кўтарилиди. 1974 – 76 йилларда ташкил дефицитни молиялаштириш учун асосий манбага айланди, аммо пул массаси ўсишда давом этар эди. 1973 – 74 йилларда инфляция кўрсаткичи 20%дан ошиб, хусусий инвестициялар ҳажми қисқарди.

12,5 песога тенг бўлган номинал курс бўйича импортнинг реал нархи тушди ва ҳажми кўпая бошлади. Экспорт эса унинг нархи кўтарилигани учун қисқара бошлади. Тўлов баланси дефицити 1971 йилдаги 1 млрд. доллардан 1975 йилга келиб 4,4 млрд. долларга тенг бўлди ва ЯИМнинг 5,5% улушкини ташкил этди.

Эчеверри раҳбарлиги остидаги ҳукумат инфляциянинг ошинин жаҳон нархлари кўтарилиши ва экспортнинг қисқаришини чет мамлакатлар рецессияси билан боғлаб, талабнирагбатлантириш сиёсатини давом эттириди. Импортга чекловлар жорий этилди, аммо валюта захираларининг камайиши натижасида ҳукумат песо курсини эркин сузуб юрувчи деб зълон қилди. Инфляция йиллик 27% га кўтарилиди. Октябр ойида песо долларга нисбатан 23 қийматгача

девальвацияланди. Сүнгра Мексика ХВФ билан қисқа муддатли кредитларни тақдим этиш юзасидан музокараларни бошлади.

1982 йилдаги инқироз.

Портильо раҳбарлигидаги ҳукумат (1977 – 82) аввалига ХВФ тавсияларига асосланган ҳолда тузилган иктисодиётни рагбатлантириш дастурини маъкуллаган эди. 1977 йилда Мексиканинг нефть захиралари 16 млрд. баррельгача кўтарилиди, бу ХВФ билан келишилган дастурдан воз кечишга имкон берди.

1977 – 81 йилларда иктисодий ҳолатнинг яхшиланиши мос даромад билан мустаҳамланмаган давлат ҳаражатларининг ошиши хисобига эришилган эди. Катта ҳажмдаги бюджет дефицити тўлов балансига салбий таъсир этди. Савдонинг эркинлашуви ва айирбошлиш курсининг ўсиши импорт маҳсулотлари нархини пасайтириди ва тўлов баланси дефицитини кучайтириди. 1981 йилда аксарият истемол товарлари ва капитал шаклидаги маҳсулотлари импортига квоталар белгиланган бўлсада, импорт 15,2%га ўсади. Нефть экспортидан тушаётган доллар тушуми 1978 – 1981 йилларда сезиларли ошди, лекин колган экспортдан тушум айирбошлиш курсининг ўсиши таъсирида сезиларли қискарди.

Тўлов балансининг жорий ҳисоби дефицитининг ўсиши ташқи қарзнинг ошиши (1981 йилда 80 млрд. долларга етган) хисобига молиялаштирилаётган эди, бундан 50-83% улуши капиталнинг чиқиб кетишини қоплашга йўналтирилган эди. Давлат сектори қарзи хусусий сектор қарзидан икки ярим баробар кўпни ташкил этди. 1981 йилда қарзни, жумладан, қисқа муддатли қарзни тўлаш 80% микдорда жалб этилаётган капитал маблағлар хисобига қопланяётган эди.

1981 йил ўрталарида девальвация бўлиши муқаррар эди, аммо бюджет ҳаражатларига ҳеч қандай чекловлар белгиланмаган, шунинг учун ташқи қарз катта фоизлар хисобига ошиб борди. 1982 йил 17 февралда 40%ли девальвация зълон этилгач, иш хақи 30%га оширилди. Бюджет ва пул экспансияси давом этиши натижасида давлат қарзининг ҳажми ЯИМнинг 17,6%га етди. Икки погонали валюта курси тизимининг жорий этилиши капитал чиқиб кетишини тўхтата олмади. 1 сентябрда банк тизими миллийлаштирилди ва валюта чекловлари жорий этилди. Давлат ва Хусусий сектор қарзини тўлаш тез фурсатда тўхтади.

1982 йил охирiga келиб, Мексика иктисодиёти чуқур рецессия ҳолатига тушди. Ишлаб чиқариш ҳажми реал қийматда тушиб

кетди, доллар айирбошлаш курси эса икки баробар ошди. Бу ҳолда хорижий кредитлар ишлаб чиқаришни инвестициялашга ишлатилганида эди, Мексика бу инқирозга учрамаган бўларди. Бунинг ўрнига қарз маблағлари капитални чиқиб кетиши ва давлат эҳтиёжларига йўналтирилди.

ЕВТ инқирози (1992 – 93).

ЕВТ мамлакатлари ичida Германия марказий ўринда бўлган. ЕВТнинг бошқа мамлакатлари ўз валютасини маркага боғлаган эди.

1990 йилда Германиянинг қўшилиши билан бюджет дефицити таъсирида юзага келган инфляция суръатларини пасайтириш учун Бундесбанк пул – кредит сиёсатини қатъйлаштириди. Германиядаги юкори фоиз ставкалари долларнинг заиф мавқеи билан ФРГга капитал оқимини таъминлаб берди. Марка курси янам кўтарила бошлади. ЕВТ фаолиятини давом эттириш учун бошқа мамлакатлар инфляцияни марка даражасидан тушириши ёки ўз валюталар курсини ўзгартиришлари керак эди. Аммо улар қатъий пул – кредит сиёсатини олиб боришини ва валюталари девальвациясини амалга оширишини хоҳламадилар. Аммо бозор охир оқибат девальвация қилишга мажбур қилди.

1992 йил биринчи чорагида ЕВТга кирмаган Испания, Португалия, Англия, Италия, Швеция ва Финляндияда бошланган рецессия аъзо мамлакатларга кўпгина валюталар курсининг юкорилаганини ҳисобга олишга имкон берди. Биринчилардан бўлиб Италия лираси тазийқа учради. Италия валюта захираси 1992 йил февралидан қисқариб борди, айниқса июл ойида захиралар чиқиб кетиши сезила бошлади. Лирадаги облигациялар нархи спот каби фьючерс бозорида ҳам туша бошлади. Италия депозитларни соликқа тортишни жорий этиши ва ҳукуматнинг ташки қарз бўйича мажбуриятидан воз кечиши захираларнинг қисқариши янада кучайди. Муди'с (Moody's) Агентлиги Италия рейтингини AA1дан AA3га туширди. 28 августда лира тебранишлар коридори ичida минимал имконият билан котировкаланди. Бир ҳафтадан сўнг Италия Банки курс паритетини ушлаб турish учун фоиз ставкасини йиллик 15%гача кўтарди.

25 февралда фунт курси катта ҳажмда ўтказилган интервенцияларга қарамасдан кўтарилиши кузатилмади, Белгиланган паритеттни саклаб турish максадида Англия Банки евробозордан 14,5 млрд. долларга teng миқдордаги маркада қарз маблағларини жалб қилди.

Сүнгра, спекулятив тазиикә Финляндия маркаси ва Швед кронаси учради. 1991 йил нояброда Финляндия ҳукумати сөбік Иттифоқ билан савдо муносабатларининг таназзул бўлиши натижасида пул бирлигини 12%га девальвациялашга мажбур бўлди. Захиралари қисқариб кетган ва қисқа муддатли фоиз ставкаларини кўтаришни истамаган Финляндия Марказий банки 8 сентябрда валютага нисбатан эркин сузуб юрувчи курсни жорий қилди. Марка қийматининг 13% га қадрсизланиши ЕВТ нинг бошқа мамлакат валюталарини бозор қийматидан четлашишига таъсир этиши аниқ эди.

Финляндиядан фарқли ўлароқ, Швеция бир кунлик кредитлаш бўйича фоиз ставкасини 75%гача кўтарди ва захираларни тўлдириш учун маркада қарз олди. Фунт ва лира ҳам шу каби ҳужумлар таъсирида қолди. Бозор иштирокчиларида Англия валюта сиёсатининг катъйлигига ишончи сустлашиб борди. Италия бу ҳолатга ўз маблаглари ва Европа марказий банкларидан жалб килинган маблаглар ҳисобига интервенция билан жавоб берди. Интервенция ҳажми Франкфуртда 24 млрд. марка ва бошқа валюта бозорларида 60 млрд. маркани ташкил этди. Шунга қарамасдан, Италия 13 сентябрда лирани маркага нисбатан 7%га девальвациялашга мажбур бўлди. 14 сентябрда Бундесбанк беш йил давомида илк бор иккисосий фоиз ставкани туширди.

Бир савдо куни ичida лира ва фунт котировкалари тебраниш коридоридан пастда бўлиб қолди. Тахминларга қўра, Англия Банки ўша куни 15 млрд. долларни йўқотган экан. Шу билан бирга Испания песетаси ҳам спекулятив тазиик остида қолди ва унинг қиймати марказий курсдан пастга тушиб кетди.

16 сентябрида Англия Банки кредитлашнинг минимал фоиз ставкасини 10%дан 12% га кўтарди. Фунт энг кам белгиланган қийматдан тушиб кетгани учун вактинчалик ЕВТдан чиқарилди, 19 сентябрда эса батамом тизим таркибини тарк этди. Италия ҳам ЕВТдан чиқиб кетди, песета эса тизим доирасида 5%га девальвацияланди.

Швеция ҳали девальвацияга тайёр эмас эди ва марказий банк кредитлаш фоиз ставкасини йиллик 500%гача кўтариб қўйди. 20 сентябрга келиб, бу даврда девальвацияланмаган бошқа мамлакат валюталари белгиланган минимал қиймат даражасига келиб қолган эди. Англия Банки кредитлаш ставкасини йиллик 10% гача туширилди. 21 сентябрда эса фоиз ставка қиймати 9%га етди. Ирландия

Банки күнлик кредитлашнинг йиллик фоиз ставкасини 300%га кўтарди.

23 сентябрда Франция франкига қарши спекуляция бошлангач, Франция Банки ва Бундесбанк катта ҳажмда интервенция амалга оширилар ва саросима тўхтатилди. 1993 йил 4 январда франк яна бир бор энг қуий чегарага тушиб қолди, лекин икки марказий банклар унга кўмак беришга тайёр эканлигини билдиришди.

Ноябрда швед кронаси навбатдаги тазиикقا учради, Риксбанк курсни таъминлашни рад этди. Банк курсни эркин тебранишига йўл кўйиб берди ва асосий фоиз ставкани йиллик 12,5%гача туширди. Норвегия кронаси 10 декабрдан эркин сузишга ўтди. 22 ноябрдан Испания ва Португалия марказий курсларини 6% га туширдилар. Пунт қадрсизланиши олдини олиш мақсадида, Ирландия Банки 26 ноябрдан 2 декабригача күнлик кредитлаш ставкасини йиллик 100% гача кўтарди. Январ бошида ставка янада кўтирилди, 30 январда пункт 10% га девальвация қилинди.

Спекулятив ҳужумлар 1993 йил бошига келиб тўхтади. Аммо 13 майда песета яна бир бор тазиикقا учради ва 5% девальвацияланди. Ҳудди шу ҳол Португалия эскудоси билан содир бўлди.

30 июлда ЕВТ барча валюталари маркага нисбатан минимал даражада яқинлашдилар. 1 августдан ЕВТ нинг амал қилиш схемаси ўзgartирилди ва эркин сузига деярли яқинлашиб қолди. Тебраниш даражаси марказий курсдан 15%га кенгайтирилди. Факатгина марка ва Голландия гульдени курси ўзгаришсиз қолди.

1.3.3. Валюта инқирозлари таълимотининг ривожланиши

150 йилдан ортиқ ўрганиб борилаётган молиявий ва пул (циклик ва тузилмавий) инқирозлари юзасидан турли қарашлар ва фикрлар билдирилган. Суда капиталнинг етарлигидан ортиқ микдори йигилиб бориши аста – секин инқироз жараёнларини ривожлантириб боради. Суда капиталнинг қадрсизланиши авваламбор, пул инқирозида акс этади, бу эса ўз навбатида, молиявий хусусият касб этади.

Нисбатан жiddий валюта инқирозлари узун тўлқиннинг де-пресив фазаси ёки якуний барқарорлик фазасида юзага келган. Бреттон Вудс валюта тизими инқирози барқарорлик тўлқинидан тушиш фазасига ўтиш даврида бўлган ва 1971 – 1973 йилларни ўз

ичига олган. 1990 – йилларда юзага келган Европа валюта тизими (1992 - 93), Мексика (1994 йил), Осиё (1997 – 98 йиллар), Россия (1998 йил), Бразилия (1999 йилда) инқирозлари 1991 йилда бошланган ва одатда 8 – 23 йил давом этадиган депрессив фазага тұғри келади. Узун тұлқинлардан ташкари, 7 – 11 йил давом этадиган ўрта тебранишларни ҳам ажратиш мүмкін. Иқтисодий үсиш хар доим ўрта муддатли циклда юз беради, шунинг учун ҳам узун тұлқиннинг күйи нұктаси ўрта тұлқиннинг инқирози ёки депрессия нұктаси билан тұғри келади.

1971 – 73 йиллардаги инқироз 1973 – 75 йиллардаги инқирозні бошлаб берган. 1990 – йиллар инқирози ўз ичига 1979 – 1988 йилларни олган, навбатдаги ўрта тұлқинни яқунлаб берди.

Америкалик иқтисодчи Х.Ф.Мински томонидан 1970 – йилларда ишлаб чиқылған **молиявий бекарорлық гепотезасы** бозор иқтисодиётіга хос асосий молиявий муносабатларни ҳисобға олган ҳолда ишлаб чиқылған. Гипотезага муроғык: бозор иқтисодиётіда кечәётгап ички жараёнлар бекарорлықка олиб келувчи молиявий зиддиятларни юзага келтиради; заиф бұлған молиявий түзилмада молиявий инқирозни вужудға келтирувчи нарх ва қыймат нисбатлары бозор иқтисодиётіга хос хусусият ҳисобланади.

Молиявий бекарорлық гепотезасининг асосий хуносаси самаралы макроіқтисодий сиёсатни олиб бориш учун бозор иқтисодиётіга хос чегара ва камчиликларни аник бақолаб олиш көреклигидадир. Мамлакат иқтисодиёты классик бозор иқтисодиёті тамойиллари асосида шаклланар экан молиявий бекарорлықка учраш эхтимоли үсіб боради.

Гипотезанинг иқтисодий назария учун ахамияти иккі элементта намоён бўлади. Биринчидан, гипотеза микроіқтисодий самара-дорлик ва макроіқтисодий барқарорлық ўргасида зиддиятни акс этади. Бу зиддиятни бартараф этиш учун Мински молиявий динамиканинг тизимли таҳлилини амалга оширди. Таҳлилга кўра, иқтисодий субъектларнинг турли хил тебранишларга муносабати ҳолатни янада кескинлаштиради, уларнинг мустакил фаолият олиб бориши фоиз ставкасини бекарорлиги ва активлар нархини турли йўналишларда тебранишларга сабаб бўлади. Иккинчидан, бу назария Миллер – Модильяни моделида ўз ифодасини топган молиявий левераж самарадорлик гипотезасида тавсифланган молиянинг нейтраллик концепциясини инкор этади.

1997 йилда Япония иқтисодиётининг инқирози Мински гипотезасининг амалий мисоли ҳисобланади. 1985 йилдан бошлаб, Япония унинг моделига асосланган эди. 1985 йилда Плаза Шартномасини (Plaza Accord) имзолагач, иена курси кескин ошиши юз берди, буни «ташки экзоген шок» деб аташ мумкин. Бу ҳолатдан чиқиш учун Япония «арzon пул» сиёсатини олиб борди, бу ўз навбатида фонд бозорига тазийк ўтказган кредит экспансиясига сабаб бўлди. 1990 – йилларда экспансион моделдан четлашилди ва кредит сиёсати қатъйлаштирилди.

1997 йилда Японияга қўшни жануби-шарқий мамлакатлар кенг кўламдаги валюта инқирозига учрашди. Кейинчалик валюта инқирози Россияга (1998 йил) ва Бразилияга (1999 йилда) кўчиб ўтди. Бундан ташқари, бу мамлакатлар инқирознинг энг кўйи ҳолати – инвесторларнинг давлат молия сиёсатига ишончининг йўқолиши юз берди.

Валюта инқирозлари борасида олиб борилаётган изланишлар, айниқса сўнгги йигирма – ўттиз йил давомида авж олмоқда. Мамлакат тўлов балансининг ёмонлашуви валюта инқирози юзага келтирувчи асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Мамлакат тўлов балансининг дефицити (тўлов балансининг салбий сальдоси) иқтисодиётни барча субъектлар эҳтиёжини қондира оладиган дараҷада хорижий валютани ишлаб топишга қобилияти пастилигидан далолат беради. Ўтиш иқтисодиётига эга ва айирбошлаш курси эгилувчан бўлмаган мамлакатда хорижий валютага доимий дефицит, миллий валютанинг кескин тушиши – валюта инқирозига олиб келади.

Сўнгги йилларда яратилган модел муаллифлари (I.P. Morgan, CSFB, Lehman Brothers инвестицион банклар) инқирозни миллий валюта реал курсининг 10%дан ортиқ бўлган девальвацияси харид қобилияти паритети (ХКП) сифатида тавсифлашади. Инқирозларнинг макроиктисодий истиқболини таҳлил қилиш узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш учун ҳар бир иқтисодий субъектга жуда муҳим ҳисобланади.

Валюта инқирозларини тадқиқ қилиш дастлабки – содда ва мукаммал моделга асосланган. Ҳозирги кунда, аксарият тадқиқотлар шу моделларга асослансада, бир қанча баҳс – музокаралар диққат марказини эгаллаган.

Бу баҳслар натижасида, янги шаклдаги модел юзага келди. Бу моделларнинг муаллифлари аввалги назарияларни мақуллаган

холда, валютаси девальвацияланаётган мамлакат иқтисодий сиёсатида фундаментал муаммолар мавжудлигига эътибор қаратган.

Янги шаклдаги модел дастлаб бошқа сабаблар (психологик омил) таъсирида юзага келган инқирозларни тавсифлайди: а) ўз – ўзини пайдо киладиган (*self-fulfilling*) инқироз; б) инвесторларнинг оммавий харакати; в) йирик бозор операторлари спекуляциялари. Психологик инқироз тушунчаси «эпидемия»ни келтириб чиқаради, бу ўз навбатида валюта бозори қатнашчиларини бошқа мамлакат пул бирликларига талабнинг кучайнишига олиб келади.

1.4. Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларининг хукуқий асоси

Ҳар кандай миллий валюта тизимининг самарадорлиги мазкур мамлакат иқтисодиётининг ишлаш қонуниятларини шаклланиши билан боғлик. Бунинг учун тўлов балансини мустаҳкамлаш асосида иқтисодиётнинг ташки рақобатбардошлигини таъминлаш зарур. Бу максадга эришиш мос валюта тартибини танлашни талаб килади.

Ташкилий чора – тадбирлардан ташқари, миллий валюта тизими самарали ишлашини таъминловчи омил бўлиб, унинг хукуқий асоси ҳисобланади ва у тижорат банкларига қонун асосида валюта операцияларни бажаришга имкон беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида тижорат банклари томонидан валюта операцияларни амалга ошириш борасида хукуқий асос бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Валютани тартибиға солиш тўғрисида» Қонуллар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари, Марказий банк йўрікномалари меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади. Бу ҳужжатларнинг мақсади мамлакатда валюта операцияларини амалга оширишни тартибиға солишидир.

Республикамизда шаклланаётган банк - молия, валюта тизимимиз эмиссион банк, тижорат банклари, валюта бозорлари (валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозори), инвестицион компаниилар, сугурта компаниялари ва бошқа молиявий институтлар нинг бўлишига замин яратмоқда.

1991 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, соёнк Иттифоқ Давлат банкининг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон Республикаси Давлат банкига айлантирилди ва 1992 йилна эса

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавқеи берилди. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва экспорт - импорт операцияларини рағбатлантириш мақсадида, Ташки Йктиносидий Фаолият Миллий банки ташкил қилинди. Шу аснода банк тизимининг иккинчи погонасида турган тижорат банклар сони орта бошлади.

Шулар билан бир қаторда, валюта операциялари бозорини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси ташкил қилинди. Унда 1993 йил 15 апрелдан хорижий валюталар билан доимий сотиш бўйича савдолар амалга оширила бошланди. 1993 йил давомида биржа орқали 2 млн. АҚШ доллари сотилган бўлса, 1994 йили бу кўрсаткич 10 млн. АҚШ долларидан ортиб кетди. 1993 йил сентябридан валюта биржасида кредит ресурслари аукциони ташкил қилина бошланди. 1994 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ушбу аукционларга марказлаштирилган кредит ресурсларини кредит бозорини ривожлантириш мақсадида жойлаштира бошлади⁹.

Ҳар хил молиявий жамгармалар ва сугурта компаниялари тузылди, улардан бири бўлмиш «Ўзбекинвест» сугурта компанияси хорижий инвестицияларни сугурталаш билан шугулланиш мақсадида ташкил қилинди. Бундай компаниялар ва жамгармалар ташкил қилишдан асосий мақсад мустақил республикамида хорижий инвесторлар учун ижобий инвестицион иклим яратиш эди.

Бундай чора - тадбирларни амалга оширишда халқаро молия институтларининг техникавий ва молиявий ёрдамлари жуда катта бўлди, бу ўринда энг аввало Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки ёрдамларини алоҳида кўрсатиш зарур. 1995 йили, Халқаро Валюта Фонди томонидан 72,2 млн. АҚШ доллари миқдорида давлатнинг тизимли ислоҳотлар режасига асосан, кредит ажратилди ва кредит миллий валюта барқарорлигини ва тўлов балансини қўллаб кувватлашга сафарбар қилинди. Ташки йктиносидий алоқаларни кенгайтириш, миллий валюта қадрини ошириш учун Жаҳон банки томонидан 160 млн. АҚШ доллари миқдоридаги реабилитацион кредит ажратилди¹⁰.

•

⁹ Ачилов М.Ф., Безбородов А.Г., Газибеков Д.Г., Котов В.А., «Проблемы интеграции банковской системы Узбекистана в мировое банковское сообщество», Ташкент 1999, «Молия» стр. 8.

¹⁰ Ачилов М.Ф., Безбородов А.Г., Газибеков Д.Г., Котов В.А., «Проблемы интеграции банковской системы Узбекистана в мировое банковское сообщество», Ташкент 1999, «Молия» стр. 172

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллардан қарз олиш тўғрисида»ги қонуни ушбу йўналишда амалга ошириладиган операцияларни ҳукукий асосини яратиб берди. Шу қонунга асосан республикамиз банкларига, ташкилотларига ва корхоналарига хориждан қарз маблағларни жалб қилган ҳолда уларни реал сектор ривожланишига сафарбар қилишга имкон яратди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган ва қилинаётган қарорлар, ҳукукий - меъёрий ҳужжатлар хорижий инвесторларнинг мамлакатимиз иктисодига инвестиция киритишларига кафолатлар ва бир қатор имтиёзлар яратилмоқда.

Шундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ шундай ишлаб чиқариш жабхалари, янги соҳалар ташкил қилинмоқдаки, булар ўз навбатида республикамиз учун зарур бўлган валюта тушумлари миқдорини оширишга ва хориждан импорт қилинадиган товар моддий бойликлар харидига сарф қилинадиган валюта захираларимизни иктисад қилишга замин яратмоқда. Мисол учун қарайдиган бўлсак, ҳаммамизга маълумки республикамиз ер ости табиий бойликларга бой мамлакат ҳисоблансада, 1994 йилда нефт маҳсулотлари хариди учун республикамиз олтин - валюта захираларидан 700 млн. АҚШ доллари миқдорида харажат қилинган. Бу кўрсаткич республикамиз жами импортиning 25 фоизини ташкил қилганди¹¹. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилган сайъи-ҳаракатлар натижасида нефт маҳсулотларига бўлган ички талабни ҳозирда тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқарилаётган нефт маҳсулотлари билан таъминлаётганимиз, республикамиз олтин валюта захираларининг ушбу йўналиш бўйича иктисад қилинаётган кисми, иктисодимизнинг валютага талаби бўлган бошқа йўналишларига ишлатилаётгани нақадар ижобий ҳолатлиги ҳаммамизга маъқул бўлса керак.

Валютани тартибга солиши ва валюта назоратини назарда тутивчи меъёрий ҳужжатларни мамлакатимизда олиб борилган валюта сиёсати талаблари асосида қайта кўриб чиқилди. Валюта сиёсатининг асосий талаблари қуидагилардан иборат эди:

- миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва ишлатиладиган валюта захираларини шакллантириш;
- миллий валюта бозорини ривожлантириш ва валюта конвертациясига эришиш учун замин тайёрлаш;

¹¹ «Рынок, деньги и кредит», 2001г., №8 выпуск, стр. 10

• экспорт ҳажмини ошириш учун зарурий шарт-шароитларни шакллантириш;

- самарали валюта назорати тизимини шакллантириш.

Бунда хорижий давлатларнинг тажрибаси, уларни бизда қўллаш мумкинлиги нұқтаи - назаридан чуқур таҳлил қилинар ва мумкин бўлган ҳолларда қўлланиларди.

Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизими ташкил топиши 1991 йилдан, яъни «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунларининг қабул қилиниши билан бошланди¹².

Ўша даврда Марказий банк ва ТИФ Миллий банкигина валюта айрибошлаш шаҳобчаларига эга бўлишлари мумкин бўлганлиги сабабли, дастлабки валюта айрибошлаш тўғрисидаги йўриқнома ҳам «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта айрибошлаш шаҳобчаси тўғрисида» деб номланарди. Республикамиз тижорат банкларига валютада операцияларни амалга ошириш учун лицензия бериш тартиби тўғрисидаги 1993 йил 26 майдаги №31 сон Марказий банки хати билан амалга тадбик қилинди. Шу каби қабул қилиниб, амалиётга тадбик қилинган ўша вактдаги валютавий йўриқномаларнинг барчаси содда ва тўлик ишланмаган бўлиб, миллий валюта конвертацияси таъминланмаганлик нұқтаи – назаридан, ўтиш жараёнига мос келадиган шаклда ишлаб чиқилган эди.

Валюта бозорини ривожлантириш учун зарурий шарт шароитлар яратиш максадида, Марказий банк Молия вазирлиги билан ҳамкорликда 1994 йилнинг март ойида «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хорижий валютадаги тушумларининг муайян қисмини мажбурий сотиш тартиби» тасдиқланган. Унга мувофиқ, хорижий валютадаги тушумнинг 15%ни соликка тортиш билан бирга, 15%ни Марказий банкка сўм эвазига айрибошлаш шарти билан мажбурий сотиш белгиланган.

Бу тартиб аввалпрок амалда бўлган тизимга нисбатан бир қатор имтиёзларга эга эди. яъни олдинги тартибга нисбатан корхоналар томонидан ўз маҳсулотларини экспорт қўлишларига қизиқишлигини кучайтирди ва Марказий банкнинг валюта фондини шаклланишига яратди. Бекор бўлган тартиб бўйича валюта

¹² М.Юлдашев, Н.Жумаев. «Правовые основы валютного регулирования в Республике Узбекистан». «Рынок, деньги и кредит», 2001 г., №8, стр.62

тушумининг 35% республика валюта фондига ва ҳокимиятлар маҳаллий валюта фондларига қоплашсиз солиқ сифатида ундириларди.

Бу йўлдаги кейинги қадам бўлиб, хорижий валюта тушумига солиқ солишини бекор қилиш ва Марказий банкка валюта тушумининг 30%-ини мажбурий ғотиш киритилиши ҳисобланди. 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конунга мувофиқ, республиканинг расмий олтин - валюта захираларини саклаш ва бошқариш Марказий банкнинг функцияларидан бири қилиб белгиланди.

1997 йил январидан бошлаб, марказлашмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмини бевосита корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатаётган ваколатли банкларга мажбурий сотиш амалга оширилмоқда (ҳозирги вактда марказлашмаган экспортдан мажбурий сотиш 50% миқдорида белгиланган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт - импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш юзасидан чора - тадбирлар тўғрисида»ги ва 1995 йил 11 апрелдаги «Экспорт - импорт операцияларини тартиблаш бўйича кўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги Фармонларини бажариш юзасидан Марказий банк Давлат Солик Кўмитаси билан ҳамкорликда республика ҳўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий шерикларидан валюта тушумини тўлиқ тушишини таъминлашга йўналтирилган экспорт шартномаларини ҳисобга олиш тизими ишлаб чиқилди ва доимий равища таомиллаштирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, чоп этилган Президент Фармонларида ҳўжалик юритувчи субъектлар ва ваколатли банклар томонидан экспорт - импорт операцияларида валюта тушуми ва товарларни республика ҳудудига келишини кафолатлайдиган ҳалқаро ҳисоб - китоб шаклларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Экспорт - импорт операциялари бўйича назорат тўғрисидаги низом тасдиқланди, солиқ органлари, божхона хизмати ва ваколатли банк муассасалари ўзаро ҳамкорликда валюта назоратини амалга ошириш масалалари юзасидан тартиб ишлаб чиқишиди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги 499 - сонли «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантиришга кўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 1994 йил 15 октябрдан бошлаб республика ҳудудида, шу жумладан, хорижий фуқароларга эркин айрибошланадиган валютада савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш

қатъиян ман этилиши бевосита миллий валютамизни оёққа туришига замин яратди. Ўзбекистон Республикасида юридик шахс - резидент ва норезидент ўртасида барча тұловлар ва ҳисоб — китоблар факат миллий валюта - сұмда амалға оширила бошланди.

1996 йилда эркін айрибошланадиган валютадаги инвестицион лойиҳаларни кредитлаш масалаларини тартибга солуучи мөъерий хужжатларнинг чоп этилиши ва сұнгра ваколатли банклар томонидан кичик бизнес субъектларини хорижий валютада микрокредитлаш тартибини кабул қилишдан кейин корхоналар ва хусусий тадбиркорлар экспортта йўналтирилган ишлаб чиқишини ривожлантириш мақсадида кўшимча валюта ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартағи 95-сонли «Ташки савдо операцияларини амалға оширишда хорижий валютадаги маблаглардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ва 1996 йил 19 ноябрдаги 405 сонли «Халқ истеъмоли молларини импорт қилишда марказлашган валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги карорларига мувоғик, жаҳон бозори талабига жавоб бермайдиган сифатсиз ва норақобатбардош маҳсулотлардан ички бозорни ҳимоя қилиш, маҳсулотлар импорти сифатини ошириш юзасидан чора - тадбирлар амалға оширилди. Валютани тартибга солиш шартлари, шу жумладан, конвертация тартиб - қоидаси айни шундай молларнинг кўплаб келтирилишига тўскинилк қилди¹³.

1997 йилдан бошлаб, республикада биржадан ташқари валюта бозорини ривожланиши ва барқарор фаолият юритиши юзасидан кетма - кетликда зарурий чора - тадбирлар амалға оширилмоқда. Бунда сўм маблагларни эркін айрибошланадиган валютага конвертациялаш бевосита ваколатли банклар томонидан амалға оширилмоқда. Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар амалға оширишни манбалари бўлиб марказлаштирилмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмидан мажбурий сотув, ваколатли банкларнинг ўз маблаглари, шунингдек, мижозларнинг депозитлари ва бошқа валюта маблаглари ҳисобланади.

Ҳозирги вақтгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта

¹³ К Янгаев ва бошк. «Мустакилликни мустаҳкамлаш омили ёки валюта ва кредитлар нималарга йўналтирилмоқда?», «Бозор, Пул ва Кредит», журнали 1997 йил №6 сон, 7-бет

бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора - тадбирлар тўғрисида»ги ва 2000 йил 2 июня даги 2612 сонли «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва диний соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш бўйича дастурни амалга ошириш ва давлат хавфиззилигини таъминлаш бўйича чора - тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва ҳукуматнинг бошқа қарорларини бажариш мақсадида ички валюта бозорини эркинлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилган.

Бунинг натижасида ишлаб чиқилган босқичма - босқич чора - тадбирлар мажмую доирасида аввал фақатгина Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўм маблагларни хорижий валютага айрибошлишнинг сезиларли қисми биржадан ташқари валюта бозорига ҳам кўчирилди.

1998 йил 3 август куни республикамиз валюта бозори иштирокчилари учун зарур бўлган 445-сон «Тижорат банкларга хорижий валютада операциялар ўтказишга лицензиялар бериш» Қоидлари; 466 - сон «Очиқ валюта позициясини юритилиш» қоидлари; 467 - сон «Валюта бозорида операциялар ўтказиш тартиби»; 468 - сон «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта кимматликлари билан касса ишини ташкил қилиш тўғрисида»ги Низом - йўриқномалар давр талабини инобатга олган ҳолда қайта чоп килинди.

Ушбу йўриқномага асосан республикамиз тижорат банкларига валюта муносабатларини қай тартибда тузишлари кераклиги бўйича аниқ белгиланган техник ва малакавий талаблар жорий килинди. Банклар томонидан мижозларнинг валюта ҳисоб рақамларини юритишлари, нотижорат операциялари билан шугулланишлари, чет эл банклари билан вакиллик муносабатларини ўрнатишлари, товар ва хизматлар экспорти ва импорти билан боғлиқ ҳалқаро ҳисобкитобларни амалга оширишлари, ички валюта бозорида валютани сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ операциялари ва бошқа талабларини техникавий ва малакавий нұқтаи - назардан бажара олиши тўлиқ ўрганилгандан кейин уларга лицензиялар берилади¹⁴. Ушбу йўриқнома билан тижорат банкларига валюта билан муомалаларни амалга оширишга айrim талаблар қўйилган бўлиб, бу талабларга жавоб берадиган банкларга лицензиялар бериш йўлга қўйилди. Шу ўринда, нимага барча фаолият юритаётган банклар валюта билан

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 1998 йил 3 августда 463 - сон билан тасдикталган «Тижорат банкларга хорижий валютада операциялар ўтказишга лицензиялар бериш» Қоидаси.

операцияларни амалга ошириши мумкин эмас деган савол туғилади, аммо биз барча фаолият юритаёттандырған банкларга уларнинг валютавий операциялар ўтказиш бўйича малакаси етарли бўлмасада бош лицензияни берадиган бўлсак, у ҳолда хорижий ҳамкорларимиз банк тизимимизга ишончларини йўқотиб қўйишимиз мумкин. Шу боис бундай йўрикноманинг бўлиши зарур ва шарттир.

Тижорат банклари лицензия олганларидан кейин валюта операцияларини амалга ошираётни, улар баланс кўрсаткичлари асосида, ҳар бир валютада алоҳида амалга оширган операциялари бўйича ушбу валютада талаб ёки мажбуриятга эга бўладилар. Тижорат банкида бу каби очик валюта ҳолатлари бўйича Марказий банкнинг «Очиқ валюта позициясини юритилиш» Коидалари ба-тафсил ёртиб беради. Шу жумладан, мазкур ҳолатда учрайдиган атамалар (узун, қисқа, умумлашган позициялар, талаб ва мажбурият, валюта позицияси лимити, регулятив капитал ва бошқалар), очик валюта позициясини ҳисоблаш усули, жорий пайтда амал қилаётган валюта позицияси лимити миқдори, ваколатли банкларнинг бу борада олиб борадиган ҳисботи тартиби кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рагбатлантириш бўйича чора - тадбирлар тўғрисида»ги 2079-сонли Фармони ваколатли банкларга фуқароларнинг валюта маблагларини жалб қилиш мақсадида, мижозларга жамгармаларни саклаш ва қайтариш юзасидан кафолатлар, жамгарма бўйича ўсиб борувчи (прогрессив) шкаладаги фоиз ставкаларни киритиш, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги операциялари юзасидан банк сирига қатъий риоя этишни жорий этиш тавсия этилди. Ташқи иктиносидий фаолият миллий банки ва Марказий банкнинг маҳсус рухматномасига эга бошқа ваколатли банкларга жисмоний шахсларга талаб қилиб олгунча валюта ҳисоб рақами очиш ҳукуки берилди.

Ушбу фармонга мувофиқ, ваколатли банклар томонидан жисмоний шахсларнинг маблагларини хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига ва омонатларга жалб қилишни рагбатлантириш юзасидан кўшимча чора — тадбирлар амалга оширилди.

Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги 171 сонли Қарорига мувофиқ, апрелнинг охирига келиб, амалда бўлган турли валюта операцияларни амалга оширишда кўлланилган расмий курс, биржа курси ва биржадан ташқари айрибошлиш курслари унификацияланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245 сонли ва 2000 йил 30 июндаги 250 сонли қарорларига мувофик ваколатли банкларга 2000 йил 1 июлдан биржадан ташқари валюта бозоридаги савдода хорижий валюталарни харид қилиш ва сотиш курсларини мустакил тарзда аниқлаш ҳуқуки берилди. Марказий банк лицензияси эгалари - импорчиларга валюталарни сотиш, экспортерларга бўш валюта маблагларини сотиб олиш ва айирбошлиш шахобчалари оркали накд хорижий валюталар билан операциялар талаб ва таклиф асосида ўрнатилаётган курс бўйича амалга оширила бошланди.

Юқорида валюта операциялари ҳуқукий асосининг шаклланиши ва ривожланиши кўриб чиқилди. Шундан келиб чиқкан ҳолда, тижорат банклари валюта операцияларини бажариш пайтида, кўлланиладиган меъёрий хужожат «Накд хорижий валюта билан бажариладиган операцияларни амалга ошириш тартиби» хисобланади. Мазкур коида «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Марказий банк тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунларидан келиб чиқиб тузилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан накд хорижий валюта ва хорижий валютадаги тўлов хужожатларини хисобга олиш ва амалга оширишни тартибга солади.

Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлашга доир бир қанча аник чора-тадбирлар кўрилганлигини, унда тижорат банкларининг роли анча ошганлигини қайд этади. Миллий валютани конвертация қилиш ҳуқукига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони жиддий равишда кенгаймоқда, алмаштириш шахобчалари сони кўпайди, хорижий валюта сотиб олиш тартиби соддалаштирилди. Валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёнини янада чукурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва накд пулсиз ҳамда накд валютани конвертация қилиш кўламларини кўпайтириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 22 июнда «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» 263-сонли Қарори қабул қилинди. Бу қабул қилинган қарорларга асосан Марказий банк ва тижорат банкларининг биржадан ташқари валюта бозорини барқарор ривожлантириш учун эркин муомаладаги валютада «Бирлашган барқарорлаштириш жамгармаси» ташкил этилди.

Банклараро валюта савдоларида операцияларни соддалаштириш мақсадида 2003 йил 16 июндан зътиборан, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 июнида «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмашув курсларини бирхиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 260-сонли Қарорига мувофик, истеъмол товар ва хизматлар импортидан келиб тушадиган сўм маблагларини эркин конвертиранадиган валютага айирбошлаш банклараро савдо сессияларида талаб ва таклифдан келиб чикиб, белгиланган курс асосида амалга ошириладиган бўлди.

Тижорат банки валюта операцияларида юзага келадиган нохуш ҳолатлар рискидан сакланишда кўлланадиган асосий меъёрий ҳужжат «Очиқ валюта позициясини юритиши» Қоидалари 2005 йил 28 майда янгитдан таҳрир қилинди. Унга кўра, алоҳида валюта бўйича бажарилган операцияларга аввал амал килган меъёр, яъни 5% ли чеклов 10%гача оширилди, барча валюталар бўйича операцияларга нисбатан 20% чеклов амал килиши давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикасида амал килаётган қонуний ҳужжатларнинг асосий вазифаси валюта муносабатларида резидент ва норезидент, ваколатли банк, мамлакат ҳудудида амалга ошириладиган операциялар каби тушунчаларни аниқлашдан иборат. Шулардан келиб чикиб, қонунчиликка мувофик Ўзбекистон Республикаси резидентлари куйидагилар ҳисобланишади:

1. Ўзбекистон Республикасининг фукаролари;
2. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар;
3. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;
4. Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошка ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шугулланмайдиган ваколатхоналари.

Мамлакат ҳудудида куйидаги операциялар **валюта операциялари** деб зътироф этилади:

- валюта бойликларига бўлган мулқ ҳукукини ва бошқа ҳукукларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлик операциялар;

- валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасида олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва жўнатиш;
- халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш;
- резидентлар ~~ва~~ норезидентлар ўртасида миллӣ валютадаги операциялар.

Валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ҳамда капитал ҳаракати билан боғлик валюта операцияларига бўлинади.

Жорий халқаро операцияларга қўйидагилар киради:

- ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан, хизматлар кўрсатилиши муносабати билан, шунингдек, одатдаги киска муддатли банк ва кредит механизмлари ишлаши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар;
- фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишида, шу жумладан, банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинадиган фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шунингдек, бошқа инвестициялардан олинадиган соф даромад шаклида тўланиши зарур тўловлар;
- кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш;
- савдо билан боғлик бўлмаган пул жўнатмаларининг мақбул суммалари.

Савдо билан боғлик бўлмаган пул жўнатмаларига қўйидагилар киради:

- иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш;
- ходимларни Ўзбекистон республикасидан ташкарига хизмат сафарига юбориш билан боғлик ҳаражатларни тўлаш;
- таълим ва даволаниш учун ҳақ тўлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки хукуматлараро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналари таъминоти учун ҳақ тўлаш;
- нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлик тўловлар, шунингдек, бундай ҳаракатларни амалга ошириш ва ишларни судларда кўриш муносабати билан давлат божи тўлаш;

• суд, арбитраж, шунингдек, тергов ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорлари асосида пул маблағларини тўлаш;

• ҳалқаро конгресслар, симпозиумлар, конференцияларда, спорт ва маданий тадбирларда, шунингдек, бошқа ҳалқаро учрашувлар, кўргазмалар ҳамда ярмаркаларда иштирок этганлик учун тўловлар, инвестиция билан боғлиқ ва моддий харажатлар бундан мустасно:

- дағн қилиш билан боғлиқ тўловлар;

- муаллифлик ҳақи, патент божлари ва интеллектуал мулк соҳасидаги лицензия шартномалари мажбуриятлари бўйича ҳак тўлаш;

- ҳалқаро нотижорат ташкилотларига бадаллар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган бошқа операциялар.

Жорий ҳалқаро операциялар ва чет эл валютасини улар билан боғлиқ ҳолда сотиб олиш ёки сотиш чекловларсиз амалга оширилади¹⁵.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига жорий ҳалқаро операциялар ҳисобланмайдиган барча операциялар киради.

Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуклардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ва бошқа ваколатхоналари эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўчмас мулк объектларини олиш ва уларни қуриш бўйича капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентлар томонидан кўчмас мулкни олиш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар сотиб олиниши, шунингдек, рези-

¹⁵ Ўзбекистон республикаси «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги конуни 11.12.2003 л.

дентлар чикарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда белгиланади.

Чет эл валютаси билан боғлик бўлган ҳосила молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотиси бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муайян муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг қийматига ёхуд унинг курси ўзгаришига боғлик равишда бажарилиши мумкин.

Чет эл валютаси билан боғлик бўлган ҳосила молиявий воситалар бўйича операциялар:

- ваколатли банклар томонидан ўзаро ёки чет эл банклари билан чекловларсиз, очик валюта мавқеи лимити доирасида;
- агар шартнома тузиш жорий халқаро операцияларни ўтказиш билан боғлик бўлса, банкларнинг мижозлари томонидан ваколатли банклар орқали амалга оширилади.

Ваколатли банклар:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очик валюта мавқен лимити доирасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича, шу жумладан, ҳосила молиявий воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича бевосита ўзаро, ўз мижозлари билан ҳамда валюта биржалари орқали, шунингдек, халқаро бозорларда операцияларни амалга оширишга;
- Маҳаллий ва чет эл банкларида вакиллик ҳисобваракларига ҳамда бошқа ҳисобваракларга эга бўлишга;
- накд чет эл валютасини ҳамда чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш операцияларини амалга ошириш учун айирбошлиш шахобчаларини очишга ҳаклиdir.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш юридик шахслар томонидан ваколатли банклар орқали, жисмоний шахслар томонидан эса ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлиш шахобчалари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан чет эл валютасига бўлган талаб ҳамда таклиф-

нинг жорий нисбати асосида шакланадиган алмашув курси бўйича амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига нақд чет эл валютасини чекловларсиз олиб кириши мумкин.

Резидент жисмоний шахслар нақд чет эл валютасини олиб чикиш хукукини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатмасдан конун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чикишлари мумкин.

Конун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ бўлган нақд чет эл валютасини резидент жисмоний шахслар томонидан олиб чиқилиши уларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банклар томонидан бериладиган, Ўзбекистон Республикасидан нақд чет эл валютасини олиб чикиш хукукини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда амалга оширилади.

Норезидент жисмоний шахслар божхона декларациясига мувоғик олиб кирилган нақд чет эл валютаси миқдоридаги валютани, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан бериладиган, уларнинг нақд чет эл валютасини олиб чикиш хукукини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда эса олиб кирилган нақд чет эл валютасидан кўп бўлган миқдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чикишлари мумкин.

Резидент ҳамда норезидент юридик шахслар томонидан нақд чет эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чикиш бўйича операцияларни амалга ошириш қонун билан тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар бундан мустасно ҳисобланади.

Республикамизда валюта бозорларини янада эркинлаштиришга жуда катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси сабиқ иттифок даврида хом-ашё базаси сифатида қаралган бўлиб, мустақиликка эришгандан кейин импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш орқали ички бозорни ҳалқ истеъмоли товарлари билан тўлдиришга катта эътибор қаратди ва бу билан мавжуд валюта резервларини асбоб ускуналар ва хом-ашёлар сотиб олишга йўналтириди. Валюта курси эса давлат томонидан бошқарилиб тўрилди.

Хозирги кунда эса экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилемоқда.

Ўзбекистон Республикаси корхоналари, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, чет эл валютасидаги счётни факат Ўзбекистоннинг вакил қилинган банкларида очишлари мумкин.

Корхоналар хўжалик фаолиятидан олган чет эл валютасидаги барча маблаглари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган тартибда чет эл валютасидаги счёtlарига албатта ўtkазилиши керак.

Корхоналар томонидан хорижий, шу жумладан, МДҲ мамлакатларидағи шериклар билан лицензия бериладиган товарлар экспорти юзасидан тузадиган контрактлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўtkазилиши керак.

Экспорт контрактларининг ҳаммаси истисносиз, шу жумладан, Ташки иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўtkазилганлари ҳам, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган тартибда вакил қилинган банкда ҳисобга олиниши керак.

Товарларни экспорт килувчи корхоналар юкни божхона декларациясида хорижий шериклар билан ҳисоб-китобларда вакил қилинган банк реквизитларини тўлиқ номини кўрсатадилар.

Давлат божхона Кўмитаси ҳар ойда тегишли вакил қилинган банкларга экспорт юкларни чегарадан ташқарига чиқаришга асос бўлган юкнинг божхона декларациялари реестрларини экспорт килувчи корхонанинг номини, жўнатилган товарларнинг номи ва микдорини, уларнинг чет эл валютасидаги қийматини ва тўлов шаклини кўрсатган ҳолда тақдим этади.

Вакил қилинган банклар реестрлар асосида экспорт килувчилар счётига тушумларнинг тўлиқлиги, ўз вактида тушганлиги ва тўғрилигини ҳар куни назорат қилиб борадилар.

Бунда ўзбекистонлик экспорт килувчилар томонидан олинган тушумни бошқа юридик шахслар фойдасига трансферабель аккредитивлар ва бошқа тўлов хужоатларини қўллаш йўли билан қайта бериш тақиқланади.

Экспорт-импорт операциялари бўйича тўловларнинг асосий шакллари хужоатли аккредитивлар, банк жўнатмаси ва инкассо ҳисобланади.

II боб. ВАЛЮТА БОЗОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАФСИФИ

2.1. Валюта бозорининг зарурати ва турлари

Халқаро бозорга чиқувчи компаниялар сотиб олиш, сотиш, кредит бериш ва карз олиш бўйича турли битимларни амалга оширадилар. Бунда харидор учун маҳаллий бўлган валюта сотувчи учун хорижийга айланади. Чунончи:

– агар экспорт қилувчи давлатга унинг (маҳаллий) валютасидаги тўлов хариди учун ҳақ тўлаши лозим бўлса, хорижий харидор экспорт қилувчи мамлакатининг валютасини сотиб олиши зарур;

– агар экспорт қилувчи давлат харидорнинг маҳаллий валютасида ҳақ тўланишига рози бўлса, у олинган маблағларни ўз миллий валютасига конвертациялаш заруратига кўпроқ эҳтиёж сезади;

– халқаро савдо-сотикнинг айрим турлари харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам хорижий ҳисобланувчи валюталарда ҳақ тўлашни ўз ичига олади (масалан, нефт савдосида ҳисоб-китоблар одатда АҚШ долларида амалга оширилади).

Мисол учун, Германиядан товарлар сотиб олиш учун Ўзбекистонлик импортчи олмониялик етказиб берувчига ҳақ тўлаш мақсадида еврони сотиб олишга тўғри келади.

Одатда Форекс (Foreign Exchange) деб аталувчи валюта операциялари — бу бир валютани бошқасига айрибошлиш савдосидир. Халқаро савдонинг амал қилиш бозорининг мавжуд бўлишига эҳтиёж тутдиди.

Лойихавий молиялаштириш ва халқаро инвестициялар ҳам давлатлар чегараларини кесиб ўтувчи битимларга талаб уйғотади, улар воситасида халқаро валюта сотиб олиниди ёки сотилади. Масалан, АҚШ хазинаси облигацияларига маблағ кўйиш истагидаги Япон сармоядорлари облигацияларни сотиб олиш учун япон йеналари эвазига АҚШ долларини харид қилишлари керак бўлади.

Форекс бозоридаги савдо-сотик ҳажмлари ўсишига охирги йилларда халқаро савдонинг эркинлашуви (савдо тўсикларининг камайтирилиши) ва валюта назоратининг бўшаштирилиши тенденцияси билан рагбарлантирилди. Юқори тараққий этган индустрисал (саноатлашган) мамлакатларнинг кўпчилигида ҳозирда капиталнинг эркин ҳаракатланишига ижозат берилган. Шу боис компаниялар ва жисмоний шахслар хорижий валютани чекловларсиз харид қилишлари, карз олишлари ёки кредит беришлари мум-

кин. Шунинг учун халқаро савдо-сотиқ ва инвестицияларда чекловларни умуман бекор қилиниши эҳтимоли тўғрисидаги тахминлар ҳозирча ҳеч қандай асосга эга эмас.

Валюта бозорларини бир қатор хусусиятларига кўра туркумлашимиш мумкин:

1) Кўламига қараб:

Халқаро валюта бозорлари бир қанча мамлакат валюта бозорларини қамраб олади. Халқаро валюта бозорлари, кабель ва сунъий йўлдош алоқалари билан бир – бирлари билан чамбарчас боғлиқ жаҳон валюта бозорларининг занжирини ҳосил қиласди. Улар ўртасида маблаглар ҳаракати амалга оширилади.

Ички валюта бозори деб мамлакат доирасида фаолият юритаётган валюта бозорига айтилади.

2) Валюта чекловларининг кўлланишига қараб, *эркин ва бўлмаган валюта бозорларига* ажратиш мумкин. Валюта чекловлари амал килган бозор эркин бўлмаган дейилса, уларнинг мавжуд бўлмаслиги валюта бозори эркинлигини белгилаб беради.

3) Амал қиласидиган валюта курсларига қараб:

Битта валюта курси режисмига эга бозор – бу биржа савдоларида аниқланадиган эркин сузуб юрувчи курсга эга валюта бозори бўлиб, ички валюта бозорида битта курс шаклланади.

Икки ёки кўп погонали валюта курси режисмининг амал килишини ўзи эркин бўлмаган валюта бозорини англатади. Бунда валюта операциялариниг бир тури алоҳида курс бўйича ўтказилиб, бошқа турдаги операцияларга нисбатан ундан фарқли бўлган иккинчи курс кўлланилади. Кўп погонали валюта курси режисмини капитал ҳаракати бўйича чекловларга эга ривожланаётган мамлакат кўллаши мумкин.

4) Ташкилий жиҳатига кўра:

Валюта биржса бозори – расмий ташкил этилган, валюта қимматликлари бўйича савдо сессияси ўтказиладиган биржадир. Биржа тижорат корхонаси ҳисобланмайди. Унинг асосий вазифаси юқори даромад олиш эмас, балки вақтинча бўш пул маблагларини валюта қимматликларини сотиш орқали зарур йўналишга қаратиш ва валюта курсининг бозор қийматини аниқлашдан иборат.

Биржадан ташқари валюта бозори валюта биржасига аъзо бўлган ёки бўлмаган дилер томонидан ташкил этилиб, савдолар телефон, телефон, компютер тармоғи орқали олиб борилади.

5) Валюта бозорларини туркумлашда евровалюта, еврооблигация, евродепозит, еврокредит бозорларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Евровалюта бозори – Гарбий Европа мамлакатлари халқаро валюта бозори бўлиб, уларда шу ҳудудда айланадиган валюталар айрибошланади. Евровалюта бозорини фаолият юритиши валютанинг эмитент мамлакатдан ташқарида нақдсиз депозит ва ссуда операцияларида катнашиши билан боғлик. Евробозорлар давлат бозорлари ҳисобланмайди. Уларнинг вужудга келиши корхона, инвестор, давлат эҳтиёжлари пайдо бўлиши билан боғлик. Евробозордаги операциялар давлатнинг валютани тартибга солиш ва аниқ бир мамлакат солик конунчилигидан четда қолади.

Еврооблигациялар бозори бу қарз олувчининг облигацияси сифатида расмийлаштириладиган, евровалютада берилган узок муддатли қарз мажбуриятлари бўйича молиявий муносабатлардир. Облигацияларда қарз микдори, уни қайтариш шартлари ва муддати, фойзларни купонга мувофиқ олиш тартиби акс эттирилади.

Евродепозит бозори евровалюта бозорида айланадиган маблаглар ҳисобига хорижий тижорат банкларда валюта омонатларини шакллантириш бўйича баркарор молиявий муносабатлардир.

Еврокредит бозори – хорижий тижорат банкларининг евровалютада бериладиган халқаро қарзни тақдим этиш бўйича мустаҳкам кредит ва молиявий муносабатлари ҳисобланади.

2.2. Форекс бозори

Форекс (валютавий) битими — бу муайян санада етказиб бериш шарти билан, келишилган айрибошлаш курси бўйича бир хорижий валютани бошқасига алмаштириш эвазига сотиб олиш ёки сотиш контракти. Бу каби битимлар форекс (FX) бозорида амалга оширилади.

Форекс бозори — бу тижорат банкларининг дилинг бўлимлари (dealing rooms) ҳамда бир-бирлари билан ва мижозлар билан телекоммуникация воситалари орқали боғланган брокерлардир.

FX бозоридаги асосий иштирокчилар — йирик банклар бозорида мижозлари номидан ва ўз мижозлари учун ҳам, ўзлари олиб-сотишлари учун ҳам битимларни амалга оширадилар. FX бозорининг бошқа қатнашчилари — брокерлар, инвестиция институтлари (жамгармалар), корпорациялар ва марказий банклар бозорида амалга ошириладиган битимларнинг жами ҳажмида банклараро келишувларнинг асосий қисмини эгаллади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХҲБ)нинг марказий банклар тадқиқотларирига асосланган ҳисоботига мувофиқ Лондон, Нью-Йорк, Токио ва Сингапур битимлар ҳажми бўйича пасайиб бориш тартибига кўра валюта савдосининг асосий марказлари ҳисобланади.

Лондон муҳим молиявий марказ сифатида бутун бозорнинг қарийб учдан бир қисмини эгаллади. Катта марказлар, шунингдек, бошқа мамлакатлarda ҳам жойлашган, масалан, Германияда, Швейцарияда, Гонгконг (Сянган)да ва Францияда.

Валюта савдоси учта асосий марказларнинг иш вақти деярли 24 соатни ташкил этади. Лондон ва Нью-Йорк ўртасидаги беш соатли фарқ ҳамда Токио ва Лондон ўртасидаги тўккиз соатли фарқ амалда сутка давомида савдо- сотиқ килишга имкон беради.

Валюта бозорида бир валютани иккинчисига айрибошлиш нархи валюта курси деб аталади. Эркин бозорда бу нархлар талаб ва таклифга мувофиқ юкорига ёки пастга ҳаракатланади, бошқариладиган бозорда эса валюта курслари назорат предмети бўлиб ҳисобланади. Асосий жаҳон валюталари учун валюта бозорлари қисман бошқарилади. Бу шунда акс этадики, айрим давлатлар ўз миллий валюталари алмаштириш курсини бошқа асосий валюта-ларга қарши барқарорлаштиришга ҳаракат киласилар.

Асосий жаҳон валюталари — АҚШ доллари, йена ва евро ўртасидаги алмаштириш курси талаб ва таклифга мувофиқ равишда эркин тебранади.

АҚШ доллари ҳозирга қадар форекс бозорида асосий ўринда турибди. Куйидаги омиллар шундан далолат беради:

- энергетика ва қишлоқ хўжалиги товарлари савдосида афзал валюта сифатида долларнинг роли;
- АҚШнинг иқтисодий қудрати ва унинг жаҳон иқтисодиётидаги марказий роли;
- долларнинг анъанавий захира валютаси сифатидаги мақоми;
- 1999 йилда евровалютанинг амалга киритилиши унинг вақт ўтиши билан АҚШ долларининг устуворлигига барҳам бера олиши тўғрисида бахсларни юзага келтирди. Ҳамма валюталар одатда АҚШ доллари (USD)га нисбатан котировка килинади ва форэкс битимларининг катта қисми долларни таркибий валюталардан бири сифатида ўз ичига олади.

АҚШ долларини ўз ичига олмайдиган битимларни, яъни кросс — битимларни бажариш учун иккита келишувни амалга ошириш лозим. Мисол учун, Швейцария франкининг Япон йенасига нисба-

тан кросс— битими икки келишув воситасида қопланиши мумкин: доллар швейцария франкига нисбатан ва доллар япон йенасига кросс-битимларни ўтказиш йўли билан (2.2 параграфда тўлик ёритилган)

Валюта бозоридаги талаб ва таклифга таъсир этувчи ва шу тарзда алмаштириш курсларини харакатлантирувчи омилларни узок муддатли ва қиска муддатли омилларга ажратиш мумкин.

Олиб-сотиш ва инвестиция мақсадларида сотиб олиш ёки сотиш учун талабни ҳосил қилувчи иқтисодий ва хукукий шарт-шароитларни узок муддатли омилларга киритиш мумкин.

Икки валюта ўртасидаги ўртача алмаштириш курси ва унинг муайян вакт оралигидаги ўзгаришлари бу валюталарнинг ҳар бир эмитенти мамлакатларида иқтисодий ҳолат фарқланишларини акс эттиради. Валюта бозорининг узок вакт сақланиб турмайдиган жорий шарт-шароитларидан келиб чиқувчи талаб ва таклифа бўлган таъсир қиска муддатли омилларга киритилади. Бозорда бирор валютани сотувчилар сонини вақтинчалик етишмаслиги унинг нархларини шу валюта сотувчилари учун мақбул бўлган даражагача ўсишига ёрдам беради. Бозордаги кайфият ёхуд мишишлар валюта қийматини тушиб кетиши ёки кўтарилишини юзага келтиради. Агар бу ҳол юз берса у ёки бу валютани олиб-сотиш (чайковчилик) мақсадларида ёки эҳтиёт чораси сифатида сотиб олиш ёхуд сотиш алмаштирув курсини қиска муддатга (бир неча кун, ҳафта ёки ойларга) жиддий ўзгаририб юбориши мумкин.

Валюта бозоридаги тебранишлар (баркарорлик – Volatility) **валюта хатари** (risk)ни юзага келтиради. Бу валюта курсидаги номақбул ўзгаришнинг хатари бўлиб, сотиб олаётган, сотаётган, қарз олаётган ёки кредит бераётган ҳар қандай шахснинг кутаётган маблаглари (даромадларини) камайтириши ёки кутилаётган сарф-харажатларини кўпайтириши мумкин бўлган валюта курсидаги кўнгилсиз ўзгаришлар хатаридир. Экспозиция, яъни компаниянинг валюта хатарига чалиниши кўлами унинг валюталардан ҳар биридаги даромадлари, сарфлари, қарз ва кредитлари ҳажмига боғлик.

Давлат валюта сиёсатининг мақсади — миллий валюта курсини баркарорлаштиришдан иборат. Валютанинг баркарорлиги валюта хатарини пасайтиради ёки бартараф этади ва шу асосда халкаро савдо-сотикни ривожланиши учун шарт - шароит яратади.

Валюта курслари тебраниши, яъни ўзгарувчанлиги валюта чайковчиларига валюта савдосидан фойда олиш учун шарт-шароит яратиб бериши мумкин. Аммо халкаро микёсда савдо ва инвести-

циялаш билан шугулланувчи компаниялар ҳолатида, алмашув курсини турғун эмаслиги валюта курсининг номаъқул ўзгаришлари ёки валюта экспозициясини хеджирлашдаги зарар кўриш ҳатари фаолликни пасайтириши мумкин.

2.3. FOREX бозориниг асосий иштирокчилари

Валюта бозорининг асосий иштирокчилари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

Тижорат банклари. Улар валюта операцияларини асосий ҳажмини амалга оширишади. Банкларда бозорнинг бошқа иштирокчилари ҳисоб – варакларига эга бўлиб, улар конверсион ва депозит – кредит операцияларини улар орқали амалга оширишади. Банклар (мижозлар билан операциялари орқали), бозорнинг валюта операцияларига бўлган эҳтиёжини мужассамлаштиради. Мижоз истагини кондиришдан ташқари банклар ўз маблағлари ҳисобига ҳам операцияларни бажаришлари мумкин. Натижада валюта бозори банклараро битимлар бозорига айланніб қолади. Валюта курслари ва фоиз ставкалар ҳаракати деганда, банклараро валюта бозори тушиунилади.

Йирик ҳалқаро банклар қунига миллиардлаб доллар битимларни ўтказиш билан жаҳон валюта бозорларига жуда катта таъсир кўрсатишади. Бундай банкларга Deutsche Bank, Barclays Bank, Union Bank of Switzerland, Citibank, Chase Manhattan Bank, Standard Chartered Bank ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ташқи савдо операцияларни бажарувчи фирмалар. Ҳалкаро савдода қатнашаётган компаниялар доимий тарзда хорижий валутага бўлган талаб ва таклифни шакллантиришади, шунингдек, қисқа муддатли депозитларга вактинча бўш валюта маблағларини жойлаштиришади ва жалб этишади. Бунда мазкур ташкилотлар валюта бозорига тўғридан – тўғри қатнашиш имконига эга бўлмайдилар, конверсион ва депозит операцияларни эса тижорат банклари орқали олиб боришади.

Хорижий активларни жойлаштириши билан шугуланаётган компаниялар (Investment Funds, Money Market Funds, International Corporations). Бундай компаниялар турли ҳалқаро инвестицион компаниялар сифатида намоён бўлади. Турли давлат ва хорижий корпорация қимматли қозозларига портфел активларни жойлаштириш билан диверсификацияланган сиёсатни олиб боришади. Дилерлар тилида уларни шунчаки, фонд ёки «funds» деб аташади. Энг

машхур фондлардан бири муваффакиятли валюта спекулятив операцияларни ўтказувчи Жорж Сороснинг «Quantum» ва «Dean Witter» фондлариридир.

Бу турдаги фирмаларга, шунингдек, хорижий ишлаб чиқариш инвестицияларни амалга оширувчи йирик халқаро корпорацияларни киритиш мумкин. «Ксерокс», «Нестле», «Дженерал моторс», «Бритиш петролеум» ва бошқалар томонидан филиал ёки кўшма корхоналарни ташкил этиш бўйича фаолияти шулар жумласидандир.

Марказий банклар. Уларнинг асосий вазифаси ташкил бозорда валютани тартибга солишдан иборат, яъни валюта инқирози олдини олиш мақсадида, миллий валюта курсининг кескин тебраниши олдини олиш, экспорт – импорт балансини ушлаб туриш ва бошқалар. Марказий банклар валюта бозорига тўғридан – тўғри таъсир этишади. Бу таъсир бевосита валюта интервенцияси кўринишида, ёки билвосита пул массаси ва фоиз ставкасини тартибга солишда кўринади. Марказий банклар миллий валютага таъсир этиш учун бозорда якка тартибда ёки бошқа Марказий банклар билан келишган ҳолда, кўшма валюта сиёсатини олиб бориш билан иштирок этиши хам мумкин.

Жаҳон валюта бозорларида энг катта таъсирга эга марказий банкларга: АҚШ Федерал Резерв Тизими (US Federal Reserve ёки қисқача FED), Германия Бундесбанки (Deutsche Bundesbank) ва Англия Банкини (Bank of England, шунингдек, Old Lady деб аталади) келтириш мумкин.

Валюта биржалари. Ўтиш иктисодиётига эга бир катор мамлакатларда юридик шахсларга валюта айрбошлаш ва валютанинг бозор курсини шакллантиришга хизмат килувчи валюта биржалари фаолият олиб боришади. Одатда, давлат алмашув курси даралисини биржа бозорининг ихчамлигидан фойдаланиб, тартибга солио туради.

Валюта брокерлик фирмалари. Уларнинг вазифалари хорижий валюта харидори ва сотувчини бир – бири билан учраштириш ва улар ўртасида конверсион ёки ссуда – депозит операцияларни ташкил этишдан иборат.

Хусусий шахслар. Жисмоний шахслар кенг куламда носавдо операцияларни, хусусан, туризм, иш ҳаки, пенсия, гонорарлар и ўтказиш ва накд валюта олди - сотисини бажаришади. 1986 йилдан бошлаб эса, маржа савдоси киритилиши билан жисмонини

шахслар FOREX бозорида бўш пул маблағларни инвестициялаш имконига ҳам эга бўлишди.

2.4. Валюта бозори тарихи

Олтин стандарт. 1914 йилга қадар давлатларнинг банкнотлари ҳукумат ихтиёридаги олтинни ифодалаган. Мисол учун, инглиз фунт стерлинги муайян олтин микдорига боғланган бўлиб, Англия банки зарурият тугилганда уни тўлаш мажбуриятини олган. Бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам шунингдек, олтин стандарт қабул қилинган эди: уларнинг валюталари қиймати умумқабул қилинган стандарт — олтин билан белгилаб қўйилган. Ҳар бир мамлакатда пуллар таклифи ва ҳукумат ҳаражатлари давлатнинг расмий захираларида олтин микдори билан чекланган. Бу даврда валюталарнинг ривожланиши учун рағбат омили бўлиб хизмат қилган.

Олтин стандарт 1914 йилда биринчи жаҳон уруши бошланиши билан барҳам топди, чунки бу вактда ҳукуматлар ўз захираларида мавжуд бўлган олтин микдоридан кўра кўпроқ ҳарбий ҳаражатлар қилишга мажбур эдилар. Уруш тугаганидан сўнг фақат АҚШ олтин стандартга қайтишга умид боғлаши мумкин бўлди. 30 йиллардаги жаҳон иқтисодий танглиги бу тизимнинг узил -кесил якуни бўлди.

Иккинчи жаҳон урушининг охирига бориб, (1939-1945) ҳалқаро саъй-ҳаракатлар жаҳон иқтисодиётини тикишга йўналтирилди. АҚШ дунёдаги энг кучли иқтисодиётга эга мамлакат сифатида етакчилик қилди.

Нью-Хемпшир штатидаги шаҳар номи билан аталган, 1944 йилдаги Бреттон-Вудс келишуви ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликнинг самараси бўлди. У ерда қатъийлаштирилган курс режимига қайтишдан нишон берувчи битимга эришилди. Бу битимнинг шартларига қуйидагилар киритилди:

- АҚШ доллари олтинга нисбатан қатъийлаштириб қўйилди (бир троя унциясига 35 доллар) ва АҚШ ҳукумати олтинни долларга айирбошлаб сотиб олишга ва сотишга киришди;

- битимга аъзо ҳар бир мамлакат ўз валютаси қийматининг АҚШ долларига ва олтинга нисбатан паритетини (тenglik nisbatini) белгилаб, алмаштирув курсини унинг + 1% паритетида ушлаб туриш учун марказий банклар интервенциядан фойдаланиш мажбуриятини олди.

Ҳакиқатда эса жағон иқтисодиети асосий захира валютаси (бошқа мамлакатларнинг расмий захираларида сакланувчи валюта), шунингдек, жағон савдосининг асосий валютаси бўлган АҚШ долларига асосланган олтин стандартга қайтди.

Бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари АҚШ долларини расмий захираларида саклаб, зарурат тугилганда АҚШ ҳукуматининг розилиги билан долларни қатъий курс бўйича бир троя унциясига 35 доллар хисобида олтинга алмаштиришларига ишонардилар.

Вақт-вақти билан асосий валютанинг алмаштириш курси АҚШ долларига нисбатан, демак, шу тарзда савдо-сотик қилинадиган барча валюталарга нисбатан ҳам девальвацияланиши (қиймати туширилиши) ёхуд ревальвацияланиши (қиймати оширилиши) лозим эди. Шунга қарамасдан Бреттон-Вудс тизими фақат 60 йилларнинг охирларигача амал қила олди.

70 йилларнинг бошларида АҚШ нинг асосан Вьетнамдаги уруш ва ҳарбий тадқиқотларига сарфланган ҳаражатлар, боз устига дунё баҳолари тўсатдан кўтарилиб кетиши билан қўшилишидан ҳосил бўлган, ўсиб бораётган савдо ва бюджет дефицити (камомади) тизимнинг буткул парчаланишга олиб келди. 1971 йилда АҚШ ҳукумати АҚШ долларини олтинга конвертациялашни тўхтатиб қўйди. Шундан кейин дунёнинг кўплаб валюталарининг эркин тебранишига рухсат берилди.

Вақт ўтиши билан, 1971 йилдан кейин доллар кўпгина етакчи валюталарга нисбатан қадрсизлана бошлади. Марказий банклар доллар захираларининг бир қисмини сотишга ва уларни мустаҳкам валюталарга, Хусусан немис маркасига ва япон йенасига алмаштиришга мажбур бўлдилар.

2.5. Евровалюта бозорларининг ривожланиши

Евробозорлар 50 – йиллардан бошлаб шаклана бошлаган. Уларнинг пайдо бўлишига қўйидаги омиллар таъсир этган:

1. АҚШдан ташқари долларни жойлаштириш бўйича таклифнинг юзага келиши;
2. Европада АҚШ долларига бўлган талабнинг ортиши;
3. АҚШ ҳукуматининг мамлакат ичкарисида валюта операцияларининг эркин бозорга нисбатан қийинлаштирилиши;
4. Европа банкларининг халқаро операцияларни молиялаш воситасини топиш истаги юзага келиши;

5. АҚШ қарзларини олишга имконсиз бўлган Америка корпорацияларининг Европа филиаллари томонидан евродолларга бўлган талабнинг ўсиши;

6. Доллар депозитлари ички бозорига қараганда евродолларларнинг юқори фоиз қўшилмалари (ставкалари), Америка банклари долларларини евробозорларга оқизиш учун ўз Европа филиалларидан фойдалангандар, шу зайлда АҚШнинг чекловчи ички банк қонунларини четлаб ўтганлар.

Евробозорларда аввалига фақатгина евродоллар ҳукмрон бўлган.

Евродоллар – бу Фарбий Европа тижорат банкларининг АҚШ долларида қабул қилган омонатлари. Франция ёки Британия банки мажбурияти сифатида пассивга ёзилган доллар евродоллар хисобланади. Аста – секин евродоллар евроВалюта ҳодисасига айланди. Шундай қилиб, Люксембург ёки Буюк Британия банклар пассивида турган француз франки ёхуд немис маркаси еврофранк ва евромуракка деб номлана бошланди. Евровалюта депозитининг асосий хусусияти шундан иборат эдикни, депозитни олуви чинчалашади. Евровалюта келиб чиқкан мамлакатдан ташқарида резидент бўлиши лозим.

50 йилларнинг охирига қадар АҚШ ташқарисидаги банклар хисобварагидаги АҚШ долларлари кўпроқ репатриацияланган (яъни, мамлакатга қайтарилган), чунки банклар бундай депозитларни олгач, уларни АҚШ тулбада бозорларида қайтадан сармояга кўйганлар (реинвестиция). Бирок, 50 йилларнинг охиридан бошлаб, доллар асосий халқаро савдо-сотиқ валютаси сифатида стерлинг мавқеини сиқиб чиқаргач, норезидентлар томонидан Америка долларларига бўлган талаб сезиларли даражада ошди. Доллар депозитлари Европада европалик қарз олуви томонидан қайта қарзга берила бошлади, бу эса евродолларлар бозорининг тез тарақкий этишига замин яратди. Евродоллар таклифи 50 йиллар охири 60 йиллар бошларида АҚШ савдо баланси камомадининг ўсиши билан ошди, бу эса АҚШ норезидентлари қўлига долларлар оқими келишини таъминлади. Евробозорларнииг ўсиши 1960 йилларда АҚШда ички банк чекловлари билан тезлашди, куйидаги омилилар бунинг натижаси бўлди:

Гарчи АҚШ қонунчилигидаги чекловлар 70 йилларнинг бошига келиб бир қадар бўшаштирилган бўлса-да, евродоллар бозори бу вақтга келиб курашда омон қолишга ва ҳатто АҚШ ички бозорларида ракобатлашиш учун етарлича қувватланиб олди. 70 йилларда евродоллар бозори нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг

«нефт долларлари»ни қайта ишлашда ҳал қилувчи ролни ўйнади. Чекланган доллар қарзлари ўша даврда нефт нархининг кескин кўтарилиши оқибатида тўлов баланси камомадидан жабр кўрган мамлакатларга тақдим этилган. Гарчи евробозорлар авваламбор евродоллардан бошланган бўлса ҳам, евродоллар эса кўпроқ қўлланилган валюта бўлиб қолаётганига қарамай, бошқа европавалюталар (евроиена, евростерлинг, евроМарка ва бошқалар) учун ҳам бозорлар мавжуд эди.

Айтиш жоизки, евродолларнинг вужудга келишига Собик Иттифоқ хукуматининг ҳатти – ҳаракатлари ҳам сезиларли таъсир этган. М.Пебронинг таъкидлашича, совет хукумати долларни Америка банкларига жойлаштиришни ҳам, АҚШ валюта бозорида айирбошлишни ҳам хоҳламаган. Бундай ҳолатни, АҚШ молиявий қувватини мустаҳкамланишини истамаслик ва сиёсий низоларнинг юзага келиши натижасида Иттифоқга тегишли доллар ҳисоб – варакларини музлатилишидан хавфсираш билан изоҳлаш мумкин. Бунинг натижасида, Иттифоқга тегишли бўлган доллар Давлат банкининг Европадаги Евробанк филиалига кўйилган эди, кейинчалик эса Москва ҳалқ банкининг Лондондаги филиалига жойлаштирилди. Ўз наебатида, Британия банклари ҳам евродолларни шаклланишига таъсир этишди.

Евровалюта бозори байналминал хусусиятга эга. Бу бозордаги катта операциялар Осиё (Сянган ва Сингапур), Кариб кўрфази (Багам ва Кайман ороллари), Канада ва Лондонда амалга оширилади. Евровалюта бозорининг етакчи маркази бўлиб, шубҳасиз Лондон ҳисобланади.

Евродолларларнинг асосий манбалари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. АҚШдан ташқарида долларни сақлаш истаги бўлган хорижий давлат ва фуқаролар;
2. Жорий эҳтиёжларидан ортган маблағларга эга ҳалқаро корпорация ва Европа банклари;
3. Ижобий савдо балансига мамлакат захиралари, масалан Япония, Тайван, Германия.

80 – йилларнинг бошида евродоллар бозорининг ҳажми АҚШ миллий банк тизими имкониятларидан ҳам ошиб кетди. Бундай шароитларда АҚШ хукумати ҳалқаро банк хизматларни йўлга кўйишга қарор қилди. Ҳалқаро банк хизматларига нисбатан мажбурий захира ва федерал депозит сугуртаси талаб этилмайди. Улар шунингдек, федерал солиқларга тортилмайди.

60 – 70 йилларда евробозорларнинг жадал ривожланиши 80 – йиллар ва 90- йилларнинг бошига келиб, фаолият турлари кўпайиши ва диверсификацияланишига олиб келди. 80 – йиллардан бошлаб, қимматли қоғозлар бозорининг шиддатли ривожланиши бошланди: еврооблигация, ~~евроакция~~, европекселлар, молиявий инновациялар. Масалан, еврооблигациялар еврода қарз олиш учун чиқарилди.

Еврозаймлар одатда, Йирик банклар томонидан чиқарилди, улар учун маҳсус ҳалқаро консорциум ва синдикатлар ташкил этилади. Консорциумларда иштирок этиш учун банклар турли хил кредит – молиявий институтлар: пенсия фонdlари, сугурта ва инвестиция компанияларини жалб қиласиди. 90 – йилларнинг бошида еврозаймлар ҳиссасига жами қарздорликнинг 80% тўғри келар эди.

Еврооблигация (евробонд)лар одатда 7 йилдан 15 йилгача муддатларда чиқарилади. 80 – йилларда 30 ва 40 йил муддатта мўлжалланган облигациялар чиқарилган. Бозорда асосий қарз олуви чўлиб, ҳукумат, ҳалқаро ташкилотлар, трансмиллий корпорация, маҳаллий ҳукумат органлари ва миллий компаниялар ҳисобланади.

Еврооблигациялар хорижий ва миллий компаниялар, алоҳида давлат томонидан чиқарилиши мумкин. Евробондлар хорижий ва-лютада деноминация қилинади. Масалан, немис маркасида деноминация қилинган облигация унинг қайси мамлакатда эмиссия қилинишидан катъий назар, Германия ташқарисида сотилса евробонд ҳисобланади. Евробондларнинг аксарият қисми долларда деноминация қилинади ва Европада сотилади. Евробондлар тақдим этувчига берилган облигация ҳисобланади. Бу улар қайд этилмаслиги ва улар бўйича олинган даромад соликка тортилмаслигини англаради. Евробондларнинг катта ҳажми Швейцария норезидентлар ҳисоб – варакларида сақланмоқда.

Евробондлар катъий ўрнатилган ёки сузуб юрувчи фоиз бўйича даромад келтириш мумкин. Сузуб юрувчи фоизга эга евробондларда LIBOR ставкасига боғланган купон фоиз тўловлари бўлади. фоиз ставкаси ҳар олти ой ёки бир йилда мувофиқлаштирилиши мумкин. 80 – йилнинг ўрталарида аксарият евробондлар эркин сузуб юрувчи фоиз ставкаси билан белгиланган эди.

Баъзи евробондлар бу мажбуриятларни эмиссия қилган компания акцияларининг маълум қисмига конвертилаш ҳукукини ҳам берар эди.

ШІ бөб. ВАЛЮТА КУРСИННИГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ВАЛЮТА КУРСИ ХУСУСИДАГИ ЕТАКЧИ КОНЦЕПЦИЯЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

3.1 Валюта курси турларининг тавсифи

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг юқори суръатдаги ривожланиши товар бозори билан бир қаторда молия бозорини шаклланишига сабаб бўлди. Молия бозорининг муҳим секторидан бири бўлиб, турли мамлакат валюталарини ўзаро нисбатини аниқловчи валюта бозори ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, валюта бозорининг асосий кўрсаткичи сифатида валюта курсини ҳисоблаш мумкин.

Валюта курси – бир мамлакат пул бирлигини бошқа мамлакат пул бирлигига акс этувчи нарх ҳисобланади.

Нарх нисбати эркин бозор шароитида талаб ва таклифдан келиб чиқкан ҳолда ёки ҳукумат ва унинг асосий молия – кредит органлари, асосан марказий банклар томонидан қатъий тартибга солиш билан белгиланади.

Назарий жиҳатдан ҳар бир мамлакат валюта курсини бошқа мамлакат валюталарига тенглаштириш орқали аниқлаши керак. Лекин назарий ва ҳукукий томондан оқил бўлган бундай ёндашув амалда юзлаб валюта курсларини пайдо бўлишига олиб келади, бу шубҳасиз, ташқи иқтисодий операциялар тезкорлигига нокулай вазият тугдириши мумкин.

Жаҳон валюталарининг юзага келиши ҳар бир мамлакат учун ўз миллий валюта курсини юзлаб миллий пул бирликларига нисбатан аниқлашда қулагйлик яратиб берди. Бунда ўз валюта курсини битта жаҳон валютасига нисбатан аниқлаш кифоя. Валюта курси жамоа валюталарига (SDR, Евро) нисбатан белгиланиши ҳам мумкин.

Валюта курсининг зарурати қўйидагиларда акс этади:

- товар, хизматлар савдоси, капитал ва кредитлар ҳаракатида валютани ўзаро алмаштириш;
- миллий ва жаҳон бозорларида нархларни ҳамда турли мамлакатларда миллий ва хорижий валютада кўрсатилган қиймат кўрсаткичларини таккослаш;
- фирма ва банклар томонидан хорижий валютадаги ҳисоб варакларини даврий қайта ҳисоблаш.

Ташки жиҳатдан, валюта курси бозор иштирокчиларига талаб ва таклиф асосида аниқланадиган, бир валютани бошқасига қайта ҳисоблашда кўлланиладиган коэффициент сифатида намоён бўлади. Аммо валюта курсини асосий қиймати бўлиб валюталарнинг харид қобилияти ҳисобланади.

Валюта курси бир қанча хусусиятига кўра, турли хил турларга ажратилади.

3.1 - жадвал

Валюта курсининг туркумланиши

Белгилаш усулига кўра	Эркин сузуб юрувчи Қатъий белгиланадиган Аралаш
Ҳисобланишига кўра	Паритетли Ҳакикий
Нисбат усулига кўра	Кросс курслар Тўгри Эгри Фиксинг
Битим турига кўра	Спот курс Муддатли операциялар курси
Бажариладиган операцияларига кўра	Бир погонали, ягона валюта курси Кўп погонали валюта курси тизими
Валюталарнинг харид қобилияти паритетига нисбатан белгиланганига кўра	Юкори Паст Паритетига тенг
Битим иштирокчиларига нисбатан	Харид курси Сотиш курси Ўртacha курс
Инфляцияни ҳисобга олишга кўра	Реал Номинал

Валюта курслари икки асосий турга бўлинади: қатъий белгиланган ва сузувчи курслар. Қатъий белгиланган валюта курси жуда тор доираларда ўзгариб туради ёки умуман ўзгармаслиги ҳам мумкин. Сузувчи валюта курслари валютага бозор талаблари ва таклифларига боғлик ҳамда ҳажми бўйича доим ўзгариб туради. (Валюта курсининг белгиланишига кўра, бошқа турларга бўлинишини кейинги параграфларда кўриб чиқамиз).

Валюта курсининг хорижий пул бирлигига қатъий белгиланиши валюта котировкаси деб номланади. Бунда миллий валюта

курси түгри котировка (1, 10, 100 хорижий валюта бирликлари = миллий валюта «х» бирликлари) ҳамда тескари котировка (1, 10, 100 миллий валюта бирликлари = хорижий валюта «х» бирликлари) шаклида белгиланиши мумкин. Иккى мамлакат валютаси нисбатини аниклашда учинчи валютадан фойдаланилса, кросс курс юзага келади.

Амалиётда валюта курсларининг икки тури ўзининг аник фаркини топган:

- а) жорий валюта курси;
- б) муддатли валюта битимлари курси.

Жорий валюта курси ўз навбатида учта турни ўз ичига олади:

- биржа спот курси;
- тижорат спот курси;
- параллел бозор курси.

Муддатли битимлар курси ҳам учта турни ўз ичига олади:

- форвард курси;
- опцион контракт курси;
- фьючерс битимлари курси.

Тижорат спот курси ҳар бир битим бўйича алоҳида ҳолда белгиланади. Шуни таъкидлаш муҳимки, 90 фоизга яқин спот операциялари жаҳондаги бешта валюталарда: АҚШ доллари, евро, япон ийенаси, британия фунт стерлинги ва швейцария франкида амалга оширилади. Бирок ҳалқаро ҳисоб – китобларда европенинг улуши мунтазам равишда ўсиб бормоқда, бу хусусан унинг курси барқарор эканлиги билан изоҳланади. Кейинги йилларда Евро курсининг АҚШ долларига нисбатан сезиларли даражада кўтарилиши кузатилмоқда.

Муддатли валюта операцияларидан валюта захираларини валюта таваккалчилигидан ҳимоялаш учун фойдаланилади. Муддатли битимлар курслари муддатли валюта битимларини тузиш пайтида катъий белгиланади ва уларнинг ижросига қадар ўзгармай қолади. Шуни эътиборга олиш лозимки, муддатли валюта операциялари курсининг даражаси фоиз ставкаларидаги фаркига боғлик бўлади. Уни аниклашда битимнинг валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси, баҳолаш валютаси юзасидан эса депозитларнинг фоиз ставкаси олинади.

Агар битим валютадаги кредитларнинг фоиз ставкаси баҳолаш валютасидаги депозитларнинг фоиз ставкасидан юқори бўлса, бу ҳолда олинган натижага дисконт бўлиб ҳисобланади. Агар битим ва-

лютадаги кредитларнинг фоиз ставкаси баҳолаш валютасидаги депозитларнинг фоиз ставкасидан паст бўлса, бу ҳолатда олинган натижа мукофот бўлиб ҳисобланади.

Муддатли битимлар курсини аниқлашда қуйидаги иккита формуладан фойдаланилади:

$$\text{Муддатли битимлар курси} = \text{Спот курс} + \text{Мукофот} \quad (3,1)$$

$$\text{Муддатли битимлар курси} = \text{Спот курс} - \text{Дисконт} \quad (3,2)$$

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида биржা спот курси валюта биржасида фиксинг асосида белгиланади, унинг моҳияти шундан иборатки, биржা курси валюта савдоларининг муайян пайтига талаб ва таклиф асосида аниқланади. Масалан, евро курси Франкфурт-Майнда жойлашган валюта биржасида роппа – роса соат 13.00да аниқланади. Компьютер дастури автоматик тарзда еврорага бўлган талаб ва таклиф асосида унинг хорижий валюталарга нисбатан курсини қатъий белгилайди. Бинобарин, биржা курси тижорат спот курсларига асосланади. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида биржা курси ва тижорат спот курси ўргасида сезиларли фарқ мавжуд эмас.

Бир ва кўп поғонали валюта курси тизими. Иқтисодий назарияга мувофиқ, бир мамлакат миллий валютаси бошқа мамлакат валютасига нисбатан ягона курсга эга бўлади. ХВФнинг VIII модасига кўра, миллий валютани жорий операциялар бўйича конвертацияси бўйича мажбуриятларни қабул қилган мамлакатлар, бошқа мамлакатлар камситилишига олиб келувчи кўп поғонали валюта курси тизимидан сақланиши лозим. **Валюта курсининг ягоналиги** (бир поғонали) барча турдаги валюта операцияларга битта самарали валюта курсини қўллаш тушунилади¹⁶.

Кўп поғонали валюта курси тизими деганда, валюта операция тури, иштирокчиси ва валютасига қараб, қонунчиликда белгилangan миллий валютанинг турли самарали валюта курсларининг қўлланилиши тушунилади. Бу тизимни қўллаш фақатгина ХВФ розилиги билан, чекланган муддатга ташки тўловлар билан боғлик маълум муаммоларни бартараф этиш учун ва ўтиш жараёнида киритилиши мумкин. Кўпинча ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларга хос бўлган икки поғонали тизим қўлланилади: қатъий белгилangan

¹⁶ Киреев А.П. Международная экономика: В 2 ч. Ч. II. Международная макроэкономика: открытая экономика и макроэкономическое программирование.

расмий курс ва бозор курси. Бошқа күриниши, яъни миллий валюталинг иккى ёклама котировкаси бўлиб, алоҳида тижорат ва молиявий операциялар бўйича ҳисобланади. Бу усулдан саноати ривожланган мамлакат марказий банклари спекулятив валюта операциялари авж олганда фойдаланишади. Бу усул экспортни рағбатлантириш билан бирга миллий валютани кескин тебранишлардан саклашга имкон беради.

Собиқ Иттифок даврида кўп погонали валюта курси қуидагиларга бўлинган: расмий (01.01.61 йилдан бошлаб), маҳсус (01.11.89 йилдан), СССР Внешэкономбанк ўтказадиган аукцион валюта курси (01.11.89 йилдан), тижорат (01.11.90 йилдан бошлаб) ва «қора бозор» курси.

Расмий курс ҳалқаро статистик кўрсаткичларни иктиносидий таҳлилида кўлланилган. Маҳсус курс совет ва хорижий фуқароларга хизмат кўрсатишда фойдаланган. Тижорат курси ташки савдо операциялари, Собиқ Иттифок ҳудудида хорижий капитал қўйилмаларга ҳамда носавдо ҳусусиятга эга ҳисобларга хизмат қилган. Тижорат курсини жорий этиш билан бир вақтда экспорт ва импорт бўйича шартнома баҳосини қайта ҳисоблашда кўлланиладиган дифференциалашган валюта коэффициентлари (дифференцированные валютные коэффициент) бекор килинди.

Расмий, маҳсус ва тижорат курслари собиқ СССР Давлат банки томонидан қатъий белгиланган. 1992 йил январидан бошлаб, нархларнинг эркинлашуви валюта курси режимида ўзгаришлар содир бўлди.

Валюта курси қийматининг асоси бўлиб харид қобилиятининг паритети (ХКП) хизмат қиласди. Харид қобилияти товарлар, хизматлар, инвестициялар юзасидаги ўртача миллий нархлар даражаларини ифодалайди. Харид қобилиятининг доимий паритетини сақлаб турувчи валюта курси – бу шундай номинал валюта курсидирки, бунда реал валюта курси ўзгармайди.¹⁷

Банкнотларнинг олтинга эркин алмаштирилиш ва мамлакатлар ўртасида олтиннинг эркин муомалада бўлиш вақтида олтин нуктатлар механизмининг ҳаракати сабабли валюта курси харид қобилият паритетидан маълум даражада четлашиши мумкин. Олтин нуктатлари механизмида валюта курсини танга паритетидан четлашиш (одатда I фоиздан ортиқ бўлмаган): пастки (бу даражага


¹⁷ Иктиносидий назария курси (Курс экономической теории) Чепурина М.Н. таҳрири остида, Киров, 1995 й.

етганда олтиннинг мамлакатдан четга чиқиши бошланади) ва юқори (унинг мамлакатга кириб келиши бошланади) чегаралари белгиланади. Танга паритети – турли мамлакатларнинг пул бирликларидаги (тангалардаги) олтин огирилигига нисбати.

Қоғоз чул муомаласӣ шароитларида валюта курслари харид қобилияти паритетидан жиддий тарзда четга оғиши мумкин. Санаоти ривожланган мамлакатларда бундай четлашиш сўнгги хисоблабларга кўра 40% ни ташкил этган. Аксарият ривожланаётган мамлакатларда ва иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатларда миллий валюта курси паритеттага нисбатан 2 – 4 маротаба пастдир¹⁸.

Валюта курсининг харид қобилияти паритетидан четлашиши валютага бўлган талаб ва таклиф таъсири остида амалга ошади, улар ўз навбатида турли омилларга боғлиқ бўлади.

Жаҳон иқтисодиётида интеграция жараёнларининг чукурлашуви муносабати билан капиталларнинг халқаро ҳаракати ҳажми тез суръатлар билан ортиб бормоқда, натижада молиявий активларнинг валюталар харид қобилиятига бўлган таъсири кучайиб бормоқда. Хусусан, миллий валюталар айирбошлиш курсларининг юзага келиши халқаро савдони ривожланиши билан боғлиқ. Шу билан бирга улар нафакат халқаро савдога, балки миллий иқтисодиётга ҳам сезиларли даражада таъсир этиб, баъзан салбий хусусиятга ҳам эга бўлиши мумкин.



3.1-расм. Мамлакатлар жорий операциялар балансининг ўзгариш суръатлари¹⁹(млн. долларда).

¹⁸ www.imf.org

¹⁹ World Economic Outlook. Financial Systems and Economic Cycles. IMF sep. 2012.

Одатда, экспортни рагбатлантириш мақсадида, миллий валюта курси паритетига нисбатан паст қийматда ушлаб турлади. Масалан, ҳозирги пайтда жағон майдонларида экспорт салоҳияти ошиб бораётган Хитой узок вакт давомида юань курсини ревальвация қилишга қарши бўлиб келмоқда (3.1 – расмга қаранг).


3.1-расмдан кўриб турганимиздек, Япония, Хитой ва Россиянинг савдо балансларида ижобий сальдо ўсиб бормоқда, АҚШда эса аксинча йилдан йилга пасайиш кузатилмоқда. Тўлов баланси ижобий сальдога эга мамлакат валюта курси кўтарилиши ва аксинча ҳолатда тушиши керак. Аммо навбатдаги чизмадан ушбу фикр ҳар доим ҳам кузатилмаслигига амин бўламиз.

3.2-расмда кўрсатилган ҳолат, Хитой юани унинг савдо баланси сальдосига асосан ўзгаришини акс этмаяпти. Яъни, Хитой валютаси асосан 2008 – 2012 йилларда ижобий сальдога эга бўлиши, шу даврда унинг валютаси ревальвацияланиши (расмдаги эгри чизик пастга караб ҳаракат қилиши) керак. 2008 – 2010 йилларда юан 9,05дан 7,56 гача ревальвацияланган бўлса, ҳам 2011 – 2012 йилларда унинг қиймати ушлаб турилди.

Бу ҳолат юзасидан, АҚШ ҳукумати Хитой Халк Республикасига валютасини ревальвациялаш бўйича бир неча бор мурожаат қилган. Аммо Хитой ҳукумати мурожаатини қабул килмаган. Хитой юанида кузатилаётган бу ходиса экспортни рагбатлантириш мақсадида, валюта курсини унинг паритетидан паст даражада ушлаб турилганини кўрсатади.

Бунинг аксинча ҳолати, яъни АҚШда сўнгги йилларда ўсиб бораётган савдо баланси дефицити доллар курсига ҳам худди шу тарзда таъсир этиши керак эди. Аммо 3.2- расмдан кўриб турганимиздек, девальвация суръатлари сезиларсиз кечмоқда. Бу ҳолат АҚШ хорижий капитални жалб қилиш бўйича етакчи мамлакатлар каторида туриши билан боғлик. Яъни савдо баланси дефицитини капитал оқими професити билан ёпилемоқда.

Валюта бозорида талаб ва таклифга хизмат килувчи дилер, брокер ва бошка воситачилар фаолият юритишади. Ҳар кандай олди – сотди битими каби, валюта операцияларида ҳам харид ва сотиш курслари бир – бирларидан ажратилади. Улар ўртасидаги фарк маржани ташкил этади ва у воситачиларнинг асосий даромад манбани шакллантиради.



3.2-расм. Валюта курсларининг SDRга нисбатан ўзгариши²⁰

Валюта бозорида фойдаланиладиган энг муҳим тушунчалардан бирি реал ва номинал валюта курси тушунчаларидир. Реал валюта курсини икки мамлакат товарларининг тегишли валютада олинган баҳолар муносабати сифатида белгилаш мумкин. Номинал валюта курси мамлакат валюта бозорида вақтнинг ҳозирги пайтида амалда бўлган валюталар айирбошлаш курсини кўрсатади.

Ж.Кейнс томонидан биринчилар қаторида асосланган активларга бўлган талаб назарияси, фоиз ставкаларининг пулга бўлган талабга қай даражада таъсир қилишини кўрсатади. Ушбу назария бошқа бир хил шароитда бозор иштирокчилари нисбатан кўпроқ даромад келтирувчи активларни афзал кўришини исботлайди²¹. Демак, фоиз ставкаларини ошиши нақд пул даромадлилигига қарандан ликвидлилиги паст бўлган активларнинг даромад меъёрини оширишга олиб келади. Шу сабабли фоиз ставкасини ўсиш жараённида хўжалик юритувчи субъектлар ўз бойликларини кўпроқ қисмини бозор даражасида фоиз даромади келтирадиган пул куринишда бўлмаган активларда ва камрок қисмини пул кўринишида сақлашни афзал кўрадилар. Хулоса қилиб айтганда, бошқа шароит-

²⁰ www.imf.org

²¹ Эд. Долан, К. Кэмпбелл. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – С Пб.: СП оркестр, 1994. – 360 б.

лар бўлганда бир хил фоиз ставкаларининг ошиши пулга бўлган талабнинг камайишига олиб келади.

Фоиз ставкаси даромад келтирадиган облигациялар кўринишида эмас, балки нақд пул тарзида маблағларни сақлаш натижасида йўкотилган имконият меъенини ўлчашини ҳисобга олиш муҳим. Бундан келиб чиқиб, фоиз ставкасининг ошиши нақд пул кўринишидаги ресурслар сақлаш харажатларини ўсишига, ва натижада пулга бўлган талабни пасайишига олиб келади.

Пул массаси ва нарх-наво даражаси ўртасида аниқ пропорционал мутаносиблик аникланмаган²². Буни куйидагича тушунтириш мумкин: ишлаб чиқариш ҳажми, фоиз ставка ва реал пулга бўлган ялпи талаб пул массасига алоқаси бўлмаган сабаблар туфайли ҳам ўзгаради. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажми капитални жалб қилиш ва техника янгиликларини қўллаш натижасида ўзгаради, пулга бўлган талаб эса демографик анъаналарга, ёки нақд пулларни кўчириш бўйича электрон қурилмаларни ўрнатиш каби молия соҳасида киритилган янгиликларга боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, аксарият мамлакатларнинг реал иктисодиёти узок муддатли мувозанат ҳолатида камдан-кам бўлади. Шунга қарамасдан, маълумотлар аниқ ва равшан қилиб пул массаси билан баҳо даражаси ўртасидаги тўғридан – тўғри боғлиқликни намойиш қиласди. Агар иктисодиётнинг реал кўрсаткичлари узок муддатли даврдаги пул таклифлари ва баҳо даражасининг ўзаро боғлиқ ўзгаришларини катъий исботлар билан таъминламас экан, пулга бўлган талабнинг бу назарияда асосланганлиги жиддий шубҳа уйготади.

Шунинг учун, валюта курси иктисодий категория сифатида конкрет режим ва таъсир этувчи омилларга эга. Буларни илмий асосда ўрганиш Ўзбекистон учун объектив зарурат бўлиб ҳисобланади.

3.2. Валюта курсини макроиктиносидий таҳлили моделлари

3.2.1. Валюта курсини харид қобилияти паритети (ХҚП) орқали баҳоланиши

Харид қобилияти паритети концепциясининг муаллифи XX асрнинг таникли швед иктисадчиси Стокгольм иктиносидий мактаби-

²² Эд. Долан, К. Кэмпбелл, Р. Кэмпбелл. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: СП оркестр, 1994. – 338 б.

нинг асосчиси Густав Кассельга²³ тегишилдири. Г.Кассель етук математик бўлганлиги учун халқаро бозорларнинг миқдорий конуниятларини аниқлашга ҳаракат килган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг олтин стандартидан воз кечиш оқибатида валюталарнинг курси ва реал харид қобилияти орасидаги паритет бузилди. Г.Кассель Давид Рикардонинг валюта курси ва пулни ички тўлов қобилияти орасида аниқ боғликлек бўлиши керак деган гоясига мурожаат қилди. Г.Кассель фикрига кўра валюта курсини харид қобилияти паритетига асосан ўрнатилиши халқаро бозорларни мувозанат ҳолатига олиб келиши керак эди. Ўзининг назарий изланишларини 1916 йил эълон қилиб, урушдан кейин кенг тарғиб эта бошлади. «Харид қобилияти паритети» тушунчаси Г.Кассель томонидан 1918 йил «Economic Journal» да мақола чоп этгандан сўнг иқтисодий терминологик оборотга киритилди. У 1920 йилда Миллатлар Лигасига (хозирги БМТ га ўхшаш ташкилот) харид қобилияти паритетидан халқаро валюта сиёсатини асоси сифатида фойдаланишни таклиф этди.

ХҚП назарияси XX аср бошида валюта курсини давлат ичидаги баҳолар даражаси билан боғликлиги тўғрисидаги назария асосида келиб чиқкан. Аммо валюта курси баҳоларга таъсир этадими ёки баҳолар валюта курсини аниқлайдими ноаник эди. Г.Кассель оддий гояга суюнди. Агарда маълум вақтда товарларни баҳосига асосан АҚШ да сотиб олиш Буюк Британияга нисбатан маъкул бўлса америка товарларига талаб ортади. Натижада GBD/USD курси стабиллашади ва қаерда товар сотиб олишнинг умуман фарки бўлмайди. Агарда валюта курслари чекланган бўлса арбитраж операциялари орқали товарлар баҳосини ўзгаришига олиб келади.

Уларнинг тебраниши товар арбитражидан тушадиган фойда йўқолгунга қадар давом этади.

Шундай фикр юритиш натижасида бир хил баҳо конуни (Law of one price) га асос солинди. Унга кўра мукаммал рақобат шароитида бир хил товарлар бир хил валютада ифодаланса бир хил баҳога эга бўлади.

Математик формулада бир хил баҳо конуни қўйидагича ифодаланади:

$$P_d^i = E \frac{d}{f} \cdot P_f^i \quad (3.3)$$

бу ерда: P_d^i – i – товарнинг ички бозордаги баҳоси;
 P_f^i – i – товарнинг ташки бозордаги баҳоси;

²³Инфляция и валютный курс. Г.Кассель-М.: «Эльфа пресс», 1995г.

$E_{d/r}$ – валюта курси..

Ягона баҳо қонунидан харид қобилияти абсолют паритети (ХҚАП) (absolute parity of purchasing power theory) келиб чиқади.

Бунга мувоғиқ давлатлар орасыдаги айирбошлаш курси давлатлардаги товарлар баҳолари нисбатига тенгdir. ХҚАП назариясида валюта курси қуидаги формулада ифодаланади:

$$E_{d/r} = P_d / P_r \quad (3,4)$$

бу ерда: P_d – товар ва хизматларнинг ички бозордаги баҳоси;

P_r - товар ва хизматларнинг ташқи бозордаги баҳоси.

ХҚАП нинг ягона баҳо қонунидан фарқи шундаки, қонун фақат битта товар баҳоси ҳисобига олади, ХҚАП назарияси эса барча товарлар баҳосини ҳисобга олади.

Аммо ички ва ташки товарлар баҳосининг умумий қийматини қандай аниқлаш мүмкін? Кўп ҳолларда статистик бўлимларда икки давлатда мавжуд бир хил товарларнинг савати тузилади. Бир хиллик бир – бирини тўлалигича ўрнини босиш ва иқтисодий нуқтаи назардан улар орасида фарқ йўқлигини билдиради.

ХҚАП назариясининг асосий ютуғи шундаки, бу назария орқали қандай қилиб миллий валюта курсини қувватини ошириш мүмкін деган саволга жаваб беради. Бунинг учун инфляцияни пайсайтириш орқали ички пулларнинг харид қобилиятини ошириш мүмкін .

Аммо бу назариянинг асосий камчилиги эса амалда ишламаслигидир. Чунки товар ва хизматларнинг яратиш учун кетадиган харажатлар турли давлатларда турличадир. Оқибатда баҳолари ҳам турлича бўлиб чиқади.

XX аср бошларидаги Г.Кассель назариясига ўз қарашларини Дж.М.Кейнс билдирган. Унинг фикрича «харид қобилияти паритети катта зътибор талаб этади, аммо у валюта курсларини аниқлашнинг аниқ барометри бўлиб хизмат қилмайди». Кассель ўз назариясидаги баязи камчиликларни тан олади, унинг фикрича, назариянинг ишламаслигига сабаб «Валютанинг келажагига ишонч бўлмаслиги оқибатида пулнинг ички қобилиятини пасайиши, спекулятив операциялар ва х.к.» бўлиши мүмкін .

Шундай қилиб географик жойлашув, капиталларнинг транснационал ҳаракати, харажатлар ва ташки савдога тўсиклар халқаро савдога ракобатни номукаммал қиласи. Ундан ташқари бир хил категориядаги товарларнинг ўзи сифат ва йўналтирилганлиги жиха-

тидан ҳар хил бўлади. Шунинг учун иқтисодий фан ҳарид қобилиятини абсолют паритетини (ХҚАП) амалга ошмаган назария деб ҳисоблайди.

1970 йилларга келиб бу назарияни янгилашга уринишлар бўлди. Иқтисодчилар томонидан валюта курсининг ўзгаришлари баҳоларнинг абсолют ўзгаришлари эмас, балки нисбий кўрсаткичлари орқали тушунтириш мумкин деб ҳисоблай бошладилар. Натижада ҳарид қобилиятининг нисбий паритети ХҚНП назарияси вужудга келди (Relative parity of purchasing power theory). Унга мувофиқ валюта курсларининг тебраниши давлатлардаги баҳоларнинг нисбий ўзгаришига пропорционалдир. Математик формулада ХҚНП куйидагича ифодаланади:

$$E'_{d/r} = \frac{E^0_{d/r} * (P'_d / P^0_d)}{(P'_r / P^0_r)} \quad (3.5)$$

бу ерда:

P^0_d = база даврдаги ички бозордаги товарлар ва хизматлар баҳоси даражаси;

P^0_r = база даврдаги ташки бозордаги товарлар ва хизматлар баҳоси даражаси;

P'_d = жорий даврда ички бозорда товарлар ва хизматлар баҳоси даражаси;

P'_r = жорий даврда ташки бозорда товарлар ва хизматлар баҳоси даражаси;

$E^0_{d/r}$ = база давридаги валюта курси;

$E'_{d/r}$ = жорий давридаги валюта курси.

Эмпирик мақсадларда база валюта курси сифатида валюта курсининг катта ёки ўрта тебраниш даражаси бир хил давр олинади. Баҳоларни ўлчовчи сифатида кўп ҳолларда куйидаги кўрсаткичлар ишлатилади: истеъмол баҳолари индекси, ишлаб чиқарувчиларнинг улгуржи баҳолари индекси ва ЯИМ дефлятори. Валюта курсини ўзгариш динамикасини ХҚНП орқали прогнозлаш икки давлатдаги инфляция даражасини таққослаш орқали валюта курсини келгусидаги экстрополяциясига тўғри келади. Бунда у куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$P_d - P_r = \frac{(E_{t+1} - E_t)}{E_t} \quad (3.6)$$

бу ерда:

P_d ва P_r = ички ва ташки бозордаги инфляция;

E_t ва $E_{t+1} = t$ ва $t+1$ даврдаги валюта курси.

ХҚНП назарияси күп ҳолларда фойдали инструмент бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Биринчидан: унинг ёрдамида узок муддатли валюта курси номинал динамикаси прогнозлари тузилади. Тузилган прогнозлар асосида валюта курси ва ХҚП орасидаги мустаҳкам корреляцияни аниклаш мумкин.

Иккинчидан: инфляциянинг юқори даражаси даврида ХҚНП орқали макроиктисодий номутаносибликни баҳолаш мумкин.

Учинчидан: паритетлар асосида миллый товарлар ва ҳизматларнинг ҳақиқий баҳоси аникланади.

3.2.2. Монетар концепция

Бреттон Вудс валюта тизимининг таузазули ва валюта курсларининг сузуб юрувчи режимга ўтказилиши иқтисодчилардан курсни шакллантириш бўйича янги усусларни ишлаб чиқишни талаб этди. Бу борада бажарилган илк ишлар фоиз ставкаси ва валюта курси ўртасида боғлиқликни акс этган. Шу йўсунда *фоиз ставкасининг қопланмаган паритети гипотезаси* юзага келди. Бу модельнинг асосчилари бўлиб, Ж.Билсон, Ж.Лонгворт ҳамда Р.Миз ва К.Рогофф ҳисобланишади. Гипотезага мувофиқ, икки мамлакат фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ мос даврда валюталарнинг номинал курси ўзгариши билан қопланиши керак. Фоиз ставкасининг қопланмаган паритети гипотезасининг ишлаб чиқилиши валюта курсини таҳлил қилишнинг монетаристик концепциясига асос солди.

Асосий монетаристик модел валюта курсини аниклаш учун еттига тенгламани ўз ичига олади. Монетаристик модельнинг энг содда кўриниши Буюк Британия пул муомаласини ўрганиш учун Ж.Рикардо, Ж.Уитли ва классик мактабнинг бошқа вакиллари томонидан қўлланиб келинган. Кейинчалик Г.Кассель биринчи жаҳон уруши даврида немис маркасининг қадрсизланиши бўйича олиб борган тадқиқоти таҳлилларида қўллаган. Монетаристларнинг замонавий модели ХВФ мутахассислари Я.Френкел (1976 йилда) ва М.Муссо (1976-1979) ишларида шакллантирилди. Модел бир канча таркибий қисмлардан иборат: пулнинг қиймат назарияси, харид қобилияти паритети, реал ва номинал фоиз ставкалар боғланишини акс этган Фишер тенгламаси, рационал кутиш гипотезаси, самарали бозор гипотезаси.

Монетаристик моделдан келиб чиқадиган асосий хулоса эгилувчан нархлар шароитида валюта курси пул таклифи, миллий да-ромад ва қисқа муддатли фоиз ставкаларига боғлик бўлади. Бир қатор соддалаштиришларни амалга ошириб, монетаристлар очик иктисодиётдаги мувозанатни пул бозоридаги мувозанатга боғлик деб эътироф этишади. Реал валюта курсининг юқори тебранувчаниги навбатдаги янги турдаги икки модельни: умумий мувозанат ва қатъий нархлар модельнинг шаклланишига олиб келди.

Умумий мувозанат модельнинг асосчилари бўлиб, А.Стокмен (1980 йилда) ва Р.Лукас (1982 йилда) хисобланишади. Улар икки мамлакат бозорлари мувозанатини ўрганишга эътибор қаратишган. Бу товар, меҳнат, пул, валюта, ҳамда хорижий ва ички облигациялар бозоридаги баланс билан аниқланди. Модел ўз ичига иктисодий агентларнинг фойдалилигини ошириш функциясини олган ва бу билан микро- ва макро- даражадаги таҳлилларни боғлашга ёрдам берди. Умумий мувозанат модели монетаристик модельнинг кенгайтирилган шакли сифатида тавсифланиши мумкин. Аммо унинг мурakkаблиги, нафлийк функциясини баҳолаш қийинчилиги билан боғлиқ эконометрик хисоб – китобларни амалга ошириб бўлмаслиги ёқибатида модельни валюта таҳлилидан секин – секин чиқиб кетишига олиб келган.

Қатъий нархлар билан акс этган илк монетаристик модел (валюта курсининг гиперреакция модели) Массачусетс технология институти профессори Р.Дорнбуш томонидан 1976 йилда ишлаб чиқилган²⁴. Агар товар баҳолари мутлак эркин бўлиб, пул таклифи сингари тебранувчан бўлганида эди, пул таклифининг реал киймати аввалгидек сақланиб, валюта курси янги узоқ муддатли мувозанат даражасига кўтарилиши натижасида фоиз ставкалари ўзгармаган бўларди. Лекин амалда, пул таклифининг реал иктисодиётга таъсири нейтрал бўлишига қарамасдан товар нархлари, айниқса қисқа муддатларда сезиларли қатъийликда бўлади.

Р.Дорнбуш валюта курсининг гиперракция моделида номинал пул таклифининг кескин қисқариш ҳодисасини ўрганганди. Тадқиқот натижаларига кўра, товар нархлари қисқа муддатда ўзгармаслиги сабабли, иктисодиётда пулнинг реал таклифини тушиши кузатилиди. Шу ўринда айтиш жоизки, Р.Дорнбуш иктисодий кўрсаткичлар гиперреакциясини таҳлил қилган биринчи тадқиқотчи хисобланмайди. Бу борада билдирилган фикр – мулоҳазалар А.Маршалл-

²⁴ Этот изменчивый обменный курс. М.: Дело, 2001

нинг «Иқтисодий назария тамойиллари» китобида амалга оширилган қиска ва узок муддатли нархларнинг мойиллиги таҳлилида акс этган. П.Самуэлсоннинг «Иқтисодиёт асослари» китобида Ле Шателье-Брауннинг иқтисодий жараёнларга тамойилини²⁵ кўллаган бўлиб, унда баъзи кўрсаткичлар ўзгариши секин, бошқалари эса тезкорликда кузатилишини таъкидлаган.

Шундай бўлсада, Дорнбушнинг модели ўзига хос жиҳатларни камрай олган. Биринчидан, унда Манделл-Флеминг моделининг бирламчи шаклига бозорнинг мукаммал бўлмаслик элементи қўшимча қилинган. Иккинчидан, Дорнбуш биринчи бўлиб, халқаро молия назариясида қатъий нархларни рационал кутиш билан туаштирган, бу эса валюта курсининг барча замонавий моделлари асосида ётади. Учинчидан, К.Рогофф таъкидлаганидек, Дорнбуш модели бошка моделлардан фарқли йулароқ, содда ва таҳлилининг аниқлиги билан ажralиб туради²⁶. Ҳозирги кунда ҳам модел яратилганингига бир неча ўн йилликлар ўттанига қарамасдан, Дорнбушнинг гиперреакция модели макроиктисодий таҳлилларда самарали инструмент бўлиб ҳисобланади.

3.2.3. Оптимал валюта худудлар назарияси

Сўнгги пайтларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган интеграция жараёнлари ХВФ мутахассислари Роберт Манделл ва Маркус Флеминг томонидан 1960 – йилларда яратилган оптимал валюта худудлар назариясига асосланган ҳолда олиб борилмоқда²⁷. Бу назария асосида замонавий Европа валюта тизими шакллантирилган.

Оптимал валюта худуди бу бир гурӯҳ мамлакатларнинг келишган ҳолда, марказлашган валюта сиёсатини олиб бориши тушунилади. Бундай сиёсат ўз навбатида, худудга кирган мамлакат ўртасида маълум кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлигини талаб этади. Манделл – Флеминг модели бундай шароитда валюта сиёсатининг самарадорлигини кўрсатиб берган.

Маълумки, «IS-LM» модели товар ва пул бозоридаги мувозанат орқали макроиктисодий барқарорликка эришишни акс этади. Ман-

²⁵ Принцип Ле Шателье — Брауна — тизимни мувозанатдан чиқарадиган ташки омил тельсири унда дастлабки ўзгаришни юашатувчи жараёнларни юзага келтиради.

²⁶ Rogoff K. Dornbusch's Overshooting Model after Twenty-Five Years. IMF Working Paper No 39, 2002, p. 19

²⁷ Boughton J. On the Origins of the Fleming— Mundell Model. IMF Working Paper No 107, 2002, p. 6
91

делл – Флеминг модели бунга қўшимча равища, очик иқтисодиёт учун тенгламаларни ҳам ўз ичига олган. Модел қуйидаги учта тенгламадан иборат:

$$(IS) \quad Y=C(Y-T)+I(r)+G+NX(Y,e) \quad (3.7)$$

$$(LM) M/P=L(r,Y) \quad (3.8)$$

$$r=r^* \quad (3.9)$$

(3.7) тенглама – товар бозорида мувозанатга эришилганида Y даромад ва r фоиз ставкаси ўртасидаги муносабатни кўрсатувчи IS эгри чизигининг тенгламасидир. Бу тенглама ялпи даромад C истеъмол, I инвестиция, давлат ҳаражатлари ва NX соф экспорт йиғиндисига тенглигини кўрсатади. Одатий IS-LM моделидан фарқли равища бу ерда, e валюта курси иштирок этади. Валюта курси кўтарилиганида соф экспорт камаяди, курс тушганида соф экспорт ошади.

(3.8) тенглама – LM эгри чизигининг тенгламаси ҳисобланади. Бу тенглама пул бозорида мувозанат бўлганида Y даромад ва r фоиз ставкаси ўртасидаги муносабатни акс этади. Тенгламага мувофиқ, пул таклифи (M/P) r фоиз ставкаси ва Y даромад функцияси ҳисобланадиган пул талаби (L)га тенг бўлиши керак. Марказий банк томонидан аниқланадиган M пул таклифи ва P нархлар даражаси экзоген ўзгарувчи ҳисобланади.

(3.9) тенглама – ички r фоиз ставкаси r^* жаҳон даражасига тенг бўлиши кўрсатади. Моделнинг айнан шу томони кичик очик иқтисодиёт (валюта худуди) жиҳатидан келиб чиқади.


Манделл – Флеминг модели учта эндоғен ўзгарувчидан таркиб топган: Y = ялпи даромад, r = фоиз ставкаси ва e = валюта курси. Ўз навбатида, учта ўзгарувчидан иборат икки ўлчамли график тузиш имкони йўқлиги туфайли, моделни иккита график орқали акс эттириш мумкин.

Манделл-Флеминг модели қатъий белгиланган ва эркин сузиб юрувчи курс режимида макроиқтисодий сиёсатни таҳлил қилиш имконини беради.

Қатъий белгиланган валюта курсида макроиқтисодий сиёсат йўналиши. Қатъий белгиланган валюта курси режимида Марказий банк белгиланган курс бўйича миллий валютани сотиш ёки харид қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу ҳолда, ички мувозанатни таъминлашга қаратилган макроиқтисодий сиёсат одатда,

тўлов балансининг ижобий ёки салбий сальдосига олиб келади. Ташки мувозанатнинг бундай бузилиши давлатнинг мос сиёсати билан бартараф этилиши лозим. Масалан, Марказий банк тўлов балансининг салбий сальдоси юзага келганида, интервенцияни амалга ошириши лозим, бу эса ўз навбатида олтин – валюта захирасининг камайишига олиб келади. Марказий банк интервенцияни амалга ошириши моделда LM эгри чизигининг силжишида акс этади.

Солиқ - бюджет сиёсати. Кичик очиқ иқтисодиётта рагбатлантирувчи солиқ – бюджети сиёсати оқибатларини мисол тариқасида кўриб чиқамиз (масалан давлат ҳаражатларини оширилиши). Давлат ҳаражатларининг кўпайиши жами талабни келтириб чиқаради – IS чизиги ўнгга IS₂ гача силжийди (3.3 - расм). 3.3 - расмдан кўриш мумкинки, бунинг натижасида фойда ўсиши билан бирга фоиз ставкаси ҳам r_2 гача кўтарилади, чунки фойданинг ўсиши пулга бўлган талабни кўпайтиради. Бир вақтнинг ўзида фоиз ставкасининг юқорилиги чет эл капиталини оқиб киришини фаоллаштиради, актив сальдо хисобини ошишига ва умуман тўлов балансини яхшиланишига олиб келади.



3.3 – расм. Қатъий белгиланган валюта курсида солиқ-бюджет сиёсати²⁸


Давлатта чет эл капиталини кириб келишининг кучайиши миллий валюта курси ошишига олиб келади. (3.3 (б) - расм). Валюта курсини белгиланган e_2 даражада ушлаб туриш учун Марказий Банкдан интервенция қилишни талаб этади (чет эл валютасини со-

²⁸ Boughton J. On the Origins of the Fleming—Mundell Model. IMF Working Paper No 107, 2002.

тиб олиб, миллий валютаны сотиши), бу ўз навбатида пул массасини ошишига олиб келади. Пул тақлифни кўпайиши LM чизигини ўнгга силжитади ва фоиз ставкасини тушишига олиб келади. Бу ҳолат ички фоиз ставкасининг жаҳондаги фоиз ставкаси билан тенглашгунча давом этади.²⁹

Шундай қилиб, қисман очиқ иктисодиётда белгиланган валюта курси шароитида фойда даражаси (Y) рағбатлантирувчи бюджет-солик сиёсати натижасида, ёпик иктисодиётдагига нисбатан юкори даражада ўсади. Бу давлат ҳаракатларининг фойда даражасига таъсирини пул массаси ошиши эффицити орқали таъсири билан изоҳланади.

Пул-кредит сиёсати. Белгиланган валюта курси шароитида рағбатлантирувчи кредит – пул сиёсатини кичик очиқ иктисодиётга таъсирини кўриб чиқсан. Пул тақлифининг кўпайиши LM чизигини LM_2 гача ўнгга силжишини англатади (3.4– расм). Натижада фоиз ставкаси пасаяди, бу инвестицияларни кенгайишига ва фойданинг ошишига олиб келади. Шунинг билан бирга, ички фоиз ставкаларини жаҳондагига нисбатан пасайиши ($r < r^*$) (3.4 (а) – расм) капитални давлатдан чиқиб кетишига ва тўлов балансини дефицитини (камомадини) ҳосил бўлишига олиб келади.




3.4-расм. Қатъий белгиланган валюта курсида пул-кредит сиёсати²⁹

Капитал чиқиб кетиши ва тўлов баланси дефицити чет эл валютасига бўлган талабни кўпайтиради ва миллий валюта курсини пасайишига олиб келади. (3.4 (б) – расм). Агарда марказий банк миллий валюта курсини белгиланган даражада ушлаб турмоқчи

²⁹ Boughton J. On the Origins of the Fleming—Mundell Model. IMF Working Paper No 107, 2002.

бўлса валюта интервенциясини ўтказиши лозим бўлади (чет эл валютасини сотиб, миллий валютани харид қилиш). Натижада пул массаси кисқаради. Оқибатда LM чизиги чапга LM_1 ҳолатига қайтади. Пул массаси ҳажмининг кисқариши билан фоиз ставкаси кўтарилиди ва капитал чиқиб кетиши тўхтайди. Маълум вақтдан сўнг иқтисодиёт аввалги ҳолатига қайтади. Рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсати орқали пул массасининг ўсиши фойдага таъсир этмасдан тўлов баланси орқали, «ўтиб кетади». Шундай қилиб белгиланган валюта курсида кредит-пул сиёсати самарасиз бўлиб қолади, чунки пул массасини кўпайтиришга бўлган харакатлар валюта бозоридаги интервенция орқали чекланади (нейтраллаштирилади).

Энди сузуб юрувчи валюта курсида макроиктисодий сиёсат оқибатлари таҳлилига тўхталамиз. Бу шароитда Марказий Банк валюта бозори фаолиятига аралашмайди, яъни миллий валюта курси (соф экспорт микдорига NX ҳам) тўлов балансидаги тебранишлар бартараф этилмагунча ўзгаришига йўл кўйиб беради. Бундай шароитда Марказий Банкнинг валюта резерв ва пул базасининг ўлчамлари ўзгармай қолади. Бошқача қилиб айтганда, агарда давлатда сузуб юрувчи валюта курси қабул килинса тўлов балансининг тенглашиши давлат аралашувисиз автоматик тарзда содир бўлади.



3.5 – расм Сузубчи валюта курсида солиқ-бюджет сиёсати³⁰.


Солиқ – бюджет сиёсати. Кичик очик иқтисодиётга асосланган иқтисодиётда сузуб юрувчи валюта курси давлат томонидан олиб борилаётган солиқ-бюджет сиёсатига қарши ишлайди ва давлатнинг барча ишлари самарасини йўқка чиқаради. Мисол тарикасида рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати оқибатларини

³⁰ Boughton J. On the Origins of the Fleming—Mundell Model. IMF Working Paper No 107, 2002.

кўриб чиқсан (3.5 – расм). Давлат томонидан товар ва хизматларни харид килиниши кўпайиши жами талабни оширади (IS чизигини IS_2 гача силжитади). Даромадларнинг ошиши бир вақтнинг ўзида фоиз ставкаларини r_2 даражага ўсишига олиб келади (3.5 (а) – расм). Бу капиталнинг кириб келшини ва мусбат тўлов балансини ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Сузувчи валюта курси миллий валюта киймати тўлов баланси сальдосини тенглаштириш учун ўсади.

Валюта курсини ўсиши оқибатида соф экспортнинг NX камайишига олиб келади. IS чизиги чапга силжайди. Валюта курси ўсиши ва соф экспорт ҳажмининг камайиши тўлов балансини актив сальдоси мавжуд вақтда, яъни ички фоиз ставкаси жаҳондаги даражадан юқори бўлган вақтда, тенглашмагунча давом этади. Тенглик бошлангич нуктада қарор топади (3.5 (а) – расм), лекин шунинг билан бирга валюта курси ўсади (3.5 (б) – расм). Давлат ҳаржатларининг ўсиши натижасида даромаднинг ўсиши соф экспортнинг қисқариши билан мувозанатлаштирилади, натижада сузувчи валюта курси шароитида солиқ-бюджет сиёсати самарасиз бўлиб қолади.

Пул – кредит сиёсати. Фараз қилайлик Марказий Банк рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсатини олиб бориш натижасида пул таклифини кўпайтирди. Пул массасининг ошиши ялпи талабни ошишига олиб келади (LM чизиги ўнгга LM_2 гача силжайди) ва фоиз ставкасини r_2 даражасигача пасайтириши натижасида инвестициялар ўсиши ва даромаднинг кўпайишига сабаб бўлади (3.6 (а) – расм). Фоиз ставкаси пасайиши оқибатида капитал чиқиб кетиши кучяди ва натижада тўлов баланси камомади ортади.



3.6 – расм. Сузувчи валюта курсида пул-кредит сиёсати³¹.

³¹ Boughton J. On the Origins of the Fleming—Mundell Model. IMF Working Paper No 107, 2002.

Сузувчи валюта курсида түлов баланси дефицитини (камомадини) олдини олиш учун миллий валюта курсини пасайтириш лозим (3.6 (б) – расм). Марказий Банк валюта бозори фаолиятига аралашмаслигини ва алмашув курсини эркин тебранишига йўл кўйишини хисобга олсак, валюта курсининг қадри пасайиши соф экспортни кўпайишига ҳамда жами талаб ва даромаднинг ўсишига олиб келади.

Даромаднинг ўсиши пулга бўлган талабнинг кўпайишига ва фоиз ставкасининг ошишига олиб келади. IS эгри чизиги ўнгга учта график бир нуқтада кесишмагунча силжиди, яъни миллий фоиз ставкаси жаҳонники билан тенглашмагунча давом этади. Шу нуқтага етганда капитал оқиб кетиши ва валюта курси пасайиши тўхтайди. Демак, сузувчи валюта курси шароитида пул-кредит сиёсати даромадга таъсир этиш нуқтаи назаридан самарали хисобланади. Пул массасининг кўпайиши ва миллий валюта курси натижасида соф экспорт ўсади, натижада фойда ҳам маълум дараҷада ўсади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, пул массасининг ўсиши ташки талабни рагбатлантиради. Ички фоиз ставкаси аввал пасаяди, кейин эса аста секин кўтарилиб аввалги ҳолатига келади. Бундан келиб чиқадики, фойда ўсишининг асосий манбаи инвестицияларнинг ўсиши эмас балки соф экспорт бўлиб қолади.

Кичик очик иқтисодиётда турли валюта курси режимларида макроиқтисодий сиёсатнинг учраши мумкин бўлган оқибатларини кўриб чиқдик. Олингган натижаларни солиштиришдан олдин, баъзи чекинишларга йўл кўйилганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Биринчидан тадқиқот мобайнида фақат иккита валюта курси режими – қатъий белгиланган ва эркин сузувчи кўриб чиқилди. Реал ҳаётда валюта курсини бошқаришни бошқа бир қанча механизмилари ишлатилади, жумладан, «бошқарилувчи сузиш», «валюта коридори» ва ҳ.к. Аммо бу механизмларнинг барчаси кўриб ўтилган валюта курси режимларининг бир кўринишидир холос. Бундан келиб чиқади, биз кўриб чиқсан макроиқтисодиёт сиёсати тамойиллари ҳақиқатга яқин бўлиб, баъзи бир кўшимчаларни киритган ҳолда валюта курслари режимларининг иқтисодий оқибатларини кўриб чиқиша фойдаланса бўлади. ■

Иккинчидан, макроиқтисодий сиёсатни тадбиқ этиш жараённида валюта резервлари ҳажми, пул массаси базаси ва пул таклифи орасида қатъий боғланиш бор деб фараз қилдик. Албаттa, стериллаштириш орқали бу ўзаро боғликликни вактингча узиш мумкин: ва-

люта резервлари ўзгарганда тескари тарафга Марказий Банкнинг ички активлари ҳажмини параллел равишда ўзgartириш орқали (ички давлат облигациялари, миллий тижорат банкларига ссудалар). Масалан Ўзбекистон Марказий Банки ўз резервидан 10 минг долларни сўмга сотса, миллий валюта таклифи камаяди. Шу билан бирга Марказий Банк шу суммага давлат облигацияларини сотиб олса, иктисодиётда тўлов баланси мувозанатсизлиги шароитида но-реал баланд ёки паст валюта курси сунъий равишда ушлаб турилади. Аммо тўлов баланси камомади шароитида мавжуд валюта резервлари билан стериллаштириш имкониятларини кўллаш чекланган бўлади, чунки маълум вақтдан кейин бу резервлар минимал тўлов даражага етиши мумкин. Тўлов баланси профицити пайтида эса Марказий Банк учун чекловчи сифатида ички кредит миқдори бўлади. Шунинг учун стериллаштириш сиёсатини вақтинчалик чора деб қараш мумкин.

3.2-жадвал

Валюта курсининг турли режимларида олиб бориладиган макроиктисодий сиёсат³²

	Макроиктисодий кўрсаткичлар		
	Y	e	NX
Қатъий белгиланган валюта курси			
<i>Пул-кредит сиёсати</i>	0*	0	0
<i>Рағбатлантирувчи</i>	0	0	0
Чекловчи			
<i>Солиқ-бюджет сиёсати</i>	Ўсиш	0	0
<i>Рағбатлантирувчи</i>	Пасайиш	0	0
Чекловчи			
Сузувчи валюта курси			
<i>Пул-кредит сиёсати</i>			
<i>Рағбатлантирувчи</i>	Ўсиш	Пасайиш	Ўсиш
Чекловчи			
<i>Солиқ-бюджет сиёсати</i>	Пасайиш	Ўсиш	Пасайиш
<i>Рағбатлантирувчи</i>	0	Ўсиш	Пасайиш
Чекловчи	0	Пасайиш	Ўсиш

Учинчидан, таъкидлаш лозимки, ўтказилган тадқиқотдан олинган натижалар макроиктисодий сиёсат учун қисқа муддатли оқи-

³² Boughton J. On the Origins of the Fleming—Mundell Model. IMF Working Paper No 107, 2002.

* Ноль макроиктисодий кўрсаткичлар динамикасида ўзгариш бўлмаганингини билдиради.

батларга олиб келиши мүмкін, яни баҳоларнинг умумий даражаси ўзгармасдан қолади. Шунинг учун тадқиқотда биз томонимиздан кўлланилган кисқа муддатли мувозанат моделида қисман бўлсада, баҳоларни ўзгаришини ҳисобга олиш мүмкін. Баҳоларнинг умумий даражаси (P) LM эгри чизиги тенглиги таркибига киради. Баҳоларни ўзгартириш вақтида пул таклифи реал кўрсаткичларда (M/P) ўзгаради. Шунинг учун баҳонинг кўтарилиши LM эгри чизигини чапга силжитади, пасайиши эса LM эгри чизигини ўнгга силжитади.

Тўртингчидан биз кичик очик иқтисодиётни кўрган бўлсакда, Манделл-Флеминг моделида кўлланган тадқиқотнинг асосий тамойиллари ривожланган хўжаликларда макроиқтисодий сиёсатни таҳлил этишда ҳам фойдаланса бўлади. Йирик иқтисодиёт учун ёпик ва кичик очик иқтисодиётнинг жиҳатлари ҳосдир. Шунинг учун Манделл-Флеминг модели орқали олинган хуносаларни ёпик иқтисодиёт учун «IS-LM» модели бериладиган хуносалари билан тўлдириш зарур (жумладан, ички фоиз ставкаларини жаҳондагидан фарқ килишини мумкинлигини зътиборга олиш керак).

Очиқ иқтисодиётдаги макроиқтисодий сиёсат бўйича тадқиқот натижаларини кўриб чиқсан. Асосий хуноса шундан иборатки, очик иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий сиёсат валюта курси режимига қаттиқ bogланган бўлади (3.2-жадвалга қаранг).

Солиқ бюджети сиёсати қатъий белгиланган валюта курси шароитида ялпи даромадга таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, солиқ-бюджет сиёсати фоиз ставкаларини ўзгаришига олиб келади ва натижада капитал кириши ёки чиқиб кетишига сабаб бўлади. Тўлов баланси сальдосининг актив ёки пассив бўлиши валюта интервенциялари орқали пул массасини ўзгартиришга олиб келади ва бу нарса солиқ-бюджети сиёсати эффектини кучайтириб кўрсатади. Сузувчи валюта курси шароитида тўлов балансидаги ўзгаришлар валюта курсига боғлиқ бўлиб, экспорт ва импортнинг ҳажмига таъсир килиш орқали давлатнинг солиқ-бюджет сиёсатининг таъсирини нейтраллаштиради.

Солиқ-бюджет сиёсатининг самарадорлиги ҳам валюта курси режимига боғлиқdir. Қатъий белгиланган валюта курсида Марказий Банк пул массаси ҳажмини бошқариш⁹ сиёсатини эркин олиб бориши шароитига эга бўлмайди. Пул массаси ҳажмига ўзгартириш борасидаги ҳар қандай харакат фоиз ставкаси даражасини ўзгаришига олиб келади, бу ўз навбатида капитал ҳаракати ва тўлов

балансида ўзгаришларга олиб келади. Ташки мувозанатни тиклаш учун Марказий Банк пул массаси миқдорига тескари йўналишда таъсир этишга мажбур. Агарда давлат қатъий белгиланган валюта курсини ушлаб туришдан чекинса солик-бюджет сиёсати макроитисодий бошқаришнинг³³ самарали воситага айланади. Бу пул массасини кенгайиши фоиз ставкасини пасайиши ҳамда миллий валюта курсини тушиши каби қўшимча самарали воситалар орқали ҳам эришилади. Шундай қилиб, қуйидаги холосага келиш мумкин, самарали давлат иктиносидий сиёсати мавжуд таъсир этувчи инструментлар сиёсатнинг уйғунлигига боғлиқдир.

3.3 -жадвал

Оптимал валюта ҳудуди мезонлари³³

Оптималлик мезонлари	Тактиф муаллифи ва йили	Иктиносидий мөҳияти
Нарх ва иш ҳақининг эгилувчанлиги	М.Фридмен 1953	Макроитисодий дисбаланс юзага келганида тузилма бўгинлари мувозанатни қайтара оладиган даражада эгилувчан бўлиши керак
Ишлаб чикариш омилларининг эркин харакати	Р.Монделл 1961	Маҳсулотлар баҳоси етарли даражада эгилувчан бўлмаса, макроитисодий дисбаланси ишлаб чикариш омиллари бозоридаги ўзгариш орқали амалга оширилиши мумкин (аввалимбор, депрессив тармок (мамлакат)дан меҳнат ресурсларининг кўтарилаётган тармокка (мамлактга) кўчиб ўтиши билан)
Молия бозорларининг интеграцияси	Ж.Инграмм 1962	Валюта ҳудудининг рецессия ҳолатидаги иштирокчиси бошқа нисбатан яхши ҳолатдаги ҳудуд иштирокчисидан арzon молиявий маблагларни жалб этиш билан кисқа муддатларда макроитисодий мувозанатга эришиши мумкин
Иктиносидиётни нг савдо эркинлиги	Р.Маккиннон 1963	Йирик ёпик иктиносидиётга караганда, кичик бўлсаям экспортга йўналтирилган иктиносидиёт савдо ҳамкорларига нисбатан қатъий белгиланган курсни кўллаши самаралирок ҳисобланади
Ишлаб чикариш ва истеъмолнинг диферсификацияси	П.Кенен 1969	Ички ишлаб чикаришнинг ва истеъмолнинг диверсификацияланганлиги бозорнинг ташки шоклар олдида заифлигини қисқартиради

³³ Муаллифлар томонидан тузилган

Инфляцион конвергенция	Ж.Флеминг 1971	Нархлар ўсишининг паст суръатлари ва уларнинг худуд аъзолари ўртасида корреляцияси уларнинг тузулмавий гомогенлик борлигини билдиради, яъни бир мамлакатдаги шок бошкасига таъсир этмайди
Бюджет устуворлиги	П.Кенен 1969	Макроиктисодий дисбаланс ҳолатида ишсизликнинг ортиб боришидан кўриладиган зарар валюта худудининг бошқа аъзолари бюджет трансферлари хисобига ёпилиши мумкин
Сиёсий интеграция	Н.Мипц, Г.Хаберлер 1970	Сиёсий қўллаб кувватлаш валюта худуди иштирокчилар ўртасида ягона иктисодий мухитни яратишга қаратилган институционал ўзгаришларни тезда амалга оширишга ёрдам беради

Валюта курси режимини танлаб олиш орқали давлат ички макроиктисодий бошқарув воситаларини ҳам танлаб олган бўлади, ва аксинча, давлатнинг ички устувор ривожланиш йўналишларига (иктисодий ўсиш, инфляцияни пасайтириш, ижтимоий ҳимояни қучайтириш ва х.к.) қаратилган сиёсатни амалга ошириш орқали мақсадга эришишда ҳар қандай ташқи иктисодий сиёсат ёрдам бермаслигини ёдда тутиш лозим.

Р.Манделл ва М.Флемингдан сўнг оптималь валюта ҳудудлар назариясини такомиллаштиришга Америкалик профессорлар Стэнфорд университетидан Р.Маккиннон ва Пристон университетидан П.Кененлар ўз ҳиссаларини кўшдилар. Улар ушбу оптималь валюта ҳудудини белгиловчи тизимнинг иктисодий ҳусусиятларига аниқлик киритнишди. Бу борада тадқиқотни янада бойитишга бағишиланган ишлари билан Ж. Инграмм, Г. Грубел, У. Корден, И. Ишиям ва К. Хамада ва бошқа олимлар валюта ҳудудида иштирок этиш афзалликлари ва камчиликларини ҳамда ундаги иштирокини баҳолашни тадқик қилишган³⁴.

Валюта ҳудудининг оптималлиги очик иктисодиётда ички ва ташқи мувозанатни таъминлаш доирасида макроиктисодий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Валюта ҳудудида иштирок этишнинг асосий камчилиги бўлиб, пул – кредит сиёсати мустақиллигининг йўқолиши ҳисобланса, афзаллиги пул нафлийгининг ошишида намоён бўлади. Валюта ҳудудини ташкил этишда афзаллиги ёки камчилигини баҳолашда юкоридаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

³⁴ Евро — дигъя Манделла? Теория оптимальных валютных зон. М.: Дело, 2002

Ушбу мезонлар ўзаро боғлиқдир: масалан, иқтисодиётни ташки савдо учун очиклиги ички нархларнинг валюта курсига нисбатан эгилувчан бўлишига таъсир этади, ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракати ва аъзо мамлакатларда бюджет устуворлиги нархларнинг эгулувчанигини талаб этмайди, бюджет устуворлигининг амал килиши ва шоклар оқибатидан ҳимоя қилади ва бошқалар. Бу эса оптимальлик мезонлари ўртасида эндоген боғлиқлик борлигидан далолат беради. Дастребни баҳолаш бўйича валюта ҳудудида иштирок этишни билдирган номзодлар мезонларга жавоб бермасада, ҳудудда иштирок этиш унинг иқтисодий тизимини талаб даражасига етгунча ўзгартириши мумкин.

Оптимал валюта ҳудудлар назариясида икки фундаментал камчилик мавжуд. Биринчи навбатда, бу меъёрий иқтисодий назария ҳисобланиб, мукаммал валюта ҳудуди қандай бўлиши кераклигини тавсифлайди. Аммо унда, валюта ҳудуди оптималлигини баҳоловчи аниқ инструментлар таҳлили кўрсатилмаган. Бундан ташқари, мазкур назарияда зиддият мавжуд. Бир томондан валюта ҳудуди иштирокчилари валюта курсларини қатъий белгилаган катта бўлмаган очиқ иқтисодиётга эга бўлиши керак. Бошқа томондан, улар ташки шокларга бардош беришлари учун ишлаб чиқаришни диверсификациялаган бўлишлари керак, бу эса йирик ёпик иқтисодиётга хос хусусиятдир.

Шундай қилиб, валюта ҳудудида иштирок этишни белгиловчи оптимальлик мезонлари ўртасида мавжуд камчиликлар бу борада тадқиқотларни чуқурлаштиришни талаб этади.

3.2.4. Валюта курсининг замонавий концепциялари

Шоклар таҳлили

1960 – йилларнинг ўрталаригача макроиқтисодий таҳлилда Я.Тинберген модели етакчилик қилиб келди. Я.Тинберген «Иқтисодий сиёsat назарияси» деб номланган ишида «иқтисодий сиёsat мақсади» ва «инструментал ўзгарувчилар» атамасига тушунча бериб ўтган, ҳамда сиёsatда кўлланиладиган воситалар унда кўйилган мақсадларга тенг бўлиши асослаб берилган. 1964 йилда Г.Тэйл Я.Тинбергеннинг ишини сезиларли тўлдиришга эришди. У иқтисодий сиёsat мақсади атамасини **умумижстимоий фаровонлик функциясига** алмаштирди. Ушбу функция турли хил иқтисодий ўзгарувчилар ва чекловларнинг ўзаро муносабатини ўзида акс этгани эди.

Тадқиқотчининг якуний мақсади функцияни оптималлаштиришнинг стохастик масаласини счишдан иборат эди. Ҳозирги пайтда Я.Тинберген ва Г.Тэйлорнинг модели аксарият макроиктисодий таҳлиларнинг асоси бўлиб ҳизмат килмоқда.

Тинберген – Тэйлор модели³⁵ ёрдамида оптимал валюта сиёсати таҳлили янада такомиллашиб борди. Тадқиқотлар ички мухитга қаратилди, валюта курси сиёсати эса миллий фаровонликдан келиб чиқиб, турли хил пул – кредит сиёсати режимларига боғлиқ бўлди.

Қатъий белгиланган ёки сузуб юрувчи валюта курси режимини танлаш иқтисодиётдаги шокларнинг келиб чиқиши хусусияти ва табиатига, шунингдек, иқтисодий сиёсат мақсадига боғлиқ бўлди.

Моделлаштириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, пул – кредит сиёсатини олиб борувчи органлар камайтирмокчи бўлган харажатлар ва иқтисодиётнинг тузилмавий хусусиятига асосланади. Оптимал валюта ҳудудлари назариясининг шоклар таҳлили билан уйғунлиги замонавий валюта курси сиёсатини танлаш асосида ётади (3.4-жадвалга қаранг).

3.4-жадвал Оптимал валюта курси режимини танлаш³⁶

Мезонлар	Айирбошлиш курси сиёсати							
	Эркин сунб юлиш	Бошқарувлечи сузиш	Валюта кори- лови	Тор мақсадли чегара	Судралувлечи боғлиқлик	Горизонтал фиксация	Валюта бошқаруви	Валюта иттифоеки
Оптимал валюта ҳудудлар назарияси								
Иқтисодиётнинг ҳажми	*	*	*	*	*	↓	↓	*
Нарх ва иш ҳакининг мойиллiği	↓	↓	*	*	↑	↑	↑	↑
Ишлаб чиқариш омил- ларининг эркин ҳаракати	↓	↓	*	*	↑	↑	↑	↑
Молия бозорларининг интеграцияланиши	*	*	*	↓	↓	↓	↑	↑

³⁵ Blinder A. Central Banking in Theory and Practice. Cambridge, Cambridge University Press, 1998. p. 7.

³⁶ Mecse R., Rogoff K. Empirical Exchange Rate Models of the Seventies: Do They Fit out of Sample? — Journal of International Economics, 1983, No 14, p. 3 — 24.

Иктиносидиётнинг савдо очиқлик даражаси	↓	↓	*	↑	↑	↑	↑	↑
Инфляциянинг конвергенцияси	*	*	*	↓	↓	↑	↑	↑
Бюджеттинг устуворлиги	*	*	*	↑	↑	↑	↑	↑
Сиёсий интеграция	↓	↓	*	*	*	*	*	↑
Капиталнинг эркин харакати								
Пул – кредит органларининг захири жамми	*	*	*	↑	↑	↑	↑	*
Капитал харакати устидан назорат	↓	↓	*	*	↑	↑	↓	↓
Ривожланяётган молия бозори	↓	↓	*	*	↑	↑	↑	*
Макроиктисодий шоклар таҳлили								
Ассиметрик шоклар	*	*	*	↓	↓	↓	↓	↓
Ҳакикий шоклар	↑	↑	*	↓	↓	↓	↓	↓
Номинал шоклар	↓	↓	*	↑	↑	↑	↑	↑

Бунда: ↓ аҳамияти паст, ↑ аҳамияти юқори, * аҳамияти йўқ. Эндоген хусусиятга эга.

1980 – йилларда ташки шоклар асосан ҳалқаро фоиз ставкаларининг кескин ўсиши, саноати ривожланган мамлакатлар ўсиш суръатларининг пасайиши ва қарз инқирозлари сифатида намоён бўйлар эди. Баъзан ташки шоклар шароитида иктиносидиётни бошқариш нафақат миллий валютани вакт – вақти билан қадрсизлантиришни, балки эгилувчан валюта курси шаклларини жорий этишин талаб этар эди.

1990 – йилларнинг охирида ҳалқаро капиталнинг жадаллашиши шокларни кутилмагандан юз бериш эҳтимолини оширди, бу эса сузуб юрувчи валюта курси режимини янада мустаҳкамлади.

Валюта курси сиёсатини танлаш концепцияни янада янгилашни талаб этар эди. 1980 – 1990 йилларда вектор авторегрессиялари кенг тарқалди. 1983 йилда Р.Миз ва К.Рогофф машхур монетаристларнинг валюта курсини прогнозлаш бўйича ишларини таҳлил қилди³⁷. Миз ва Рогофф монетаристик моделлар амалда кўлланилиши самараасиз эканлигини исботлаб беришди.

Миз ва Рогофф тузилмавий моделларни баҳолаш билан боғлик эконометрик муаммоларни аникладилар. Монетаристик моделлар-

³⁷ Mccse R., Rogoff K. Empirical Exchange Rate Models of the Seventies: Do They Fit out of Sample? — Journal of International Economics, 1983, No 14, p. 3 — 24.

даги барча ўзгарувчилар бир иқтисодий тизим доирасида бўлгани боис тузилмавий моделларнинг муваффакиятсиз бўлганини аниқлади³⁸. 1980–1990 йилларда монетаристик моделларни такомиллаштириш бўйича бир қанча уринишлар амалга оширилди. Шундай бўлсада, турли хил усуулларнинг (маълум давр ичидаги ўзгариб турадиган регрессион коэффициентлар, шархли ўзгарувчиларни кўпайтириш, моделларга функционал шаклларни кўшиш) киритилиши уларнинг самарадорлигини ошириб бера олмади. 2002 йилда Й.В.Чунг, М.Чин ва А.Паскуаль тадқиқотлар ўтказган.

Очиқ иқтисодиётнинг янги макроиқтисодий назарияси

1995 йилда Калифорния университети профессори М.Обстфельд К. Рогофф билан бирга *очиқ иқтисодиётнинг янги макроиқтисодий назариясига* асос солди (new open economy macroeconomics)³⁹. Уларнинг моделинин макроиқтисодий назариянинг йўналиши сифатида тан олиниши бир неча йиллик вактни талаб этди. Ҳозирги кунда бир қатор моделлар очиқ иқтисодиёт назариясига асосланган ҳолда яратилмоқда.

Очиқ иқтисодиётнинг янги моделлари Манделл – Флеминг назариясидан фарқли томони шундаки, улар вактлараро нафлийкни максималлаштириш ва бир қатор микро омилларни хисобга олишган. Макроиқтисодиётнинг микро асослари иқтисодий агентларнинг ҳаракатини аникрок тавсифлашга ёрдам беради ва макродараҷада аник хуносаларни шакллантиришни таъминлайди.

Мазкур назариянинг микроиқтисодий асоси сифатида Манделл – Флеминг модели хисобга олмаган бир қатор ҳолатлар олинган: номинал қатъийлик, нархнинг истеъмолчи валютасида шаклланиши, истеъмолчиларнинг ўзига хос талаблари; молия бозорларининг мукаммал эмаслиги.

Валюта курси сиёсатини танлаш бўйича тавсиялар жиҳатидан, янги назария Манделл – Флеминг моделидан фарқли равиша бошқа йўналишдаги натижаларга эга. Очиқ иқтисодиёт моделига кўра, номинал баҳолар ишлаб чиқарувчи (экспортчи) валютасида акс этади ва валюта курси тебраниши натижасида истеъмолчи (им-

³⁸ Cheung Y.-W., Chinn M., Pascual A. Empirical Exchange Rate Models of the Nineties: Are Any Fit to Survive? NBER Working Paper No 9393, 2002.

³⁹ Lane Ph. The New Open Economy Macroeconomics: A Survey. CEPR Discussion Paper No 2115, 1999.

портчи) нархларига таъсир этади. Шунга мувофик, давлатнинг *харажатларни ўтиказиш сиёсати*⁴⁰ шаклланади. Манделл – Флеминг моделида девальвация импортнинг қимматлашиши ва экспортнинг ошишига сабаб бўлади. Эмпирик тадқиқотлар аксарият ҳолларда, баҳо ишлаб *чикарувчи валютасида эмас, истеъмолчи миллий пул бирлигига акс этишини кўрсатиб берди. Хорижий компаниилар бозордаги улушкини саклаш ва кенгайтиришга ҳаракат килиб, маҳаллий бозорларда баҳони истеъмолчи валютасида белгилайдилар, бу билан улар валюта рискини тўлиқ ўз зиммасига оладилар. Девальвация ҳолатида, импортнинг қисқариши кузатилмайди ва ҳаражатларни ўтиказиш таназзулга учрайди. Шундай қилиб, истеъмолчига мослаштирилган нархни шаклланиш механизми оптималь валюта ҳудудлар назариясидан келиб чиқадиган хуносаларни ўзгартиради.

Очиқ иктисадиёт назариясининг аксарият тарафдорлари истеъмолчи валютасида баҳонинг белгиланиши давлатдан оптималь сиёсат сифатида қатъий белгиланадиган курсни танлашни мажбур килади (3.5 – жадвалга қаранг). Бундай шароитларда эркин сузуб юрувчи курс ягона нарх қонунидан⁴¹ киска муддатли четланишларга олиб келиши мумкин. Курсни қатъий белгилаш бир турдаги товарга турлича нархни белгилаш амалиётини бартараф этиши мумкин. Шундай бўлсада, Ч.Энжел ва Ж.Рожерлар курсни қатъий белгилаш ёки валюта иттифоқига қўшилиш фаровонликка таъсир этадиган пул – кредит сиёсатининг ўзгаришига олиб келади. Уларнинг фикрича, курсни қатъий белгилаш ва пул – кредит сиёсатида мустақилликни йўқотиш ягона баҳо қонунидан⁴² четлашиб натижасида фаровонликда кўриладиган ҳаражатларга сабаб бўлади. Шу билан бирга очиқ иктисадиётнинг янги назария моделларида ҳалигача, валюта курсига «совун пуфаги»нинг таъсири ҳисобга олинмаган. Курсни шакллантириш омиллари сифатида, одатда, пул ва ҳақиқий детерминантлар кўрилади. Нархни истеъмолчи валютасида белгилашдан ташқари, «совун пуфаги»ни ҳисобга олинадиган бўлса, қатъий белгиланган курсга ўтиш маъқул бўлади.

⁴⁰ Ҳаражатларни ўтиказиш сиёсати (expenditure-switching policy) – бу макроиктисадий мувозанатга эришиш масадидга, маҳаллий ва хорижий маҳсулотлар ўртасида ҳаражатларни ўтиказиш учун ялни талабни валюта курсини бошкарни билан тартибиғи солиши.

⁴¹ Ягона баҳо қонунига мувофик (Law of one price) мукаммал ракобат шароитида турли мимлакатлардаги бир турдаги маҳсулот нархи бир хил валютада акс этган бўлса тенг бўлади.

⁴² Engel Ch., Rogers J. Deviations from the Purchasing Power Parity: Causes and Welfare Costs. — Journal of International Economics, 2001, No 55, p. 29 — 57.

3.5- жадвал

Очиқ иқтисодиётнинг янги макроиктисодий назарияси асосида валюта курси сиёсатини таълаш⁴³

Иқтисодиётда устунлик қилаётган шоқ	Нархни ишлаб чиқарувчи валютасида шаклланиши	Нархни истемолчи валютасида шаклланиши
Ташки пул шоқи	Макроиктисодий кўрсаткичларнинг жорий ўзгаришига қараб	Сузиб юрувчи курс
Ички пул шоқи	Қатъий белгиланадиган курс	Қатъий белгилана-диган курс
Ички ишлаб чиқариш шоқи	Сузиб юрувчи курс	Аникланмаган

Очиқ иқтисодиётнинг янги макроиктисодий назарияси айниқса, 2000 йилнинг бошларида сезиларли ривожланди. Унинг моделлари фаровонликни таҳлил қилиш ва ҳалқаро макроиктисодиёт ва молияда мавжуд бир қатор жумбоқларни осонгина тушунтиришга имкон берди. Аммо янги назария ҳали тадқикотчиларнинг иш курслига айлангани йўқ. Чунки кенг кўламдаги моделларга эга бўлишига қарамай, иқтисодчилар ўртасида асосий модел мувофиқлаштирилмаган.

Хозирги кунда янги назарияни эмпирик таҳлилда кўллаш имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Хусусан, Нью-Йорк Федерал захира банкининг иқтисодчи – тадқикотчиси Ф.Жирони «Янги очиқ иқтисодиётнинг макроиктисодиёти йўлида» номли асарида Америка бозоридан Канадага инкиrozнинг ўтиш механизмини таҳлил килган⁴⁴.

Валюта курсини баҳолашнинг эмпирик усули

Валюта курсини таҳлил қилишининг замонавий усуллари унинг мувозанат қийматини топишга қаратилган. *Фундаментал мувозанат валюта курси* (fundamental equilibrium exchange rate, FEER) тушунчаси Вашингтондаги Ҳалқаро иқтисодиёт институти профессори Ж.Уильямсон томонидан киритилган. FEER мамлакат ички ва ташки макроиктисодий мувозанатни ушлаб турга оладиган валюта

⁴³ Fujiki F., Otani A. Do Currency Regimes Matter in the 21st Century? Overview. — Monetary and Economic Studies, 2002, No S-1, p. 73.

⁴⁴ Gheroni F. Towards New Open Economy Macroeconometrics. FRB of New York Staff Report No 100, 2000

курси сифатида тавсифланади. Ички мувозанат деганда, түлкі бандлик ва паст инфляция шароитида мамлакатнинг максимал ривожланиши тушунилади. Ташки мувозанат жорий операциялар балансининг шундай ҳолатига айтиладики, ундаги дефицит ташки карзни тұлаш кобилиятини сақтаб өткөнде професити хорижий мамлакатлар учун шу ҳолатда таъминлайды. Ташки мувозанатта эришиш валюта курси режими, жамгарма меъёри, демографик омиллар ва бошқаларни ўз ичига олган бир қатор омилларга boglik бўлади⁴⁵.

FEER бу мукаммал иқтисодий шароитлардан келиб чишиб, валюта курсининг мувозанат кийматини аниклашга қаратилган меъёрий усул ҳисобланади. Бу усул Лувр келишувининг мақсадли ҳудудлар (target zones) лойихаси асоси бўлиб ҳизмат қилган. Ушбу лойиха доирасида FEER ўрта муддатли давр мобайнида ички ва ташки макроиктисодий мувозанатни таъминлаши керак эди.

Хозирги пайтда, мувозанатли валюта курсини аниклашнинг учта усули мавжуд: циклик, ўрта муддатли ва узок муддатли. *Жорий ёки циклик валюта курси* (current or cyclical equilibrium exchange rate) валюта бозорининг аниқ пайтдаги конъюктурасини акс эттиради. Уни харид кобилияті паритети ва реал ёхуд номинал фоиз ставкаларининг қопланмаган паритет комбинацияси ёрдамида ҳисобланади. Реал фоиз ставкаларининг дифференциали одатда, инфляцион дифференциал асосида ҳисобланаб, валюта курси мувозанатли қийматдан четланиши вактинчалик ёки барқарор эканлигини аниклаш учун фойдаланилади.

Яна бир кенг тарқалган модел мувозанатли валюта курсини баҳолашда кўлланиладиган монетаристик модел тоифасига киради. У валюта бозоридаги тебранишларни пул соҳасидаги ўзгаришлар нуқтаи назаридан тушунтириб беради. Пул таклифининг ўсиши (эмиссия) ёки пул талабининг қисқариши номинал валюта курсининг қадрсизланиши ёки девальвациясига ва охир оқибат инфляцияга олиб келади. Замонавий молия тизимида пул базаси ва нақд пуллар жуда кичик аҳамият касб этгани учун пул ўзгарувчилари бўлиб, M1 ёки M2 агрегатлар қатнашади.

Қисқа муддатли мувозанатли валюта курсини аниклашнинг янги усули бўлиб, *ҳаракатдаги мувозанатли валюта курси* (behavioural equilibrium exchange rate, BEER) ҳисобланади. Ушбу усул ХВФ иқтисодчилари П.Кларк ва Р.Макдоналд томонидан

⁴⁵ Каранг: Wren-Lewis S., Driver R. Real Exchange Rates for the Year 2000. In: Policy Analyses in International Economics. Wash.: Institute for International Economics, 1998.

таклиф этилган. BEER фундаментал макроиктисодий омиллар функцияси асосида ҳисобланган жорий ёки циклик мувозанатли валюта курси сифатида түшүниш ҳам мумкин. BEER усули қандайдыр тузилмавий иктиносодий моделга асосланмаган, лекин у биргина жорий мувозанатни эмас келгуси валюта курсини аниклашга имкон берувчи, бир қатор муҳим макроиктисодий боғлиқликларни ажратып үтгандыр⁴⁶.

BEER валюта курси динамикасини ўзгарувчан фундаментал омиллар таъсирида шархлашга ёрдам берседа, модел тренд қысқа ёки узоқ муддатли эканлигини күрсатып береди.

BEER маълум маънода мувозанатли валюта курсининг ўрта муддатли моделининг дастлабки усули бўлиб ҳисобланади. Унинг ўрта муддатли дейилишига сабаб, экзоген кўрсаткичлар сифатида ўрта муддатли ўзгарувчилар олинишидадир. Валюта курсининг тебраниши асосида ётган фундаментал макроиктисодий омиллар зудлик билан ўзгармайди, демак уларни тўла таҳлил қилишда қысқа муддатли тебранишлардан ҳоли бўлиши керак.

Техник жиҳатдан, ўрта муддатли мувозанатли валюта курси иккиси усул ёрдамида аникланади: статистик усул (тренд тенгламасини ҳисоблаш орқали) ёки тузилмавий усул (иктиносодий – математик модел асосида ички ва ташки макроиктисодий мувозанатни белгилаш).

Статистик усул тўлиқ BEER усулига асосланади. Валюта курси тебранишини таҳлил қилишда вакт давомидаги ва доимий элементларга бўлинishi керак. Валюта курсининг ўзгармас элементи «доимий мувозанатдаги валюта курси» номини олган (permanent equilibrium exchange rate, PEER). Тузилмавий усул ёрдамида моделлашда иктиносодиёт ички ва ташки мувозанат ҳолатида эканлигини англатади. Шунга кўра, ўрта муддатли мувозанатли валюта курси қандай бўлиши кераклиги аникланади. Тузилмавий усул ХВФ иктиносодчилар тадқиқотларида кенг кўлланилади. *World Economic Outlook* да чоп этиладиган макроиктисодиётнинг барча моделлари тузилмавий усулга асосланган⁴⁷.

Узоқ ва ўрта муддатли мувозанат моделлар ўртасидаги назарий тафовутни бартараф этиш учун Ж.Уильямсон давомчилари ишлаб

⁴⁶ Cloostermann J., Schnatz B. The Determinants of the Euro-Dollar Exchange Rate: Synthetic Fundamentals and a Non-Existing Currency. — Applied Economics Quarterly, 2000, № 46, p. 274-302

⁴⁷ Карапт: Alberola E., Cervero S., Lopez H., Ubide A. Global Equilibrium Exchange Rates: Euro, Dollar, «In», «Out» and Other Major Currencies in a Panel Cointegration Framework. IMF Working Paper No 175, 1999.

чиққан NATREX усули құлланилади. NATREX «табий реал валюта курси» деб (natural real exchange rate) номланади ва назарий моделлашга мисол бўлиши мумкин. Моделнинг ҳар бир тенгламаси тузилмавий шаклга келтирилган ҳар бир жорий эндоген ўзгарувчига нисбатан моделнинг тенгламалар системасини ечишга қартилган. Моделдаги тенгламалар сони жорий эндоген ўзгарувчилар сонига тенг бўлади. NATREX модели таркибиға «захира – оқим» тенгламаси кирди (dynamic stock —flow model).

Мувозанатли курс бўйича барча эмпирик моделлар валюта курси ва турли макроиктисодий кўрсаткичлар ўртасида боғлиқнинг статистик қийматини баҳолаш учун құлланилади. Аксарият тадқиқотчиilar мувозанатли курсни фундаментал макроиктисодий омиллар функцияси сифатида моделлашларида мураккаб эконометрик усууллардан фойдаланиладилар. Валюта курси ҳар доим ўзининг мувозанатли қийматига қайтиб келиши тўғрисидаги гоя ўрнини вакт давомида ўзгариб турадиган FEER, яъни динамик мувозанат концепция. Юкоридаги эмпирик моделлар статистик моделларга асослансада, улар камчиликлардан ҳоли эмас. Биринчи навбатда, моделлар мувозанат деган тушунчага аниқлик берганларида бир хилликка эга эмас. Бундан ташқари, бир турдаги моделларда ягона баҳолаш натижаларига эга эмас.

Замонавий мувозанат моделлари баъзи ҳолларда бирламчи ҳисобланган институционал омилларни инкор этади. Миллий иқтисодиётда жадал суръатларда испоҳотлар амалга оширилаётганида, фундаментал макроиктисодий омиллар таъсири сезилмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ривожланётган мамлакатларда портфел инвестицияларни шакллантириш, капитал ҳаракатини чеклаш бевосита макроиктисодий кўрсаткичларга боғлик бўлмайди. Аммо улар ҳам валюта курсига сезиларли таъсир этади. Институционал омилларни ҳисобга олиш илк бор ХВФ да 2002 йил декабрида нашр этилган «Валюта курси режимини танлашнинг сиёсий – иқтисодий модели»⁴⁸ номли докладида акс этган.

Шундай қилиб, валюта курси юзасидан яратилган моделлар ҳали ўз мукаммалигини тўла исботлай олмаган бўлсада, бу борада олиб борилаётган тадқикотлар бир қанча самарали илмий натижаларга эга.

⁴⁸ Sun Y. A Political-Economic Model of the Choice of Exchange Rate Regime. IMF Working Paper No 212, 2002.

3.5. Валюта курси режимлари

Муқобил валюту курси режимини танлаш ҳар бир давлат учун ечимини топа олмаётган мұхым масалалардан бири ҳисобланади. Зеро режимнинг иқтисодий ҳолатга номувофиқлиги валюта инкиророзини келтириб чиқариши мүкаррар.

1982 йилдан бошлаб, ХВФ томонидан валюта курси режимини аниқлаш бўйича доимий ишларни олиб боради ва жорий даврда қўлланилаётган режимлар туркумини тасдиқлади. Валюта курси режимининг у ёки бу йўналишда ўзгариши билан мамлакат ҳукумати ўттиз кун ичida ХВФ хабардор қилиши лозим. Аввалига ХВФ томонидан валюта курси режимлари уч гуруҳга бўлинган эди⁴⁹. Булар:

1. Қатъий ўрнатилган валюта курси режими;
2. Чекланган тебранишига эга курслар;
3. Сузиб юрувчи курс режимлари гурухлари.

Гурухлар бўйича валюта курси режимлари қуидагича туркумланади:

1. Қатъий ўрнатилган валюта курси режимлар гурухи:

• Миллий пул бирлигининг мавжуд бўлмаслиги (расмий долларизация) (*Exchange arrangements with no separate legal tender*)

Қонуний пул воситаси сифатида мамлакат бошқа давлат пул бирлигидан фойдаланади. Бунда ҳукумат расмий долларизацияга рози бўлган ҳолда, ички пул – кредит сиёсатидан воз кечади. Валюта курсининг бу режими қатъий ўрнатилган курснинг энг «қаттиқ» шакли ҳисобланади. Ушбу режим асосида, ҳозирги кунда дунёнинг 29 мамлакатида фойдаланилмоқда.

• Алоҳида пул бирлигининг мавжуд бўлмаслиги (валюта иттифоқи)

Мамлакат ягона қонуний пул бирлиги муомаласига эга бўлган валюта иттифоқига аъзо бўлади. Расмий долларизация каби ҳукумат мустакил равишда пул – кредит сиёсатига эга бўлмайди. Ушбу режим бўйича Европа иттифоқининг 12 мамлакати фаолият олиб боришимоқда.

- Валюта бошқаруви (*Currency board arrangements*)

Валюта муносабатларини тартибга солувчи органлар қонунчиликда белгиланган катъий ўрнатилган курс бўйича миллий валю-

⁴⁹ Classification of Exchange Rate Arrangements and Monetary Policy Frameworks IMF staff reports December 2004.

тани хорижий валютага айирбошлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда айирбошлаш билан бөлгүлөк барча операциялар олтган – валюта захираси билан таъминланади. Валюта бошқаруви режими дунёнинг еттига мамлакатида фойдаланилади.

2. Чекланган тебранишига эга курс режимлар гуруҳи:

- Валюта курсини бир валюта ёки валюталар саватига бояглаш (Conventional fixed peg arrangements)

Мамлакат расмий ёки норасмий равишда ўз валютасини бошка мамлакат валютасига ёки валюталар саватига боягайди. Валюта саватига асосий ташки савдо ва молиявий ҳамкорлар валютаси киради. Бунда валюта курси иккى ой мобайнида марказлашган паритетдан $\pm 1\%$ микдорда тебраниши мумкин бўлади. Мазкур режим 52 мамлакатда тадбиқ этилган.

- Судралиб юрувчи боягланиш (Crawling pegs)

Валюта курси маълум даврларда бир валюта ёки валюта саватига нисбатан кўрсатилган кийматга тенглаштирилади. Девальвация аниқ белгиланиши ёки шартли кўрсаткичлар (мамлакатлар ўртасида инфляцион тафовут, мақсадли ва прогноз қилинган инфляция, расмий ва параллел бозордаги валюта курси ўртасида спред)га асосланиши мумкин. Судралиб юрувчи боягланиш девальвация: микдорий кўрсаткич тафовутини коплаганида кечикувчи(backward looking); прогноз қилинган тафовутга мос келса илгариловичи (forward looking) курс маъносини беради. Бу режим дунёнинг олти мамлакати томонидан қабул қилинган.

- Валюта курсини горизонтал коридор доирасида катъий ўрнатиш (Pegged exchange rates within horizontal bands).

Валюта курси эркин тарзда расмий ёки норасмий марказлашган паритетдан $\pm 1\%$ катталиқда тебранади. Ҳар кандай шароитда давлат тўғри ёки эгри интервенциялар оркали горизонтал коридорни ушлаб туради. Бунда режим бўйича валюта курсини тартибга солиш бешта мамлакат: Дания, Словения, Ципрус, Венгрия ва Тонгода жорий этилган.

- Валюта курсини судралувчи коридор доирасида катъий ўрнатиш (Exchange rates within crawling bands)

Валюта курси вакт-вақти билан қайта белгиланадиган расмий ёки норасмий марказлашган паритетдан $\pm 1\%$ катталиқда эркин тарзда тебранади. Судралиб юрувчи боягланиш каби бу ҳолатда хам кечикувчи ёки илгариловичи вазият юзага келади. Чегаралар марказий паритетга нисбатан симметрик тарзда тебраниши ёки асиммет-

рик тарзда кенгайиб бориши мумкин. Бу жағон тажрибасыда кам учрайдиган ҳолат бўлиб, ҳозирда Белорусияда қўлланилмоқда.

3. Сузиб юрувчи курс режимлар гурухи:

- Валюта курсини олдиндан тебраниш диапазонини белгилан-масдан туриб, сузиб юришини қатъий бошқариш (*Managed floating with no predetermined path for the exchange rate*)

Валютани тартибга солувчи органлар валюта курсини тўғри ёки эгри интервенциялар орқали узок муддатли тренд атрофида ёки белгиланмаган мақсадли валюта курсида ушлаб туради. Валюта курсининг йўналиши ва мувофиқлаштириш даражаси мамлакат тўлов баланси ҳолати, олтин – валюта захираси, валюта бозори конъектураси ва бошқаларга боғлик бўлади. Валюта интервенцияларининг тез – тез амалга оширилиши валюта курсини бошқаришда қатъийликни белгилаб беради. Мазкур режим Бреттон Вудс валюта тизими инкирозидан кейин кенг қўллана бошлади ва эркин сузиб юриш ва қатъий ўрнатиш режимининг идеал комбинацияси хисобланади. Бу режимдан, ҳозирги кунда дунёning 51 мамлакати фойдаланади.

- Эркин сузиб юриш (*Independently floating*)

Валюта курси бозордаги талаб ва тақлиф асосида мустақил ра-вишда аниқланади. Валюта интервенцияси валюта курсининг кес-кин тебраниши олдини олишга қаратилади. Бу режим валюта курсининг энг сўнгги босқичи бўлиб, ўзида юкори рискни мужассам этган. Шундай бўлсада, дунёning 35 мамлакати бу режимдан фойдаланади.

3.6. Валюта курсига таъсир этувчи омилларнинг туркумланиши

Валюта курсига таъсир этувчи омилларни қўйидагича туркумлашимиз мумкин:

1) Молиявий омиллар.

Фоиз ставкаси молия бозорининг асосий кўрсаткичи ҳисобланниб, валюта курсига сезиларли таъсир этиши мумкин. Ҳар бир мамлакатда фоиз ставка турлари ҳар хил бўлади, уларнинг ҳаммаси мамлакат асосий ставкасига асосланади (1.1-жадвалга қаранг).

Мамлакат фоиз ставкаси юкори бўлса, маҳаллий валюта қадри кўтарилади ва аксинча.

2) Сиёсий омиллар.

Молия вазири, Марказий банк бошқаруви, ҳукумат ва бошқаларнинг алмашгани, ёки парламент ва президент сайлов на-тижаларининг аниқланиши.

3) Марказий банк сиёсати.

Марказий банк сиёсати валюта курсига таъсири этувчи фундаментал омили ҳисобланади. У пул таклифи, фоиз ставкаси, бозордаги интревенция орқали валюта киммати, Жаҳон Савдо Баланси ва Жаҳон инфляциясига таъсири этади.

4) Психологик омиллар.

Бундай омиллар валюта бозорининг жорий ҳолатига қараб, сезиларли таъсири этиши ва умуман ҳеч қандай таъсири этмаслиги мумкин.

Валюта маблағлари мамлакатга фоиз ставкаси ёки айирбошлиш курсининг ошишини кутиш натижасида оқиб келиши мумкин. Валютанинг чиқиб кетиши унинг оқиб келиши каби шиддатли бўлиши мумкин, бу эса спекулятив аҳамиятнинг ортиши ва миллий валюта қадрининг тушишига олиб келиши мумкин.

5) Иктиносий кўрсаткичлар.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ ёки GDP) иктиносидётнинг ўсиш суръатларини кўрсатиб беради. Бу кўрсаткичининг тушиши иктиносий ўсиш сустлашаётганлигидан далолат беради. Бу ҳолатда ҳукумат фоиз ставкаларини тушириб, муомаладаги валютани ошириши мумкин. Бу ўз навбатида, валюта курсининг тушишида акс этади.

б) Ишсизлик даражаси. Ишсизлар сонини аниқловчи кўрсаткич. Макроиктиносий мувозанатнинг IS-LM моделига мувофиқ, ишсизликнинг ортиши пул масассини камайишига ва аксинча, пасайиши пул массасининг ортишига сабаб бўлади. Пул массасининг у ёки бу йўналишда ўзгариши валюта паритети орқали валюта курсига таъсири этади.

в) Қишлоқ хўжалигидан ташкари бандлик. Қишлоқ хўжалигидан бошқа фаолиятнинг ривожланиши кучли ёки ўртача иктиносий ўшишни таъминлайди, бу эса миллий валюта қадрининг ошишига хизмат қиласди. Бундан ташкари, қишлоқ хўжалиги валюта борасидаги ўзгаришларга таъсиричанлиги суст бўлади. Мамлакат ЯИМда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг камайиши унинг валюта курси билан ўзаро ўзгаришига таъсиричанлигини оширади.

г) Тижорат савдо. Мамлакат савдо балансида киримиға нисбатан чиқимнинг ортиши дефицитни юзага келтиради. Мамлакат савдо баланси валюта курсининг пасайишига олиб келади.

д) Истемол нархлар индекси (CPI). Мамлакат аҳолиси истемол қиладиган товар ва хизматлар саватининг бозор нархи ўзгаришини аникловчи статистик ўлчам. Индекснинг ўсиши инфляция жадаллашаётганини англатади. Инфляция эса валюта курсига икки томонлама: паритет ва фоиз ставкаси орқали таъсир этади.

е) Узок муддат фойдаланиладиган (истемол қилинмайдиган) товарларга буюртма бериш. Ишлаб чиқаришни тиклаш ёки янгилаш. Бу мамлакатнинг ривожланиш босқичида эканлигини англатади ва миллий валюта қадрини мустаҳкамланишига замин яратади.

ж) Саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши – иқтисодий ўсишни англатади. Марказий банк фоиз ставкасини тушириб иқтисодиётни рағбатлантиради ва валюта курси тушади.

з) Чакана савдо. Савдо ҳажми ошганда, Марказий банк фоиз ставкасини кўтаради ва кредит беришини катъйлаштиради, бу эса валюта курсининг ошишига таъсир этади.

6) Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари. Марказий банк қимматли қоғозларни харид қилиши ва сотиши пул массасига таъсир этади. Бу валюта курси ўзгаришига таъсир этади.

7) Фоиз ставкаси. Марказий банк фоиз ставкасини ўзгартириш билан валюта курсига таъсир этиши мумкин. Шу ўринда фоиз ставкасининг ўзгариши ички ёки ташқи манфаатлардан келиб чикилиши валюта курсида акс этиши мумкин. Масалан, фоиз ставкаларининг оширилиши очик иқтисодиётда капитални жалб қиласи ва валюта курси кўтарилади. Марказий банк ички иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида, фоиз ставкасини тушириади, бу капиталнинг оммавий чикиб кетишини келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун капитал ҳаракати бўйича чекловлар жорий этилади ва валюта курсига таъсир ҳам нейтраллашади.

3.7. Ўзбекистонда айирбошлаш курси сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистонда буюртма савдо тизими мавжуд, яъни тижорат банклари АҚШ долларини сотиб олиш ва сотишга буюртма тақдим киласи. Марказий банкнинг бош дилери белгиланган вактда буюр-

тма беришни тұхтатиши тұғрисида буйруқ беради, шундан сүнг со-тиб олиш ва сотишнинг умумий суммаси белгиланади. Шу аснода, сүмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан биржадаги курси белгиланади ва бунда сүм билан доллардаги буюртмалар таққосланиши асос бўлиб хизмат қиласди. Биржа курсининг бу тарзда белгиланиш услуби АҚШ долларига бўлган талаб ва таклифлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Лекин бундай ҳолларда биржа курси фақат тижорат спот курсига асосланиб қолмайди, шу сабабли бу ерда фиксинг тартиби қўлланилмайди.

Миллий валюта – сўм қабул қилинмасдан аввал, дастлаб рубль (1991 – 1994 йилнинг апрелигача), сўнгра «сўм купон» (1994 йилнинг апрелидан 1994 йил июнгача)га асосланган курс амал қилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги фармонига мувофиқ, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида барча тўлов учун сўм қўлланила бошлади. Шу санадан бошлаб, Ўзбекистон ўз валюта тизимига эга бўлди ва валюта сиёсатини мустақил олиб бориш учун барча имкониятларга эга бўлди.

1991 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон валюта бозори амалиётида қуидаги курслар амал қилган: Марказий банкнинг расмий курси, биржа курси, биржадан ташқари курс, банклараро савдо сессиялар курси, норасмий параллел курс.

Марказий банк курси мамлакат асосий курси хисобланаб, бу курс жаҳон бозорларида маҳсулот нархи, чет мамлакатларнинг иктисадий кўрсаткичларини баҳолаш ва бошқа статистик мақсадларга мўлжалланган. Ушбу курс миллий валюта қабул қилинган кундан бошлаб, ҳозирга қадар узлуксиз котировкаланиб келган курс хисобланади (3.7 – расмга қаранг). Марказий банк курси расмий курс бўлиб, унга параллел тарзда турли даврларда турли хил курслар амал қилган. Булар ичida давомийлиги бўйича бир хил бўлган параллел «қора» бозор курси алоҳида эътиборни жалб қиласди (3.7-расмга қаранг). Зеро параллел кора бозор курси норасмий бўлсада, унинг ўртача ўзгариши доимий тарзда кузатиб борилади.

Кўриб турганимиздек, расмий ва норасмий курс ўргасидаги фарқ 1996 – 2002 йиллар оралигига сезиларли ошган. Бу мамлакатда олиб борилган айирбошлиш курси сиёсати нисбатан қатъий бўлганидан далолат беради. 2003 йилдан кейинги даврда фарқ сезиларли қисқариб, қарийб нольга етказилди. Албаттa валюта сиёсатининг мақсади кора бозор билан тенглашишдан иборат эмас. Параллел «қора» бозор иштирокчилари жисмоний шахслар билан чек-

ланган, бу эса бозор курсининг ҳар қандай омилга (асосан психолого-гик омиллар ва мавсумий ўзгаришларга) юқори даражада таъсирчан бўлишини асослайди.

Марказий банк курсида сезиларли тебранишлар кузатилмасада, ундаги ўзгариш миллий валютанинг девальвацияланиб бораёганини кўрсатади. Девальвация – миллий пул бирлигининг қадрсизланиши назарий жиҳатдан экспортни рағбатлантиришга хизмат килсада, у инфляция суръатининг ошишига импорт нархларининг кўтарилиши орқали таъсир этади. Хўш, Ўзбекистонда валюта курси асоси нималардан иборат, унга қандай омиллар таъсир этмоқда, нима сабабдан у қадрсизланиб бормоқда, иқтисодиётга қадрсизланишнинг қандай таъсири кузатилмоқда, умуман олганда, олиб борилаётган айирбошлаш курси сиёсатининг моҳияти нималардан иборат, валюта курсининг иқтисодий ўсиш ва экспорт салоҳиятига таъсири қандай?

Шу ва шу каби саволларга жавоб беришдан олдин сўм курсига таъсир этаётган омилларни таҳлил қилиш керак.

Таникли олим Р. Дорнбуш ўзининг «Айирбошлаш курсининг динамикаси ва кутишлар» китобида илмий таҳлил олиб бориб, миллий валюта курсининг динамикасига таъсир қиласидаги омилларни асослаб берди. Жумладан, у шундай таъкидлайди: «Агар миллий валютанинг қадрсизланиши кутилаётган бўлса шу валютада номинация қилинган активлар бўйича фоиз ставкаси ташки дунёдаги фоиз ставкасидан мутаносиб равишда ошиши керак»⁵⁰. Ўтказилган эмпирик изланишлардан келиб чиқиб, капитал ҳаракати турли мамлакатлардаги фоиз ставкалари ўртасидаги тафовутга боғлиқлигини аниқлаш мумкин.


Валюта курсининг динамикасига капитал ҳаракатидан ташқари, фоиз ставкалари ва халқаро захиралар ҳам сезиларли таъсир этади. Амалиётдан маълумки, сузуб юрувчи валюта курси режимидаги ривожланган мамлакатлар валюта курсига таъсир этиш билан боғлиқ тадбирлари жуда суст кечади. Валюта курсини ўзгартиришга эмас, балки макроиктисодий тебранишларга кўнишиш жараёндаги фоиз ставкалари ва халқаро захиралардаги ўзгаришларга кўпроқ асосланиш бу давлатларга хос хусусиятдир. ХВФ мутахассислар олиб борган тадқикот натижасида сузуб юрувчи курс амал қилаётган ривожланётган мамлакатларда фоиз ставкаларининг ўзгарувчанлиги бошқа саноати ривожланган мамлакатларга қарангда юқори эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, сузуб юрувчи

⁵⁰ Этот изменчивы обменный курс/ Перевод с английского. М.:Дело, 2001. – 210 стр.

курсга эга ривожланаётган давлатларда халқаро захиралар даражасининг ўзгарувчанлиги саноати ривожланган мамлакатлардан кўра кўпроқ аҳамият касб этиши қайд этилган⁵¹.

Ўзбекистонда фоиз ставкалари ва валюта курсларининг ўзгариш суръатларини кўйидаги расмдан кўришимиз мумкин (3.8-расмга қаранг).

Расмдаги ҳолат ва регрессия коэффициентидан кўриб турибмизки, фоиз ставкаси ва валюта курси ўртасидаги боғлиқлик жуда кам (регрессия коэффициенти – 0,4771 ва корреляция коэффициенти 0,69072). Бу ҳолат Р.Дорнбушнинг назарий қарашларига зид ҳисобланмайди. Бу боғлиқлик коэффициентлари капитал ҳаракати эркин бўлганида янада юқори бўлар эди.



3.7-расм. Ўзбекистон Республикасида фоиз ставкалари ва миллий валютанинг курси ўзгариши⁵²

Маълумки, Ўзбекистон жорий операциялар бўйича ХВФ мажбуриятларини қабул қилиб, капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялардаги чекловларни амалда ушлаб турибди. Фоиз ставкасининг валюта курсига таъсир эса капитал бозори эркин бўлганда сезилиши мумкин. Шунинг учун фоиз ставкаси орқали валюта курсини тартибга солиш асосан ривожланган мамлакатлар учун хосдир. Сўм ва фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик, капитал ҳаракати билан боғлиқ чекловлар таъсирида нольга яқин бўлиши керак эди,

⁵¹ ХВФ хужжати SM/99/216 (R) - 62 б.

⁵² Марказий банк маълумотларни асосида Муаллифлар томонидан тайёрланди.

аммо бу боғлиқлик қарийб 0,5 қиймат атрофида қайд этилмокда. Бу эса маълум даражада боғлиқлик борлитини англатади.

Ўзбекистонда ҳам капитал бозори, чекланган бўлиб, бошқа ривожланаётган мамлакатлардаги каби, фоиз ставкаси валюта курсига харид қобилияти, аникроғи инфляция орқали таъсирни ўтказиши мумкин. Чунки бунда фоиз ставкаси икки мамлакат ўртасида капитал ҳаракатини рагбатлантирумасдан, бир мамлакат ички пул бозори индикатори бўлиб келади.

Бу ҳолда, *айрбошлаш курси сиёсати ички мувозанатни таъминлашга қаратилганидан далолат беради*. Шу ўринда иқтисодий мувозанатни иккига бўлишимиз мумкин: ички ва ташқи. Ички мувозанат таъминланганида мамлакат ҳудудида товарлар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши пул бозоридаги мос ўзгаришлар билан иқтисодий ўсишга эришилади. Масалан, товар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши унга тенг бўлган пул массасининг ортишини талаб этади.

Мамлакат тўлов балансида юзага келган тафовут валюта курсини ўзгартириш ҳисобига бартараф этиб, иқтисодиёт ташқи мувозанатга эришилади. Шунингдек, ташқи мувозанатни валюта курсини ўзгартирмасдан туриб таъминлашнинг яна бир йўли тўлов балансининг айрим бўлимларида юзага келган дефицитни бошқа бўлимларида профицит билан қоплаш мумкин.

Бунда, ички ва ташқи мувозанат тушунчаларини очик ва ёпик иқтисодиётдан фарқлаш керак, яъни ички мувозанатни таъминлаш ёпик иқтисодиёт учун ва ташқи мувозанат очик иқтисодиётга хос дегани эмас. Ички мувозанатда иқтисодиётнинг барча секторлари мамлакат товар ва пул бозори мувофиқлигини таъминлашга йўналтирилади ва бу мувозанатни таъминлаш асосан ривожланаётган мамлакатларга хос бўлади.

Хукуматимиз томонидан, ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида бозор иқтисодиётига қаратилган барча чора – тадбирлар кучли ижтимоий сиёсатдан келиб чиқиб ўтказилиши белгилаб олинган. Ўзбекистон шаронтида ташқи мувозанатни таъминлаб туриб, ижтимоий соҳани муҳофаза қилиб бўлмас эди. Чунки импортнинг ошиб бориши валюта захирасини қисқартишибгина қолмай, миллий валюта девальвацияланши ва ички нархларни кўтарилишига таъсир этаётган эди. Бу ҳолатда, валюта курси ўзгаришини тартибга солиб, тўлов баланси мувозанатини таъминлаш олтин – валюта захираси ҳисобига катта ҳажмдаги интервёнцияларни талаб этар эди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, валюта курсини тартибга солиш дисконт сиёсати инструменти ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин. Аммо бу тажрибани бизда қўллаш учун капитал ҳаракати мутлоқ эркин ва фоиз ставкасига ўта таъсирчан бўлишни талаб этар эди. Мамлакатнинг ривожланиш босқичида капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни эркинлаштириш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Россия ва Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатларда кузатилган инқирозлардан кўришимиз мумкин.

Шундай экан, Ўзбекистон ҳам аввал ички мувозанатни таъминлаб, зарур шарт – шароитга эришгандан сўнг ташки мувозанатга эътиборни қаратиши ҳар томонлама маъқул ҳисобланади.

Ички мувозанатни таъминлашга хизмат қиласиган валюта курсининг ўзига хос жиҳати, унинг жуда тор доирада тебораниб туриши билан боғлиқ. Бундай валюта курси режимига қўйидаги ҳолатлар хос бўлади³³: молия бозорлари интеграцияси жуда паст даражаси, ташки савдонинг мамлакат ЯИМ даги улуши нисбатан юқорилиги, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг диверсификациялангани, инфляциянинг ташки омилларга таъсирчанлиги суст бўлиши, бюджет устуворлиги, режимни таъминлашга етарли бўлган олтин валюта захирага эга бўлиш.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон учун валюта курсининг ички мувозанатни таъминловчи моделни макроиктисодиёт фанида мавжуд IS – LM моделига асосланган ҳолда тузиш мумкин. Бунда энг қулай усул юқорида кўриб чиқсан модельларни миздан бири кичик очик иктисадиёт учун Манделл – Флеминг модели ҳисобланади. Манделл – Флеминг модели мувозанатни ички ёки ташки томонига қаратилмаган, унда мутлоқ мувозанат, яъни ҳам ички ҳам ташки мувозанат акс этган. Бу моделдан ички мувозанатга хос томонларни ажратиб оламиз.

Ички мувозанат моделни тузишда учта эндоген кўрсаткичдан фойдаланамиз: r - фоиз ставкаси, e - валюта курси, ҳамда Y - даромад. Манделл – Флеминг модели сингари мазкур модел икки чизмада акс этади. Аммо капитал ҳаракатининг таъсири ҳисобга олинмайди. Биринчиси Y – г ва иккинчиси Y – е координаталаридан ташкил топади.

Ушбу модел икки тенглиқдан иборат бўлиб, қуйидагича акс этади:

³³ 3.4 – жадвалга каранг

$$IS \text{ чизиги } Y = C(Y-T) + I(r) + G + NX(Y_e) \quad (3.10)$$

$$LM \text{ чизиги } M/P(e) = L(r, Y) \quad (3.11)$$

3.10 – тенглама IS эгри чизигини тасвиirlайди ва товар бозорида мувозанатга эришилгандаги Y даромад ва r фоиз ставкаси ўртасидаги муносабатни акс этади. Бу ерда:

C – истеъмол ($Y - T$ ялпи даромаддан солиқларни чегириш функцияси);

I – инвестиция (r фоиз ставка функцияси);

G – давлат харажатлари ва

NX – соғ экспорктдан (Y даромад ва e валюта курси функцияси).


3.11 – тенглама LM эгри чизигини тенгламаси бўлиб, у пул бозорида эришилган мувозанат ҳолатида Y даромад ва r фоиз ставкаси қийматини кўрсатади. Ушбу тенгламада:

M – пул таклифининг;

$P(e)$ – валюта курсининг функцияси сифатида ички нархлар;

L – пулга бўлган талаб (r фоиз ставкаси ва Y даромад функцияси).

Валюта ҳудуди (ёки кичик очиқ иқтисодиёт) учун тузилган Манделл – Флеминг моделидан фарқли равишда, бу ерда валюта курсининг мамлакат ички нархларига таъсири ҳисобга олинган, яъни миллый валютанинг қадрсизланиши импорт маҳсулотлар нархини кўтаради ва натижада бу ички нархларга ҳам таъсир килади. Бундан ташкари, Манделл – Флеминг моделида валюта ҳудуди доирасида эркин капитал харакати мувозанатни таъминлашда сезиларли таъсир этиш назарда тутилган, шу сабабли юқорида формулаларга кўшимча тарзда $r = r^*$ тенгламаси киритилган. Ички мувозанат моделида эса бу омил ҳисобга олинмайди.




3.8-расм.

Ушбу моделда ташқи савдо, бюджет ва пул - кредит сиёсатларининг самарадорлигини кўрамиз.

Y – г чизмадаги (3.8 (а) – расм) моделнинг абсцисса ўқида даромад ва ордината ўқида фоиз ставкаси ифода этилган. Одатдаги IS – LM модели каби, бу ерда ҳам IS эгри чизиги фоиз ставкасига тескари пропорционал, LM эгри чизиги эса унга тўғри пропорционал бўлади.

Y – е чизмадаги (3.8 (б) – расм) моделнинг абсцисса ўқида ялпи даромад ва ордината ўқида валюта курси акс этади. Мамлакатда ҳалқаро капитал чекланганлиги туфайли, IS ва LM эгри чизиклари Y – г чизмага қараганда бир – бирига яқин бўлади.

Ташқи савдонинг сиёсати учун икки ҳолатни таҳлил қиласиз: унинг эркинлашуви ва қатъийлашуви (импортни қискартириб, экспортни кенгайтириш). Ташқи савдонинг эркинлашуви мамлакатга импорт маҳсулотларини оқиб келишига йўл очиб беради. Бу соғ экспортни қискартиши ва IS эгри чизигининг чап силжиши билан ялпи даромаднинг камайишига олиб келади. Импортнинг ошиши таъсирида миллий валюта курси тушади ва ички нархларни кўтаради (3.9 (б) - расм).




3.9 - расм.

3.11 – тенгламага мувофиқ, нархнинг кўтарилиши пул таклифи ўзгармаган ҳолда, пул бўлган талаб қисқаради LM эгри чизик LM_1 га қадар чапга силжийди. IS_1 ва LM_1 эгри чизиклари туташгандан хосил бўлган r_1 фоиз ставкаси аввалгига нисбатан паст кўрсаткични ташкил этади.

Қарз маблағларининг нархи тушиши уларга бўлган талабни оширади ва LM эгри чизиги ўнгга сурилади, шунингдек. валюта

курси девальвацияси таъсирида экспорт рагбатлантирилди ва унинг ўсиши кузатилди, шу билан бирга соф экспорт ҳам ошади ва даромадни кўпайтиради, натижада IS эгри чизиги ҳам ўнгга силжийди. Демак ташки савдонинг эркинлашуви таъсирида кўпайган импорт охир оқибат мувозанатга эришилгандан кейин ҳам даромадни қисқартиради. Импорт таъсири олдинни олиш валюта захираси хисобига ушлаб турилиши ҳам мумкин, бу шароитда мувозанат захира ҳажмига боғлиқ бўлади.

Импортни чеклаш ва экспортни кенгайтиришга каратилган ташки савдо. Импортни қисқартириш натижасида соф экспорт кўпаяди ва даромад ортади, IS эгри чизиги ўнгга силжийди (3.10-расмга қаранг). IS чизигиниг силжиши натижасида валюта курси кўтарилади. Марказий банк валюта курсини экспортга салбий таъсирини олдинни олиш мақсадида интервенцияни амалга оширади (хорижий валютани харид қиласи) ва пул массаси ортади, LM эгри чизиги ўнгга силжийди. Фоиз ставкаси ўзгармаган ҳолда ва капитал ҳаракати бўйича чекловларнинг қолиши пул массасида товар билан эмас хорижий валюта билан таъминланган пуллар муомалада бўлади. Бозор ислоҳотларининг давом этиши ва валюта бозорини янада эркинлаштирилиши билан тўлов баланси професити капитал экспорти билан қопланмаса, валюта инқирози хавфи ортиб боради. Вазият шу тарика давом этаверса, валюта курсининг оз миқдорда қадрсизланиши ҳам пул массасига жиддий таъсир этиши мумкин бўлади.



3.10- расм.

Иқтисодиётни рагбатлантирувчи бюджет сиёсати. Бунда давлат харажатларининг ошиши ва ялпи даромаднинг (ΔY) кўпайишни

назарда тутилади. Давлат харажатларининг ошиши IS эгри чизикни IS_1 ўнгга силжитади (3.12 – расмга қаранг). Бу даромадни кўпайиши ва пул бўлган талабни ошишига олиб келади, натижада фоиз ставкаси (r_1) ва валюта курси (e_1) кўтарилади. Капитал ҳаракати эркин бўлганда, фоиз ставкаси бошқа мамлакатлардан окиб келаётган маблаглар хисобига тушиши мумкин эди. Аммо бу ерда капитал кириб келиши фоиз ставкасига bogliq boulmaganchiliги учун мувозанатга эришиш пул эмиссияси орқали бажарилади. Марказий банк пулни эмиссия қилиб, пул массасини кўпайтиради ва LM эгри чизик LM₁ ўнгга силжиди ва фоиз ставкаси билан валюта курси аввалги ҳолатига қайтади.


Бу ҳолат ҳақиқатда бюджетни эмиссия хисобидан молиялаштиришни англатади. Маълумки, бюджетнинг бу тарзда молиялаштирилиши иктисадчилар томонидан салбий баҳоланади. Лекин иктисадиётни бу ҳолатида мувозанатга айнан шу тарзда эришиш мумкин. Акс ҳолда, фоиз ставкасининг юкори бўлиши карз маблагларини қимматлашуви, пул массаси ўзгармаган ҳолда унга бўлган талабнинг ошиши натижасида нарх кўтарилиши (дефляция), ишлаб чиқариш ривожланишини сустлашуви, валюта курси кўтарилиши таъсирида экспортнинг қисқариши юз бериши мумкин. Бу билан давлат харажатларининг ошган қисми эмиссия билан тўлдирилиши мумкин деган фикрдан мутлоқ йирокмиз. Эмиссия фақатгина харажатларнинг маълум қисмини қоплашга етарли бўлиши керак. Яъни Марказий банк харажатлар ошиши ва пулга бўлган талабни кўпайиши ўртасида k bogliqlik koefitsientiga asosan emissiya kilsa, uning salbий taъsiri kuzatilmaydi.

$$\Delta M = k * g + b,$$

Бу ерда, ΔM – эмиссия ҳажми. k – bogliqlik koefitsienti, g харажатларнинг ошган қисми, b – эркин ўзгарувчи. Ушбу tenglama тўғри чизиқли bogliqlikни ifoda этиб, харажатлар ва эмиссия бошқа даражали tenglamalap orқали ifodalaniши ҳам мумкин.


Бунда иктисадиёт пул массасининг ошиши орқали рағбатлантирилиши кўзда тутилади, яъни пул массасини оширилиши ва фоиз ставкасини туширилиши қарз маблагларни арzonлаштиради ва ишлаб чиқariшni кенгайтиreshga xizmat kiladi, bu bilan yalpi daromad Y kўpajadi (3.12-rasmga қarang). Pул массасининг kўpajishi LM эгри chizigini ўnгга siljishiда akc etadi. Bunda foiz stavauskasiga r_1 va valyuta kursi e_1 ga tushadi. Foiz stavauskasinni kўpajishi investitsiya faoliyatini jadallasshtiради, ишлаб чиқаришni kengaytiради ҳамда valyuta kursinинг devalvatsiyalaniши eks-

портни күпайтиради натижада IS эгри чизиги ҳам ўнга силжийди ва даромад ошган ҳолда аввалги күрсөткічға әришилди.



3.11 - расм.

Иқтисодий үсишни рагбатлантирувчи нул – кредит сиёсати.



3.12 - расм.

Бу ерда, экспортни девальвацияяга таъсирчанлиги ва инвестициянинг фоиз ставкасиға таъсирчанлиги мухим аҳамият касб этади. Чунки IS эгри чизигининг ўнга силжиши шу омилларга бөгликтүү болади. Республикамыздагы ҳолатни күрадиган бўлсак, экспортнинг валюта курсига таъсирчанлиги турли даврларда турлича бўлганлигини кўришимиз мумкин.

3.6- жадвал

Валюта курсининг экспорт – импорт операциялари ўртасидаги R²боғлиқлик

	1996-1998	1998-2003	2003-2006	2007- 2011
Экспорт	0,6745	0,4469	0,9365	0,9438
Импорт	0,5698	0,332	0,9076	0,9123


Жами давр учун боғлиқлик коэффициенти импорт учун 0,0131, экспорт учун эса 0,1509ни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич даврларга бўлиб таҳлил қилингандан анча паст. Чунки иккинчи давр (1998 - 2003 йиллар)да келгуси эркинлаштириш жараёнларининг самарали кечиши учун зарур шарт – шароит яратиш мақсадида, ташки савдо давлат томонидан қатъий назорат остига олинган ва кўрсаткичини умумий кўриниши тушиб кетган.

Сўнгги даврни кўрадиган бўлсак, боғлик коэффициенти юқори эканлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолатни таҳлил қиласидан бўлсак, валюта курсини ўзгариши ташки савдога таъсири турлича эканлигини аниқлашимиз мумкин (3.6-жадвалга қаранг). Яъни девальвация шароитида экспорт ошиши кузатилиб, импорт кисқариши керак эди, аммо бу ҳолатда экспорт ҳам импорт ҳам ошиб бормоқда.

Ушбу расмдаги ўзгаришларда, бўлинган давр оралигига фаоллик бир хилда ўзгарганини кўришимиз мумкин. Яъни, импортни чеклашга қаратилган сиёsat экспортга ҳам таъсир этган ва бу даврда давлат аралашуви сезиларли бўлгани учун бозор таъсири нисбатан пастроқ бўлган, 3.6-жадвалда 1998 – 2003 йилларда боғлик коэффициенти айнан шундан далолат беради.

3.13-расмни кўрадиган бўлсак, девальвация кузатилсада (3.7-расмга қаранг), импортнинг ҳажми кисқармаяпти. Бу ҳодисага изоҳ бериш мақсадида, мувозанатли курс тушунчасини киритамиз. Мувозанатли курс – бу ички мувозанатга эришилган ҳолда, ташки мувозанатни таъминлашга хизмат қиласидан курсдир.


Назарий жиҳатдан, девальвация экспортни рағбатлантиради, экспортни кўпайиши миллий валюта қадрини оширади ва курсни ревальвацияланишга олиб келади, бу эса ўз навбатида импорт ҳажми ортишига қулай муҳит яратади, импортнинг кўпайиши миллий валютани қадрсизлантиради ва жараён шу тарика давом этаверади (3.14-расмга қаранг).



3.13- расм.

Мувозанатли курс одатда, номинал курсдан фарқ қиласи. Номинал курс мувозанатли курсдан паст бўлса, мамлакат экспорт салоҳияти ошади, аксинча ҳолатда импортнинг кўпайишига қулагай шароит юзага келади. Масалан, номинал курс USD/GBP 0,56 тенг мувозанатли курс эса 0,65 га тенг. Бунда АҚШ экспорти 1 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотни экспорт қилганда Британия харидорлари унга номинал қийматда 560 минг фунт стерлинг тўлашлари керак. Британияда ишлаб чиқарилган тенг ҳажмда худди шу турдаги маҳсулотни харид килиш учун британиялик харидорлар 650 минг фунт тўлайдилар. Курслар ўртасидаги фарқ, яъни 90 минг фунт стерлинг АҚШ ишлаб чиқарувчисига рақобатда устун бўлишига хизмат қиласи. Сотувчи хоҳласин ўз маҳсулотини маҳаллий нархларда, яъни 90 мингга тенг устамани кўшиб сотиб кўшимча фойда олиши мумкин ёки шу қиймат оралиғида исталган нархни белгилаб, маҳсулотини тез фурсатда айирбошлай олади. Бу ҳолатни расм сифатида тасвирлайдиган бўлсак қуидагича бўлади.

Ушбу расмда АҚШ долларининг фунтга нисбатан номинал курси e , мувозанатли курс эса e_1 бўлиб, экспортчи ABC учбурчак майдонига тенг ҳажмда рақобатда устунлик қиласи. Акс ҳолда, яъни e номинал курс e_2 мувозанатли курсдан юқори бўлса, экспортчининг бу мамлакатдаги савдоси юришмайди, ёки маҳсулотини соғган тақдирда ҳам AED учбурчак юзасига тенг ҳажмда зарар кўради.



3.14-расм.

Мувозанатли курсни хисоблаш нисбатан мураккаб бўлиб, у асосан юкорида кўриб чиқилган Харид Қобилияти Паритети (ХҚП) га асосланади. Бу борада ХҚП нинг бир қанча назариялари мавжуд бўлиб, баъзи бирлари бир турдаги товарлар нисбатини олса, бошқалари ўртача нархлар қийматини ёки индекс орқали курсни аниқлаш усулларини акс этади. Мамлакат экспорти учун қуай курсни хисоблаш учун айнан экспорт маҳсулотлар нисбатини олиш мақсадга мувофиқ.

Номинал курсини мувозанатли курсга нисбатан тўғри белгилаш ички ва ташқи мувозанатни бир хилда таъминлаш билан бирга, балки ташқи савдони оптималлаштириш, экспорт маҳсулотларини тўғри йўналтириш, экспорт имкониятларидан кенгрок фойдаланиш имконини беради. Айнан шу сиёsatни ҳозирги пайтда, Хитой ва Япония олиб бормоқда. АҚШ ҳукумати бир неча бор Хитойдан юань курсини кўтариш (ревальвация) билан мурожаат қилган, лекин бу ҳолда унинг экспортига зарар келишини билган Хитой рад жавобини берган.

Албатта бундай даражага эришиш мамлакат экспортнинг ривожланганилигига боғлиқ. Экспортни ривожлантириш эса, давлат томонидан тақдим этилаётган турли хил имтиёзлар билан бир қаторда тузилмавий хусусиятга эга валюта курси сиёsatини тўғри олиб боришга боғлиқ бўлади.

2 БҮЛІМ ВАЛЮТА БОЗОРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИҢ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

IV бөб. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ТАСНИФИ ВА УЛАРДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ ЖИХАТЛАРИ

4.1. Накд касса ва муддатли валюта операциялари

Валюта бозорида икки турдаги олди – сотди битими тузилиши мүмкін:

- накд касса битимлари;
- муддатли битимлар.

Накд касса битимлари – бу операциялар уларнинг бажарилиш муддати икки кун деб тан олинган, яъни валюта бозоридаги сотовучи ва сотиб олувчилар бирор бир валюта бўйича битим имзолашса, сотилган валюта икки иш кунида сотиб олувчига етказилиши ва сотиб олувчи томонидан ушбу валюта учун берилган нарх (битим имзоланган кундаги валюта курси) асосида унинг кийматини тўлаб бериш кафолатланади. Бундай операциялар жаҳон андозаларида **СПОТ** операциялари деб ҳам юритилади.



**4.1-расм. Валюта операцияларининг муддат бўйича
классификацияси**

Спот операциялари жуда кенг тарқалган бўлиб, валюта битимларнинг таҳминан 90%гача бўлган қисмини ташкил қилади. Юкорида келтирилганидек, колл битим бўйича валютаниң етказиб берилишидаги ўзига хос жиҳати шундаки, айрибошланадиган

валюталар контрагент банклар томонидан бир-бирларига икки иш куни ичидә, битим имзоланган кундаги белгиланган аниң курс бўйича амалга оширилишидир. Бунда иш куни деб ҳар бир валюта бўйича битимда иштироқ этаётган контрагент банкларни иш кунлари хисобга олинади, яъни, агарда битим имзоланган куннинг эртаси куни бирорта «А» контрагент банк учун дам олиш кунига тўғри келса, дёмак бу битимнинг ижроси яна бир кунга узайтирилади⁵⁴.

Бундай битимларни мажбурий шарти бўлиб, битимнинг шартларини олдиндан келишиб олиш ҳисобланади. Контрагентлар тарафидан куйидаги асосий шартларни тан олишсагина СПОТ битими имзоланган ҳисобланади, булар:

- сотиб олинаётган (сотилаётган) валюта миқдори;
- валюта айрибошланиш курси;
- валюталаштириш санаси;
- контрагентларнинг тўлов реквизитлари;
- тўлов амалга оширадиган фирма номи.

Спот битими ижросини ўз вақтида қисқа муддат ичидә бажарилиши бўйича маълум маънодаги объектив муаммолар мавжуд бўлган бўлса, электрон алоқа воситалари ҳамда банклараро клиринг марказларида ишлатиладиган компьютер техникарининг ривожлалиши ва такомиллашиши натижасида спот битимлари бўйича операциялар тез бажарилишини таъминлашга замин яратди. Сўзимизнинг далили сифатида тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган депозит операцияларнинг муддатлари жуда қисқарганини келтириш мумкин. Яъни, ҳозирда банклар вақтинча бўш маблагларини «бугундан эртагача» ёки «эртадан индингача» депозитларга маблагларини жойлаштирган ҳолда қўшимча даромад олмоқдалар. Шундай қилиб банклараро мавжуд қисқа муддатли бозорларда:

Today битимлари – Today курси бўйича валютани битим туялган кунда етказиб бериш шарти билан;

Tomorrow битимлари — Томогтош валюта курси бўйича валютани эртасига етказиб бериш шарти билан операциялар амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, базавий валюта операцияси сифатида СПОТ операциялари ғамалда қолмоқда ва базавий валюта курси сифатида «СПОТ» курси саналмоқда. Айнан шу спот курси асосида

⁵⁴ Л.Н Красавина, «Международные валютно-кредитные и финансовые отношения», М. «Финансы и статистика», 2003 г. Стр.352

валюта бозорида амалга ошириладиган қолган барча муддатли ва жуда қисқа муддатларда бажариладиган бир марталик валюта айрибошланишини назарда тутувчи валюта операциялари бўйича валюта курслари аниқланилади.

Спот курс – бу спот битими тузилаётган вақтда бир мамлакат валютасини бошқа бир мамлакат валютасидаги баҳосидир⁵⁵. Спот курс ўзида унинг сузуб юрувчи ёки қатъий белгиланган тартибда ишлашидан қатъий назар операция амалга оширилаётган вақтда миллий валютанинг чет элларда қадри қанчалик баҳоланишини ўзида акс эттиради.

Оддий валюта курслари дилерларга умумий қилиб олганда, алоҳида муаммони касб этмайди. Улар ўз котировкаларини бозорда кутилаётган анъанага ёки жорий воқеликларга боғлиқ ҳолда ўзгартирадилар. Бундай ёндошув учинчи валюта курсини аниқлайди. АҚШ доллари кўпгина операцияларда базис валюта бўлиб ҳисоблансада, ҳатто миллий валютадаги битимларда асосий валюталарнинг бир-бири билан бўлган аниқ курсини ёки етакчи валюталарга нисбатан бўлган курсини аниқлаш осон эмас. Кўпгина дилерлар фунт стерлинг/АҚШ долл.; евро/АҚШ долл.; АҚШ долл./япония иенаси ва шу каби операцияларга ихтисослашади.

Валюта бозорига хизмат кўрсатадиган валюта курси – бир валютани бошқа валютанинг маълум қийматида ифодаланган қиймати. Уни аниқ кўрсатиш учун тўғри ва тескари котировкалардан фойдаланилади.

Тўғри котировкада миллий валюта бирлигининг ўзгарувчи қиймати хорижий валютада ифодаланилади.

Тескари котировкада хорижий валюта бирлигининг ўзгарувчи қиймати миллий валютада ифодаланилади. Бунда ҳар доим битим валютаси бўлиб, хорижий валюта, баҳоловчи бўлиб эса мамлакат валютаси ҳисобланади.

Крос-курс – бу икки валютани учинчи валютага нисбатан олинган курсдан ҳосил бўлган, икки валюта ўртасидаги курс. Учинчи валюта бўлиб, асосан АҚШ доллари ҳисобланади.

Спот операциялари валюта позицияси меъёри нуқтаи – назаридан олганда энг қулай валюта операцияси ҳисобланиши билан бирга, ўзида маълум маънодаги валюта хавфини ҳам туғдиради. Уларни амалга ошириш техникаси бир қанча босқичларни ўзида

⁵⁵ Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Бурхонов У.А. «Ҳалкаро молия муносабатлари», дарслик. «Шарқ» нашр. 2003 й., 66-бет.

мужассам қилган. Валюта бозори ўз фаолиятини бошлашидан олдин валюта дилерлари кечаги валюта бозорининг якуннда вужудга келган ёпилиш валюта айрибошланиш курслари билан танишишади. Бундан ташқари, дилерлар ушбу давлат валюта бозори иш бошлашидан олдинроқ ғиш бошлаган валюта бозорларида вужудга келаётган валюта айрибошлаш курсларини ўзгаришларини, уларга таъсир қилган омилларни ва кутилаётган ҳодисаларни инобатга олган холда ўрганишади. Эга бўлинган таҳлилий маълумотлар асосида дилерлар ўзларининг – миллий валюталарининг хорижий валюталарга нисбатан бўлиши мумкин бўлган ўртacha айрибошланиш курсини компьютер технологияларидан фойдаланган холда аниқлашади. Бундай ўртacha курсни аниқлаш биринчи валюта операцияларини амалга ошириш учун зарурдир.

Спот операцияларини, банклар ўз мижозларининг хорижий валютага бўлган талаблари ва эҳтиёжларини қондиришда, капиталлар оқимининг амалга ошишини таъминлашда, ҳамда арбитраж ва чайковчилик операцияларини амалга оширишда кўллашади.

«...Ўзбекистон Республикаси худудида очик валюта мавқеи лимити доирасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича, шу жумладан, ҳосилавий молия воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича бевосита ўзаро, ўз мижозлари билан ҳамда валюта биржалари орқали, шунингдек, халқаро валюта бозорларда операцияларни амалга оширишга ҳаклидир⁵⁶», - деб кўрсатилган. Бу билан, республикамиз ваколатли банкларига ҳам, валюта бозорларида молиявий валюта ҳосилалари билан муддатли операцияларни кенгайтиришга қонун асосида тўлик рухсат берилган. Аммо, ҳозирги вактда республикамиз ваколатли банклари томонидан амалга оширилаётган муддатли операциялар ҳажми деярли йўқдир.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Л.Н.Красавина: «Муддатли валюта битимлари (форвард, фьючерс) – бу томонларининг маълум микдордаги валютани, маълум муддатдан кейин битим тузиленган кунда белгилangan валюта курси бўйича етказиб бериш шарти асосида амалга ошириладиган валюта муносабатларидир», - деб таъриф берган бўлса, иқтисод фанлари доктори А.Ваҳобов, иқтисод фанлари номзодлари Н.Жумаев ва У.Бурхоновлар томонидан: «Тижорат банкларининг муддатли битимлари деб, белгилangan

* Узбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тұтысиси»ти Конуны (инги таҳрир). Тошкент, «Ўзбекистон» - 2003 йил 11 декабр. 11-модда.

муддатда, аммо икки иш кунидан кейин амалга ошириладиган операцияларга айтилади⁵⁷», - деб тътириф берилган.

Юкорида келтирилган таътифлардан муддатли валюта операцияларининг кўйидаги иккита ўзига хос жиҳатлар келиб чиқади, булар:

1. Битим имзолангандан кун билан унинг ижроси ўртасида маълум муддат бўлади. Биринчи Жаҳон урушидан олдин муддатли валюта битимлари валюталаштириш санаси, яъни ижро муддати ой ўртасида ёки ой охирида қилиб белгиланарди. Ҳозирги вақтда колл битимлар бўйича ижро муддати битимнинг охирги куни сифатида белгиланади (муддатлар 1-2 хафта; 1,2,3,6,12 ой) ёки битим муддати ичидаги томонларнинг келишувига асосан хоҳлаган кун кўлланилиши мумкин.

2. Муддатли валюта битими имзолангандан кунда белгиланган валюта айрибошлиш курси кўлланилади.

Муддатли валюта битимларида кўлланиладиган валюта курслари спот битимларида ишлатиладиган валюта курсларидан фарқ қиласди. Аммо, кўп ҳолларда уларнинг ўзгариш динамикаси бир бирiga мос тушсада, бу муддатли битимларда кўлланиладиган валюта курсларини автоном ҳолда ўзгариши мумкинлигини чекламайди. Спот операциясида кўлланиладиган валюта курсига нисбатан муддатли валюта битимида ишлатиладиган валюта курси ўртасидаги фарқ дисконт ёки премия дейилади.

Дисконт (депорт) – бу муддатли битим валюта курсининг спот битими валюта курсига нисбатан паст бўлишини билдиради.

Премия (репорт) – бунда муддатли битим бўйича белгиланган валюта курси спот валюта курсига нисбатан юкори бўлишини англатади.

Умуман олганда, муддатли битимларда аниқланадиган дисконт ёки премия микдори спот курсига нисбатан барқарорроқ бўлади. Шу боис, банклараро аниқланадиган муддатли битимлар курси котировка килинганда, кўп ҳолатларда, дисконт ёки премия микдори аниқланади ҳолос. Бу эса, муддатли битим ижро санаси келганда спот курсига премия бўлса қўшилади ва аксинча дисконт бўлса чегириб ташланади.

Сонлар ёрдамида котировка бўлганида муддатли битимларда кўлланиладиган валюта курслари – «аутрайт» курслари дейилади.

⁵⁷ Вахобов А.В., Жумаев Н.Х., Бурхонов У.А. «Халқаро молия муносабатлари», -Тошкент: «Шарқ», 2003, 68 - бет

Валютадаги муддатли битимлар асосан қуйидаги мақсадларни назарда тутган ҳолда амалга оширилади:

- валюта курси рискини олдини олиш мақсадида валютани айрибошлаш (конверсион);
- портфел ва түғридан – түғри чет элда амалга оширилган капитал қўйилмалардан олинадиган даромаднинг қўйилма амалга оширилган давлат валютаси курсини пасайишидан кўриладиган зарарни суғурталаш мақсадида;
- валюта курслари фарқи асосида чайковчилик даромад олиш мақсадида.

Муддатли валюта операцияларини юқоридагидек ажратиш факат шартли равишда амалга оширилиши мумкин. Чунки, ҳар қандай валюта операциясини амалга оширадиган субъект маълум маънодаги чайковчилик даромадини назарда тутган ҳолда ушбу жараёнда қатнашади.

Амалиётда муддатли битимларнинг кенг тарқалган қуйидаги турлари мавжуд:

- форвард валюта битимлари;
- молиявий валюта фьючерслари;
- валюта опционы;
- своп операциялари.

Валюта операцияларининг бу шаклларини кейинроқ батафсил кўриб чиқамиз.

Биржа савдоларида хорижий валюта олди – сотдисини амалга ошириш учун, банк банклараро валюта биржасига (бизда Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси) аъзо бўлиши керак. Марказий банк валюта биржаларида хорижий валюта савдоши тартибини бошкаради ва банкларнинг савдо битимларини тузишда чекловлар белгилаши мумкин. Биржа савдоларида одатда, банклар валюта олди – сотдиси бўйича нақд касса битимларини тузишади.

Муддатли валюта битимлари бозорида бир неча иштирокчилар қатнашади. Уларнинг мақсади ва бажараётган операцияларидан келиб чиқиб, иштирокчилар – спекулянт ва хеджерларга ажратилади.

Спекулянт – бу, вақт оралигига молиявий инструмент курслари ўртасида фарқ юзага келиши ҳисобига даромад олишга интиладиган шахсга айтилади. Спекулянт активларни олиш ёки сотиш жараёнида, у шу активларни келгусида қулай нархларда сотиш ёки харид қилишни кўзлайди. Спекулянтнинг муваффакияти мос активлар нархидаги ўзгаришларни қанчалик олдиндан била олишига

боглиқ бўлади. У позицияларни узок вактга ҳам, бир неча дақиқага ҳам очиши мумкин. Биринчи ҳолатда, у нархни узок вактда ўзгаришини кўзласа, иккинчи ҳолатда нархнинг бир сессияда ўзгаришини мўлжаллайди. Спекулянт муддатли валюта битимлари бозорида муҳим шахс бўлиб ҳисобланади, чунки, биринчидан, у муддатли битимлар ликвидилигини таъминласа, иккинчидан, хеджерлар юзага келтирадиган нарх ўзгариши рискини ўз зиммасига олишади.

Хеджерлар – бу, муддатли битимлар бозорида ўз молия активлари ёки спот бозорида битимларини сугурталовчи шахслардир. Масалан, инвестор акциялар пакетини харид қилди. Курс қийматининг тушиши натижасида у катта зарар кўриши мумкин. Муддатли битимлар бозори бу ҳолатда заарларни сугурталаш учун бир қатор битимларни тузишни таклиф қиласди. Бунда спекулянт хеджернинг контрагенти бўлиб келади.

4.2. Валюта форвард операцияси

Форвард операциялари нархлар ўзгаришидан юзага келувчи рискин камайтиришга хизмат қилувчи, муддатли битимларнинг илк кўринишларидан бири ҳисобланади.

Тарихан форвард савдосининг бошлангич шакли, Ливерпуль паҳта биржасида XVIII-XIX асрларда паҳта олди – сотди операцияларидан юзага келган бўлиб, унда келгуси нарх, маҳсулот миқдори ва етказиб бериш санаси олдиндан келишилар эди.

Форвард битимининг хусусиятлари. Ҳозирги пайтда форвард битими асосан банклараро хорижий валюта савдосида тузилади. Форвард валюта битими – бу бирор бир валютани келгусида аниқ белгиланган санада бугунги келишилган курс асосида сотиб олиш тўғрисидаги шартномадир⁵⁸. Бу битим аниқ бир санада ёки икки сана орасида амалга оширишни назарда тутиши мумкин. Форвард битими биржадан ташқарида тузилиб, қатъий битим, яъни бажаралиши мажбурий бўлган битим ҳисобланади.

Келишувнинг предмети бўлиб, нафакат валюта балки бошқа активлар бўлиши мумкин, масалан, товар, акция, облигация ва бошқа шу каби активлар. Форвард битими оғатда, маълум активни аниқ олди – сотдини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, нарх-

⁵⁸ А.И.Шмырева, В.И.Колесников, А.Ю.Климов, «Международные валютно-кредитные отношения». Санкт-Петербург. «ПИТЕР», 2002г 61-бет.

нинг нокулай тарафга ўзгаришидан сұғурталаниш мақсадида тузилади.

Валюта сотиш (харид килиш) бүйічә тузилған форвард битими шартлари күйидагиларни ўз ичига олади:

- валюта курси битим тузилаёттан пайтда аникланади – валютани етказиши маълум вактдан сүңг амалга оширилади, кенг тарқалған муддатлар 1, 2, 3, 6 ой, баъзан 1 йил;
- битим тузилаётганида ҳеч қандай түловлар олдиндан амалга оширилмайди.

Муддатли валюта битимлари бозори нақд касса битимлари бозорига нисбатан торроқ бўлиб ҳисобланади, яъни унда амалга ошириладиган валюта операциялар ҳажми кам миқдорни ташкил килади. Асосан муддатли валюта битимлари жаҳоннинг етакчи валюталари билан амалга оширилади. Форвард битимлари асосан бир хафтадан олти ой муддатгача бўлган мухлатларга тузилади. 6 ойдан ортиқ муддатга форвард битимларини тузиш бироз қийинчиликлар туғдириши мумкин. 12 ойдан ортиқ муддатга ушбу битимларни тузиш маҳсус келишувлар бўлишини талаб қиласи. Банклар мижозлари билан муддатли битимларни тузишда, уларга тузилаётган битим миқдорининг маълум фоизи миқдорида депозитга эга бўлишларини талаб қилиши мумкин. Бундай депозит банклар учун кафолат сифатида каралади.

Форвард бозорининг ўзига хослиги: шундаки, унда форвард шартномалари стандарти бўлмайди. Улар савдонинг алоҳида шакли ҳисобланмай, балки бозор иштирокчилари улардан валюта курси ўзгаришидан сұғурталаниш мақсадида фойдаланишади.

Масалан, банк еврома 1 йилга кредит линиясини очади. Мамлакатда ташқи ҳисоб – китоблар АҚШ долларида амалга оширилиши ва хўжалик субъектларининг аксарияти хорижий валюталардан кўпроқ долларни афзал кўришини ҳисобга олиб, кредит линия маблагларини олган мижозлар қарзни долларда қайтаришади. Банк мажбуриятларни еврома бажариши кераклиги сабабли ва валюта риски олдини олиш мақсадида, кредит линияси очилган санада еврони харид килиш бўйича форвард битимини тузади.

Форвард битимининг можияти. Форвард курси битим тузилаётган санадаги спот курсига премия (репорт) ёки дисконт (депорт) кўшиш билан ҳисобланади. Фоиз ставкалари фарқидан келиб чиқиб, форвард курсини аниклашда дисконт юзага келса, у жорий спот курсдан чегирилади, ва аксинча, премия бўлганида, юзага кел-

ган қиймат спот курсига қўшилади. Шундай қилиб, импортчининг ҳаракати валюта рискини туширишга қаратилган бўлади: тўлов валютаси курси кўтарилишидан хавфсираб, у банкка бу валютани тўлов муддатига яқин санада харид қилиш истагини билдиради. Битим спот курсидан баланд бўлиши мумкин бўлган форвард курси бўйича амалга оширилади. Бу ҳолатда импортчи қўшимча ҳаражатлар қилишига тўгри келади, бу эса хатарни олдини олиш учун тўлов бўлиб ҳисобланади.

«Катта бармок» қоидаси. Форвард курси спот курсидан, котирекка қилинаётган валюта банк ставкаларининг контрагент валюта фоиз ставкасидан баланд бўлган даражада ошади. Нисбатан юқори фоиз ставкали валюта форвард бозорида фоиз ставкаси пастроқ бўлган валютага нисбатан дисконт билан сотилади. Нисбатан паст фоиз ставкали валюта бозорда фоиз ставкаси юқорирок бўлган валютага нисбатан премия билан сотилади. Бу ҳолат «Катта бармок» қоидаси номини олган. Бошқача айтганда, форвард курси спот курсидан форвард маржасига фарқ қиласи. Агар маржа премия сифатида келса, форвард курси спот курсидан баланд ва аксинча, дисконт бўлса, спот курсидан паст бўлади. Форвард курсини белгилашда, битим бажарилгунга кадар, валюта эгаси депозит бўйича фоиз сифатида кўпроқ даромад олиши мумкин. Форвард курсини аниқлашда ҳалқаро амалиётда фоиз ставкаларидағи фарқ билан бирга Лондоннинг банклариаро бозоридаги депозит фоиз ставкаси, ЛИБОРдан фойдаланилади.

Форвард шартномаларининг афзалликлари. Форвард бозорида сугурталашнинг ижобий томони бўлиб, айниқса, форвард операциялари қандайдир алоҳида актив ва пассивлар билан амалга оширилмаганида, манёвр қилиш имконининг катталиги ҳисобланади. Спот операцияси тез ёки қисқа муддатда амалга оширилаётган бир пайтда, оддий форвард битимида ўйлаб қўриш ва бирон жиҳатни ўзгартириш мумкин бўлади.

Форвард бозори компаниянинг молия директорлари учун жуда муҳим ҳисобланниб, импорт ва экспорт қийматини тўлов муддатигача ёки валюта айирбошлагунгача аниқлаб олишига имкон беради. Молия директори яхши нуфузга эга банк билан алоқада бўлар экан, у факатгина, маҳсулот етказиб берилмаганида ёки тўлов амалга оширилмаганида, унда қопланмаган валюта позицияси юзага келишидан хавотир олиши мумкин.

Кўрилган чоралардан ташқари, фирма ишлари кутилмаган салбий томонга қараб кетадиган бўлса, ўз вақтида қопланган риск импорт ёки экспорт бўйича даромадни саклаб қолиш ва заарларни кисқартириши мумкин.

Малакали дилерлар уларнинг тижорат ҳамкорларига қараганда нисбатан имтиёзли ҳолатга эга бўладилар. Тижорат компанияларининг молия директорлари бозорни аниқ баҳолаш имконига эга бўлмаганларида, сугурталаш имкони бўлмаган спот бозорига мурожаат қилмасдан, рискни форвард битими билан сугурталаганларида кўпроқ даромад оладилар. Шундай бўлсада, белгиланган курс қанчалик нокулай бўлмасин улар рози бўлишга мажбурлар.

Форвард битимининг камчиликлари. Юқорида айтилган афзалликларга қарамасдан, форвард операцияси ўзида бир қанча камчиликларни мужассам этган. Форвард шартномаси биржадан ташқари тузилганилиги сабабли, у биржа назорат органлари кузатувидан четда колади (ундан фарқли равишда, қуйида ёритиладиган фьючерс битимиға қараганда), шунинг учун унинг бажарилиши битим ҳамкорлари зиммасига тушади.

Масалан, шартнома мажбуриятлари бажарилиш санасига спот курс белгиланган форвард курсидан сезиларли фарқ килиб турибди, бунда арбитражер шартномани бажармаслик истаги юзага келади ва долларни жорий курс бўйича бозорга сотиб юбориши мумкин. Бу ҳолда унинг оладиган фойдаси тўланадиган жаримани бемалол қоплай олади.

Шундай қилиб, баъзи мижозлар билан форвард битимини тузишда кредит риски юзага келишини ҳисобга олиш керак.

4.2.1. Валюта фьючерслари

Жаҳон молия бозорларида сўнгги ўн йилликларда энг муввафқиятли ва айни пайтда, энг кўп зиддиятларга эга молиявий фьючерс бўлиб, унинг асосида қатъий ўрнатилган фоиз ставкаси ва валюта курси билан боғлиқ молиявий воситалар ётади.

Молиявий фьючерсларнинг илк биржаси – International Money Market (IMM) бўлиб, у Chicago Mercantile Exchange шўъба компанияси ҳисобланади ва савдоларни 1972 йилда биринчи марта молиявий фьючерслар орқали бажара бошлади. Шундан буён, молиявий фьючерслар савдоси шу даражада ўсдики, молиявий воситалар асосида ётадиган спот операциялардан ҳам ошиб кетди. IMM да

савдо килинадиган валюта фьючерслари ҳозирги пайтда фунт стерлинг, Канада доллары, иена, Швейцария франки, Австралия доллары ва европи ўз ичига олади.

1960 йилда АҚШ биржаларида 4 млн.та фьючерс битимлари тузилган бўлса, 1990 йилда уларнинг сони 208 млн. га⁵⁹, 2005 йилда эса 3 172 млн. га етди⁶⁰.

Фьючерс операциялари - битим тузилаётган пайтда қатъий ўрнатилган нархда аниқ белгиланган муддатдан кейин бажаралишини намоён этувчи жараён. Мазкур олди – сотди фьючерс шартномаси ёки фьючерс асосида амалга оширилади.

Валюта фьючерси – бу валютани келгусида олди – сотдиси бўлиб, у бўйича сотувчи сотиш мажбуриятини, харидор эса маълум микдордаги валютани белгиланган курс бўйича қайд этилган санада сотиб олишга мажбур. Аммо фьючерс шартномаси харидорларга кайта сотилиши ҳам мумкин, яъни қайд этилган санага қадар, бир харидордан иккинчиси номига кўчириб юриши мумкин. Шунинг учун фьючерс савдосида: 1) валюта курсини келгусидаги ўзгаришини кўра билиш лозим; 2) фьючерснинг амал қилиш муддатида курс ўзгаришини доимий кузатиб бориш ва ноқулай вазият юзага келганда шартномадан кутулиш.

4.1-жадвал

Вакт	- сонли мижоз
ФЬЮЧЕРС	
Иштироқчи	Контрагент
Шартнома	Етказиб бериш санаси
Нарх	Микдори
Имзо	

Фьючерс шартномаси икки вазифани бажаради: биринчидан, инвесторларга бозордаги курснинг ноқулай ўзгариши билан боғлик ризкни хеджирлаш имконини беради; иккинчидан, спекулянтларга бундан фойда олиш имконини беради. Валюта курси қанчалик ўзгарувчан бўлса, хеджирлашга талаб шунча кўп бўлади. Рискнинг бундай ўсишига жавобан фьючерс бозорлари ташкил топган.

Шартларнинг андозада бўлиши. Айтиш жоизки, форвард битимидан фарқли равишда фьючерс шартномасида шартлар доимо андозага келтирилган бўлади. Фьючерс шартномасида харидор ва

⁵⁹ Franklin R. Edwards and Cindy W. Ma «Futures and options», McGraw-Hill Inc., Singapore, 1992, стр. 1

⁶⁰ Халкаро хисоб – китоблар банкининг чораклик хисоботи, 2006 йил март. 23 В-сонли жадвали.

сотовучи ўзаро маҳсулотни миқдори, сифати, шакли етказиш жойи тўғрисида келиша олмайдилар. Масалан, СОМЕХ биржаси фьючерс шартномаси бўйича олтиннинг 999 пробали 100 унция кўймаси биржанинг белгиланган омборларига етказилиши керак.

Бундай юкори стандартлаштирилган шароитга қарамасдан, биржада ҳар куни бир нечталаб ва турли саналарга маҳсулотлар бўйича шартномалар савдо қилинади. Масалан, бир вақтнинг ўзида, ҳар бири ўз етказиш санасига эга, жорий ойдан бошланиб икки йиллик муддатни ўз ичига олган, олтин бўйича 13 тагача фьючерс шартномаси савдода қатнашиши мумкин. Дилерлар ўзига керакли муддатдан келиб чикиб, у ёки бу шартномани танлашлари мумкин. Фьючерс шартномасида ягона ўзгариши мумкин бўлган жиҳат, унинг бир бирлик шартнома баҳоси, яъни фьючерснинг асоси бўлган маҳсулотнинг келгусидаги нархи хисобланади.

Фьючерс шартномаларини бир хил андозага келтиришдан асосий мақсад, етказиш муддати қолдирилган шартномалар бўйича битим тузиш билан боғлиқ транзакцион харажатларни энг кам миқдорга келтиришдан иборат. Агар фьючерс шартномасини тузиш, форвард битимини тузиш каби шартларни олдиндан белгилашни талаб қилганида, шартнома билан боғлиқ харажатлар анчагина юкори бўлар эди. Бундан ташқари, муддати аниқ белгиланган шартномалар билан савдо қилиш, фьючерс битимлар бозор ликвидилигини оширишга хизмат килади.

Фьючерс баҳосининг аниқланиши. Инвестиция активлари бўйича фьючерс баҳоси мос равишда фоиз ставкаси ёки дивиденд даромадлари ёки касса нархи билан белгиланади. Ҳар бир фьючерс асосида активларни етказиб бериш ётганлиги учун шартнома етказиб бериш ойида мазкур активнинг спот курсига тенглиги кутилади. Етказиб бериш ойи давомида, фьючерс ва мос активнинг хақиқий нархлари тенглаштирилади, акс ҳолда енгил арбитраж фойдасини олиш имкони тугилади.

Фьючерс бозорининг муҳим концепцияси бўлиб, базис хисобланади. Бу атама спот ва фьючерс нархлари ўртасидаги фарқни аниқлаш мақсадида кўлланилади.

Базис = Спот баҳоси – Фьючерс баҳоси

Контанго ва бэкуордейшн атамалари шартноманинг энг яқин ойидан энг узоқ ойигача (ёки, жорий пайтдан энг узоқ муддатда тугайдиган шартнома) фьючерс баҳосини аниқлаш учун ишлатилиши мумкин. Фундаментал таҳлил базис ва спрэдни аниқлашга асослан-

ган (энг яқин фьючерс баҳосидан энг узок фьючерс баҳоси чегирилади). Биринчидан, очиқ позиция савдоси каби, дилернинг фоиз ставкалари даражасининг ўзгариши бўйича тахмини бозор фикридан фарқ килиб, унинг таҳлили тўғри бўлиб чиққанида даромад олиш мумкин. Бундан ташқари, базиснинг юқори нуқтаси мазкур молия воситаси қиймати билан боғлик бўлади. Фьючерс ва нақд нархлар ўртасидаги фарқ етказиш қийматида акс этиши мумкин. У саклаш билан боғлик харажатларга активни молиялаш учун тўланган фоизлар йигиндиси ва актив орқали олинган даромад айирмаси билан аникланади. Валюта учун бу қуйидагича кўринишга эга:

$$c = r - r_f$$

бунда, c – етказиб бериш билан боғлик харажатлар, r – маҳаллий валюта бўйича фоиз ставкаси, ва r_f – хорижий фоиз ставкаси. Шунда, инвестиция активи учун фьючерс баҳоси:

$$F = Se^{cT}$$

бунда F – фьючерс баҳоси, S – спот баҳоси, T – давр.

Фьючерснинг опциондан фарқи. Фьючерс ва опционлар муддатли битимлар бозорининг энг муҳим ва энг ликвидли воситалари бўлиб хисобланади, шунинг учун улар ўртасидаги асосий фарқларни қисқача тавсифлаб ўтиш жоиз. Фьючерс харидори (сотувчиси) у ёки бу маҳсулотни келгусида аввал келишилган нарх бўйича тўлаш ва қабул килиш (тўловни қабул қилиш ва етказиб бериш) мажбуриятини олади. Опцион эгаси эса, турли сифатдаги у ёки бу маҳсулот миқдорини белгиланган вакт давомида ёки келажакда белгиланган вактгача сотиш ёки харид қилиш мажбуриятини эмас, балки ҳуқуқини қабул қиласи. Агар опцион харидори ўз опционидан фойдаланишни хоҳласа сотувчи бу талабни кондириши мажбур.

Бу ҳуқуқга эга бўлиш учун опцион харидори премия тўлайди. Шундай килиб, фьючерс шартномасини харид килиб, унинг харидори нарх ўзгариши билан боғлик салбий рискни чекланмаган зарарлар билан тўлиқ зиммасига олади. Опцион билан бўлган ҳолатда эса, маҳсулот баҳоси харидорнинг салбий томонига қараб ўзгарса, унинг риски факат тўланган премия билан чекланади.

Опцион биржада савдо килингани каби, биржадан ташқарида хам савдо килиниши мумкин. Трейдерлар опционни харид қилгандарида, ҳеч қандай маржани тўламасдан, факатгина премия бўйича тўловни амалга оширишади. Лекин, у опционни сотса, у бир

кун учун кўрилиши мумкин бўлган заарга тенг суммани маржа хисобига киритиши лозим (бу қиймат опцион баҳосининг у ёки бу омил таъсирида ўзгариш модели асосида ишлаб чиқилган маҳсус дастурлар ёрдамида амалга оширилади).

Фьючерс шартномалар бозорининг афзалликлари. Фьючерс шартномалар бозори икки асосий қулайликларга эга: ризкни хеджирлаш орқали бошқариш ва нархларнинг «ойдинлиги». Хеджерлар фьючерс шартномасидан нарх рискининг нокулайликларини бошқалар зиммасига, одатда фойда олиш мақсадида фаолият юритаётган спекулянтларга юқлаш мақсадида фойдаланишади.

Агар фьючерс бозори мавжуд бўлганида нарх рискини самарали бошқариш имкони бўлар эди: жамият учун ризк қиймати юкори бўлар эди.

4.2 - жадвал Форвард ва фьючерс битимларининг фарқи⁶¹

	Форвард	Фьючерс
Шартнома хажми	Алоҳида ёндашув	Стандартлашган
Етказиб бериш санаси	Алоҳида ёндашув	Стандартлашган
Шартнома баҳоси	Банк ёки брокер томонидан телефон орқали харидор ва сотувчиларнинг чекланган микдори билан белгиланади	Биржада харидор ва сотувчиларнинг очик аукционида аникланади
Иштирокчилари	Банклар, брокерлар, ТМК, институционал фонdlар	Банклар, брокерлар, ТМК, институционал фонdlар ва кичик трейдерлар
Ҳак	Дилернинг харид ва сотиш курси ўртасидаги маржа билан аникланади	Брокернинг ҳакки нашр килинади
Маржа	Бўлмайди, лекин банк ўз балансини коплашни талаб килиши мумкин	Маржинал депозит талаб килинади
Клиринг	Алоҳида банк ва брокерлар томонидан амалга оширилади. Алоҳида клиринг палатаси мавжуд эмас.	Клиринг палатаси томонидан амалга оширилади. Бозор курси ва маржа тебра нишининг кунлик хисоб – китоблари килиниши лозим

⁶¹ Franklin R. Edwards and Cindy W. Ma «Futures and Options», McGraw-Hill Inc., Singapore, 1992. p.372

Операцияни бажариш жойи Очиқлиги	Телефон ва компьютер тармоғи орқали Ирикк мижозлар учун	Бутун жаҳон билан боғланган Марказий биржа
Етказма даврийлиги	90% кўп хисоб – китоблар хакикий етказма бажарилади	Сугурта хизмати ёки рискли капиталга эга бўлган барча шахслар Ҳақиқий етказма умумий хажмнинг 1%дан кам
Нархнинг тебраниши	Кунлик чекловлар мавжуд эмас	Кунлик чекловлар мавжуд эмас

Фьючерс шартномасининг яна бир қулайлиги – бу унинг бахсининг ойдинлигидадир, яъни бозорнинг ҳақиқий мувозанатли нархни аниклай олишида. Фьючерс шартномалари бозорида марказлашган савдо амалга оширилади, бунда бозорнинг барча иштирокчилари маълум маҳсулот учун талаб ва таклиф тўғрисидаги аҳборотга эга бўлишлари мумкин. Нисбатан мувозанатга эга нархлардан фойдаланиш маблағларни тўғри тақсимлашга имкон беради, чунки ҳаридор ва ишлаб чиқарувчи жорий пайтда келажакка нисбатан қандай маҳсулотни истеъмол қилиш, қандайларини ишлаб чиқиш, қандай ишлаб чиқиш ва қанча истеъмол қилиш каби саволларга жавоб топишлари лозим.

Камчиликлар. Андозалашганлиги билан, фьючерс шартномалари хеджирлаш эҳтиёжларига мос келмаслиги мумкин. Бунда хеджер базис рискка, яъни фьючерс позицияси бўйича даромад спот позициясидаги даромад фарқ қилиши бўйича рискка учраши мумкин.

4.2.2. Валюта опционы

Муддатли битимлардан бири опцион хисобланади. Опцион – бу ўрнатилган курс бўйича аввал келишилган сана ёки белгиланган давр оралигига маълум активни сотиш ёки ҳарид қилиш хукуки (ҳаридор учун) ва маҷбуриятини (сотовчи учун) қабул қилиш тўғрисида икки томонлама тузилган битим.

Турли маҳсулотлар билан опцион битимлари кўп йиллардан бери амалга оширилиб келмоқда. Маълумки, Амстердамдаги Европа опцион биржасида лола пиёзи расми, лолагул бўйича тузилган опцион битимлар опцион бозорининг XVII асрларда шакланишига асос согланлигини эслатади. Товарлар опционы билан бирга

қимматли қоғозлар опционы савдолари ривож топа бошлаган, масалан, Ост – Инд компания акцияларининг сотилиши. Ўша даврдаги опционлар асосан спекулятив хусусиятга эга бўлган.

4.3-жадвал

Вакт	Мижоз раками	
ОПЦИОН		
Иштирокчи	Контрагент	
Харид	Сотув	
Шартнома	Етказиш сана	Тури
Страйк баҳоси	Премия	Микдори

Валюта опционлар бозори XX асрнинг 70 – йилларида аксарият мамлакатларда қатъий ўрнатилган валюта курси ўрнига эркин сүзб юрувчи валюта курси тартиби жорий этилгач (1973 йил мартаудан), кенг ривожлана бошлаган. Илк бор биржа валюта опционы бўйича операция Филадельфия товар биржаси (Philadelphia Stock Exchange - PHLX)да амалга оширилган бўлиб, хозирда у валюта опционлар савдоси бўйича илгор биржа ҳисобланади. Мазкур биржа савдоларида Америка шартномалари каби Европа валюталари бўйича битимлар олиб борилади. Бир шартнома ҳажми валютага боғлик бўлади. Опцион валюта битимлар нафақат биржада, балки ундан ташқарида йирик молиявий марказларда ҳам тузилади. Биржадан ташқари опцион шартномасини тузишда андоза мавжуд эмас. Премия ҳажми ўзаро келишув асосида белгиланади. Шунингдек, опционни амал қилиш муддати ҳам келишилади ва муддат томонлар розилиги билан узайтирилиши мумкин. Мисол тарикасида 2005 йил биржадан ташқари тузилган битимлар ҳажми 400 млрд. АҚШ долларидан⁶² ошиб кетди.

Валюта опционынинг можияти. Валюта опционы – бу маълум даврда ўрнатилган нарх бўйича хорижий валютанинг маълум микдорини харид қилиш ёки сотиш битими иштирокчиларнинг бирига ҳуқуқ (мажбурият эмас) берса, айни пайтда иккинчи томон белгилангандан нархда хорижий валютани сотиш ёки харид қилишга тайёр бўлган, мазкур ҳуқуқни зарурат келганида пул премияси учун жорий этади.

Опцион аввал белгилангандан санагача кучга эга бўлиб, у опционни якунловчи сана ёки экспирация санаси дейилади, ундан кейин опцион ишлатилмайди.

⁶² Ҳалкаро ҳисоб – китоблар банкининг чораклик ҳисоботи. 2006 йил март. 23 А-сонли жадвали

Опцион турли актив – товар, ер, күчмас мулк, кимматли қоғозлар, хорижий валюталарга тузилсада, у опцион шартномасининг ҳақиқий етказиб берилиши керак маҳсулотни кўзда тутмайди. Бундай опцион хисоб – китобли дейилади.

Кўпинча, опционнинг икки тури тузилади: харид учун опцион – колл опцион ва сотиш учун опцион – пут опцион.

Колл опционининг эгаси маълум вақт давомида ўрнатилган курс бўйича валютани харид қилиш мажбурияти эмас, хукуқига эга бўлади.


Колл опционы сотувчиси, харидор ўз хукуқидан воз кечмаганида, маълум валюта миқдорини ўрнатилган курс бўйича сотишга мажбур.

Пут опционининг харидори маълум вақт давомида ўрнатилган курс бўйича валютани сотиш мажбурияти эмас, хукуқига эга бўлади.

Пут опционининг сотувчиси маълум валюта миқдорини базис баҳоларда харид қилишга мажбур.

Опционнинг икки тури билан бирга иккитали опцион – пут – колл опционы, ёки «стеллаж» опцион мавжуд. Бу опцион шартлалига кўра харидорнинг белгиланган курс бўйича валютани харид қилиш ёки сотиш хукуқи бўлади.

Опционнинг икки услуби ажратилади: Европача ва Америкача.



4.2-расм. «Колл» опциони стратегияси

Европа усули опционни факат қатъий ўрнатилган санада амалга оширишни назарда тутади.

Америка усули опционнинг давр оралигининг исталган пайтида бажарилиши мумкинлигини англаади.

Харид ёки сотиш опцион бўйича операция асосида шартнома амал қилиш даври мобайнида, валюта курси ўзгаришидан фойда олиш ётади.

Муддатли битимнинг бошқа тури – форварддан фарқли равишда опцион шартномаси бажаралиши шарт эмас, унинг эгаси қуидаги уч варианктдан бирини танлаши мүкун: опцион шартномаси бажариш, шартномани бажармасдан ташлаб кетиш ёки опцион муддати тугагунча уни бошқа шахсга сотиб юбориши.

Опцион баҳосини аниқлаш. Валюта курси ўзгаришида манёвр қилиш имкони бўлганилиги учун, бир томондан опцион шартномаси алмашинув курсини қулай томонга қараб, страйк баҳодан ошиб ўзгаришида даромад келтирса, бошқа томондан алмашинув курсининг салбий томонга қараб ўзгарганида юзага келадиган валюта риски бошқариш максадида амалга оширилади.

Мисол. Биржа опцион битимининг Европа усулини кўриб чиқамиз:

Колл опцион (евро/долл.)

100 000 евро

Шартнома суммаси

1.8070 евро/долл.

Опцион курси (страйк баҳоси)

3 ой

Муддат

0.65 евро/долл.

Премия



(a)

(б)

4.3-расм.

Опцион шартномаси харидори 100 минг АҚШ долларини Зойдан сүнт 1 долларга 1,8070 евро курси бўйича сотиб олиш хукуқига эга бўлгач, унинг келгуси харажатлари 180 700 европни ташкил этади (1.8070 евро x 100 минг доллар), лекин шартнома тузилаётганида харидор фақатгина 65 000 евро ҳажмида премия тўлайди холос (0,65 евро x 100 минг доллар). Шундай қилиб, опционни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 245 700 европни ташкил этади.

Опцион эгасининг келгуси фаолияти харид курси, яъни спот курсининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Агар опционни бажариш санасига спот курс опцион курсидан баланд бўлса, шартнома эгаси валютани 1.8070 евро/долл. курси бўйича харид қиласи ва бозорда валюта курси тушишидан фойда олади. Шартнома бажариш муддатида спот курс опцион курсидан паст бўлса, харидор шартномани бажаришни бекор қилиши мумкин ва долларни накд бозорда нисбатан паст курсдан олиши мумкин.

Бундан, харид бўйича опциондан олинадиган даромадни шартномани бажариш санасидаги спот курс бўйича валюта қиймати ва валюта хариди пайтидаги опцион курс бўйича валюта қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқлаш мумкин, яъни страйл баҳосидан премия қийматини чегириш билан.

$$I_c = (P_s - P_o) * n - Dn,$$

бунда I_c – харид опционидан келадиган даромад; P_s – шартнома бажариш санасидаги спот курси; P_o – страйл баҳоси, валюта хариди учун опцион курси; n – опцион шартномаси бўйича харид қилинаётган валюта ҳажми; Dn - опцион премияси (опцион баҳоси).

Сотиш бўйича опциондан олинадиган даромад:

$$I_p = (P_o - P_s) * n - Dn,$$

бунда I_p – сотишдан келадиган даромад; P_o – страйл баҳоси, валюта сотишда опцион курси; P_s – шартномани бажариш вақтида спот курс.

Опцион қиймати харидорнинг у учун тўлашга тайёргарлиги билан ўлчанади. Опцион шартномасини мажбуриятларни қабул қилган томон бажариш учун, хукуқига эга томон пул премиясини тўлашади. Премия – бу опцион шартномасининг баҳоси. Харидорнинг зарари ва унинг риски тўланган премия ҳажми билан чекланади, сотовчининг риски эса олинган премия қийматида тушади. Европа опционлари премияси Блэк – Шолес формуласи бўйича хисобланади, Америка опционида Дж. Кокс, С. Росс ва М. Рубин-

штейн модели асосида. Одатда, опцион бозори иштирокчилари опцион премиясини ҳисоблашда опцион компьютер дастурларидан фойдаланишиади.

Опцион баҳоси бир қатор омилларга боғлик бўлади:

- жорий валюта курси (спот);
- бозорнинг ўзгарувчанлиги;
- экспирациягача бўлган муддатнинг узунлиги;
- ўртacha банк фоиз ставкаси;
- талаб ва таклиф муносабати.

Опцион баҳоси икки тузилмадан ташкил топган:

- ички (ҳақиқий) қиймат;
- ташқи (вақтингчалик) қиймат.


Ички қиймат – бу, опцион тутатилгач, у учун олинадиган сумма ҳисобланади.

Опцион премиясининг қуи чегараси ички қийматга тенг бўлади, чунки сотувчи премияни страйл баҳо ва жорий курс ўртасидаги фарқдан кам бўлмаган премияни олишга ҳаракат қилади.

Коли опционининг ички баҳоси – мавжуд товар нархининг (жорий валюта курси) страйл баҳодан юкори бўлган кисми.

Пут опционининг ички қиймати – страйл баҳоси мавжуд товар нархидан (жорий валюта курси) ошган кисми.

Реал курс ва страйл баҳосининг нисбати «пул ёнида» (at-the-money), «пулдаги» (in-the-money), «пулсиз» (out-of-the-money) опциони каби хусусиятга эга (қаранг 4.2 - чизма).



4.4 -расм. Колл опциони (а) ва пут опциони (б)

Жорий курс страйл баҳодан юқори бўлганида, «пулдаги» опцион деб номланди.

Вақтингчалик қийматга (ўз навбатида, опцион баҳоси) курслар тебраниши таъсир этади. Курсларнинг катта тебранишида вақтингчалик қиймат юқори бўлади, чунки опцион амал килиш даврида «пулда» бўлиб колиш эҳтимоли кўпроқ. Сотувчи сўраётган юқори нарх катта заарлар билан асосланади.

Опционнинг баҳосига фоиз ставкаси таъсир этади. Юқори банк ставкасида опцион жозибадорлиги пасайди. Инвесторда маблагларни жойлаштиришнинг муқобил имконияти яратилади. Бир томондан, опцион сотувчиси катта баҳони беради, чунки у сотувдан маблагларни депозитга жойлаштиришдан келадиган даромаддан кам бўлган фойдага эга бўлишни хоҳлайди. Бошқа томондан, опцион харидори шартномани тузишда худди шундай даромад келтирувчи акция ёки бошқа инвестициялар харидига караганда камроқ маблагларни ишлатади. Бундан ташқари, опцион хариди валюта курси ва фоиз ставкаси тебранишидан келиб чиқиб, шартномани бажариш (ёки бажармаслик) хуқуқини беради.

Опционларнинг афзалликлари. Стандарт опционнинг афзалликларидан бири – бу у билан бўладиган савдони ташкил этиш осонлигига. Биржадаги опцион фьючерс шартномалар савдосидаги коидалар билан тартибга солинади. Опцион икки мақсадда амалга оширилади: хеджирлаш ва спекуляция. Бошқа муддатли битимлардан фарқли равиша, опцион операцияси опцион эгасига нафакат уни сугурталашга, балки унга нархнинг қулай ўзгаришдан фойдаланиш имконини хам беради. Масалан, форвард ва фьючерсларда битта нархни қатъй белгилашни талаб килинади. Опцион бўйича риск опцион сотувчиси премияси билан чекланган ва у нарх ўзгариши билан боғлиқ бошқа рисклардан сакланган. Хеджерлар, шунингдек, опционни сотиб, нисбатан тинч бозорда премияни олиши мумкин. Премия маҳсулот қийматининг бир кисми бўлганлиги учун, мазкур маҳсулотга тўғри инвестициялашга нисбатан нарх ўзгариши рискига кўпроқ эришиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, биржадан ташқари опцион харидорнинг хусусий талабларини қондира одади. Опцион муддатли битим сифатида инвесторларга катта имкониятларни тақдим этади. Страйл баҳоси ва тутатиш санаси ҳар хил бўлган, турли хилдаги опционлар комбинациясидан фойдаланиб, инвестор ўзи хоҳлаганидек риск даражасини куриши мумкин. Баъзи комбинациялар

фақатгина спекулятив операция учун мүлжалланган бўлиб, улар инвесторга бозорда мос стратегияни шакллантиришга ёрдам беради. Хеджинг стратегияларнинг машхур усулларидан бири минимакс ёки коллар опциони хисобланди. У бир вактнинг ўзида «пулсиз» putt опционини харид қилиш (сотишнинг минимал баҳосини кафолатлади) ва «пулсиз» кол опционини сотишда (нархни белгиланган даражадан ортиб ўсишида иштирок этишини чеклади) акс этади. Колл опционини сотишда премия putt опционини харид қилиш харажатига қисқаради. Агар колл опционини сотишдаги премия putt опционини харид қилиш харажатлари билан мос келса, опцион ноль харажатли (zero cost collar) деб юритилади.

Опционларнинг камчилиги. Форвард операцияси каби бозор иштирокчилари кредит рискига дуч келишади. Тўланмаслиги боис опцион шартномалари биржадан ташқарида, асосан, тўлов қобилияти шубҳа тугдирмайдиган йирик банк ва молия корпорациялари томонидан тузилади.

4.2.3. Валюта своплари

Своп (swap) банк ва корпорациялар томонидан ўз актив ва пассивларини бошқариш учун ишлатиладиган, энг кўп тарқалган молиявий восита бўлиб хисобланади. Юкори тавсифланган форвард, фьючерс ва опционлар каби своп операциялари биринчидан, валюта (фоиз) рискини сугурталаш, яъни иккисодий муҳитнинг нокулагай ўзгариши натижасида юзага келиши мумкин зарарларни камайтираса, иккинчидан, ўз зиммасига кутилаётган даромадга тенг рискини олиб қўшимча фойда олиш мақсадида амалга оширилади.

Инглизчадан «swap» сўзи алмаштириш маъносини англатади. Молиявий муносабатларда алмаштириш предмети бўлиб, тул маблағлари хисобланади. Своп тул бозори иштирокчисига ўз ҳамкорлари билан тул оқими хусусиятини алмаштириш имконини беради. Ҳар қандай своп (ҳоҳ у фоизли бўлсин, ҳоҳ валюта) жуда кенг жиҳатларда тул оқими бир хусусиятдан бошқасига ўзгариши сифатида намоён бўлади. Тул оқими хусусияти деганда, фоиз ставкаларининг тури (қатъий ўрнатилган ёки эркин сузуб юрувчи), фоиз ставка даражаси, тўловларнинг даврийлиги, валюта свопида эса, шунингдек, тўлов валютаси ва қайта хисобланган курс.

Актив ва пассивларни бошқариш воситаси сифатида своп қўшимча маблағларни жалб қилиш ёки уларни жойлаштириш воси-

таси бўлмайди. Своплағнинг хусусияти корхоналарга қўшимча маблағларни жалб қилиш, масалан облигацияларни чиқариш билан боғлик харажатларни камайтириб беради. Банклар эса ўз валюта (фоиз) рискларини мижозга юқлаш имконига эга бўладилар, масалан, кредитлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганида ёки узоқ муддатли жамғармалар жалб қилинганида.


Своп операциялари валюта ва фоиз рискини бартараф этиш билан бирга арбитраж мақсадларида ҳам амалга оширилади. Бу икки масалалар ҳар бир бозорда ўзаро боғлиқлиқда амалга оширилади: арбитраж имкониятлари инвесторларнинг даромадли операцияларга тайёргарлиги билан чекланса, хеджерлар эҳтиёжи контр-агентларнинг арбитражга тайёрлиги билан қондирилади.

Амалга оширилаётган операция нуктаи назаридан келиб чиқиб, свопни кенг кўламдаги молиявий операцияларнинг гурухи сифатида тавсифлаш мумкин. Бу жараёнда контрагентлар бир вақтнинг ўзида валюта коди, фоиз ставкасини ҳисоблаш базиси ва бир қатор бошқа кўрсаткичлар бўйича фарқланадиган пул оқими бўйича ҳукукларни олишади ва тақдим этишади.

Своп битимлар бозори қизгин ривожланиш даврида бўлганилиги боис, доимий равиша такомиллашиб бораётган ва янгидан – янги кўлланилишни топаётган, асосий турларидан бири – валютали (иккинчиси фоизли) свопга тўхталамиз.

80 - йилларда шаклланган ва юқори суръатларда ривожланаётган бошқа операциялардан фарқли равиша, своп битимлари қандайдир муомала шароитининг хусусий ўзгаришига мослашиш натижаси бўлмади. Маълум даражада маблағларни жалб қилиш ва инвестиция қилиш, рискларни сугурталаш тажрибасини ўзида жамлаб, своп битимлари ўзининг кенг тарқалиши ва ривожланиши билан молия бозори фаолиятини сифатли механизмга айлана олишини исботлади. Своп битимларининг бу жиҳати ҳеч қандай тўсикларсиз сўнгги 15 йил давомида ҳажми ортишини таъминлаб берди. Своп операциялари бу давр мобайнида бошқа турдаги операциялардан кўйидаги хусусиятлари билан ажralиб борди:

- бозорнинг катта ҳажми;
- битим тузоётган контрагентларнинг турли тоифада бўлиши;
- мижозлар кўламининг кенглиги;
- битим шаклларининг мойиллиги;
- улар турларининг борган сари қўпайиши.



4.4-расм. Своп операцияси схемаси

Расмий равишда нашрда акс этган энг биринчи своплардан бири Дойче банкнинг етти йиллик юбилейига багишиланган катый ўрнатилган фоиз асосида 300 АҚШ млн. доллар ҳажмда еврооблигацияларни 1982 йил августидаги эмиссия килиши билан боғлиқ. Облигациялар киймати ва катый ўрнатилган фоиз ставкасидан келиб чиқиб, пул оқими LIBOR ставкасидан анча паст бўлган эркин сузib юрувчи фоиз ставкасидан келиб чиқадиган пул оқимига алмаштирилади.

Мазкур свопнинг иштирокчилари ўша пайтда амал килган фоиз ставкаси билан чиқиш имконига эга бўлмаган Европа банклари бўлган. Аксарият чиқарилган облигациялар инвесторлар томонидан айнан катый ўрнатилган фоиз асосида келадиган даромадни эркин сузib юрувчисига алмаштириш мақсадида олинар эди.

Ҳажми бўйича своп бозори сўнгги ўн йилликда ривож топган бошқа барча янги воситалар бозорларидан ошиб кетди. 90 – йилларда ривожланган мамлакатнинг деярли ҳар бир молиявий институти мос мутахассисларга эга бўлган ҳолда своп битимларини тузар эди. «Истеъмолчилар» бозори эса ундан ҳам кенгрок. Амалга оширилишининг мойилиги нафақат молия институтларни, балки ҳосилавий, айниқса трансмиллий компания ва давлат органларни ҳам жалб қилиб келмоқда. Уларнинг барчаси своп операцияси маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш, юзага келаётган рискларни бошқариш дастурининг асосий қисмига айланди..

Валютали своп – бу валюта билан спот ва форвард шартлари асосида икки конверсион битимлар комбинацияси. Бир конверсия зудлик билан етказиш бўйича тузилади. бошқаси эса етказишга тескари аввал келишилган шартлар асосида бажарилади. Ҳар қандай валютали своп ҳар бир контрагент учун жорий пайт ёки келажакда тўғри ёки тескари пул оқимларини англатади, бунда келгуси оқимлар аниқ шаклда жорий пайтдагиларга боғлиқ бўлади.

Шу томондан свопнинг бу тури фоизлисидан фарқ қиласи: фоизли своп учун келгуси пул оқимлари битим тузилган пайтда аникланган ўзгарувчилар билан ифодаланмайди. Бухгалтерия ҳисоби нуктаи назаридан, валютали своп билан ҳисоб вараклари бўйича спот шартларида конверсия сифатида амалга оширилади, форвард шартлари асосида конверсия эса балансдан ташқари ҳисобга олинади.

Валюта операциялари қарз воситалари тъсирида юзага келадиган, пул оқими хусусиятини аниклаш имконини беради, бу эса уларни операцияни амалга оширувчи томонларга янада жозибадор килиб кўрсатади. Своп битимлари пул оқими ҳажмлари бўйича нормалашган бўлиб, уларни кенг кўламда ўзгартириш имконига эга бўлади ва қуйидаги вазифаларни кўзлайди:

- бозор сегментациясига йўл кўймаган ҳолда, арбитраж битимини бажариш, бу эса жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича фоиз ставкалари ўртасидаги фаркни камайтириб, бозор самарадорлигини оширади;
- валюта курси ва фоиз ставкасининг бекарор шароитида фоиз ва валюта курси рискини бошқариш;
- стандарт воситалардан юқоридаги вазифаларни бажариш давомида юзага келадиган кенг кўламдаги масалаларни ечиш учун.

Кўйида масалани кўриб чиқиб, битимни тузиш ва бажаришнинг асосий боскичларини кўриб чиқамиз.

Мисол. А банк фоиз тўловларни ярим йилда бир марта амалга ошириш шарти билан. 1 млн. USD ни 3 йилга 8% билан жалб килди. Спот курс GBP/USD 1.5000; GBP LIBOR = 6% .

Валютали своп уч боскичга бўлинади:

- жалб этилган маблагларни бирламчи сотиш;
- фоизларни тўлашга тегишли маблагларни харид қилиш;
- асосий қарзни тўлаш ҳажмини харид қилиш.

1 - боскич. А банк 1 млн. USDни В банк сотади ва спот курс бўйича (1.5000) ундан 1,5 млн. GBP олади.

2 - боскич. 6 ойдан сўнг В банк А банқдан 45 минг GBP харид қиласи ($1,500,000 \cdot 0,06 \cdot 6 / 12$) – битим тузилган санада 6 ойга форвард курси бўйича LIBOR ставкасида фоизлар ҳажми. А банкда GBP/USD курси бўйича GBP бўйича LIBOR ставкаси ва доллар бўйича контрагентнинг ярим йиллик фоизлар ҳажмидан 8% фарқи ҳажмида очик позиция юзага келади.

3 - боскич. 12 ойдан сўнг В банк А банқдан 45 минг GBP харид қиласи ($1,500,000 \cdot 0,06 \cdot 6 / 12$) - LIBOR ставкаси бўйича 12 ойлик

форвард курси асосида битим тузилган. А банкда GBP/USD курси бўйича фоизлар ўртасидаги фарқ суммасига яна бир очик позиция юзага келади. Бир вактнинг ўзида А банк В банкдан 80 минг USD ни харид қиласди^{*} ($1,000,000 \cdot 0,08 \cdot 12/12$) – биринчи йил учун жалб этилган доллардаги маблағлар. Харид битим тузилаётган санада амал қиласди 12 ойлик форвард курси бўйича бажарилади. GBP/USD бўйича юзага келган очик позиция энг охирги навбатда сўндирилади.

4 – 7 босқич. Иккинчи ва учинчи йил бир – биридан аввал ўрнатилган курс бўйича фоизлар суммасининг харида жараёни давом этади. А компанияда бу муддатга GBP бўйича LIBOR ставкаси билан доллар бўйича 8% ставка ўртасидаги фаркка тенг очик позиция юзага келади ва йилнинг охирида ёпилади.

8 – босқич.. Уч йилдан сўнг асосий сумманинг тескари конверсияси бўлиб ўтади. А компаниядан В дан 1 млн. USD ни уч йил олдин ўрнатилган уч йиллик форвард курси бўйича GBP га харид қиласди.

Томонлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, 1 ва 8 ёки 2 – 7 босқичлар бўлмаслиги мумкин. Бунда позиция фақат жалб этилган асосий сумма ёки фоизлар суммаси бўйича ёпилади.

Афзаликлар. Своп битимлари банк томонидан етмаётган валютадаги пул ликвидлигини ортиқча валютадаги маблағлар билан тўлдириш имконини беради.

Масалан, Ўзбекистон банк AAA унинг вакиллик ҳисоб варрагида жойлашган 1 млн. USD маблағни жалб қилишга эришиди, аммо у мижоз тўловларини амалга ошириш учун сўм маблағларига мухтож. Банк газначиси мазкур ҳолат, яъни сўм танқислиги 1 ой давом этишини тахмин қиласмокда. Сўм учун долларни «буғун» ҳисобидан сотиб ва уларни 1 ойдан сўнг валюталаш санаси билан қайта харид қиласди. Бу билан банк 1 ой давомида сўмдаги ликвидлиликни ҳосил қиласди (дилерлар бу ҳолатни «Долларни сўмда своплаш» дейишади), бир ойлик сўмдаги депозитни жалб этиш билан тенг.

Сўмдаги депозит фоиз ставкасини своп ёки унинг банк учун киймати орқали ҳисоблаш мумкин. Фараз қиласмиз, мазкур операциянинг куйидаги кўрсаткичлари маълум:

USD бўйича 1 ойлик ставкаси	8%
USD/UZS val tod курси	300,00
1 ойлик форвард USD/UZS	1321,65
Кунлар сони	30 кун

Банк учун мазкур сўмларнинг фоиздаги умумий қиймати долларни молиялаш учун жалб этилган доллар депозити бўйича фоиз ва куйидагича хисобланган своп ўзининг фоиз ставкаси йигиндисидан келиб чиқади:

$$(1321,65 - 1300,00) / 1300,00 \times 360 \times 100 / 30 \text{ кун} = 19,98 \%$$

Умумий қиймат $19,98 \% + 8 \% = 27,98 \%$ ни ташкил этади.

Своп битимлари аутрайт битимини амалга оширишда валюта рискини нейтраллаш учун ишлатилади. Шунингдек, улардан валюта позициясини олдинга узайтиришда фойдаланиш мумкин. Битимлар ёрдамида банклар своп битимлари ёрдамида очик позицияларини валюта курси ҳаракатини прогнозлашдан келиб чиқсан ҳолда, исталганча узайтиришлари мумкин. Банклар позицияларини узайтиришларида бир кунлик своп каби, бир ойликдан ҳам фойдаланадилар.

Камчиликлар. Своплар одатда молиявий институтлар томонидан таклиф қилинади. Фоиз ёки валюта рискидан қочиш мақсадида, молия институти бир вактнинг ўзида икки томон билан бир – бирини қопловчи битим тузишга ҳаракат қиласди. Амалда молия институтлари свопларни саклаб туришади. Бу – банклар бир томондан своп битимини тушиб, рискини ҳар кунлик асосида хеджирлашади, бу орада бошқа иштирокчини топиб, у билан тескари битим тузишини англатади. Молия институти турли иштирокчилар билан қопловчи битим тузганида, кредит рискига дуч келади (ҳар қандай биржадан ташқари восита каби). Агар бирон томон, ўз навбатида бошқа томон олдида мажбуриятларга эга бўлиб, молия институти олдида мажбуриятларни бажармаса, молия институти пул маблагларини йўқотади, чунки у ҳамон бошқа томон олдида мажбуриятларни бажариши лозим.

4.3. Валюта операцияларини амалга оширишда юзага келадиган валюта рисклари

Валюта риски – бу валюта курсининг нохуш ўзгариши (тебраниши, бекарорлиги - volatility) натижасида юзага келадиган зарарлар эҳтимоли. Ривожланган мамлакатларда валюта риски айниқса ўтган аср 70 - йилларнинг ўрталаридан, Бреттон – Вудс валюта тизими тугатилишидан кейин долзарб масалага айланди. Унинг ўрнига келган эркин сузуб юрувчи валюта курси тартиби ҳалқаро савдода жуда катта кутилмаган воқеаликларга сабаб бўлди. 80 –

йилларда валюта курсининг йиллик тебраниши 30%ларни ташкил этар эди.

Валюта рискларини тижорат, конверсион, трансляцион ва фор-фейтинглаш рискига ажратишимиш мумкин (каранг - 6 чизма).

Тижорат рисклари – қарздорнинг (ёки кафилнинг) ўз мажбуриятларини бажаришни истамаслиги ёки имконияти йўклиги билан боғлиқ.

Конверсион рисклари – бу аник операциялар бўйича валюта зарарлари риски. Бу рисклар ўз навбатида: иктиносидий, ўтказма ва битим рискларига бўлинади.


Иктиносидий риск – бу банк учун шундай риски, бунда валюта курсининг келажакда ўзгариши оқибатида, унинг актив ва пассив қийматининг кўпайиш ёки камайиш (миллий валютада) тарафига ўзгариши мумкин.

Банкнинг чет эл активларига сармоя килиши келажакдаги миллий валютада ифодаланган тўловлар оқими ҳажмига таъсир этади. Бундан ташқари, ушбу сўндирилаётган кредитлар бўйича тўловлар ҳажми кредитнинг чет-эл валютаси миллий валюта эквивалентига ўтказилиши натижасида ўзгариади.

Ўтказма риски чет эл валютасидаги актив ва пассивлар ҳисобининг фарқланиши билан боғлиқ. Агарда, чет эл валютасида ифодаланган активлар курси пасайиши содир бўлса, унда активлар қиймати тушиб кетади: активлар ҳажмининг камайишида банкнинг акционерлик капитали миқдори тушиб кетади. Иктиносидий нуткай назардан валюта курсининг ўзгариши келажакдаги тўловлар оқими, бинобарин фирма ёки банкнинг келажакдаги фойдасига, таъсирини билдирган битим риски муҳимроқ ҳисобланади.

Битим риски хорижий валютада тузилган битимда миллий валютанинг келажакдаги қийматининг ноаниклигидан келиб чиқади. Компания даромадлилиги унинг кредитга лайёқатлилиги демакадир, шунинг учун банк мижознинг валюта битимлари тўгрисида доимо хабардор бўлиб туриши керак.

Валюта курсларининг юкори даражада бекарор бўлган шароитда, валюта рискидан ҳимоялашиш усулларидан бири – контрагентлар учун энг кулай шартнома валютасини танлаш ҳисобланади. Экспортчи ва кредитор учун нисбатан барқарор валютадан фойдаланиш афзал. Валютанинг танланиши савдо ва кредит операциялар самарадорлигига сезиларли таъсир этиши мумкин.



4.5 – расм. Валюта рискларининг туркумланиши⁶³.

Шартнома валютасини танлашда қуидаги омиллар ҳисобга олиниши лозим: мазкур валюта курси шартнома тузилган пайтдан мажбуриятлар бажарилгунга қадар ўзгаришини олдиндан билиш; товар бозорида шаклланган анъаналар; савдони ташкил шакли (бир марталик битим, узок муддатли шартнома, давлатлараро келишув).

Валюта конверсия рискини ҳимоя, олтин, валюта ва мультивалюта шархларини қўллаш билан камайтириш мумкин.

Ҳимоя шарҳи – бу шартномани бажариш жараёнида унинг бирламчи шартларини қайта кўрилиши ёки ўзгартирилиш эҳтимолини кўриб чиқувчи, давлатлараро иқтисодий келушувларни ўз ичига олган, томонлар келишуви акс этган шартлардир.

Олтин шарҳи – биринчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейин баъзи мамлакатларда кейинчалик эса бутунлай олтин стандарт

⁶³ «Банковское дело» под ред. д.э.н., проф. И.О. Лаврушина, Москва: «Финансы и статистика», 2005 год

тининг бекор қилиниши билан мухим аҳамият касб этди. Бу мамлакатлар валютаси олтин стандарти амал қилаётган бошқа мамлакатлар валютасига нисбатан қадрсизлана бошлади. Шархлар валютанинг олтин таркибини акс этувчи, валюта паритетига асосланар эди. Паритет асосида шархлар пул бирликларининг олтинга эркин айирбошлаш шартидаги каби, унинг чекланган (олтин – дебиз ва олтин - доллар) стандартида амал қилган. Олтин шархлари капиталистик мамлакат ҳукуматлари олтиннинг бозор баҳосини расмий даражада ушлаб туриш бўйича чораларни кўргунгача кенг амал қилган. «Олтин пули»нинг 1868 йилда инқироз бўлиши натижасида, олтиннинг расмий баҳосини ҳақиқий қийматидан узоклаштирган ва олтин шарҳининг қўлланилишига якун ясаган иккиланган олтин бозори юзага келди.

Валюта шарҳи – бу кредит ёки тижорат шартномасига кўшимча келишилган шартлар бўлиб, уларга кўра, келишилган тўлов суммаси товар (кредит) баҳоси акс этган валюта ва бошқа, нисбатан барқарор валюталар курси ўртасидаги ўзгаришига bogланади. Шартномада баҳо ва тўлов валюталарининг турлича белгиланиши, валюта шарҳининг энг содда кўринишларидан бири ҳисобланади. Баҳо валютаси бўлиб мазкур ҳолатда нисбатан барқарор валюта танланади. Одатдаги валюта шарҳи ҳолатида эса, тўловга тегишли бўлган сумма шарҳ валюта курсининг баҳо валютасига нисбатан ўзгаришига bogланади. Иккала ҳолатда ҳам, тўлов суммаси шарҳ валюта курси ўзгарган даражада ўзгариади. Масалан, шартнома бўйича товар баҳоси – 1 млн. сўм. Шарҳ валютаси бўлиб АҚШ доллари танланган. Долларнинг сўмга нисбатан ғурси шартнома тузилган санада 1200 сўм/АҚШ ни ташкил этди, бунда тўлов суммаси ҳам 10%га ошиб 1,1 млн. сўмни ташкил қиласди, яъни 100 минг сўм кўпроқ. Валюта шарҳи бозор курси асосида валюта бозоридаги жорий котировкаси бўйича валюталар ўртасида муносабатни белгилашни кўзда тутади. Сотиш ва харид курслари ўртасидаги фарқ банк даромад манбаи – маржа ҳисобланиб, унинг ҳисобидан битим амалга ошириш бўйича харажатлар қопланади ва маълум даражада валюта рискини суғурталаш учун сафарбар қилинади.

Мультивалюта шарҳи – анъанавий валюта шарҳидан фарқли жиҳати шундаки, пул мажбуриятлари суммаси эквивалентини аниқлашда битта эмас, балки бир нечта хорижий валюталардан фойдаланилади. 1970 – 80 йилларда Собиқ Иттифоқ ташкил савдо билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан Америка доллари ва

фунт стерлингига нисбатан қўлланилган мультивалюта шарҳи валюта рискини хеджирлашда энг кең тарқалган усуллардан бири бўлган. Бу усулининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у бир валютага боғлиқликни бартараф этади. Курс ўргача шартли кўрсаткич бўлганлиги боис, валюта миқдори, баҳоси ва тўлови валюталар жамланганидан кейин аниқланади. Шунингдек, СДР (авваллари ЭКЮ) каби маҳсус ҳисоб бирликларининг валюталар сифатида қўлланилиши, мультивалюта шарҳини ишлатиш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қиласр эди.

Форфейтинглаши риски – бу экспортер риски бўлиб, бунда форфейтер (банк) ушбу рискни регресс ҳукукисиз ўзига олади.

Экспортчи риски – вексел қийматини акс этган валюта экспортчи ўз ҳисобини юритадиган валютадан фарқ қилганида ва форфейтер билан шартнома тузиш даврида (экспортчи молиялашин аввал ўрнатилган ставка бўйича қабул қилганида) ва импортчига маҳсулотни етказишида юзага келиши мумкин.

Трансляция (бухгалтерлик) риски актив ва пассивлар балансини, чет эллик филиал мижозларнинг, контрагентларнинг «Фойда ва заарлар» ҳисобварагини қайта ҳисоблагандан пайдо бўлади. Ушбу риск ўз навбатида қайта ҳисоблаш валютани танлашдан, унинг барқарорлиги ва бир қатор бошқа омилларга боғлик. Қайта ҳисоблаш трансляция (қайта ҳисоблаш санасидаги жорий курс бўйича) ёки тарихий (аниқ операцияни амалга оширилган санадаги курс бўйича) услублари орқали амалга оширилиши мумкин.

Мазкур ишда қўрилаётган рисклардан бири, конверсион риск хисобланаб, қуида валюта риски сифатида қўрилади.

Валюта рисклари халқаро иқтисодий муносабатлар иштироқчилари дуч келадиган тижорат рискининг бир қисми ҳисобланади.

Валюта риски, ёки курс заарлари риски, банк операциялар бозорининг байналминаллашуви, транснационал (қўшма) корхона ва банк муассасаларининг ташкил этилиши ва улар фаолиятининг диверсификациялашуви билан боғлиқ бўлиб, валюта курси ўзгариши натижасида пул маблағларида зарар қўриш эҳтимолини акс этади.

Бунда валюта курслари ўртасидаги муносабат бир қатор омиллар таъсирида юзага келади, масалан: валютанинг ички қийматининг ўзгариши, пул оқимининг бир мамлакатдан бошқасига оқиб ўтиши, спекуляция ва бошқалар. Ҳар қандай валютани тавсифловчи асосий омил бўлиб, резидент ва норезидентларнинг бу валютага ишончи ҳисобланади. Валютага бўлган ишонч кўп омили мезон

хисобланиб, бир қанча кўрсаткичлардан иборат, жумладан,: мамлакат очиқлик даражасининг сиёсий тартибига бўлган ишонч кўрсаткичи, иқтисодиётнинг эркинлашуви ва алмашиш курси тартиби, мамлакат савдо баланси, асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва инвесторларнинг мамлакатни келажакда барқарор ривожланишига ишончи.

Аммо, аслида, бу талқин фақатгина баъзи валюта курси тартибиға нисбатан, яъни эркин сузуб юрувчи курсига таалукли. Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг ўзига ҳос хусусиятидан келиб чиқиб, бир қанча валюта курслари мавжуд.

Валюта тизимини баъзи хусусиятларига кўра қўйидаги шаклларга бўлиш мумкин:

1) Ёпиқ бозорга эга мамлакат қўйидаги хусусиятларга эга: иқтисодиёти ва иқтисодий аҳборотларнинг ёпиқлик ҳолати, инвестор ва экспорт – импорт операциялар бўйича чекловларнинг бўлиши, иқтисодиётда давлат мулкининг устувор бўлиши, валюта курсини бевосита аниқлаш. Бундай мамлакатнинг валюта курси кутилмаган ўзгаришларга эга бўлиб, инвестор ва импортчилар бу валютада битим тузишдан сакланишиди, ҳақиқий тўловлар ва товар айланмаси учинчи мамлакат валютаси олиб борилади. Бундай валюта бозори жуда тор ёки умуман мавжуд бўлмайди. Жаҳон бозорида макроиктисодий кўрсаткичлар бундай валюталарга бевосита таъсир этмайди.

2) Сезиларли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган, қатъий ўрнатилган курс устунлик қилган мамлакат. Одатда бундай валюта курси «нуфузли» валютага нисбатан қатъий ўрнатилиб, экспорт – импорт операциялар ва инвестицияни амалга ошириш учун қўлланилади. Бундай мамлакатлар валютасига макроиктисодий кўрсаткичлар оз миқдорда ёки умуман таъсир этмайди.

3) Шунингдек, нисбатан эркин, лекин барқарор бўлмаган иқтисодиётга эга бўлган бир қатор мамлакат валюта курсини прогнозлаш жуда мушкул хисобланади ва қўйидаги омилларга боғлаб бўлади: сиёсий бекарорлик, ҳукуматнинг кутилмаган иқтисодий сиёсати, ҳалқаро рақобатга бардош бермаслик, иқтисодиётнинг хом ашёга ихтисослашуви, давлат бюджетининг инфляцион молиялашуви, валюта захираларининг етишмаслиги, шунингдек, макроиктисодий кўрсаткичлар. Бундай валютада инвестициялаш юкори рискка эга ва импортчилар бундай мамлакатлар билан товар айланмасида учинчи мамлакат валютасидан фойдаланишга мойил бўлишади. Бундай мамлакатлар миллий валюта курсига макроикти-

содий кўрсаткичлар таъсири ҳукуматнинг сиёсий қарашларидан келиб чиқиб, сунъий равишда чекланади.

4) Миллий валюта курсининг эркин сузиг юрувчи тартибиага асосланган, барқарор иқтисодиёга эга мамлакат. Бундай мамлакатларнинг асосий хусусияти куйидагилардан иборат: бозор иқтисодиёти ривожланган, иқтисодиёти барқарор, ҳукуматнинг келгуси сиёсатини олдиндан билиш мумкин, пул массаси, фоиз ставкаси ва мамлакатдаги инфляциянинг қатъий назорат килинади. Бунда валютанинг ошкора сузиг юриши, баъзи ҳолларда валюта курсини бошқаришнинг билвосита усуllibар – интервенциядан давлатлараро курсларнинг кўшма сузиг юриши, сиёсий тайъзик ўтказишдан фойдаланилади. Мазкур валюталарга инвестициялаш нисбатан кам рискка эга, экспорт – импорт операциялар одатда айнан шу валюталар билан амалга оширилади. Валюталар курси макроиктисодий кўрсаткичларга ўта таъсирчан бўлади.

Шу билан бирга, узок муддатларда таъсир кўрсатувчининг асосий омииллар сифатида иқтисодчилар куйидагиларни келтиришади.

Улардан биринчиси инфляция даражаси бўлиб, инфляция нисбатан юкори бўлган мамлакат миллий валюта курси бошка валюталарга қараганда қадри пасайиши қонуниятидан келиб чиқади. Бунга далил сифатида инфляция даражаси юкори бўлган Буюк Британия, Италия, Франция, АҚШ ва Канада валюталари курси инфляция пастрок бўлган Япония, Белгия, Нидерланд, ГФР ва Швейцария валюта курсларига қараганда тушиши кузатилган. Валюта курси ва нархнинг ўзгариши икки ўн йиллик бўлган узок муддатда ўзгариш динамикаси ана шундай акс этади.

Валюта курсларининг кескин тебраниши иқтисодий, сиёсий, кисман спекулятив сабаблар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бозор барча иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши, эксперталар тахмини, сиёсий инқироз ва сиёсий шов – шувларга ўта таъсирчан бўлади.

Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, нафақат ўзгариш кечаетган мамлакатлар валюталари тебранишини тахмин қилиш мушкул бўлган рискка дуч келиши мумкин, балки инқирозга учраган мамлакат билан яқиндан иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ўрнатган кўшни мамлакатлар ҳам хатардан ҳоли бўлишмайди.

Валюта бозори ҳар доим ўзининг бекарорлиги ва кутилмаганилиги билан тавсифланади. Бу валюта бозори иштирокчиларининг жаҳондаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга тезкор таъсирчанилиги, шунингдек, спекуляция билан асосланади.

Тижорат банклари валюта операцияларни амалга ошириш учун лицензия олганларидан кейин валюта муюмалаларини олиб бориш жараёнида, баланс кўрсаткичлари бўйича ҳар бир валюта билан алоҳида амалга оширган операциялар натижасида, баъзан талабга ёки мажбуриятга эга бўлишади. Бирор - бир валютага нисбатан талаб ёки мажбуриятнинг бўлиши очиқ валюта позицияси дейилади. Уларнинг тенглиги холатида валюта позицияси ёпик деб эътироф этилади. Валюта риски фақат позиция очиқ бўлганида юзага келади.



4.6-расм. Валюта позициясининг таркибий қисми⁶⁴

Ўз навбатида очиқ валюта позицияси узок ва қисқа турларга, ҳамда умумлашган валюта позицияларига бўлинади.

Валюта позициясига таъсир этувчи асосий операция турларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- хорижий валюта, қимматбаҳо металл ва номинали валюта бўлган қимматли қозогзлар билан нақд (касса) ва муддатли олди – сотди битимлари;
- валютада (қимматбаҳо металлда) талаб ва мажбуриятлар ҳосил бўладиган муддатли операциялар (форвард, фьючерс битимлари, спот битимлари, опцион ва бошқалар);
- хорижий валютада фоиз ва бошқа даромадларни олиш (тўлаш).

Соф баланс позицияси битта хорижий валютада акс этган баланс активлари билан баланс пассивлари ўртасидаги фарққа айтилади.

Соф спот позицияси – битта валютада акс этган балансдан ташкари талаб ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқ. Соф спот позицияси *tomorrow* ва *spot* каби молиявий активлар (хорижий валюта) олди – сотди нақд битимлар натижасида юзага келади. Бу банклараро битимлар каби, мижоз билан тузилган битимларга ҳам тегишли

⁶⁴ Муаллифлар томонидан тузилган.

холат. Соф муддатли позиция битта валюта акс этган балансдан ташкари талаб ва мажбуриятлар ўртасидаги фаркни акс эттиради. Соф муддатли позиция молиявий активлар билан амалга оширилган (опцион ташкари) барча олди – сотди муддатли битимлар натижасида юзага келади. Бундай битимлар банклараро бозорда кредит ташкилотлари томонидан тузилгани каби, мижозлар билан ҳам ўтказилади.

Соф опцион позицияси – кредит ташкилотининг опцион шартномалари билан чегараланган банкнинг битта валютадаги балансдан ташкари талаб ва мажбуриятлари муносабатида акс этади.

Кафолат бўйича соф позиция – битта хорижий валютада акс этган, олинган ва такдим этилган чақириб олинмайдиган кафолатлар қиймати ўртасидаги фарқдир.

4.4. Ҳалқаро амалиётда тижорат банкларининг валюта рискларини бошқариш усуслари ва воситалари

Одатда валюта рисклари банклар томонидан турлича бошқарилади. Банк тузилмаси ичida валюта рискларни бошқаришга қартилган биринчи қадам бу валюта операцияларига ўрнатилган чекловлар ҳисобланади. Масалан, чекловларнинг кўринишлари кенг тарқалган:

- хорижий давлатларга ўрнатилган чекловлар (алоҳида мамлакат мижозлари ва контрагентлари билан кун давомида ўтказиладиган операцияларга ўрнатилган чекловлар);
- контрагент ва мижозлар билан операцияларни бажаришга ўрнатилган чекловлар (ҳар бир контрҳамкор, мижоз ёки мижозлар гурухига кўрсатилаётган операцияларнинг максимал қиймати чекланади);
- воситалар чеклови (фойдаланилаётган восита ва валюталарни аниқ белгиланган ва савдога қўйилиши мумкин операциялар рўйхатига кўйиладиган чекловлар);
- ҳар кунлик ва ҳар бир дилерга ўрнатилган чеклов (одатда савдо қилинаётган хорижий ваюта бўйича энг катта очик позицияга чеклов белгиланади, аниқ дилер ва алоҳида восита учун кейинги кунга кўчириш имкони ҳам бўлиши мумкин);
- зарарларнинг чекланиши (кўрилиши мумкин бўлган энг катта зарар қиймати ўрнатилади, зарар унга етгач, барча очик позициялар зарар билан ёпилиши керак). Баъзи банкларда бундай чеклов ҳар

бир иш кунига алоҳида давр учун ўрнатилади (одатда бир ой), баъзи банкларда алоҳида воситалар, баъзиларида алоҳида дилерлар бўйича белгиланади.

Бундан ташқари жаҳон амалиётида валюта рискини пасайтиришнинг куйидаги усуслари мавжуд:

- актив ва пассив бўйича валюта олди – сотдисини ўзаро ҳисобга олиш. Бу усул «мэтчинг» деб номланиб, унинг ёрдамида келиб тушган валютанинг ҳажмини чиқиб кетаётган валюта ҳажмидан айириб ташлаб, банк раҳбарияти уларнинг ҳажмига таъсир кўрсатиш имкониятига эга, бу ўз навбатида валюта риски натижасида зарар кўришни пасайтиради;

- бошқа трансмиллий (кўшма) банклар «неттинг» усулидан фойдаланиш, бунда валюта битгимлари сони уларни катталашиб орқали қисқаради. Бу мақсадда банклар хорижий олди – сотдисига келиб тушган аризаларни мувофиқлаштирувчи бўлинмалар тузишади;

- валюта курсининг ўзгариши бўйича on - line ахборотлар билан таъминлаб берувчи маҳсус дастурлардан фойдаланиш;

- ҳар қунлик валюта бозорини синчковлик билан ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Шу билан бирга, валюта рискини чеклаш учун хеджирлашдан фойдаланилади.

Хеджирлаш – бу эҳтимолий заарлар рискини пасайтириш жараёни. Банк барча рискларни хеджирлаш, хеч бирини хеджирла маслик ёки танланган ҳолатларни хеджирлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. У шунингдек, онгли ёки онгсиз равишда спекуляция билан ҳам шугулланиши мумкин.

Хеджирламасликка икки сабаб бўлиши мумкин. Биринчидан банк риск борлигидан бехабар бўлиши ёки уни пасайтириш имкони борлигини билмаслиги мумкин. Иккинчидан, у алмашув курси ёки фоиз ставкалари ўзгармасдан қолиши ёки унинг фойдасига ўзгаради деб таҳмин қилганида. Натижада банк спекуляция қиласи: унинг таҳминлари тўғри бўлиб чиқса, у ютади, акс ҳолда у зарар кўради.

Барча рискларни хеджирлаш – уларни мутлок бартараф этишнинг ягона йўли. Аммо компанияларнинг молиявий директорлари танланган хеджирлашни маъкул кўришади. Улар валюта курслари ва фоиз ставкалари компанияга ноқулай йўналишда ўзгараётганини таҳмин қилишса, молиявий директорлар рискини хеджирлашади, компания ҳисобига ўзгараётган бўлса, рискини таъминламасдан

қолдиришади. Моҳиятнан, бу спекуляция демакдир. Қизиги шундаки, прогнозчи – мутахассислар одатда ўз таҳминларида адашишади, аммо компания молия бўлинмалари ходимлари шунчаки «ҳаваскорлар» бўлиб туриб, олдиндан қўра билиш ҳислатларига ишонишларида давом этишади.

Умумий хеджирлашни (яъни, барча рискларни пасайтириш) камчиликларидан бири бўлиб, опционлар бўйича комиссия ва премияларга сарф бўладиган харажатлар ҳажмининг катталигидир. Таъланган хеджирлаш умумий харажатларни пасайтириш сифатида қараш мумкин. Бошқа усули – курс ёки ставкалар маълум даражагача ўзгарганида рискларни сугурталаш. Яъни, компания курс ўзгаришидан кўрилган заарларга маълум даражада дош бериши мумкин, аммо курснинг имкон даражасидан ўтиб ўзгариши компания молиявий ҳолатига жиддий таъсир қўрсатиши табиий. Бундай ёндашув алмашув курси барқарор ёки қулай тарафга ўзгаётганида рискларни сугурталаш бўйича харажатларда иктиносид қилиш имконини беради.


Валюта алмашинувини назарда тутган битимлар билан боғлик рисклар нарх сиёсати ёрдамида бошқарилиши мумкин. Шунингдек, пулни тўлов ва қабул қилиш даври ҳам рискларга сезиларли таъсир этиши мумкин. Юқоридагилардан ташқари, операцион валюта рискини пасайтириш бўйича банк қўйидаги усулдан фойдаланиши мумкин: харидорга счёт – фактура импортда ўтказилган тўлов валютасида ёзib берилади. Аммо бу усул харидорга ҳар доим ҳам тўғри келавермайди ва бажарилиши ҳакикатдан узок.

Вазиятдан чиқиши бўлиб муддатли операциядан фойдаланиш ҳисобланади. Амалиётда қўлланиладиган валюта хеджирлаш услуги яқиндан тавсиф берамиз. Анъанавий ва кенг тарқалган валюта операцияларини хеджирлаш усули бўлиб, муддатли (форвард) битим ҳисобланади. Мазкур битимлар жаҳон молия бозорида йилдан йилга ортиб бормоқда ва улар орасида аутрайт форвард ва валюта своп битимлари кенг тарқалган шаклларидан бўлиб ҳисобланади.

Мазкур жадвал маълумотларидан муддатли битимларнинг ўсиб бораётганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, муддатли валюта битимлари орасида энг катта улуш айнан форвард операцияларига тўғри келаётгани кўриниб турибди. Хорижий валюта бозорида аутрайт форвард операциялар улуши 51%ни, ташкил этаётганини кўришимиз мумкин.

Своп битимлари асосан фоизли битимлар бозорида аксарият улушга эга, буни ўз навбатида, марказий банкларнинг амалга оши-

радиган интервенциялари билан боғлаш мумкин. Жадвал маълумотларидан аниқланишича, капитал бозорининг 77–82% опционларга тегишли. Товарлар бозорида форвард ва свооп битимлари етакчилик қилмоқда.



4.7- расм. Хорижий валюта бозорида тузилган битимлар улуси

Юқорида батафсил ёритилган, форвард валюта операциясида экспортчи тўловларни қабул қилиш санасини таҳминан билгач, шартнома имзолар экан, у ўз банки билан тўлов суммасини аввалдан келишилган курс бўйича, олдиндан тақдим этиш бўйича битим тузади. Экспортчининг устунлиги унинг тўлов қабул қилишидан олдин миллий валюта тушумини олдиндан аниқлай олишида бўлиб, ундан келиб чиқиб у шартнома баҳосини белгилайди. Форвард битимини тузган банк шартномада қайд этилган санага миллий валюта эквивалентини, бу вақтда жорий курс қандай ўзгарганидан қатъий назар, аввалдан белгиланган курс бўйича етказиб бериш мажбуриятини қабул қиласди. Корхона ўз навбатида, банкка (экспорт ёки импорт қилаётган томонга тегишли эканлигидан келиб чиқиб) валюта тушумини таъминлаб беради ёки валютани хорижга ўтказиш тўғрисида топшириқнома тақдим этади.

Импортчи эса аксинча, тўлов валютаси курси шартномада қайд этилган курсдан ошиши кутилганида, банкдан аввалига форвард битими ёрдамида хорижий валютани харид қиласди.

Худди шундай инвестор инвестиция валютаси курсининг эҳтимолий тушиши билан боғлиқ рисқдан зарар кўришдан сакланган ҳолда, банкка ўз активларини маълум муддатта сотиш ёрдамида сугурталаниши мумкин.

Шундай қилиб, мижоз ўз рискларини сугурталаб олди. Банк эса рискни ўз зиммасига қабул қилди. Шундан бошлаб, банк қабул

қилингандай рискни қайта хеджирлаши зарур. Шунинг учун одатда, банклар айнан шу суммага ва шу санага бошқа банк билан яна битта форвард битимини ёки маҳсус биржада фьючерс битимини тузади.

Юкорида қайд этилгандек, муддатли валюта битимининг яна бир кўриниши валюта фьючерслари ҳисобланаб, улар маҳсус йирик биржалар савдосида катнашишади.

Валюта фьючерси бозорида фьючерс шартномасини харид қилувчи хеджер бозорда хорижий валюта курси ошганида у спот бозордан анча қулай фьючерс битимида қайд этилган курс бўйича харид қилиши мумкинлиги тўғрисида кафолат олади. Шундай қилиб, спот битими бўйича заарлар хеджернинг фьючерс валюта бозоридаги фойдаси ҳисобига копланади. Таъкидлаш жоизки, фьючерс шартномасини бажариш муддати келганида спот бозоридаги валюта курси фьючерс бозоридаги курсга яқинлашиши кузатилади.

Муддатли битимларнинг яна бир тури спот. Своп битими форвард ва спот операцияларини мужассам этгани ҳолда, валютани бир вақтнинг ўзида ҳам олиш ҳам сотиш бўйича икки контрол битим тузишни англатади. Иккала битим ҳам бир вақтда, бир ҳамкор билан аввалдан ўрнатилган курс бўйича тузилади.

Своп битимлари банклар учун қурайлиги уларни қопланмаган валюта позициясини ҳосил қиласлигида, яъни банкнинг хорижий валюта бўйича талаб ва мажбуриятлар мазкур ҳолатда мос келишида намоён бўлади.

Своп битимларини айниқса, марказий банклар фаол қўллашади. Улар валюта инқизозлари даврида, ўз валюта захираларини вақтингчалик мустаҳкамлаб олишда ва валюта интервенцияларини амалга оширишда спот операцияларидан фойдаланишади.

Хеджирлашни муддатли битимлари ёрдамида амалга оширишнинг тури валюта опционлари ҳисобланади. Валюта опционлари опцион харидори ўзини заарлардан сугурталаш мақсадларида қўлланилиши мумкин.

Валюта, фоиз ва инвестиция рискларини сугурталаш мақсадида шунингдек, ҳозирги пайтда бир қатор молиявий воситалардан фойдаланилади: молиявий фьючерс ва молиявий опцион (кимматли қофозлар билан опцион), келгуси фоиз ставкаси тўғрисида келишув, кимматли қофозларни қўшимча сугурта шартлари билан чиқариш ва бошқалар. Сугурталашнинг бу усууллари бозорда кучли рақобат иштироқчиси бўлмиш экспортчи ва инвесторларга маълум ҳак тўлаш ҳисобига валюта, кредит, фоиз рискларини банклар зиммасига қўчириш имконини беради, ўз наебатида, банклар бундай мажбу-

риятни зиммасига олар экан, авваламбор даромад олишдан манфатдор бўлишади. Янги молиявий воситалар билан операциялар, одатда бир катор мамлакатлар қонунчилиги билан таъкидлангани боис, жаҳон молиявий марказларида мужассамлашган. Рискларни сугурталашнинг бундай усуллари ҳозирги кунда юкори суръатларда ривожланиб келмоқда. Муддатли битимлардан ташки иктисодий фаолият рискини сугурталашда фойдаланиш мижозларга сугурталашнинг якуний қийматини аниқ баҳолашга ёрдам беради.

Ривожланган мамлакатларда маҳсус эксперт фирмалар инвестор ва экспортчиларга мутахассис маслаҳатларини кўрсатиш билан шугуланишиб, инвестиция ва хорижий валютадаги талабларни оптимал хеджирлаш бўйича ўз тавсияларини тақдим этишади (качон, қайси муддатга, қайси валюталарда). Бундан ташкари, банкларнинг ўзлари ҳам, валюта курслари ҳаракатини таҳлил қилувчи ва прогноз қилувчи ходимлар билан таъминланган бўлиб, мижоз рискларини бошқариш бўйича хизматларини таклиф қилишади. Хеджирлаш жараёни маълум валюталар курсига таъсир этиш орқали, муддатли битимлар бозоридаги талаб ва таклифга сезиларли таъсир қиласди.

Валюта рискларини бошқариш усулларидан яна бири валюта курслари ҳаракатини таҳлил қилиш ҳисобланади. Бундай таҳлил фундаментал ва техник таҳлилларга бўлинади.

Валюта курслари ҳаракатини фундаментал таҳлили курсларнинг асосий ўзгариши валюта эмитент – мамлакати иктиносидиёти ривожланишидаги макроиктисодий омиллар таъсирида юз бериши бўйича талқин асосида қурилган. Ўзини фундаменталистларга таалтуқли эканлигини таъкидловчи таҳлилчилар доимий тарзда алоҳида мамлакатлар макроиктисодий кўрсаткичларини кузатиб бориб, валюта курслари бўйича узок муддатли таҳминларини ишлаб чиқишиади.

Макроиктисодий омиллар фақатгина 3 ва 4 турдаги валюталарга таъсир этиши мумкин. Бундай курслар ҳаракатини прогнозлашда одатда, хорижий валюталарнинг асосий кўрсаткичлари ва курси таҳлил қилинади.

Техник таҳлил эса макроиктисодий кўрсаткичлар валюталар курси ҳаракатига ўрта ва киска муддатларда таъсири камлигига асосланади. Бундан ташкари, валюталар курсини мутлоқ аниқлик билан прогноз қилиш математик тизимга асосланган техник таҳлил усули ёрдамида амалга ошириш мумкин. Техник таҳлил валюталар курси тебранишини кузатади ва олди – сотдига сигнал беради.

V боб. СПОТ —БИТИМЛАР ВА «СПОТ» ОПЕРАЦИЯЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

5.1. Спот - битимлар

Форекс спот-битими бу — одатда битим оширилган санадан кейинги иккинчи иш кунида етказиб бериш шарти билан бир валютанинг иккинчи валютага нисбатан сотиб олиниши ёки сотилишидир. Икки иш куни битим хужжатларини расмийлаштиришни ташкиллаштириш ва нақд пулни ўтказиш ҳамда айрим ҳолларда ҳисобкитоблар амалга оширилиши лозим бўлган мамлакатлардаги турли вакт зона (худуд)ларини қоплаш учун қолдирилади.

Спот-битим амалга ошириладиган курс спот-курс деб аталади, ҳисоб-китоблар санаси эса — валюталаш санаси ёки «валюталаш спот санаси» дейилади. Шу санада битим томонларининг ҳар бири контрагент ҳисобварагига маблаг киритиши лозим.

Бир қатор ҳолатларда вакт (соат) минтақаларидағи вактнинг фарқланиши жорий конвертациялаш операциялари «спотгача», яъни бутун (today ёки tod) ёхуд эртага (tomorrow ёки tom) санаси билан амалга оширишга имкон беради. Бундай битимлар, мисол учун, россия рублига нисбатан доллар билан амалга оширилади.

Иш кунлари шанба ва якшанбаларни, шунингдек, валютасида битим амалга оширилаётган ҳар қандай мамлакатнинг банки дам олиш кунларини ўз ичига олмайди. Масалан, агар Швейцария франкига нисбатан АҚШ долларидаги битим 2006 йил 26 май, жума куни амалга оширилган бўлса, демак бу ҳолатнинг спот-санаси 2006 йил 2 июнь бўлган. Шанба ва якшанба кунлари, шунингдек, 29 май — АҚШ байрами, 30 май ва 1 июн — Швейцарияда дам олиш кунлари бундан мустасно.

Банклараро спот-курслар бу — спот битимлари учун сотиб олиш ва сотишнинг жорий нархлариидир. Бутун дунёда стандартлаштирилган услугга кўра ҳар бир жуфт валюта котировкаланиди. Шу билан бирга алмаштириш курси котировкалари ички бозорда халқаро форекс бозоридагидан фарқланиши мумкин. Бунинг имкони сифатида алмаштириш курси котиро^вваларини қуидаги жиҳатларини тушунтириш лозим:

- ISO / SWIFT кодлар;
- базавий валюталар ва котировкаловчи валюталар;
- бевосита ва билвосита котировкалар;

- пипслар (пунктлар) ва катта фигурайлар;
- bid (бид— сотиб олиш) ва offir (ёки ask —сотиш) курслари
- спред
- ISO валюта қоддикшари.

Халқаро стандартлар ташкилоти (International Standard Organization) ҳар бир валютаны учта ҳарфдан таркиб топган код билан белгилайди. Даастлабки иккى ҳарф одатта мамлакат номини, учинчи ҳарф эса валютани ифодалайди, шундай бўлса-да, айрим истиснолар ҳам мавжуд. Бу кодлар СВИФТ тизими орқали ўтувчи банкларро хабарларда, халқаро банклар томонидан қўлланади ва Халқаро стандартга айланган.

Савдо-сотикда қўлланадиган асосий воситаларнинг, шунингдек, мазкур қўлланмада мисол тариқасида фойдаланилган валютлар рўйхати:

SWIFT— кодлар

ATS	Австрия шиллинги
AUD	Австралия доллари
CAD	Канада доллари
CH	Швейцария франки
DKK	Дания кронаси
EUR	Евро
FIM	Финландия маркаси
CBP	Англия фунти
HKD	Гонконг (Сянган) доллари
IDR	Индонезия рупийси
IEP	Ирландия пункти
IND	Ҳинд рупийси
JPY	Япон йенаси
NLG	Нидерланд гулдени
NOK	Норвегия кронаси
NZD	Яңги Зеландия доллари
RUB	Россия рубли
SEK	Швед кронаси
SGD	Сингапур доллари
TRL	Турция лираси
USD	АҚШ доллари
UZS	Ўзбек сўми

Спот-курслар ўзгарувчи валюта (котировка валютаси) бирликлари миқдорига нисбатан базавий валюта бирлиги сифатида котировка қилинади.

Базавий валюта I бирлиги = ўзгарувчи валюта X бирлигига тенгdir. Шартли равища, алмаштириш курси эслатилганида, базавий валюта биринчи бўлиб айтилади ёки чапдан ёзилади, ўзгарувчи валюта эса иккинчи бўлиб, ўнгдан ёзилади.

Масалан,

	Баркарор Валюта	Ўзгарувчи валюта Котировка валютаси
АҚШ доллари / Швейцария франки	/USD /	CHF
Фунтстерлинг/Йена	/GBP /	JPY
Евро/ доллар	/EUR/	USD

Агар спот-курс EUR-USD (евро-доллар) учун 0,9000ни ташкил этса, бу шуни англатадики, бир европинг нархи 0,90 долларга ёки 90 центга тенг.

Халқаро бозорларда айрим валюталар алмаштириш курсларини котировка қилишда анъанавий равища базавий микдор сифатида қабул қилинади. Бир қанча валюталар АҚШ долларига нисбатан котировкаланди, 1 USD = X бошқа валюта бирлиги.

GBP ва эски «стерлинг ҳудуди»нинг айрим валюталари, мисол учун AUD ва NZD кабилар бундан мустасно. Бунга қўшимча равища EUR доимо бошқа барча валюталарга базавий валюта сифатида кўлланади.

Ички бозорларда баъзан алмаштириш курсини тескари тартибда котировкалаш қулай. Бевосита котировка хорижий валютани катъий (белгиланган) микдорига нисбатан миллий валютанинг ўзгарувчи микдори курсини беради. Масалан, 1USD=230 UZS Миллий валютанинг катъий микдорига (одатда бирликларда) нисбатан (карши) хорижий валютанинг ўзгарувчи микдори курсини берувчи котировка билвосита (ёки тескари) котировка дейилади. Буюк Британия билвосита котировкалар тизимини қўлловчи кам сонли мамлакатлар сарасига киради. Лондонда АҚШ доллари бир инглиз фунт стерлингига «п» микдордаги АҚШ доллари сифатида котировкаланди.


Мисол, АҚШ доллари ва швейцар франки ўртасидаги алмаштириш учун USD / CHF - 1,7220.

Швейцариялик савдогар учун: 1 АҚШ долларига 1,7220 Швейцария франки бевосита котировка бўлади; 1 Швейцария франки 1/1,7220=0,58 07 USD (ёки 58,07 цент) билвосита котировка бўлади. Шу тарзда, бевосита котировка = 1/ билвосита котировка.

Алмаштириш курсининг охирги икки рақами пункт (points) ёки пипс (pips), колган кисми катта фигура деб аталади.

1 пипс центнинг юздан бир улушини ташкил этади, деб қабул қилинган. Мисол учун, 0,0001 USD, EUR 0,0001, GBP 0,0001. Лекин истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, доллар-йена котировкасида пипс йенанинг юздан бир улушига тенг (JPY 0,01) ва ўзбек сўми котировкасида ҳам худди шундай (UZD 0,01).

Алмаштириш курсларини котировкалашда одатда бешта рақам берилади, уларнинг дастлабки учтаси базавий рақамни ташкил килиб, дилерлар тилида «катта фигура» (big figure) ни амглатади.



Алмаштириш курслари асосан сотиб олиш курси Bid ва сотиш курси — Offer ёки Ask сифатида берилади. Bid томони кўрсатган курс бўйича нархни котировкаловчи (берувчи) банк, яъни маркет — мейкер мижоздан базавий валютани сотиб олади, Offer томони эса маркет — мейкер мижозга базавий валютани сотадиган курсни кўрсатади.

Мисол:

Bid	Offer
EUR/USD 0,9652 / 0,9657 (ёки 0,9652/57)	

Муаммоларга дуч келмаслик учун ёдда тутиш лозимки, агар маркет-мейкер базавий валютани сотиб олса (яъни, котировкалаш валютасини сотса), бу ҳолда мижоз шу курс бўйича базавий валютани сотиши (яъни, битим амалга оширилишидаги котировка валютасини сотиб олиши) мумкин. Offer томонида ҳам айнан шундай бўлади.

Назаримизда, тушуниш осон бўлиш учун базавий валютани бирон бир товар сифатида кўриш мақсадга мувофик: маркет-мейкер доим товарни имкон қадар арzon нархда сотиб олишни, сотишида иложи борича қимматроқ нархда сотишни мўлжаллайди. Қабул қилинган қоидага биноан котировкалашда харид курси чапдан котировка қилинади, сотиш курси эса ўнгдан.

Спред — сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги фарқ. У маркет-мейкернинг маржасини ифодалайди. Курснинг кучли тебранишлари юз бермаганлиги шарти билан спред маркет-мейкерга даромад олиш имконини беради. Фараз қилайлик, дилер мижоздан долларга айрибошлаш эвазига 0,9315 курси бўйича EUR 1 млн. сотиб олади.

Валюталаш санасида:

Банк олади	+EUR 1,000,000	- 931000 USD
Банк тўлайди	- EUR 1,000,000	+ 931500 USD
Банк тўлайди		
Банк олади		
	0	+ 500 USD

Албаттa, дилер бундай даромад олишини ҳеч ким кафолатламайди, чунки бозор бекарор бўлиб, ҳар дамда ўзгариб қолиши мумкин. Шунга қарамасдан кенгроқ спред дилерни фойда олиш имкониятларини оширади ва шу боис спред дилернинг курсини котировкалаб, ўзини хатарга қўйгани эвазига компенсация бўлади. Спред микдори битим суммасига ва ҳар бир битим хатарига боғлиқ. Юқори ликвидли бозорда спред қичик бўлади, чунки дилернинг қичик ликвидли бозордагига қараганда позицияни фойда билан ёпиш имкони қўпроқ бўлади.

Форекс бозорида савдо қилувчи банклар валюталарнинг ҳар бирида узун, кисқа ва ёпик позицияларни белгилаб қўйдилар. Валюта битимини амалга оширишда банк бир валютани харид қилади ва бошқасини сотади. Спот (дарҳол етказиб бериш) шартларида валюта етказиб бериш битимида у сотаётган валютадаги захираларининг бир қисми сотиб олинаётганига қўйлади.

Агар банк муддатли битимни амалга оширса, бу ҳолда бир валютадаги талабларга эга бўлар экан, бошқасидаги мажбуриятларни ҳам қабул қилади. Натижада ҳар икки ҳолатда ҳам банкнинг активларида ва пассивларида (пулли ва мажбуриятлар шаклида) икки турлича валюта пайдо бўлади, уларнинг курслари бир-биридан қатъий назар ўзгаради. Шу сабаб муайян бир пайтда актив пассивдан ортиқ бўлиши (фойда), ёхуд аксинча пассив активдан ортиқ бўлиши мумкин (зарар).

Банкнинг хорижий валютадаги талаблари ва мажбуриятлари унинг **валютавий позициясини** белгилайди.

Аник бир валюта бўйича улар тенг бўлган ҳолатда валютавий позиция (ҳолат) ёпиқ деб хисобланади.

Очиқ валютавий позиция — бу валюта бозори иштироқчиси (банк, компания) учун ҳорижий валютадаги талаблар ва мажбуриятларнинг мос келмаслигидир.

Узун позиция ҳорижий валютадаги талабларнинг мажбуриятлардан ортиклигини билдиради ҳамда «+» белгиси билан ифодаланади.

Кисқа позиция ҳорижий валютадаги мажбуриятларнинг талаблардан ортиклигини билдиради ҳамда «—» белгиси билан ифодаланади.

Масалан, банк томонидан **1.6540** курси бўйича швейцария франкларига 1 млн. доллар сотиб олинса **1 млн. USD** суммага узун позиция ва **1.654000 CHF** суммага қисқа позиция ҳосил бўлади. Бу позициялар куйидаги қайдлар кўринишида ифодаланиши мумкин.

+ 1,000,000 USD - 1,654,000 CHF

Шу тарзда бир валютага нисбатан бошқасини сотиб олиш ёки сотиш бўйича битим тузилганда бир вактнинг ўзида шу икки валюта бўйича позициялар ўзгаради.

Позицияни ёпиш учун узун позицияда сотиш ва қисқа позицияда сотиб олиш зарур.

Юкорида қўрсатиб ўтилганлардан хулоса қилиб, куйидагаларни қайд этиш мумкин:

– валютадаги узун позиция бу – шундай вазиятки, бунда банк одатда валютани кейинчалик қимматроқ (фойда олиб) сотиш мақсадида шу валютадаги жорий мажбуриятларидан кўра кўпроқ сотиб олади (яъни, валютанинг хариди мажбуриятлардан ортиқ бўлади);

– валютадаги қисқа позиция бу — шундай вазиятки, бунда банк одатда валютани кейинроқ, зарур бўлиб қолганда сотиб олиш учун ўзида мавжуд бўлмаган валютани сотади (яъни, валютанинг сотилиши хариддан ортиқ бўлади). Агар банк олибсотарлик (чайковчилик) учун қисқа позицияни эгаллаб турса, бу унинг шу валюта курси тушишинн кутаётганини англалади;

– банкнинг узун позицияси ҳам, қисқа позицияси ҳам бўлмаса (яъни валютани сотиб олиш харидга тенг) позиция ёпиқ хисобланади.

5.2. Кросс — курслар

Кросс-курслар бу — икки валюта ўртасидаги курслар бўлиб, улар шу валюталарнинг ҳар бирининг курсларини учинчи валютага нисбатан олинганидан хосил бўлади. Асосан бу учинчи валюта АҚШ доллари бўлади.

Мисол: $USD / JPY = 108,20-108,25$

$USD / CHF = 1,7110-1,7120$

USD га нисбатан ушбу курслардан биз йена ва швейцария франки ўртасидаги кроссни ҳисоблаб чиқаришимиз мумкин.

Кросс-курсда базавий валюта сифатида одатда кўпроқ қийматга эга бўлган валюта қабул қилинади. Бизнинг ҳолатда бу CHF. Демак, швейцария франкининг япон йенасидаги курсини аниқлаб олиш лозим (CHF / JPY). Бизнинг мисолимизда маркет-мейкер швейцар франкларини сотиб оладиган ва йеналарни сотадиган нарх Bid томони, яъни харид нархи бўлади.

Модомики, бевосита CHF / JPY бозори мавжуд эмас экан, бу битим икки боскичда АҚШ доллари орқали ўtkазилади. Маркет-маркер қуидаги амалларни бажариши лозим:

1) АҚШ долларига айрибошлиш эвазига швейцар франкларини сотиб олиш.

Курс $USD / CHF = 1,7110/20$, демак, маркет-мейкер 1,7120 курсни котировкалайди;

2) АҚШ долларига айрибошлиш эвазига йенани сотиш.

USD / JPY курси 108,20/ 25га тенг, Модомики, доллар (базавий валюта сифатида) сотилар экан, банк Bid 108,20 томонни котировкалайди.

Bid томон CHF / JPY учун $108,20 / 1,7112 = 63,20 JPY$ учун 1 CHF

Offer томони (яъни сотиш нархи) бу — маркет —мейкер базавий валютани, бизнинг мисолимизда CHF ни сотадиган ва котировкалаш валютасини, яъни JPY ни сотадиган нарх.

Маркет-мейкер бундай операцияни, АҚШ доллари иштироқида битимни амалга ошириш орқали икки боскичда ўtkазиши мумкин:

1) CHF ни сотади ва доллар сотиб олади,

1,7110/20 котировка USD харид курси 1,7110 бўлади.

2) Бир долларга 108,25 юен курсо бўйича йеналарни сотиб олади ва АҚШ долларини сотади. USD / JPY курси $108,25 / 1,7110 = 63,26 JPY$ га 1 CHF ни ташкил этади.

Шундай килиб, CHF /JPY кросс курси: 63,20-63,26 (63,20/26)ни ташкил этади.

Кросс-курсларни хисоб-китоб килишда қайси валюта учинчі валютага нисбатан котировкаларда қайси курс бүйіча сотиб олина-ётгани ёки сотилаётганини аник белгилаб олиш лозим.

Турли валюталар базавий бўлиб ҳисобланishiغا мисол:

GBP/VSD = 1,6240/45

USD/JPY = 105,70/75

Кросс —курсларни ҳисоблаш қондалари

Кросс-курсларни валюта	Ҳар иккниңнан оларды USD га нисбатан котировкалардан (нын битто базага оға булади)	Валютасынни берни оларды АҚШ заманасы котировкалардан
Ўзгарувчи USD/RUB	27,50 - 27,70	USD/CHF 1,6330/35
Бўлиниш		Кўнглифигани ↓ ↓
USD/DEM	2,0410/15	GBP/USD 1,5832/37
Кросс курс DEM/RUB	3,47/3,57	GBP/CHF 2,0620/2,6219
Кросс-курсларни валюта		Ҳар иккниңнан оларды АҚШ заманасы котировкалардан
Базавий валюта	EUR/USD бўлиниш	0,9622/26
Ўзгарувчи валюта	GBP/USD	1,5614/19
Кросс-курс	EUR/GBP	0,6160/0,6165

GBP — USD курси қўйидаги тарзда ҳисобланади:

Маркет-мейкер Bid томонини олиш учун:

- 1,6245 курс бўйича долларга фунт стерлинг сотиб олади;
- 105,70 курс бўйича йеналарни сотади ва доллар сотиб олади;
- Bid 1,6240 x 105,70=171,66

СВР котировкалаш базаси сифатида қабул қилинади .

Маркет — мейкер Offer томонидан олиш учун;

- 1,6245 курс бўйича USD эвазига GBP сотади;
- 10,5,75 курс бўйича JPY сотиб олади ва USD сотади;
- Offer = 105,75 x 1,6245=171,79

GBP/JPY кросс-курси GBP/JPY=178,66-171,79 ни ташкил этади.

Халқаро бозорларда ўтказиладиган спот шартларидаги битимларнинг умумий ҳажмида асосий қисмини, яъни 90 фоиздан ортигини-чайковчилик максадидаги битимлар згаллайди. Операцияларни амалга оширишда дилерлар муайян омилларга таяниб, максимал

фойда олиш ва хатарлардан сұғарталаниш мақсадида ўз фаолиятлари стратегиясини ишлаб чықадылар.

5.3. «Спот» операциясига таъсир этувчи омиллар

Валюта арбитражи валюта курсларининг фарқи ҳисобига фойда олишни англатади. Валюта арбитражининг иккى турини фарқлаш лозим: маконли ва даврий.

Маконли арбитраж — бу вақтнинг айни даврида турли банклардаги валюталар курси ўртасидаги фарқдан фойдаланиш ҳисобига фойда олиш. Масалан, дилер Нью-Йорк банкига 1,6110 курси бўйича долларга фунт стерлинг сотади ва 1,6108 курси бўйича Лондон банкидан сотиб олади. Жаҳон валюта бозорларида маконли арбитраж муайян даврга қадар бир мунча кенг тарқалган тур эди. Лекин замонавий алоқа воситалари ва важоталар бўйича ҳисоб-китоблар тизими ривожланиши билан у ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотди.

Даврий арбитраж — бу бир курс бўйича чайқовчилик мақсадидаги позицияларнинг очилиши ва муайян вақт ўтиши (бир неча дакикадан, бир неча ойгача) билан бошқа ўзгарган курс бўйича кейинчалик ёпилиш ҳисобига фойда олиш. Валюта арбитражининг хозирда кенгрок тарқалган бу тури дилерни алмаштириш курсидаги кулай ўзгаришга мўлжал қилишига асосланар ва валюта позицияларини очишда зарар кўриш хатарини қабул қилиш билан белгиланди.

Валюта курсининг ҳаракати йўналишини (демак валюта арбитражининг тактикасини) белгиловчи, валютани сотиб олиш ёки сотиш тўтрасидаги қарор қабул қилишга омилларнинг уч гурухи таъсир этади:

- фундаментал;
- техникавий;
- кутилмаган кисқа муддатли.

Улар муфассалроқ кўриб чиқилади.

5.3.1. Фундаментал омиллар таҳлили

Фундаментал омиллар ўрта муддатли истиқболда амал қилувчи, валюта бозори иштирокчиларига ва валюта курси даражасига

таъсир кўрсатадиган миллий иқтисодиёт аҳволининг ҳал қилувчи макроиктисодий кўрсаткичлари бўлиб хизмат килади.

Валютани сотиб олиш ёхуд сотиш тўғрисида қарор қабул қилувчи валюта дилерлари, мазкур макроиктисодий индикаторнинг қиймати тўғрисидаги хабар мониторлар экранида пайдо бўлиши биланоқ бир қатор саволларга дарҳол жавоб беришлари шарт. Банк томонидан олинган фойда ёки зарар миқдори уларнинг жавоблари қанчалик тўғрилигига боғлик.

Биринчи савол:

Янгиликлар (иқтисодий индикаторлар) бозор умидларига мувофиқми?

Банкларнинг дилерлари иқтисодий кўрсаткичининг дастлабки прогноз (таксмин)ларини билганиларни боис, у эълон қилинган дастлабки сонияларданоқ улар тахминни ва унинг мавжуд қийматини таққослайдилар. Кўрсаткичининг тахмин қилинган ва реал қийматини мос келган ҳолларда, одатда валюта курсининг кучли силжиши рўй бермайди.

Иккинчи савол:

Пайдо бўлган маълумотлар ижобийми ёки салбийми?

Ижобий маълумотлар валюта курсининг ўсишига олиб келади, салбийлари эса аксинча, унинг пасайишига олиб келади.

Куйидаги фундаментал омиллар ажратилади;

I. Язли миллий маҳсулот -ЯММ

ЯММ миллий иқтисодиёт аҳволининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади ва таркибий унсурлар сифатида унча йирик бўлмаган иқтисодий индикаторларни-истеъмол, инвестициялар, давлат харежатлари, экспорт, импортни ўз ичига олади.

ЯММ ва валюта курси ўзгаришлари ўртасида бевосита боғликлик мавжуд:



ЯММ — Валюта курси

ЯММ нинг ўсиши иқтисодиётнинг умумий яхши аҳволини, саноат ишлаб чиқаришининг ортишини, хорижий сармояларнинг иқтисодиётга оқиб киришини, экспорт кўпайишини англатади, бу эса хорижликларнинг миллий валютага зътиборидан далолат беради. ЯММ ўсишининг бир неча йиллар мобайнида давом этиши иқтисодиётнинг «қизиб кетишига», инфляция тенденцияларини ўсишига ва демакки, валютага талабни англатувчи фоиз қўшилмаларини кўтарилиши кутилишига олиб келади.

2. Реал фонз ставкаси

Мазкур омил ниҳоятда мухим, чунки у мамлакат иктисодиётиг кўйилмаларнинг даромадлилигини (банк депозитлари бўйича фонз лар, облигацияларга кўйилмалар бўйича даромадлилик, ўргача фойда меъёрининг даражаси ва ҳоказо) белгилайди. Фонз ставка (кўшилма)ларининг ва курснинг ўзгаришлари бевосита қўйидагиларга боғлик:

$$\begin{array}{c} \uparrow \qquad \qquad \downarrow \\ \text{Фонз ставкалари} - \text{Валюта курси} \end{array}$$

Реал фонз ставкаларини, яъни инфляция чегириб ташланган номинал фонзни назарда тутиш керак. Бунда, агар номинал ставкалар инфляция ва ЙММининг ўсишидан кўра секинрок кўтарилса, валюта курси ҳатто пасайиши мумкин.

3. Ишсизлик даражаси

Бандлик омили иккита миқдор кўринишида кўрилиши мумкин: ишсизлик даражасида ёхуд унинг зидди бўлган кўрсаткичга — бандлик дарамасида. Валюта курси ва ишсизлик даражаси ўргасида тескари боғликлик мавжуд:

$$\begin{array}{c} \uparrow \qquad \qquad \downarrow \\ \text{Ишсизлик} - \text{Валюта дарожаси} \end{array}$$

Индустрисал (саноатлашган) жойхатдан ривожланган мамлакатлар учун тўлиқ бандликнинг мақроиктисодий ахволига тахминан 6 фонзга тенг бўлган ишсизлик даражаси мувофик келади.

4. Инфляция

Нархлар даражаси ўзгаришларининг икки кўрсаткичи фарқланади:

PPI (Produser Price index) - иштаб чикариш нархлари ўзгариши (саноат товарларининг ултуржи туркумлари учун). Бу инфляциянинг дастлабки атомати, чунки иштаб чикариш нархлари истеммол нархларига кўшилади.

CPI (Consumer Price Index) - Истеммол нархлари индекси инфляция даражасининг бевосита (тўғридан-тўғри) кўрсаткичи.

Инфляция ахволига таъсир изувчи индикаторлардан бири мусаммалаги тул массасининг ҳажми. Нархлар ўсиши сабаби бўлиб мизмат ютувчи башка бир мухим кўрсаткич — давлат бўлгаликларининг камомаси (зебништи) мисози. Бирорқ, бу кўрсаткич ёкисан валюта курси чекатини узок муддатли таҳтили учун кўпланади.

5. Тўлов баланси

Харидардан келадиган тўшумларнинг чет элга тўланадиган тўловлардан ортиқ бўлиши тўлов балансини чубат (ижобий) салъ-

досини ташкил қиласи да миллий валюта курсини ўсишига олиб келади. Чет элга тўланадиган тўловларнинг тушумлардан ортик бўлиши тўлов балансини камомадини (манфий сальдо) ҳосил қиласи да миллий валюта курсини тусишига олиб келади.

6. Саноат ишлаб чиқариши индекси

Алмаштириш курси даражасига, худди ЯММ кўрсаткичи каби, саноатни ишлаб чиқариши ўзгариши бевосита таъсир кўрсатади. Фундаментал омиллар, одатда, кутилган таъсирни кўрсатади, аммо уларни кўллашда эҳтиёткорликка риоя этиш керак. Валюта дилери бу омиллардан ҳеч бирини тахмин қилинаётган валюта курси ўзгаришининг юз фоизлик кафолати сифатида қабул қилинмаслиги керак. Ҳақиқатда ҳар бир ҳолатда бозорда бирор ҳодиса ёки кўрсаткичининг турлича баҳолари, — оптимистик (валюта курсининг ўсишига олиб келувчи) ва пессимистик (унинг тусишига олиб келувчи) баҳолари мавжуд. Мисол тариқасида инфляция кўрсаткичларини келтириш мумкин. Мамлакатдаги инфляция ўсишининг юкори суръатлари, канчалик ажабланарли бўлмасин, валюта курсининг ўзгаришига ижобий таъсир этиши мумкин, чунки бозор ҳукуматнинг жавоб тариқасида инфляцияни «тинчтиш» мақсадида фоиз ставкалари даражасини кўтаришини тахмин қилиши мумкин.

5.3.2 Техник таҳлил

Техник таҳлил — нархлар ҳаракатининг қисқа вақтдаги йўналишини башоратлаш (тахмин қилиш) мақсадида энг аввало жадваллар воситасидаги бозор динамикаси (тараққийси) тадқиқотидир.

Техник таҳлил — фундаментал таҳлилдан фарқли ўлароқ курс ҳаракатини ҳосил қилувчи сабабларни эмас, балки курснинг ўзини ҳаракатларини ўрганишга эътибор қаратувчи тадқиқотидир.

Техник таҳлил — бу бозор таҳлили соҳаси бўлиб, у бозорнинг хотирага эга эканлигини, курсни келажакдаги ҳаракатига унинг ўтмишдаги хулқ-авторига катта таъсир кўрсатишини эътироф этади, шу аснода техник таҳлил назарияси катта даражадаги олдиндан била олиш салоҳиятига эга.

Мазкур омилнинг изоҳи кишилар ва бозорнинг рухиятида яши-ринган. Валютани сотиб олиш ва сотиш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига таъсир этувчи фактларнинг таркибий бир хил тўплами. ҳар сафар ўхшаш натижага — ўрта статистик бозор шароитларида

(тасодифий ҳодисалардан тозаланган) валюта курси ҳаракатларининг такрорланувчи қонуниятлари ҳосил бўлишига олиб келади.

Техник таҳлил қонуниятларига қанчалик кўп одамлар ишонса, назариянинг қарор қабул килиш жараённига таъсири кучлироқ бўлиб, валюта курси ҳаракатига таъсири кудратлироқ бўлади.

Шундай килиб, техник таҳлил қуидаги уч фаразга асосланади:

1. Бозор ҳамма нарсани ҳисобга олади.
2. Нархлар ҳаракати тенденцияларга бўйсунади (тренд-trend).
3. Ҳодисалар такрорланади.

Техник таҳлил муомала жадваллари курсининг, яъни «чарт»ларни таҳлили ҳисобланади. Жадвалларнинг (графикларнинг) бир қанча турлари мавжуд: чизикли жадвал — **line chart**, гистограммалар — **bar charts**, япон шаъмлари — **candie**.

Валюта курси ҳаракати тўлқинсимон тарзда кечади, кўтарилиш пасайиш билан алмашинади, чунки бозор валютани сотиб оловучи дилердан ва уни сотувчи дилердан иборат.

Одатга кўра, валюта курсининг ошишига умид қилувчи кишиларни «буқалар» деб, унинг пасайишига умидворларни эса «айиклар» деб аташади. «Буқалар» ёки «айиклар» устунлигига кўра техник таҳлилнинг муайян қонуниятлари ва фигуранлари жамланади. Масалан, «каналлар», кўтариливш пасаювчи учбурчаклар, «бош ва елка» — Head&Shoulders, Элиот тўлкини ва ҳоказолар.

Техник таҳлилда, шунингдек, маҳсус ҳисобланадиган кўрсаткичлар, яъни валюта курсининг ҳаракатини хусусиятловчи ва уни истиқболдаги муомаласини башорат (таксмин) килиш имконини берувчи осцилляторлар — **oscillators** кўлланади. Қуидаги кўрсаткичлар уларнинг категорига тегишли:

1. **Нисбий куч индекси (RSI — Relative strength index).** Ушбу индекс У. Уайлдер томонидан ишлаб чиқилган ва унинг «Новые концепции использования технических торговых систем» (Техникавий савдо тушумларини қўллашнинг янги концепциялари — New Concepts in Technical Trading Systems) китобида баён қилинган. Бу «0»дан 100 гача бўлган фоизларда валюта курсининг тренд кучини ўлчаш кўрсаткичидир. У охирги микдорларга яқинлашганда эҳтимолий кучланишили тренднинг алмашинуви эҳтимоли хиссасини кўрсатади.

Нисбий куч индекси (RSI) қуидаги формула билан ҳисоблаб чиқарилади:

$$RSI = \frac{100 - \frac{\sum_{n=1}^N \text{куйтүрүшүнүү саны} - \text{араларыңынчык жартын} \cdot 100}{\sum_{n=1}^N \text{куйтүрүшүнүү саны} + \text{араларыңынчык жартын} \cdot 100}}{100}$$

2. Курснинг ўртача харакати кўрсаткичи (Moving Average - MA). Бу валюта курсининг муайян даврдаги тенг интервал (оралиқ)лар орқали ўртача арифметик кўрсаткичи. У тасодифий тебранишларни бартараф қилиш ҳамда ўртача трендни чиқариш ва ҳоказолар учун кўлланади.

5.3.3. Куттимаган қисқа муддатли омиллар

Мазкур омиллар валюта курси харакатининг динамикасига жиддий ўзгаришлар киритиши мумкин.

Уларга куйидагилар киради:

- Форс-мажор ҳолатлари — табиий оғатлар. Сиёсий воқеалар-урушлар, президентларнинг ҳокимиятга келиши ёки истеъфога чиқиши, сиёсий жанжаллар, террорчиллик харакатлари ва ҳоказолар.
- Сиёсий раҳбарларнинг фикрлари;
- Марказий банкларнинг валютавий тажовуз (интервенция)лари.

Миллий валюта курсининг тушиши шароитларида Марказий банк уни кувватлаш тўгрисида қарор кабул қиласди. Интервенция Марказий банк томонидан ваколатли тижорат банклари билан биргаликда валюта сотиб олиш ёки сотиш бўйича бевосита битимлар шаклида ўтказилади. Охирги йилларда ривожланган 17 мамлакат Марказий банклари долларнинг асосий валюталарга нисбатан курсини кувватлаш учун валюта интервенцияларини ўтказишида келишиб ҳаракат қилиш тўгрисида битимга келдилар.

VI бөб. МУДДАТЛИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

6.1. Валюта бозорида форвард операциялари

Форвард операциялари икки турга ажратилади: аутрайт (outright) битимлари ва своп (swap) битимлари. Биринчи тур спот санасидан фаркланувчи, валюталаштириш санасига эга бўлган ягона конверсияланган (шартлари ўзгартирилган) операцияни акс эттиради, иккинчиси эса турлича валюталаштириш саналарига эга бўлган икки қарама-карши конверсия операциялари комбинацияси (бирикмаси)дан иборат.

6.1.1. Форвард валюта контракти

Форвард операциялари (Forward operation, қисқартирилган — Fvd) — олдиндан келишилган курс бўйича валюта алмаштириш битимлари бўлиб, улар бугун тузилади, аммо валюталаштириш (контрактни бажариш) санаси келгусидаги муайян санага қолдирилган бўлади. Форвард валюта контрактига қуидагича аниқ таъриф бериш мумкин.

Форвард валюта контракти, бу банк ва мижоз ўртасидаги кечкитирилмайдиган, бузилмас (бекор қилинмайдиган) ва мажбурий контракт;

– кўрсатилган хорижий валютанинг муайян миқдорини контракт тузилган пайтда қайд этилган қатъий алмаштириш курси бўйича сотиб олиш ёки сотиш контракти;

– контрактда кўрсатилган келгусидаги муайян вақтда валюта етказиб бериш ва унинг ҳакини тўлаш учун контракт.

Келтирилган таърифда аниқлаштиришни талаб этувчи бир канча мухим жиҳатлар мавжуд, яъни:

1) Бу бузилмайдиган (бекор қилинмайдиган) мажбурий контракт. Контракт тузилганидан сўнг мижоз ундан бош торта олмайди. Мижоз контрактда кўрсатилган хорижий валютани сотиб олиши ёки сотиш шарт;

2) Бу аниқ суммага оид контракт. Мижоз сотиб олиш ёки сотиш учун контрактда кўрсатилганидан ортиқ ёки кам суммани танлай олмайди.

Форвард валюта контракти қатъий ёхуд мұваққат опционы бўлиши мумкин.

Қатъий белгиланган форвард валюта контракти — бу келгусидаги аниқ бир санада бажарилиши лозим бўлган контракт.

Опционли форвард контракти мижознинг ихтиёрига кўра куйидагича бажарилиши мумкин:

— контракт тузилган санадан бошлаб, бажарилишининг аниқ санасига қадар истаган вақтда;

— келажакдаги икки аниқ санаси ўртасидаги давр давомида.

Форвард валюта контракти, яъни қатъий белгилангани ҳам, мұваққат опциолиси ҳам, тузилганидан сўнг мажбурий тус олади. Банк мижознинг унга риоя этишини талаб қилиши лозим, чунки акс ҳолда банк мижозининг форвард контрактини «ёпиши» ёхуд муддатини чўзиши лозим бўлади.

Форвард операциялари валюта хатарларини суғурталаш учун кенг кўлланилади.

Масалан, турли валюталардаги тўловларга ва тушумларга эга бўлган ташки савдо ташкилотлари форвард контрактларини кўлланган ҳолда валюта курсларининг ўзгариши хатарини суғурталашга лаёқатлидирлар. Бунда алмаштириш курсини олдиндан билган корхона ўзининг келажакдаги харажатларини ҳисоблаб чиқишга ва тўгри нарх ҳамда инвестиция сиёсатини белгилашга қобил бўлади.

Форвард позицияларини қўйидаги жиҳатларига эътибор бориш керак:

а) Форвард сотуви. Келажакдаги етказиб бериш санаси учун спот курси жорий форвард курсидан паст бўлса, бу ҳолда форвард контракти сотувчиси фойда олади. Агар спот юкори бўлса, бу ҳолда у зарар кўради.

б) Форвард хариди. Агар келгусидаги етказиб бериш санасининг спот курси жорий форвард курсидан юкори бўлиб қолса, форвард контракти харидори фойда олади. Агар келгусидаги сананинг спот-нархи паст бўлиб қолса, бу ҳолда харидор зарар кўради, чунки валютани юкорироқ форвард курси бўйича сотиб олишга мажбур вазифаси бўлади.

Шундай бўлса-да, форвард контрактининг харидори келажакда спот курси пасайиши билан зарар кўради, чунки форвард курси унинг хорижий валютага сотиш ёки сотиб олишни мўлжалланган маҳсулоти қийматига киритилган бўлади, деб ҳисоблаш нотўғридир.

6.2. Валюта бозорида форвард курсининг аниқланиши

Форвард курслари, яъни валютанинг форвард нархи бозорда котировка килинмайди. Профессионал жиҳатдан ривожланган бозорда дилерлар фактат спот курс ва форвард курслар ўртасидаги фарқ билан иш кўрадилар.

«Спот» ва «форвард» битимлари ўртасидаги фарқ, агар келгусида етказиб бериладиган валюта арzonроқ котировкаланса «Спот» курсидан чегирма (дисконт- discount) сифатида белгиланади, ёки агар келгусида етказиб бериладиган валюта накд, савдодагидан кўра қимматрок котировкаланса, рағбат (remium ёки репорт - R) сифатида белгиланади. Бундай фарқ форвард пунктлар ёки своп пунктлар сифатида маълум.

Умуман олганда чегирма ёки рағбат (мукофот) миқдори спот-курсига караганда нисбатан барқарорроқ. Шу боис банклараро бозорда муддатли битим курсини котировкалашда кўшимча рағбат ёхуд дисконти белгиланиб, улар бевосита котировкада тегишли равишда спот курсига кўшилади ёки ундан чегирилади. Валюталарнинг билвосита котировкасида дисконт спот курсига кўшилади, рағбат эса чегирилади.

Рағбат ва дисконт миқдори йиллик фоизларга ҳисоблаганда еровалюталар бозорида депозитлар бўйича фоиз ставкаларидаги фарққа мувофиқ келади. Бу нарса шу билан изоҳланадики, фарқ, валюта-депозит арбитражи ёрдамида тўғриланади ёки нейтраллаштирилади. Белгиланган валютадаги депозит жалб этилиб, бу валюта бошқасига сотилади. Сотиб олинган валюта эса ҳудди ўша муддатга депозитга жойлаштирилади.

Агар форвард битими бўйича валюта курсига тегишли рағбат фоизлар ставкасидаги манфий фарқдан паст бўлса, бу холда банк фойда олади. Бундай операциянинг ўтказилиши депозит ва валюта бозорларида талаб ва таклиф нисбатини ўзгаришига олиб келади ҳамда тегишли равишда фоиз ставкаларидаги манфий ёки мусбат фарқ накдли курс учун чегирма ёки рағбатлар учун негиз бўлиб хизмат қиласиди.

Мавжуд қоидага кўра:

- паст фоиз ставкали валюта муайян муддатда «форвард» шартларида юкори фоиз ставкали валютага ўша давр рағбати билан котировкаланади;
- юкори фоиз ставкали валюта муайян муддатда «форвард»

хатарларида паст фоиз ставкали валютага ўша давр учун чегирма ёки дисконти билан котировкаланды.

Шунга асосланиб, айтиш мумкинки, бозор паст фоиз ставкали валютадаги узун позицияни ушлаб турғанларга «компенсация» беради ва юқори фоиз ставкали валютадаги узун позиция ушлаб турғанларни «жарималайды».

Форвард пунктлари шаклидаги дисконт ёки рагбат күйидаги тарзда хисобланады:

Pt (агар (+))- Dis (агар (-))-

Слот курс (котировка валютасининг % базавий валютанинг % x Құштар сони)

360×100 (базавий валютанинг % x құштар сони)

Валюталарнинг күпчилиги учун фоиз базаси сифатида қабул қилинган 360 кун ўрнига хисоблашда фунт стерлинг, белгия franki ва сингапур доллары учун 365 кунни хисобға олиш керак.

Юқорида көлтирилгандай формула асосида «аутрайт» ўртача курси учун ўртача форвард пунктларини хисоблаш мумкин (Bid ва Offer томонлари хисобға олинмаган ҳолда):

Bid	Offer Bid * (Bid өзінде % - 3, Fip 0,5%) күштар сони
Форвард пунктлари	$360 \times 100 + (Bid \text{ базавий валюты } \% * \text{ күштар сони})$

Offer:	Offer Bid * (offer өзінде % - 3, Bid беza%) * күштар сони
Форвард пунктлари	$360 \times 100 + (Bid \text{ базавий валюты } \% * \text{ күштар сони})$

$\frac{\text{Bid} - \text{Offer}}{\text{Market EUR - USD} - 0.9850 - 0.9860}$

Доллар ва евро депозитлари бүйича фоизлардаги уч ойлик ставкалар:

	Bid	Offer
USD	5,7	5,8
EUR	3,42	3,49

Бу ерда, Bid томони депозитни жойлаштириш мумкин бўлган ставкани кўрсатади, Offer эса жалб қилиш мумкин бўлган ставкани кўрсатади.

Bid	0.9850* (5.7-3.9)* 90 кун
Форвард пунктлари	360*100+ (3.49 90* кун)
Offer	0.9860* (5/8-3/42)* 90 кун
Форвард пунктлари	360*100+ (3.42 90* кун)
Бундан	
	Bid
EUR/USD спот-курс	0,9850
+ Зой рағбат.	59/95
яъни	0,9854/0,9895
Зой.Форвард курс (Outright)	0,9904
	Offer
	-0,9860
	58/17
	0,9858/0,9817
	-0,9918

Худди «Спот» битимларидаги каби, Bid томонида «аутрайт» форвард курсини котировкаловчи банк келгусида валютани етказиб бериш шартларида АҚШ долларига нисбатан базавий валютани со-тади.

Маржа (спрэд) миқдори Bid ва Offer томони ўртасида дисконт ёки рағбатни ва аутрайт курсини котировкалашда худди «спот» курсини котировкалашдаги каби омилларга боғлиқ бўлади, яъни контрагентнинг феъл-авторига ва позициясига, контршериклар ўртасидаги ўзаро муносабатларга, бозор вазияти, битим суммаси ва бошқаларга боғлиқ.

Халқаро бозорларда ишловчи валюта дилери учун REUTERS агентлиги стандарт муддатларда форвард пунктлари ставкаларининг жорий қийматлари ҳакида ахборот беради. Кулайлик мақсадида улар депозитлар бўйича фонз ставкалари билан биргаликда котировкаланади. Бу котировкалардан фойдаланганда куйидаги коидаларни ёдда тутиш лозим:

- агар форвард пунктлари чапдан ўнгга ўсиб борса (Bid котировкаси Offer котировкасидан кичик), бу ҳолда аутрайт курсини топиш учун (яъни мутлақ рақамли қийматда ифодаганган форвард котировкаси) форвард пунктлари спот курсига кўшилади;

- агар форвард пунктлари чапдан ўнгга камайиб борса (Bid томони Offer томонидан катта). Бу ҳолда форвард контракти учун аутрайт курсини топиш мақсадида форвард пунктлари спот курсидан чегириб ташланади.

Масалан, валюта дилери АҚШ долларининг олти ойлик курсини швейцария франкига котировкалаши лозим. АҚШ доллари

бўйича фоиз ставкалари швейцария франкинига қараганда юқори эканлиги сабабли, доллар швейцария франкига чегирма билан котировкаланиди. Дилер REUTERSнинг олти ойлик (M) давр учун зарур саҳифасини топади. Масалан, форвард пунктларининг куйидаги олти ойлик котировкалари: — 331 /328. жорий USD/CHF спот курси 1.6572/77 ни ташкил этади.

Модомики, форвард пунктлари чапдан ўнгга камайиб борар экан, бу ҳолда улар «спот» курсидан чиқариб ташланishi керак бўлади:

USD/CHF спот	1.6572	/	1.6577
6 ой. форв. пункты	- 331		- 328

6 ой. аутрайт курси	1.6241	/	1.6249
GBP/LSD			

Бу ерда биз яна шунга ишонч ҳосил қиласизки, банк ҳар доим ўзи учун фойдалирок бўлган курсни котировкалайди, яъни у кўпроқ миқдордаги хорижий валюта бирликларини камроқ миқдорга бошқа бир валюта бирлиги эвазига олишга интилади. Баъзан форвард пунктлари котировкасини ушбу шаклда кўриш мумкин: -5/+5 бу *паритет атрофига* (round par) тушунчасини англатади.

Агар икки валюта учун мазкур даврда фоиз ставкалари тенг бўлса ва форвард ва спот курснинг ўртacha миқдорлари амалда барабар бўлса бу ҳол юз беради.

Форвард курси бу ҳолатда қуйидагини ташкил этади:

Спот - курс	1.4995	/	1.5005
Форвард пункты	- 5		+5
Аутрайт курси	1.4990		1.5010

Шўнинг учун форвард курс кейинги муддат учун спот-курснинг корректировкаси (ўзгартмаси) бўлиб ҳисобланади.

$$X = \text{Спот-курс} + \frac{\text{Фоизставкаси (х%)} \times \text{курслар сомни}}{360} (\text{ёки } 365) \times 100$$

$$Y = 1 + \frac{\text{Базавий валюта сурʼономалар бўйича фоиз ставкаси}}{360} (\text{ёки } 365) \times 100$$

Бундан, валюта дилери учун заарсиз курс X/Y нисбатига тенг бўлади.

Лекин кўпинча шундай бўладики, мижоз тўловни амалга ошириш санасини кун-кунигача аниқликда билишга ишончи комил бўлмайди ёки буни билмайди. Шу билан биргага у муайян вақт мобайнидаги тахминий санани билади (масалан, ой давомида, иккинчи ҳамда тўртинчи ойлар давомида ва ҳоказо). Бундай вазиятта тушган мижоз дилер (банк) билан опционли форвард контракти тузади, унда қатъий (чекланган) контрактдагидан фарқли ўлароқ, аник санани эмас, балки ўзига муайян миқдорда хорижий валюта керак бўлиши мумкин бўлган вақт оралигини кўрсатади.

Демак, вақтингчалик опционли форвард контрактининг вазифаси форвард валюта контрактини янгилаш заруратидан қочиш ва уни бир неча кунга чўзишдан иборат. Чунки бир кунлик харажатлар нутктаи-назаридан ниҳоятда қимматга тушиши мумкин. Шу сабабли мижоз вақтингчалик опционли контрактларни кўллаб, ҳатто ўша санани аник билмагани ҳолда ҳам ўз валюта хатарини қоплаши мумкин.

Мижоз томонидан ўз банки билан вақтингчалик опционли форвард контракти тузилганида, банк котировка қиладиган харид ёки сотувнинг курсини белгилаши лозим. Банк опцион даври мобайнидаги ҳар қандай санада ўзи учун қулай бўлган курсни котировкалайди, чунки банк мижознинг банк ҳисобидан қулай курс олмаслигига амин бўлиши керак.

Бунда шуни ёдда тутиш лозимки, банк доимо арzon сотиб олади ва қимматроққа сотади.

Мисол: Фараз қиласайлик, мижоз опционли форвард контрактини тузишни хоҳлайди ва унга кўра 2 март билан 2 апрел ўртасида 100,000 GBPни АҚШ долларига сотмоқчи. У банкдан ўзи учун шу контракт бўйича ставкани котировка қилишни сўрайди. Тахминга кўра контракт 2-февралда тузилади:

Спот-курс - GBP/USD 1.6115 1.6120

Бир ойлик форвард-курс — 0.2 0.5

Икки ойлик форвард-курс — 0.8 1.2

Фунтлар харидининг банк курси:

1.6115 +0.00002 = 1.61152

1.6120 +0.00012 = 1.61212.

Банк учун 1.61152 фойдалироқ ҳисобланади, унга кўра GBP ни USD га сотиб олади ва мижоз

100,000 / 1.61152 = 161,152 USD олади.

6.2.1. Валютанинг форвард котировкаси

	Рағбат	Дисконти
Банкнинг Харид курси	Опцион давриининг охирги кунидаги курс	Опцион давриининг биринчи кунидаги курс
Банкнинг сотиш курси	Опцион давриининг биринчи кунисдан курс	Опцион давриининг охирги кунисдан курс

Рағбат мавжуд бўлган контрактга мисол:

Мижоз валюта дилери (банк)дан немис экспортчисига товарга хақ тўлаш учун 15 апрел ва 15 май орасидаги бирор кунда АҚШ долларига 1.000.000, евро сотишни сўрайди. Спот-курс 15 февралда (мижоз контракт тузишни хоҳлаган кунда) 1.1278 / 82 ни ташкил этади:

Икки ойлик рағбат	0.0035/36
Уч ойлик рағбат	0.0051/53

Мижоз евро сотиб олиб, банкка АҚШ доллари сотиш истагида бўлганлиги боис биз Bid томонига эга бўламиз. Банк опцион давриининг биринчи куни курсини котировкалайди.

$1.1278+0.0035 = 1.1313$, мижоз эса 1.1313 курси бўйича 1.131.300 долларга 1.000.000 евро олади.

Шуни ёдда тутиш керакки, бир валюта учун рағбат бўлган форвард пунктлари мувофиқ равишда иккинчиси учун дисконт бўлиб хизмат килади, яъни охирги мисолимизда евро учун рағбат бўлиб ҳисобланган форвард пунктлари АҚШ долларига нисбатан дисконт бўлади.

6.3. Валюта бозоридаги форвард битимлари турлари ва уларнинг ҳисобини юритиш

Валюта бозорида форвард операциялари турли мақсадларда ва турли иштирокчилар томонидан амалга оширилади. Шундай бўлсада, уларнинг катта қисми хеджирлаш-валюта хатарини сугурталаш мақсадида амалга оширилади.

Фараз қилайлик, Ўзбекистонлик импортчи импорт қилинган товар учун уч ойдан кейин ҳақ тўлаши керак. Дейлик, тўлов 1.000.000 долларда ифодаланган. Евронинг АҚШ долларига нисбаба-

тан курси жорий бозорда бир -евро учун 0,9750 долларни ташкил этади. Бинобарин, агар импортчи агар хоҳласа, дарҳол 1 млн. еврони 975000 долларга сотиб олиши мумкин. Лекин у бирор муддат кутиб туриши, евро харидини товарга ҳақ тўлашдан 2 кун олдин амалга ошириши мумкин. Бу давр ичидаги европинг долларга нисбатан курси ҳар қандай йўналишда ўзгариши мумкин: ё кўтарилади, ё пасаяди. Агар бозорда курс 0,9650 га тушса, бу ҳолда имортчи евро хариди учун энди камрок доллар сарфлайди. Агар курс 0,9900 гача кўтарилса, табиийки, имортчи евро хариди учун кўпроқ доллар тўлашига тўғри келади. Валюта курсидаги бундай салбий вазиятлардан сакланиш учун импортчилар ва экспортчилар контрактнинг тўлиқ суммасига ёки унинг муайян бир қисмига тузиладиган форвард битимларга мурожаат киладилар. Тўланиши керак бўлган бутун тўлов суммаси учун форвард битими валюта курсидаги салбий ўзгаришларни суғурталайди. Шу билан бирга улар келгусидаги фаолият ҳисоб-китоби учун зарур негизни яратиш имкониятини беради. Хориждан бутловчи ашёларни импорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналари ёки хорижий валютага товар сотувчи маҳсулот экспортчилари бунга мисол бўла оладилар.

Валютавий экспозиция, яъни валютавий хатарга берилувчаник, бинобарин уни хеджирлаш зарурати турли носавдо операциялари билан белгиланади. Улар сирасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

– Хорижий валютада амалга ошириладиган барча инвестициялар ва қимматли қоғозлар, пул бозоридаги депозитлар ва бериладиган кредитлар, бевосита инвестициялар ва ҳоказолар хорижий валютадаги активларни ифодалайди. Валюта хатари бу вазиятда мазкур актив валютасининг форвард сотуви билан суғурталанган бўлиши мумкин;

– Хорижий валюта бозорларида хорижий валютада амалга оширилган қарз олишлар хорижий валютадаги мажбуриятларни ифодалайди ва бунда юзага келадиган валюта хатари мажбурияти мазкур валютанинг форвард хариди билан қопланishi мумкин.

Шундай бўлса-да форвард контракти битимни амалга ошириш мажбурияти бўлиб ҳисобланади. Битимнинг ижроси санасидаги спот курсининг куляй ўзгариши ҳолатларида форварддан кўра фойдалирок битимни амалга ошириш имконияти йўқолади.

Форвард битимлари, валюта хатарини суғурталашдан ташкари, шунингдек, узок муддатли чайковчилик позициясини очиш вosis-

таси сифатида ҳам қўлланади. Бу ҳолатда форвард валюта позицияси жорий валюта курсининг ижобий ўзгаришидан форвард позицияси муддати давомида фойда олиш учун қўлланади. Бунда форвард битими тўлов кунида тузилган қарама-карши спот битим билан ёки дастлабки фбрвард контрактига тенг бўлган қисқа муддатга тузилган тескари форвард битими билан компенсация килинади ёхуд қотиланади.

Форвард битимлари балансдан ташқари ҳисобланади ва шу сабабли балансдан ташқари счёtlарда акс этади.

Мисол:

USD га нисбатан 22/03/2006да 100.000 EUR сотувчи амалга оширилди, валюталаш санаси уч ойдан кейин, яъни 22/06/2006. Жорий спот-курс 0,9650 ни ташкил этади. Форвард рағбати 61,40га тенг. Демак, форвард курси 0,97114 ни ташкил этади, сотиб олинган долларлар суммаси эса, тегишлича 97,114 АҚШ доллари.

Бунда куйидаги проводка (ўтказма)лар амалга оширилади:

- | | |
|----------|---|
| 1. Дебет | Форвард ҳариди счёti USD - 97.114 |
| Кредит | Котречёт |
| 2. Дебет | Форвард сотуви счёti EUR + 100.000 |
| Кредит | Котречёт |
| 3. Дебет | Сўмининг форвард сотуви счёti (USDга нисбатан)
(97.114* алмашув курси USD/UZS) |
| Кредит | Котречёт |
| 4. Дебет | Сўмининг форвард ҳариди счёti (EURга нисбатан)
(100.000* алмаштириш курси EUR/UZS) |
| Кредит | Котречёт |

Валюталаш санасида 22/06/2006 да ҳар бир счёт бўйича тескари проводкалар ўтказилади ва энди баланс счёtlарида-кейинги проводкалар:

1. Дебет Позицион счёti EUR (100.000)
Кредит Корреспондент счёti EUR (100.000)
2. Дебет Корреспондент счёti USD (97.114)
Кредит Позицион счёti USD (97.114)
3. Дебет Позицион счёti UZD (USDга нисбатан)

Миллий валюта-сўмга нисбатан валюта курси ўзгарганда форвард позициясини қайта нархлаш куйидагича тарзда амалга оширилади:

1. Қайта нархлаш курси бўйича (МБ расмий курси) ҳар бир валютага оид форвард позицияси қолдиги баҳоланади.
2. Мазкур сумма сўмдаги форвард ҳариди ёки сотуви счёti билан таққосланади.

Валютани сотишида, агар валютани баҳолаш суммаси қайта нархлаш курси бўйича сўмдаги форвард валюта сотуви суммасидан катта бўлса, бу ҳолда фарқ қўйидаги проводка билан балансга кирим қилинади:

Дебет. Форвард битимлар бўйича ревальвацияда қайта нархлашдан реализация қилинмаган фойда.

Кредит. Банкнинг даромадлари

Агар қайта нархлаш бўйича валютани баҳолаш суммаси сўмдаги форвард валюта сотуви суммасидан кичик бўлса, бу ҳолда фарқ қўйидаги проводка билан балансга кирим қилинади:

Дебет. Банк харажатлари

Кредит. Форвард битимлар бўйича девальвациялашда қайта нархлашдан реализация қилинмаган заарлар.

Агар қайта нархлаш курси бўйича валютани баҳолаш суммаси сўмдаги валюта форвард хариди суммасидан кам бўлса, бу ҳолда фарқ қўйидаги проводка билан балансига кирим қилинади:

Дебет. Форвард битимлар бўйича девальвациялашда қайта нархлашдан реализация қилинмаган фойда.

Кредит. Банк даромадлари

6.4. Валюта бозорида «своп» битимлари

Валюта хатарларини сугурталашда «своп» битими анча кенг тарқалган.

Бу турдаги битимлар тўғрисида ўрта асрларданок маълум бўлган, ўшанда италиялик банкирлар векселлар билан операциялар ўтказиб уларни сотиб олиб, дарҳол муайян муддатга сотиб юборишарди. Кейинроқ булар рапорт ва депорт операциялари шаклида ривожланиб кетди. Репорт - ўзаро боғлиқ икки операциянинг биримаси: хорижий валютани нақд сотиш ва уни муддатли сотиб олиш. Репорт - худди ўша битимларнинг тескари тартибдаги бирикучи: валютани «спот» шартларида сотиб олиш ва уни муддатли сотиш.

Вақтлар ўтиб «своп» операциялари банклар томонидан турли валюталардаги депозитларни эквивалент суммаларга айрибошлиш шаклини олди. Бу операциянинг камчилиги банк балансининг ушбу операция суммасига ошишидан иборат бўлиб, бу унинг коэффицентини ёмонлаштирас ва қўшимча хатарларни яратар эди. Чунки депозитларни олиш ва тақдим этиш икки мустақил операциялар

бўлиб, компенсациялана олмайдиган валюталар билан бўладиган «своп» операцияси бу муаммоларни ҳал этишга имкон беради: мажбуриятлар хисоби балансдан ташқари счётларда юритилади, валюта айрибошлиш олди-сотди шаклида, яъни ўз - ўзини компенсацияловчи ягона битим кўринишида амалга оширилади.

Бугунги кундаги амалиётда валютавий своп (*currency Swap, swap -алмастириши, айрибошлиши*) турли валюталаш санасига эга бўлган бир хил суммадаги икки қарама-қарши конверсион битимларнинг комбинациясидан ташкил топган валютавий операцияни ифодалайди.

Своп учун мос, муддати бўйича анча яқин битимнинг ижро санаси валюталаш санаси (*Value date*) дейилади. Муддати бўйича узокроқ бўлган битимнинг ижро санаси эса свопнинг тугаш санаси (*maturity date*) деб аталади. Одатда своплар бир йилгача бўлган муддатга тузилади.

«Своп» операциялари банклар учун қулай: улар очик позицияни ҳосил қилмайди (харид сотув билан қопланади), Ноқулай томонга ўзгарган курс ўзгариши билан боғлиқ хатарсиз зарур валюта билан вақтинчалик тъминлайди.

Валюта свопларини уч турга бўлиш мумкин:

1. *Стандарт своплар (спотдан)*. Агар банк биринчи битимни спотда амалга оширса, унга тескарисини эса форвард шартларида, мисол учун ҳафталик муддатлисида бажарилади. Бундай своп «спот-уик» (*S|v svap*) деб аталади.

2. *Кисқа бир кунлик своплар (спотгача)*. Агар биринчи битми эртага валюталаш санаси билан амалга оширилса (*tomtomope*), тескариси эса спотда бажарилса, бундай своп «том-некст» (*tom - next Svap*) дейилади.

Модомики, «своп» стандарт битими икки битимдан таркиб топар экан - бири спотда, бошқаси эса форвардда, улар бир вақтнинг ўзида банк корреспондент билан тузилади, ўз курсларида умумий спот-курсга эга бўладилар. Бу икки битим учун курслардаги фарқ факат иккинчи форвард битимида ҳисобга олинадиган аник бир даврдаги форвард пунктларидан иборат. Айнан улар мазкур давр учун своп котировкаси бўлади (уларнинг номи шундан келиб чиқкан: своп-пунктлар -*Svap points, svap rate*). Шу аснода свопни котировкалашда дисконт ёки рағбат факат икки томонлама котировка шаклидаги, тегишли давр учун форвард своп-пунктларини (дисконт ёки рағбат) котировкалаш қифоя.

Масалан: Bid Offer
1 EUR / USD 6 month Swap =129 – 132

Мазкур котировка шуни англатади, банк Bid томони бўйича форвард шартларида (своп тугаши санасида -maturity) базавий валютани (EVR) сотиб олиб, уни Offer спот курси томонидан спот шартларида сотадиган курсни котировкалайди. Ва аксинча, Offer томонидан котировкаловчи банк своп тугаши санасида базовий валютани сотишни амалга оширади, Bid томонида спот санасида етказиб бериш шартларида спот битимлари бўйича жорий курсда сотиб олади.

6.4.1. Қисқа своплар бўйича курслар (спотгача)

Спотгача своп бўйича курслар мувофиқ даврлар учун (овернайт – o/p, том-некст – t/n) дисконт ёки рагбат (форвард пунктлари) шаклидаги стандарт свопларга оид курслардаги каби котировкаланди.

Бунда муддати бўйича биринчисига оид курслар хисоб-китоби спотгача валюталаш санаси учун аутрайт курсларини ҳисоб-китоб килиш килиш қоидаларига мувофиқ ҳолда тузилади.

Агар форвард пунктлари чапдан ўнгга ўсиб борса (базовий валюта рагбат билан котировкаланса) биринчи спотгача своп битими учун алмаштириш курси спотдаги контр-битим алмаштириш курсидан паст бўлиши мумкин. Спотдан аввалги битим бўйича курсга эга бўлиш учун форвард пунктларининг ўрни алмаштирилади ва спот курсидан чегирилади. Дисконт билан котировкалаш ҳолатида эса биринчи битимга оид курс спотда валютани етказиб бериш битимига оид курсдан юкори бўлиши керак, яъни агар форвард пунктлари чапдан ўнгга пасайиб борса, бу ҳолда уларнинг ўрни алмаштирилади ва «спот» курсига қўшилади.

Бир кунлик «своп том-некст» битимлари валютавий позицияни бир кунга пролонгация қилиш (муддатини узайтириш) учун қўлланилади. Масалан, дилер 7 май куни спот шароитларида Швейцария франкига нисбатан АҚШ доллари харидини амалга оширади.

8 май куни у қандайдир сабабларга кўра етказиб бериш санасини бир кунга чўзишга қарор қиласди. Фарағ қилайлик 8-май куни бозорда куйидаги вазият юзага келади.

	BID	ASK
Спот курс USD/SFR	1,7280	/ 1,7285
Tom-next Swap	-2	/ -1

Курс

tom etkazib bеришті USD/SFR 1,7281 / 1,7287

Бинобарин, дилер *tom next Sell / buy Swap* (своп эртага сотди / индингә сотиб олди)ни амалға ошириди: 9 май валюталаш санасыда 1,7281 курси бүйіча сотув (котировкалаш томонининг харид курси), 10 май 2006 йил валюталаш санасыда 1,7285 курси бүйіча харид.

Гарчи валюта хатари умуман олганда форвард операциялари воситасыда сұгуруталанса-да, улар нотұловлик (дефолт) хатаридан ҳимоялай олмайды. Айнан шу боис банклар шерикларини таҳлил этиб, үнга кредит линиясини очадилар. Бунда форвард операцияларини ўтказиш учун кредит линияси суммасы одатда нақдли битимлар ўтказиш лимити суммасыдан иккі баробар кам бўлади, чунки банк битим бүйіча ҳисоб-китоб килиш санасини кейинга сурис, шеригининг молиявий аҳволи бу муддат давомида ўзгариши мумкинлиги ва битимларни амалға ошириш учун илгари ажратилган кредит линияси унинг учун номувофик бўлиши хатарини оширади.

«Своп» операциялари, хусусан унинг форвард томони балансидан ташқари счётларда акс эттирилади. Своп ва форвард операциялари бозорларининг қўлами кенг. Операциялар амалға ошириладиган суммалар тижорий фаолиятда ҳақиқатда фойдаланиладиган капиталдан кўп марта ортиқ.

Операциялар қўплаб воситачилардан иборат ҳалқани қўллайди. Уларнинг ҳар бири ўз шериги олдидағи мажбуриятига эга бўлади ва бунга яна кимлар жалб этилганини билмайди. Аниқ шериклар билан операциялар хатари контракт кредит линияларини ўрнатиш йўли билан чекланган. Ўзбекистоннинг олдида ҳозирча бундай муаммо йўқ. Аммо бошқаларнинг бошидан ўтган хатони унутиш кепак эмас.

Россиядаги 1998 йилдаги танглик, мос кредит линияларини ўрнатмасдан «своп» ва форвард операцияларига безътиборлик тўғрироги сунстеъмол қилиш нафақат мамлакат ичкарисида, балки унинг ташқарисида ҳам жиiddий муаммоларни келтириб чиқаришни кўрсатди, зеро бундай холатлардаги заарлар хорижлик шерикларнинг ҳам бошидан ўтади.

6.5. Валюта бозоридаги опционлар

ХХ асрнинг 70-йилларида сузувчи валюта курсларига ўтилиши билан Бреттон-Вудс битимига аъзо мамлакатларнинг марказий банклари, эндилиқда алмаштирув курсларини келишувда белгиланган тор доира чегарасида ушлаб туришга мажбур бўлмай қолдилар. Халқаро тўлов бланкалари бекарорлиги, айниқса капиталларнинг давлатлар чегаралари орқали ҳаракати эркинлаштирилгандан кейин алмаштириш курслари бекарорлиги қучайишига олиб келди. Булар барчаси валюта хатарини нейтраллаштириш заруриятини белгилаб берди.

80-йилларда валюта опционлари бозорининг ривожланиши алмаштириш курси хатарини минималлштириш ва қўпроқ мослашувчанликни яратишда муҳим қадам бўлди. Аввалги воситалар бунчалик имкон бермасдан.

Қайд этиб ўтилгандеқ, валюта хатарларини қоплаш учун форвард битимларидан фойдаланиш валюта хатарининг тўлиқ сугуртасини таъминлашни ва келгусидаги пул оқимларини аниқ ҳисоб-китоб қилиш учун базани белгилаш имконини беради. Аммо форвард контрактининг мажбурийлиги форвард контрактини ижро қилиш санасида бозор валюта курси форвард курсига қараганда фойдалироқ бўлган ҳолатда вазиятдан фойдаланиш имконини бермайди. Форвард контрактлардан фарқли равишда опционлар харидор учун мажбурий ҳусусиятга эга эмас. Улар келишилган курс (страйк нархи) бўйича муайян санада ёхуд опционнинг амал қилиш муддати тугаганига қадар ҳоҳлаган кунда муайян миқдордаги хорижий валютани сотиб олиш ёки сотиш ҳуқукини беради, аммо мажбуриятини эмас.

Дастлаб опционлар валюта биржаларида қўллана бошлади ва худди бошқа барча биржавий воситалар каби стандартлаштирилган шаклга эга бўлади. Биржа опционлари халқаро валютанинг стандарт суммаларида амалга оширилади. Бундай опционларнинг ижроси стандарт муддатларда юз беради. Битим бўйича шерикларга нисбатан энг кам хатар биржа опционларининг катта устуворлиги бўлиб хизмат қиласи, чунки биржанинг клиринг палатаси контрагент бўлиб ҳисобланади.

Охирги йилларда банклараро бозорда амалга ошириладиган биржадан ташқари опционлар (over-the counter, OTC) жадал ривожлана бошлади.

Уларнинг жиддий устуворлиги харидорларнинг ижро санаси ва нархи борасидаги, шунингдек, битим суммасига тегишли талаблари га нисбатан мослашувчанилигига акс этган. Шу муносабат билан биржадан ташқари опцио́нлар банк хизматлари бозорида кенгрок оммавийлик қасб этиб бормоқда.

Валютавий опционларнинг икки тури мавжуд:

- «Кол» - харидорга муайян микдордаги хорижий валютани сотиб олиш ҳуқуқини беради;
- «Пут» - харидорга муайян микдордаги хорижий валютани сотиш ҳуқуқини беради.

Келгусидаги аниқ санада **ижро этиладиган** опцион европача деб аталади, келишувнинг амал қилиш муддати тугаши санасигача ҳар қандай кунда ижро этиладиган опцион эса **америкача** дейилади. Бундай опцион бўйича битимни амалга ошириш ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисидаги қарор унинг эҳтимолидаги ижросидан икки кун аввал декларация кунида қабул қилиниши лозим. Опцион харидори битимини амалга ошириш ҳуқуқига зғалик учун сотувчиға тўлайдиган нарх «рагбат» деб аталади. Рагбатни олган опцион сотувчиси ўз зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юклайди:

- «кол» опцион сотувда валютани страйк нархидা сотиш;
- «пут» опциони сотувида валютани страйк нархидা сотиб олиш.

Опцион рагбати унинг ички ва вактинчалик қийматидан таркиб топади. Опцион учун рағбат битим амалга оширилганидан кейинги иккинчи иш кунида тўланиши лозим.

«Кол» опционнинг **ички қиймати** агар бозор нархи страйк нархидан баланд бўлган тақдирда, бозор ва страйк нархлари ўртасидаги фарқни ифодалайди. Агар валютанинг бозор нархи страйк нархидан паст ёки унга teng бўлса, опционнинг ички нархи нолга teng бўлади. Ва аксинча, «пут» опционнинг вактинчалик қиймати билан агар страйк нархи спот-курсдан баланд бўлса у страйк нархи билан бозор курси ўртасидаги фарқка teng. Агар бозор курси опционнинг ижро нархига teng ёки баробар бўлса, «пут опционнинг қиймати» нолга teng бўлади. Шу сабабли ҳам факатгина опционнинг страйк нархи бозор курсидан кўра фойдалироқ бўлган, яъни харидор учун опцион бўйича битимни амалга ошириш учун ўз ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ келганида опцион ички қийматга эга бўлади.

Агар опционнинг страйк нархи мазкур валютанинг спот курсидан кўра фойдалироқ бўлса, опцион «пул ичидা» (*in-the-money*)

дейилади; агар унинг страйк нархи мазкур валютанинг спот-курсига тенг ёки деярли тенг бўлса «пул устида» (*out-of-the-money*) ва агар унинг страйк нархи мазкур валютанинг спот курсидан кўра камроқ фойдали бўлса «пулдан ташқарида» (*out-of-money*) дейилади ва опцион харидори, табиийки, ўзининг битимини амалга ошириш хукуқидан фойдаланишга қарор килади.

Бинобарин, «пул ичидা» опцион қанчалик катта бўлса, яъни «страйк нархи алмаштириш спот курсига қиёсан фойдалироқ бўлса, унинг учун талаб қилинадиган рағбат (мукофот) ҳам шунчалик катта бўлади.

Опционнинг вактингчалик қиймати out-of-the-money опцион (яъни страйк нархи «кол» опционы жорий спот-курсдан юкори ёки страйк нархли «путь» опцион жорий спот курсдан паст) амал қилиш муддати тугашига *in-the-money* опционига айланиши мумкинлиги (яъни, харидор учун фойдали бўлиши), шунингдек, *in-the-money* опциони амал қилиш муддати тугаши вактида харидор учун фойдали бўлиши), шунингдек, *in-the-money* опциони амал қилиш муддати тугаши вактида харидор учун янада фойдалироқ бўлиши ва сотовучи учун янада кам фойдали бўлиши мумкинлиги имконини акс эттиради. Опцион фойдали бўлиши мумкинлиги эҳтимоли доимо «нол»дан юкори, шу сабабли опционнинг вактингчалик қиймати шунингдек, доимо нолдан катта бўлиши лозим.

Опционнинг вактингчалик қиймати қўйидаги ўзгаришларга боғлик:

1. Опционнинг амал қилиши муддати тугашигача бўлган вақт қанчалик катта бўлса, опционнинг бозор нархи харидор фойдасига ва опцион сотовучиси зарарига ўзгариши эҳтимоли шу қадар катта бўлади. Демак, сотовучи юкорироқ хатарни компенсациялаш учун харидордан каттароқ рағбатни талаб қиласди:

2. Валюталар бўйича фоиз ставкаларидағи фарқ – ҳар бир валютавий опцион келгусида муайян валютанинг мазкур суммаси харидига бўлган хукукни ифодалайди. Бинобарин, бу хукуқдан олинадиган эҳтимолдаги фойда худди шу муддатга алтернатив маблаг кўйишдан келадиган даромадга мувофиқ қелиши лозим. Ҳар қандай жиiddий окиш чайковчилик имконияти сифатида дарҳол кўлланади. Бундай механизм форвард операцияларида кўрилади. Шу тарзда, агар сотиб олинадиган валютанинг фоиз қўшилмаси сотиладиган валютаникидагидан паст бўлса, «кол» опционы учун рағбат камаяди. Бу шу билан изоҳланадики, опцион харидори маз-

кур валютага бевосита қўйилмалардан келадиган фоиз даромадини олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Мос равиша, «пут» опциони рағбати фоиз қўшилмаларидағи ижобий фарқлар ўсиши билан, яъни харидор томонидан сотиладиган валюта «пут» опционынинг фоиз қўшилма (ставка)си ўсиши билан ёхуд «пут» опциони харидори томонидан олинадиган валюта бўйича фоиз қўшилмаси камайиши билан ортиб боради. Мазкур ҳолатда опцион сотувчиси рағбатни кўпайтириб, опционнинг амал килиш муддатига мўлжалланган, паст фоиз ставкали қўйилмадан олинмай қолган фарқни компенсациялади;

3. Валюта курси бекарорлиги (volatility) – спот-курс тебра-нишлари амплитудаси қанчалик кўп бўлса опцион in-the-money ижросида бўлиши, яъни опцион харидори фойда олиши, сотувчиси эса зарар кўриш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Бу омил тегишли равишдаги юкори рағбатда акс этади. Барқароррок бўлган валюталар опционларига бир кадар бекарор алмаштириш курсига эга бўлган валюталар опционларга қараганда кичикроқ рағбат тўлови талаб этилади. Оpcion нархини ҳисоблаб чиқаришда турли математик моделлар қўлланиб, улар одатда бир хил натижа беради. Улар сирасига Black & Scholes моделини Garmen – Kholhagin, кокс (соҳ) модели ва бошқаларни киритиш мумкин.

Оpcion қийматини белгиловчи омиллар:

Омил	Кол	Пут
Валюта бозор курсининг ўсиши	↑	↓
Юкори страйл нархи	↓	↑
Муддат тугашигача узоқ давр	↑	↑
Мукобил валюта фоиз ставкасининг ўсиши	↑	↓
Хорижий валюта (опцион валютаси) фоиз ставкасининг ўсиши	↑	↑
Валюта курси бекарорлигининг ўсиши		

4. Оpcion услуби – опционнинг катта мослашувчанлиги сотувчи томонидан ўз зиммасига олинган юкори хатарни кўзда тулади. Қайд этиб ўтилгандай, америкача опцион, опционнинг амал килиш муддати тугашига қадар ҳар қандай кунда йўжро этилиши муддати тугаган санада амал қиласи. Шу сабабли америка опциони

хар доим европа опционидан юқори (ёки паст бўлмаган) котировкаланади.

Валюта опционлари учун рағбат страйл нархига нисбатан физларда, ёхуд опцион валютаси миқдорида (мисол учун ҳар бир евро учун центларда) ифодаланиши мумкин.

Опцион куйидагича тарзда котировкаланади:

- | | |
|-----------------------------|----------|
| ➤ - Spot price USD/DEM | = 1,8200 |
| ➤ - Strikeprice | = 1,8200 |
| ➤ - USD interest | = 5,5 % |
| ➤ - DEM interest | = 3,5 % |
| ➤ - Maturity (давр) | = 6 М |
| ➤ - Volatility (бекарорлик) | = 10 % |

«Пут» опционга рағбат = 3,2944 %

= 0,05994 DEM ҳар бир USD учун

«Пут» ва «кол» опционларнинг бир вақтидаги хариди ва сотувини бириктириш (комбинациялаш) воситасида хеджер учун йўл кўйиладиган оралиқ (диапазон)да валюта курси тебранишларини чекловчи йўлакни аниклаб, келгусидаги алмаштириш курси ўзгаришлари хатарини хеджерлаш мумкин.

6.5.1. Опцион йўлак яратиш орқали хеджерлаш

Дейлик, хеджер келгусида муайян миқдорда хорижий валютани сотиб олиши зарур. Бу валютанинг оддий форвард харидини амалга ошириш ўрнига у страйл нархни белгилаб, ўз банкидан «кол» опционни сотиб олиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида у «пут» страйл нархни белгилаб, ўз банкидан «кол» опционни сотиб олиш мумкин. Бир вақтнинг ўзида у «пут» опционни пастроқ даражада сотиб, бунинг учун рағбат олиши, ва шу тариқа, сотиб олинган «кол» опцион учун тўланган рағбатни компенсация қила олади.

Фараз қиласлиқ, хеджер АҚШ долларига нисбатан 1,0850 даражада евро харид қилиш учун «кол» опционни сотиб олишга қарор қиласди. Бу опцион учун тўланган рағбатнинг бир қисмини компенсациялаш учун, хеджер «пут» опционни 1,0750 даражада сотиши тўғрисида қарор қабул қиласди.

Куйидаги ҳолларда спот-курс кол опционнинг страйл нархидан юқори бўлади:

1) Сотилган пут талабга эга эмас, чунки спот курс сотилган пут опционнинг страйл нархидан кўра фойдалериоқ.

2) Сотиб олинган кол опцион бажарилади, зеро бундай курсда у «in-the-money» бўлади.

Спот-курс «кол» опционнинг страйл нархидан паст бўлган, аммо «путь» опционнинг страйл нархидан юқори бўлган ҳолда бу курсда ҳар икки опцион Out-of-money бўлади ва табиийки ижросиз кечади. Валюта хариди хеджер томонидан спот бозорида амалга оширилади.

Спот-курс «путь» опционнинг страйл-нархидан паст бўлган ҳолларда:

1. Хеджер валютани «путь» опционнинг страйл нархи бўйича сотиб олишга мажбур;

2. «кол» опцион ижросиз кечади, чунки бундай курсда у «out-of-the-money» га айланади. Куш бу шуни англатадики, валюта хатари 1,0750 даражасида хеджерланган, бунда пастроқ жорий спот-курс бўйича харид килиш имкони йўқолади.

Валюта курси қанчалик ўзгармасин, хатар 1,0750 ва 1,0850 орасидаги йўлак билан чегараланади.

VII боб. БИРЖАДАН ТАШҚАРИ САВДОНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ

7.1. Фоиз ставкаси билан бажариладиган форвард операцияси (FRA)

Пул бозоридаги форвард операциялари, одатда, пул ресурслари киймати ўзгаришларини, яъни улар бўйича фоиз кўшилмаларининг ноҳуш томонга ўзгариши хатаридан сугурталаш учун амалга оширилади. Ушбу битимлар воситасида қарз олувчи ўзига қарз олишнинг максимал ставкасини таъминлаб олиши (ўзини фоиз кўшилмаси олишидан сугурталashi) мумкин. Сармоядор (инвестор) эса-бозордаги фоиз кўшилмалари ўзгаришидан катъий назар ўз ресурсларини кўшиши мумкин бўлган энг кам ставкани таъминлайди.

Одатда форвард операциялари хеджинг мақсадида амалга оширилади ва чайковчилик хусусиятига эга бўлмайди. Келгусидаги фоиз ставкаси тўгрисидаги битим – FRA (forward rate agreement) ни ҳамда иктиносидий мамлакатларда кенг тарқалган ва Ўзбекистонда ҳам тараққий этиши мумкин бўлган пул бозоридаги «своп» операцияларини кўриб чиқамиз.

7.1.1. FRA битимлар моҳияти


FRA - киска муддатли фоиз ставкаларининг биржадан ташқари форвард олди-сотдисининг кўпроқ тарқалган воситаси. Бу битим воситасида фоиз ставкаси битим тузилган вактда келгусидаги муважият даврга катъийлаштириб (чеклаб) кўйилади.

FRA – биржадан ташқари восита бўлиб, мижозининг маҳсус талабларига тўлиқ жавоб бериши мумкин: битимнинг суммаси, валютаси ва саналари мижоз томонидан эркин таъниб олиниши мумкин. FRA нинг иккиласми бозори мавжуд эмас, чунки стандартлаштирилмаган воситага (биржага тегишилсиздан фарқли равишда) нисбатан айнан бир хил талабли мижозни топиш мумкин эмас. Бинобарин, мазкур битим натижасида очилган позиция унинг дастлабки иштирокчилари томонидан ёпилиши лозим.

Шу билан бирга FRA балансдан ташқари восита бўлиб хисобланади. У жорий банк балансидаги активларда ёки пассивларда хисобга олинмайди.

Мисол: дейлик, банкнинг мижози уч ойдан кейин ўзига олти ой муддатли кредит зарур бўлишини билади. Бундай ҳолат баҳорда уруг экшиш харажатлари учун қандай ставка бўйича кредит олиши мумкинлигини қишидаёқ билищни ҳоҳловчи ва шу ҳисоб-китоб билан ўз маҳсулотини сотадиган фермерга нисбатан қўлланиши мумкин. У фоиз ставкасини қатъйлаштириб қўйишни сўраб банкка мурожаат этиши мумкин.

Диаграмма FRA харидори ва сотувчиси ўртасидаги мунисабатларни кўрсатади



7.1-расм.

FRA кўйидаги имкониятларни беради:

– **FRA хариди** - қарз олувчи битимни ASK томонидан, яъни банкнинг FRA сотови томонидан қатъйлаштириб қўйди ва шу тарзда фоиз ставкасининг эҳтимолдаги ортишидан сугурталанади.

– **FRA сотови** - кредитор (инвестор) битими Bid томонидан, яъни банкнинг FRA хариди нархida чеклайди ва демакки, келгусида фоиз ставкасининг пасайиши эҳтимолидан сугурталанади.

FRA нинг одатдаги форвард депозитларидан фарқланувчи хусусияти шундан иборатки, бунда ҳисоб-китоблар фақат FRA ва REFERENCE RATE бўйича фоиз ставкаси ўртасидаги фаркни ташкил этувчи сумма бўйича амалга оширилади (асосан бу ставканинг вазифасини Буюк Британия банкирлар Асоциацияси – BBA, EURIBOR ва ҳоказолар томонидан ҳар куни қайд этиладиган LIBOR бажаради). Тахмин қилинган контракт суммаси бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Агар фиксинг санасида FRA контракти бўйича ставка қиёсий (reference) сузувчи ставкадан кўра юқори бўлса, FRA харидори, контракт сотувчисига тўлайди. Агар FRA контракти бўйича ставка қиёсий (reference) сузувчи ставкадан кўра паст бўлса, FRA сотувчи контракт харидорига тўлайди.

Фоизнинг қиёсий сузувчи ставкаси FRA контракти ставкасидан фаркланган ҳолатда битим томонларидан бири компенсацияловчи тўловни олиши лозим. Бу ҳар икки томонга эҳтимолдаги кредит/депозит бўйича ҳақиқий ставка келишилган қатъий фоиз ставкасига келтирилишини кафолатлади.

7.1.2. FRA нархларини белгилаш


Республикамиздаги кўплаб ташки иктисадий фаолият иштирокчилари хорижий сармоядорлар томонидан тақдим этиладиган муайян лойиҳалар учун кредит оладилар. Кўп ҳолларда бундай кредитлар сузувчи фоиз ставкаси билан тақдим этилади. Одатда у ҳар олти (баъзан уч) ойда қайта кўриб чиқилади ва LIBOR ставкаси + маржага биринчириб кўйилади. Хатар учун қўшимча тўлов сифатида мижоз ҳамда лойиҳанинг кафолат мавжудлиги, уни сифати ва ҳоказоларнинг ишончлилигига боғлик равишда қайд этилади. Кредитор, шу аснода ўзига фойда меъёрини шу вазиятда ҳам бозорникидан юқорисини кафолатлади. Ссуда капитали Евробозори анчайин ҳаракатчан бўлиб, келгусида қарз олувчи мижоз учун фоиз ставкалари ошиши хатари мавжуд. Фараз қиласлиқ, кредит бир йил муддатли, фоиз ставкаси олти ойдан кейин кўриб чиқиладиган лойиҳа учун тақдим этилди.

Фоиз ставкаси олти ойлик LIBOR ставкаси + қатъий маржага тенг. Шундай килиб, қарз олувчи кейинги олти ойда ўзи қандай фоиз ставкаси тўлаши лозимлигини билмайди. Мижоз ўз банкидан FRA битими тузишни ва шу бугуноқ ушбу ставкани қайд этиб бозорда амалга оширишни асосий қийинчлилиги Ўзбекистон пул бозори ҳозирда талаб даражасида ривожланмаганлиги билан боғлик, шунинг учун миллий банклар халқаро банклараро бозорга чиқишига мажбур бўлади. Бундай турдаги банклараро битимларни амалга ошириш банклараро депозит кўринишида муайян суммадаги гаров киритиладиган операциялар бўйича кредит линиялари очишини кўзда тутади.

Фараз қилайлик, РЕЙТЕР мониторида биз 6,88/6,90га тенг бўлган, ўн икки ойга қарши олти ойлик FRA ставкасини кўрамиз. Қарз оловчи, кредит олинган вақт учун фоиз ставкасини, масалан 2006 йил 28 февралдаги, икки кун аввалгисини ҳам билади. Аммо у олти ойдан кейин қандай бўлишини билмайди (7.2-расм).

2006 йил 26 февралда LIBOR «спот» санасидан бошлаб олти ойга қатъйлаштириб кўйилди. Бинобарин, фиксингнинг кейинги санаси 2006 йил 26 августда бўлди. Кейинги ставка қандай бўлишини қарз оловчи ҳозирча билмайди, аммо FRA бx12 контрактни харид килиб, 6,90% ставкада «мустаҳкамланиб» олиши мумкин.

26 августда кейинги олти ойга ставка маълум бўлади. Айтайлик, у 7,90% гача кўтарилади. Тўлов кредит бўйича фоизларнинг биринчи тўлови санасида амалга оширилади. FRAга мувофиқ жорий LIBOR ставкаси ва контракт бўйича ставка ўртасидаги суммани ташкил этувчи ҳисоб-китоб суммаси кўйидаги формула бўйича контракт чикарилади:



28 август ҳисоб-китоб килинган бир миллион долларлик контракт учун юқорида келтирилган мисолда натижага кўйидагича бўлади:

$$\text{FRA бүйича түлөс} = \frac{(0.0790 - 0.690) * \text{US\$ 1,000 000} * 183 \text{ күн}}{360 - (0.0790 * 183 \text{ күн})} = \text{USD } 4,887.07$$

Агар түлов суммаси мусбат бўлса, яъни LIBOR контракт бўйича ставкадан юкори бўлса FRA сотувчиси харидорга тўлайди. Агар сума манфий, яъни LIBOR контракт бўйича ставкадан кам бўлса, харидор сотувчисига тўлайди. Бизнинг мисолимизда FRAни сотиб олган қарз олувчи 4,997.500 АҚШ доллари олади. У булардан, олингандан кредит бўйича фоиз ставкаси ўстган 1% молиялаш учун фойдаланиши мумкин. (7,90%-6,90%). Бу сума шунингдек, фоизлар учун депозитга жойлаштирилиши ҳам мумкин.

Харидор нуктаи назаридан кредит нетто (соф) қиймати куйидагича бўлади:

$$\text{Кредит} = \frac{1,000,000 * 7.90 * 183}{360 * 100} = \text{USD } 4,887.07$$

FRAдан олингандан фойда = USD 4,887.07

$$\text{FRA дан олингандан фойда} = \frac{\text{USD } 1,000,000 * 6.90 * 183}{360 * 100} = \text{USD } 35,075.00$$

НЕТТО ҚИЙМАТ USD 35,075.00.

Кредит бозор яъни 7,90% бўйича пролонгация қилинади (муддат узайтирилади).


Аммо, FRA харидори томонидан олингандан сума, шу миқдор фоизлари билан биргаликда кредитга хизмат кўрсатиш ҳақиқий харажатларини, яъни контракт бўйича ставкаларни 6,90% камайтиради:

$$\text{Контракт ставкаси бўйича фоиз харажатлари} = \frac{\text{USD } 100,000 * 6.90 * 183 + \text{USD } 35,075.00}{360 * 100}$$

FRA контракти нархи қай тарзда белгиланишини кўриб чиқамиз.

Худди форвард валюта контрактларидаги каби FRA бўйича фоиз ставкаси битим тузилган пайтда маълум бўлган маълумотлар базасида ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоб-китоблар мазмунни шундан иборатки, бутун давр бўйича фоиз харажатлари, бизнинг мисолимизда ўн иккى ой олти ойлик икки давр бўйича аниқ равишда фоиз харажатлари суммасига тенг бўлиши лозим:

Киймат	Киймат	Киймат
Үзлаштырыла онд/Инвестициялыш қарыза онд/кредитте онд б ойга		+ Үзлаштырыла онд/Инвестициялыш = б ойга б ойдан көпні (6 x 12)
Жорий LIBOR, 6 ойга + 6,33%		
Жорий LIBOR, 12 ойга + 6,72%		



7.3 -расм

Бундан:

$$\text{Кредит қарз суммаси} \times \left(1 + \frac{633 \text{ со}}{12 \text{ ой} * 100} \right) \times \left(1 - \frac{\text{К ставка} (6x12) * 6 \text{ ой}}{12 \text{ ой} * 100} \right)$$

Бундан:

$$\text{Кредит қарз суммаси} \times \left[1 + \frac{(6.72) * 12 \text{ ой}}{12 \text{ ой} * 100} \right]$$

Бу ўхшашликтарни ўзгартыриб, «А қарши В» даври учун FRA фоиз ставкасы мақсадида умумий формулага эга бўлиш мумкин:

$$\text{ФРА} = \frac{(1+R_L * D_L/\text{year})}{1+R_s * D_s/\text{year}} - 1 * \frac{\text{Year}}{D_L * D_s}$$

бунда:

RL - узун давр учун фоиз ставкаси;

DL - узун даврдаги кунлар сони;

Rs - қисқа муддат учун фоиз ставкаси;

Ds - қисқа даврдаги кунлар сони;

Year - Базис йилдаги кунлар сони (360 ёки 365).

Шундай қилиб, биз танлаган мисолда FRA ставкаси ҳисоб-китоби қуидагида амалга оширилади:

$$\text{ФРА} = \frac{(1+0,0672*366/360)}{1+0,0633*183/360} - 1 * \frac{360}{183}$$
$$(6x12)$$

Бозорда FRA контракти учун комиссиян ҳақ олиш, одатда, амал қилмайды, шу боис банклар фойда олиш учун Bid (харид) ва ASK (сотув) томонларини котировка қиладилар, мисол учун 6,88/6,90. Спред мікдори (харид ва сотув нархи ўртасидаги фарқ) контракт суммасига, котировкалардың банкнинг форвард позициясыга, мазкур міжоз билан мұносабатлар ва бозор шарт-шароитла-рига (яғни бозор ликвидлігі) бағылана.

Ўзбекистон банклари бозорга чиқишида дастлабки вактларда бошқа Фарб банклари билан тенг ҳуқукларда минимал спред оол-масликлари тушунарлы албатта. Аммо бу бизни ривожланган пул бозорларда кенг күлләнедиган хеджерлаш воситаларини ўрганишдан тұхтамаслиги керак. Жағон хұжалигига тұлық интеграциялаш-гандан сүнг бизнинг давлатимизда қатый валюталардаги операциялар қажми ҳам үсади. Бу умуман хорижий мамлакатлар билан савдо-сотик қилиш каби шубхасиз ҳол. Банклар табиийки ракобат-чилик шароитларда үз міжозларини ва үз міжозларини учун, шунингдек, үз хусусий экспозицияларини хатардан хеджерлаш учун хеджер шугулланишлари лозим бўлади. Юкорида кўриб чиқылган мисоллардан қуидагилар келиб чиқади:

FRA контракти хариди фоиз ставкалари учун FRA даражасидан юкори кўтарилишидан сугурталайди ва қарз оловчи томонидан фойдаланилади.

FRA контракти сотувчи фоиз ставкаларини FRA даражасидан паст тушишидан сугурталайди ва сармоядор томонидан фойдаланилади.

FRA нинг асосий устуворлиги шундан иборатки, ҳисоб китоблар контракт суммасида reference rate ва FRA ставкаси ўртасидаги фарқлар суммасига мажбуриятларини қабул қилмайдилар ва бирор томоннинг дефолт ҳолатида фақатгина FRA фоиз ставкаси ва reference rate ўртасидаги фарқ суммасидан хатарланади.

Бу устуворлик фақатгина шерикнинг дефолт хатарини чеклаб колмасдан, балки айрим холларда катта капитал иштироқисиз фоиз ставкалари харакатида чайковчилик қилишга ҳам имкон берди. Мисол учун, мамлакатда муайян вактдан кейин инфляция ўсиши

тахмин қилинмоқда. Бунга жавобан мамлакатда фоиз ставкалари оширилиши күтилади. FRA ставкалари, худди башка барча Firm hedging контрактлар каби жорий бозор вазиятларидан тахмин қилинмайды, балки ҳисоб-китобли саналади. Шу сабабли рэйдер FRA контрактини сотиб олишга қарор қиласы. Агар унинг мамлакатда фоиз ставкалари ўсиши ҳақидағи тахмини ўзини оқласа, бу холда у контракт суммасига фоиз ставкалари фарқи күренишида фойда олиши мүмкін.

Ўзбекистон шароитлари учун, бугунги кунда мазмун-моҳияти ва аҳамияти бўйича LIBOR, ЕВРОБОР ставкалари каби ёки АҚШ ҳазина облигациялари ставкасига ўхшаш reference rate ставкаси мавжуд эмаслигини ҳисобга олсақ, назаримизда, пул бозорида форвард битимларини кўллаш мүмкін.

Бундай битимлар бўйича ҳисоб-китоб FRA бўйича ҳисоб-китоблардан фарқ қиласы, FRA да ҳисоб-китоблар FRA ставкаси ва reference rate ўртасидаги фарқдан амалга оширилади. Бу каби ставкалар бўйича ҳозирча пул ресурсларига доим ижозат олиш учун имкон берувчи рейтингга ва ишончга эга бўлган банклар кам, мижозлар эса ундан ҳам камроқ. Бинобарин, дастлабки босқичда контракт суммасининг ўзига ҳисоб-китоб қилинган битимлар амалга оширилиши керак.

Мисол: Фараз қилайлик, феврал ойида қишлоқ хўжалик компаниясининг молиявий менежери унга апрел ойига келиб уруғлик учун 50.000.000 сўм талаб этилишини билади. У шунингдек, экиш вақтида фоиз ставкалари ўсишини ҳам тахмин қиласы, чунки бу даврда одатда кредиторларга талаб юкори бўллади. Кредитни у октябр ойида ҳосилни сотганидан кейингина сўндира олади. Демак, у ўзига уч ойдан кейин олти ойлик муддатга кредит билан таъминлашни сўраб банкка мурожаат этади (3x 9).

Банк томонидан февралда берилган уч ойлик бўйича фоиз ставкаси 25% даражасида тўқиз ойлик ДКМга инвестициялар 18% даражасида бўлган. Банк кафолат ёки сугурта полиси мавжуд бўлганда мижоз хатари учун 6% қўшиб, 24% тўқиз ойлик ставкани ҳисобга олиши мүмкін. Уч ойга кредит тақдим этган банк қуйидаги 3x9 ой ставкани котировкалайди:

$$\text{Ставка } \frac{\text{3x9 он}}{= \left(\frac{1+0,24*270/360}{1+0,25*90/360} - 1 \right) \times \frac{360}{180} = 22,12 \%}$$

Ҳисоб-қитоблардан кўринадики, банк мазкур шарт-шароитларда олти ойдан кейинги олти ойлик кредитни 23% котировкалаб, ўз фойдасини меъёрини олиши мумкин.

Ушбу ставка бозорнидан паст бўлади, аммо бу банкнинг ўз даромад меъёрини ошиши ва шу билан бир вактда мижознинг киммат бўлмаган кредитга талабини кондириш учун кифоя қилади. Шу тарзда мижоз ўзини эҳтимолдаги фоиз ставкаси кўтарилишидан хеджерлайди, бундан ташқари буни у бозор курсидан кўра қулайроқ даражада амалга ошири.

Бошқа мисол: Банк мижозга, 10 сентябр кунида унинг ҳисоб варагига сотилган маҳсулот тушуми келиб тушиши июн ойидаёқ маълум. Бу маблағлар унга 10 декабрга қадар керак бўлмайди. У ушбу суммани банкда депозитга қўйишни истайди, таҳмин қилинаётган маълумотларга кўра инфляция уч ойдан кейин пасаиди. Шунинг учун, қайта молиялаш ставкалари пасайиши ва бунинг натижаси ўлароқ умуман банк фоиз ставкаларини пасайиши кўзда тутилади. Дейлиқ, банкда ресурслар мавжуд бўлиб, уни 20% ставкада уч ойга олган. У буларни июн ойидан декабрга қадар 24% ставка бўйича жойлаштиради:

$$\text{Ставка } = \left[\frac{\frac{1+0,24*180}{360} - 1}{\frac{1+0,20*90}{360} - 1} \right] \times \frac{360}{180} = 26,67 \%$$

Шу тариқа, банк фойда олиш учун мижозига 26,67%дан кам ставкани котировкалаши лозим. Айтайлик, бу 25 фоизлик ставка бўлади. Мазкур шароитларда мижоз ўзини фоиз ставкаларининг пасайиши хатаридан сугурталаш ҳамда депозитни каттароқ фоиз ставкасида жойлаштириш имконига эга.

7.2. Фоиз ставкали «своп» операциялари

Фоизли своп ўзида ягона бир валютадаги фоиз тўловлари ал-машинувини ифода этади. Одатда бундай битимлар бир йилдан ортиқ муддатга амалга оширилади. Бундай свопларда ҳеч қачон асосий суммани айрибошлиш кўзда тутилмайди. Фоизли свопларнинг бир қадар кенг тарқалган турида, қатъий фоизли ставкадаги тўловларнинг сузувчи ставка бўйича фоиз тўловларига алмаштируви юз беради (худди LIBOR каби «reference rate»га асосланган)-купонли своп.

Аммо, своплар сузувчи ставканинг бошқа бир сузувчи ставкага айрибошланиши билан амалга оширилиши ҳам мумкин (масалан, 3 ойлик LIBOR олти ойлик LIBORга) - базавий своп. Свопнинг кўзда тутилган асосий суммаси камидаги 5 млн. АҚШ доллари миқдорида бўлиши керак.

Фоизли своплар фоизли хатар экспозицисидан сугурталаниш имконини беради. Фоизли своплар савдоси ОТСда, яъни биржадан ташқари бозорда юз беради. Мижоз битим амал қилишининг бошланишини, шунингдек, битимнинг муддати ва суммасини эркин белгилашга ҳақли.

Лекин своплар билан FRA ўртасида муҳим тафовутлар бор:

➤ одатда фоизли своп битим тузилганидан кейинги иккинчи иш кунидаги кучга киради. Биринчи марта LIBOR битим тузилган кунда қайд этилади ва сузувчи фоиз ставкасининг тўловчиси LIBOR фиксингининг биринчи даври тугаши санаасига фоиз тўлайди;

➤ қатъий ва сузувчи фоиз ставкалари бўйича тўловлар ҳар доим ҳам бир вақтда амалга оширилавермайди. Сузувчи фоизли ставка бўйича фоиз тўловлари LIBOR бўйича муддат тугаган кунда амалга оширилади.

Мисол учун, агар битим бошланиши – 8 май 2000 йилда бўлса, сузувчи фоиз ставкаси бир ойлик LIBORга тенг, бу ҳолда сузувчи фоизнинг биринчи тўлови 2000 йил 8 ноябрда амалга оширилади.

Қатъий фоиз ставкаси бўйича тўловлар одатда ҳар йили амалга оширилади. Ўз навбатида, бир йилдан кейин қатъий фоиз ставкаси тўловчиси ўзининг биринчи тўловини иккинчи ярим йилликда олиши лозим бўлган, сузувчи ставка чегирилган қатъий ставка суммасида амалга оширади.

Агар сузувчи ва қатъий фоиз ставкалари бўйича тўлов сана-лари мос келса, ҳисоб-китоблар неттиг тўлови шаклида, яъни кичик фоиз ставкаси тўловчиси фойдасига фоиз ставкалари фарқига амалга оширилади.

Мисол: «Х» банки LIBOR сузувчи ставкаси + 3% бўйича иккى йилга банкдан 5.000.000.00 АҚШ доллари суммасида кредит олди. Бу кредит қатъий ставка бўйича худди шундай муддатга молиялашга фойдаланилади. Агар фоиз хатари хеджерланмаса, LIBOR қиймати берилган кредитнинг қатъий ставкасидан -3%га ўзгариши билан банк зарар кўради.

Бу ҳолда фоиз хатари фоизли свопни амалга ошириш йўли билан копланниши мумкин, унга кўра банк фоизнинг қатъий ставкасини тўлайди ва унинг сузувчи ставкасини олади.


Айтайлик, банк своп бўйича 6,5% қатъий фоиз ставкасини тўлайди. Бу ҳолда у қатъий фоиз ставкаси бўйича лойиҳа учун йиллик 10% кредит беришга қарор қиласди.

Барча «своп» битимлари амалга оширилгач, банклар томонидан тасдиқланади ва ягона стандарт битим билан тартибга солинади. ISDA (international SWAPS Derivatives Association) икки версияда битим намунасини эълон қиласди, улардан бири инглиз қонунларига асосланган, бошқаси эса америка қонунларига асосланган.

Битим тузилганидан сўнг вазият қуидагича тус олади:

«Х» банк лойиҳага сармоялар учун 10% олади ва ҳар ярим йилда «своп» битими бўйича 6,5% тўлайди. Шу билан бир вактда у олинган кредит бўйича LIBOR+3% йиллик тўлайди ва «своп» битими бўйича LIBOR ставкасида тўлов олади.

Натижада банк йиллик 0,5% даромад олади:



7.4-расм.

Масалан, банк З ойлик LIBORга асосланган ставка бўйича 10 000 000, 00 долларлик кредит берди ва ўзини фоиз ставкалари пасайишидан сугурталашни истайди. Чунки АҚШ доллари бўйича қиска муддатли фоиз ставкалари пасайишини кўзда тутади. Банк «своп»ни амалга оширади, унга кўра 6% қатъий стазкани олади ва йил давомида бутун суммага LIBOR ставка тўлайди. (7.2-жадвал)

7.1-жадвал

Кредит бўйича	+LIBOR
Своп бўйича	- LIBOR

7.2 -жадвал

Бозор ставкалари	3 ойлик LIBOR 6,3%	3 ойлик LIBOR 6,8%	3 ойлик LIBOR 5,5%	3 ойлик LIBOR 5%
Сана	0 + +6,3%	3 ойлик +6,8%	6 ойлик +5,5%	9 ойлик +5%
СВОП	+6,3%+6%=- 0,3%	+6,8%+6%=- 0,3%	+5,5%+6%=- 0,3%	+5%=-6% - 0,3%

Мазкур ҳолатда своп 6% фойда олишни кафолатлайди. Шу билан бирга хеджерлашнинг мазкур тури опционлардан фарқли рашида шериклар ўртасида фоиз ставкалари фарқига ҳисоб китобларни албатта бажаришни кўзда тутади.

7.3. Фоиз ставкалари опционлари


Халқаро молия бозорларидаги кучайиб бораётган бекарорлик компаниялар генституционал инвесторлар (сармоядорлар) ҳамда молиявий институтлар учун иш жараёнлари ўзгаришига имкон берди ва хатарни англашнинг янги даражасига олиб келди. Фоиз даражалари бекарорлигининг юқори даражаси фоиз хатарининг янада сифатлироқ қопланишини талаб этади. Фоиз хатарини қоплашнинг услубларидан бири FRA ҳисобланади, аммо уни эътиборлилари каторига киритиб бўлмайди. Бу шу билан изохланадики, уни хатар хеджирланиши билан кўллагандан, имкон бўлганда, бозорда юзага келиши мумкин бўлган эътиборлироқ фоиз ставкасидан фойдаланиш имконияти йўқолади. Бундай имкониятни фоиз ставкалари опционлари беради. Опционлар савдоси ташкиллаштирилган банкларда ҳамда бир қадар муҳим резерв валюталар бўйича банклараро (биржадан ташқари over the counter) бозорида ҳам юз беради.

Nall ва Put опционлари учун умумий бўлган, акция опционлари ва валюта опционлари учун фойдаланиладиган ёндашув, шунингдек, фоизли опционлари учун ҳам мос келади. Ўз навбатида фоизли опционларни фоизли ставкалар опционларига ва облигациялар опционларига ажратиш мумкин.

Фоизли ставка кафолати. Одатда фоизли ставка кафолатини (IRG-Interest RATE Gkarantee) қарз олувчилар ёки кредиторлар опциони деб аталади. У ўзида FRA битилиш харид қилиш ёки сотиш опционини ифодалайди. IRG ни ижро этишда томонлар бошлангич

вақтданоқ FRA кол опционини сотиб олиш билан карз олувчи келгусидаги фоиз ставкалари опционидан сұғарталанади. FRA пут опционини сотищ билан инвестор келгусидаги фоиз ставкалари пасайишидан сұғарталанади.

Шу таҳлит компания мұайян фоиз ставкасы, масалан 6% йиллик бүйіча FRA контрактini сотиб олиш ўрнiga 6% га тенг страйлархи (опционнинг ижро нархи) бүйіча уч ойдан кейинги ҳисоб китоблар санаасига зәғ бўлган З ойлик «кол» опционни сотиб олади. FRA контрактига сотилган тақдирда компания фоиз ставкасига «пут» опционини сотиб олиш мумкин:



7.5-расм.

Рағбат тўлови IRG бўйича тўланадиган рағбат жорий ёки йиллик базис пунктларида котировкаланиши мумкин. Бунда мазкур ҳолатда котировкаланишни қандай тури кўлланилганини фарқлашиб ниҳоятда муҳим. Агар котировка жорий базис пунктларига асосланган бўлса, бу ҳолда тўланадиган рағбат контракт суммасига кўпайтирилган базис пунктлари миқдорига тенг. Масалан, агар рағбат 25 базис пунктини, контракт эса 10.000.000 EURни ташкил этса, бу ҳолда умумий рағбат тўлови $0,25/100 \cdot 10\ 000\ 000 = 25\ 000$ EUR тарзида ҳисоблаб чиқилади.

Агар котировка йиллик базис пунктларида амалга оширилса, бу ҳолда умумий рағбат йиллик базис пунктлари миқдорининг даврдаги күнлар сонига (365га бўлинган) ва номиналга кўпайтмасига тенг. Масалан, агар рағбат йилига 25 базис пунктини ташкил қиласа, кўрилаётган давр 184 кунга тенг бўлса, бу ҳолда рағбат тўлови куйидаги тарзда ҳисоблаб чиқарилиши мумкин:

$(0,25/100) * (184/365) * 10\ 000\ 000 \text{ EUR} = 12\ 602,72 \text{ EUR}$

Рагбатини турли услубларда ҳисоблаб чиқариш натижалари аник котировкалашнинг аҳамиятини кўрсатди.

IRG опционининг рагбати одатда «эртага» яъни битим санасидан кейинги иккинчи иш кунидан тўланади. Бу шарт баъзан ўзгаради, бинобарин сана битим тузилган вактда келишиб олиниши керак. Ижро кунидан IRG опционининг ижро нархи Британия банклари уюшмаси тавсия этган фоиз своплари шартларига кўра ўрнатиладиган, кўрилаётган даврдаги европа валютадаги LIBOR ставкаси билан киёсландади.

Агар LIBOR қатъий ставкаси «ютукли» ҳисобланса, IRG опциони эса харидор томонидан фойда билан бажарилиши мумкин. Бу ҳолда опционнинг ижроси одатда ўз-ўзидан амалга ошади. IRG опциони ижро нархига эквивалент (тeng) бўлган фоиз ставкаси бўйича, келишилган муддатга харидорга амалда ссуда тақдим этиш ўрнига, нақд ҳисоб-китоб амалга оширилади. Опцион сотувчиси харидорга базис воситанинг номинали ва муддатини ҳисобга олган ҳолда опционни ижро нархи ва LIBOR ставкаси ўртасидаги фарққа эквивалент суммани харидорга сотади. Опционнинг келишилган шартларига мувофиқ тўлов FRA даври якунланиши билан ёхуд дисконт асосида LIBOR ставкаси бўйича тўлиқ амалга оширилиши мумкин.

Мисол учун, 2005 йилнинг 23 январида «а» компаниясининг молиявий бошқарувчиси 7,50% фоизда 10 млн GBR микдоридаги ссудани 2005 йил 23 июлдан бошлаб 6 ой муддатга олиш истагида бўлган. Бу факат бир кунда – 2005 йилнинг 23 июлида ижро этиладиган европача турдаги опцион. Опцион ижросидан кейинги бўладиган нақдли номинал битим 2006 йил 23 январда якунланган. Бу ерда IRG опциони FRA 6x12 битими хариди опционига ўхшашиб. 6x12 бунда 6x0га айланса опцион ижро этилади. Контрагент сифатида «Б» банки таънланиб, у билан опцион учун «А» компания банка йиллик 25 базис пункт тўлашга келишилган. Ижро кунидан (2000 йил 23 июль) фунт стерлингнинг 6 ойлик LIBOR ставкаси 8,00% даражасида ўрнатилди. LIBOR ставкаси опционнинг ижро ставкаси (7,50%) билан солиштирилганда «А» компания 0,50% «ютуқда» бўлган. «Б» банки «А» компанияга 7,50% ставка бўйича амалда 10 млн GBP ўтказиш ўрнига 184 кун ҳисобидан (2005 йил 23 июлдан 2001 йил 21 январгача) 10 млн фунт стерлингдан 0,50%

асбобларини қуёш нурланишларидан ва ташки электр майдонлари-дан ҳимоя қилади.

Енгил машиналардаги тилла юргутирилган датчиклар симлари, йўловчилар хавфсизлиги тизимининг янада юқори ишончлилигини таъминлайди. Олтиннинг тиббиётда қўлланилиши ташхизни аниқ-рок кўйиш имконини беради ва бир қатор хавфли касалликларни сифатли даволанишига кўмаклашади. Юпка зарварақ озикланти-рувчи косметик малҳамларга кўшилади. Олтиннинг энг майда зар-ралари тери учун заرارли моддаларни йўқотади, терининг қариш жараёнларини олдини олади, унга ҳаётий куч ва қувват багиш-лайди.

Қимматбаҳо металлар бозори ибораси кенг маънода ўз ичига бозор субъектлари орасидаги ўзаро муносабатлар хилма – хилли-гини олади. Ҳакиқатда бу муносабатлар олтин қидиувнинг би-ринчи боскичидаёқ вужудга келади. Сўнгра казиб чиқариш, қайта ишлаш (аффинирлаш), заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда, саноатда, тиббиётда қўллаш, қимматбаҳо металлар билан савдо-молиявий фаолиятда давом этади, ҳамда у олтин пайдо бўлиш занжирида якуний боскич ва бир пайтнинг ўзида қимматбаҳо металл-лар бозори субъектлари ўзаро муносабатларининг мустақил блоки хисобланади.

Қимматбаҳо металларга олтин, кумуш ва платина гуруҳининг металлари киради. Олтин, кумуш, платина ва палладийга доимо бозор мавжуд бўлади. Ўз мақсадига кўра, қимматбаҳо металлар икки томонлама ролни уйнайди:

– биринчидан, улар саноатда қўлланиш учун мўлжалланган (техника, электроника, тиббиёт техникаси);

– иккинчидан, улар инвестициялар мазмуни хисобланади, тарихий жиҳатдан тангаларни чиқариш учун ишлатилади, ҳазина-лар, захиралар сифатида тўплланади, чунки улар капитал, ҳажм бир-лигига катта кийматтга эга бўлган ҳолда, саклаш учун қулайдир.

Мавжуд бўлган талаб, иккиласмчи ҳом ашёни қазиб чиқариш, ҳамда қайта ишлаш хисобига копланади. Талаб ва таклифни тен-глаштириш бозор механизмлари ёрдамида амалга оширилади. Бозор, металл нархини мунтазам равишда анифлаш имконини беради, чунки куну-тун давомида деярли 24 соат, дам олиш ва расмий бай-рам кунларидан ташқари, бутун жаҳон дилерлари савдо ва чайковчилик битимларини амалга оширадилар.

Олтин бозорининг тарихи ҳалқаро валюталар тарихи билан чамбарчас боғлик. Ҳақиқатда олтин бозори 1968 йилгача сезиларли даражада валюта бозоридан фарқ қиласди, ушбу йилда валюта курслари тебраниши тез – тез кузатила бошлади, валюталарнинг ўзи эса, олтиндан қатъий назар сотила бошланди.

Хозирги пайтга табиий олтин бозоридаги барча муомалалар барқарор ўрин эгаллаган. Саноат истеъмолчиларини таъминлаш учун, савдонинг консигнацион усули кенг ишлатилади. Банк ёки савдо компанияси, тўловсиз, корхона омборига, олтиннинг муайян микдорини етказиб берадилар. Бунда, истеъмолчи уни белгиланган муддатда сотиб олади, деб фараз килинади. Кейинчалик харидор-истеъмолчи банк билан олтиннинг муайян микдорига битим тузади. Мулкни ўтказиш хуқуки бевосита битим бўйича ҳисоб-китоблар пайтида амалга оширилади. Тўловгача металл таъминотчи банк ихтиёрида колади. Бу кисман, металлни етказиш бўйича ҳаражатларни тежайди, саноат истеъмолчиси томонидан металл олинишини тезлаштиради ва металлга бўлган нархлар ўзгаришига амалий жавоб бериш имконини беради. Савдонинг консигнацион усули, банкларни сотиш бозорлари учун курашнинг асосий усулларидан биридир. Табиий металлнинг савдоси асосида металл ҳисоблари «allocate» ёки банклардаги масъулиятли саклаш ҳисобларидан фойдаланилади. Улар металлни вактинча саклаш учун, кейинчалик сотиш ёки бошка жойга ўтказиш учун мўлжалланган. Улардан фойдаланиш, металлни саклаш бўйича муайян ҳаражатларга олиб келади. Бу ҳисбнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ундан факат ёмбилар олинади. Бундай ҳисобларни юритувчи банк, металлни хеч қандай кўринишда ишлатиш хуқуқига эга эмас. Металлнинг табиий етказилишида савдо обьекти бўлиб, стандарт ўлчамли ёмбилардаги аффинирланган олтин ҳисобланади.

Бу ёмбилар баъзида банк ёмбилари деб аталади. Маълум бўлган стандарт бўлиб, London Good Delivery ҳисобланади.

Ёмбига бўлган асосий талаблар куйидагилардан иборат:

1. Ёмбининг оғирлиги 350-400 унция ёки 11,5-13 кг.
2. Ёмбига тамға босадиган аффинажли фирма, Лондон бозорининг рўйхатига киритилиши зарур (London Good Delivery List – List of Acceptable Melters and Assayers).
3. Металлнинг софлиги, лигатура массасининг 1000 улушкига кимёвий соф олтин улуши 995 дан кам бўлмаслиги шарт.

Мажбурий белгилар сифатида ёмбидан күйидагилар бўлиши даркор:

- серия рақами;
- синама рақами;
- 0,025 трой унциясигача бўлган аниқлик билан кўрсатилган вазн тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сифат назорати органининг тамгаси.

Ёмбининг ташки кўриниши белгиланган мувофиқ бўлиши керак. Унинг юзасида хеч қандай тешиклар ва чукурчалар бўлмаслиги лозим, ёмби ташиш ва жойлаштириш учун қулай бўлиши зарур. Кимёвий тоза олтиннинг битта трой унцияси учун тул ҳисоб-китобларининг бирлиги бўлиб, АҚШ доллари ҳисобланади. Табиий етказиб бериш бирлиги эса – олтин ёмбисидир. Олтин ёмбиларининг техник таърифлари стандартлаштирилган, шунинг учун ҳисоб-китобларда стандарт шартномалар бўйича, стандартга мувофиқ бўлган ёмбилар кўлланилиши шарт (London Good Delivery Bars).

8.1 - жадвал

Лондон сертификатига мувофиқ ёмбилар билан нисбати⁶⁵

Савдо мувомала-ларини ўтказиш жойи	Ёмбилар турни	Синама рақами
Лондон	Катта ёмбилар (400 унция)	999,9
Лондон	Вазни 1 кг ёмбилар (32,148 унция)	999,9
Цюрих	Катта ёмбилар	995
Цюрих	Катта ёмбилар	999,9
Сингапур	Катта ёмбилар	999,9
Токио	Вазни 1 кг ёмбилар	999,9
Гонконг, Тайвань	Вазни 1,5 ва 10 таел ёмбилар (1.203; 6,017 ва 12,034 унциялар)	990
Хиндистон, Яқин Шарк	Вазни 10 тол ёмбилар (3,73 унция)	999,9
Таиланд	Бахт (0,47 унция)	995
Нью-Йорк	Варрантлар (100 унция)	995
Перт	Катта ёмбилар	995

Савдо турли жойларда ўтказилади, ва ҳисоб-китоблар ҳар хил турдаги ёмбилар билан амалга оширилади. Бироқ, табиий олтин

⁶⁵ <http://www.gold.org/>

билин барча операциялар қийматини аниқлаш учун бошлангич нукта бўлиб, Лондон сертификати бўлган ём биларнинг бозор қиймати ҳисобланади. Ҳар хил турдаги ём билар билан битимларни тузишни турли жойларида олтин нархи, Лондон сертификати бўлган ёмбининг нақд қиймати оркали, турли шаҳобчалар орасида олтинни ташиш қиймати, олтинни тозалаш ҳамда синама белгисини турли кўрсаткичларгача етказиш қиймати, ҳамда бозордаги талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

1 кг кам бўлган ём билар халқаро алмашинуvida қатнашмайди. Асосан улар ички фойдаланиш учун тайёрланади ва тарқатилади, шунингдек, талаб бўлган жойда сотилади. Турли мамлакатларда умумий қабул қилинган мөъёллардан фарқ қилувчи кимматбаҳо металлар вазни кўлланилади, улар негизида жаҳон бозорининг табларига кўра, ностандарт ўлчамлардаги ём билар тайёрланади. Бундай турдаги ём билар ички бозорлар учун мўлжалланган.

8.2 - жадвал Олтиннинг стандарт вазнини ўлчаш бирликлари⁶⁶

№	Трой унцияси	Метрик вазн
1.	1 тройя унцияси	31,1034807 г
2.	32,148 тр.ун.	1 кг, 999,9 синама ракамили ёмби
3.	100 тр.ун.	3,11 кг
4.	32,148 тр.ун.	116,64 г = 10 тол
5.	1,2 тр.ун.	37,32 = 1 таел (Гонконг)
6.	0,47 тр.ун.	14,62 = 1 бахт (Тайланд)

Бозорнинг асосий қатнашчилари бўлиб қуидагилар ҳисобланади: Олтин қазиб чиқарувчи компаниилар, кон, шахта ва қазилма конлари, олтин ишлаб чиқарувчилар уюшмаси.

Бирламчи олтиннинг асосий миқдори бозорга олтин қазиб чиқарувчи компаниилар томонидан келтирилади, улар бу фаолият туфайли, бозорнинг мұхим тоифали қатнашчиларини ташкил қиласидилар. Фаолият миқёси бўйича улар, бевосита брокерлик идоралари билан иш юритиш имкониятига эга бўлмаган катта компанияларга ва олтин бозорининг барча соҳаларида иш юритувчи катта

⁶⁶ <http://www.gold.org/>

корпорацияларга бўлинади. Корпорациялар ўз муомалаларини, нархларни бир зумда ўзгара оладиган даражада катта миқдордаги операцияларни ўтказадилар, шунинг учун уларнинг фаолияти бозорнинг бошқа катнашчиларини қатъий нигоҳи остида бўлади.

Касб маҳоратига эга бўлган дилерлар ва воситачилар, асосан, банклар ва ихтисослашган компаниялардир. Улар олтинни ўз хисобидан сотиб оладилар ва кейин бошқа банкларга қайта сотадилар. Баъзида банклар металлни ўз захираларини тўлдириш учун сотиб оладилар. Англия банки (Bank of England) мавжуд бўлган дастлабки кунларидан бошлаб, яъни 1964 йилдан, асл металларнинг савдо маркази бўлиб ҳисобланади. У ҳозирги кунгача, олтин ёмбилиарининг Лондон улгуржи бозорини назорат қилувчи бош идора бўлиб қолмоқда. XIX асрнинг 50 йилларида олтин бозорида олтин ёмбилиари билан муомалаларга ихтисослашган брокерлик идоралари пайдо бўлди. Ушбу даврда пайдо бўлган биринчи идоралардан бири бўлиб, қуидаги фирмалар бўлган:

- Moccata & Goldsmith, уни кейинчалик Standard Chartered Bank билан бирлашиб кетди;
- M.M. Rothschild and Sons;
- Samuel Montague, уни кейинчалик Midland Bank PLC билан бирлашиб кетди;
- Sharps Pixley, уни кейинчалик Deutsche Bank билан бирлашиб кетди.

Бошқа янги турли номлар билан улар ҳозир ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Дастрраб уларнинг фаолияти асосан, чет эллик олтин қазиб оловчи компаниялардан сотиб олган олтинни импортидан ва ёмбилиарни Англия банкига сотишдан иборат бўлган. Бу фирмалар олтин бозорида биринчи брокерлар бўлиб, сотувчилар ва харидорлар ўртасида воситачи - агентлар сифатида, тузилган битимлардан комиссион маблағларни ишлаб олганлар.

Ҳозирги пайтда санаб ўтилган компаниялар қимматбаҳо металлар савдосини амалга оширувчи банкларнинг бўлинмаларидир. Ёмбилиардаги олтинни сотувчи фирмалар, харидорлар учун брокерлар сифатида, шунингдек, бирламчи дилерлар сифатида амал қиласидилар, нархлар динамикаси хисобига даромад олиш мақсадида, асл металларнинг савдосида ўз ўрнини саклаган ҳолда. Улгуржи бозорда катнашчилар манфаатларини намоён қилувчи, Қимматбаҳо металлар бозорининг Лондон уюшмаси (London Billion Market Association - LMBA), ҳар хил кўринишда бўлади: бозорни шаклланти-

рувчи қатнашчилар («маркет-мейкер» – market maker) ва оддий қатнашчилар. Маркет-мейкерлар сифатида намоён бўлувчи фирмалар, ўз мижозлари ва бошқа маркет-мейкерлар талабига кўра, ўзининг бутун иш кунин давомида металлга нархни баҳолашлари шарт. Бунда маркет-мейкерлар бир вақтни ўзида металлнинг сотув нархи ва харид нархини баҳолайдилар (bid price and offer price). Оддий дилерлар, одатда, фақат ўзларининг агентлари учун нархларни белгилайдилар бозор нархларини шакллантиришга мажбур эмаслар.

Ҳозирги кунда кимматбаҳо металлар халқаро бозорида, TFS-Tradition Financial Services, LONDON ва PREMEX AG, Zurich каби компаниялар ишлайди. Ўз хизматлари учун брокерлар «Спот» битимлари бўйича унцияга беш центдан воситачилик ҳақини оладилар. Мазкур бозорнинг кўпчилик қатнашчилари халқаро банклар томонидан, валюта тизими доирасида олтинга бўлган нархлар динамикасига таъсир кўрсатувчи субъектлар сифатида тан олиниади. Қимматбаҳо металлар халқаро бозорида 1995 йилдан фаол иш бошлаган Россия банкларидан биринчи бўлиб, Россия манфаатларини намоён килган ва Россия Ҳукумати топшириги билан амал қилувчи Внешторгбанк бўлган.

Марказий банклар хусусидачи? Бир томондан улар, металлнинг катта микдорига эга бўлган, йирик инвесторлар сифатида чиқадилар, бошқа тарафдан эса – уларнинг вазифасига олтин ва молиявий бозорларда ўйин қойдаларини ўрнатиш киради. Шу билан бирга, улар металларни энг йирик сотувчилари ва харидорларидир.

АҚШ нинг Марказий банки – Федерал захира тизими (US Federal Reserve System ёки қисқача FED) энг катта таъсир кучига эга. Ундан кейин Германия Марказий банки – Бундесбанк (Deutsche Bundesbank) ва Буюк Британия Марказий банки – Англия банки (Bank of England жумладан, у яна Old Lady деб аталади) келади. Бошқа мамлакатлар Марказий банклари ҳам кимматбаҳо металлар бозорида катта рол ўйнайди, чунки ўз мамлакатларининг миллий захиралари аксарият кисмини олтин кўрининиша саклайдилар. Захираларнинг катта ҳажми туфайли, марказий банклар ҳаракати бозорга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Да-стлабки, пайтларда марказий банклар улушкига, одатда, бозорга олиб келинадиган барча олтин харидининг деярли ярмиси тўғри келар эди, бироқ 1971 йилдан бошлаб, АҚШ долларларини олтинга

алмаштириш имкони йўқолгандан сўнг, банклар соф сотувчиларга айландилар.

1960 – йилларда мавжуд бўлган, «олтин пули» тугалланиши билан, марказий банклар ҳаракатларида келишмовчиликлар кузатилди, шунга қарамасдан, бир қатор марказий банклар олтин бозорининг мунтазам қатнашчилари бўлиб қолаверади. Бир неча олтин қазиб чиқарувчи мамлакатлар Марказий банклари, маҳаллий қазиб олинган олтиннинг бозор нархларини шакллантирадилар. Улардан энг муҳими – Жанубий Африка захира банкидир, чунки Жанубий Африка ҳанузгача энг йирик олтин қазиб чиқарувчи мамлакат бўлиб қолмоқда. Мазкур банк фақатгина олтинни сотиш бозорида зудлик билан етказиб беришда амал қилмай, иккисиги бозорларда ҳам, қазиб чиқариладиган олтиннинг сотув нархини хежерлаш максадида фаоллик кўрсатадилар. Бразилия, Колумбия, Эквадор, Венесуэла, Филиппинлар ва Зимбабве Марказий банклари ҳам ушбу мамлакатларда қазиб чиқариладиган олтиннинг сотув нархини белгилашда фаол иш юритадилар.

Англия банки каби бошқа Марказий банкларнинг олтин бозоридаги фаолияти икки йўналишда амалга оширилади: биринчидан, ўз ҳисобидан олтин билан савдо қиладилар ва иккинчидан, молиявий даромад олиш максадида олтинни бозорга чиқарадилар. Англия банки ва Халкаро ҳисоб – китоблар банки бозорда бошқа марказий банклар номидан ҳам амал қиладилар.

Қимматбаҳо металларнинг ихтисослашган биржалари мавжуд эмас. Бир қатор мамлакатларда, биринчи навбатда АҚШ да, олтинга ва бошқа қимматбаҳо металларга фьючерслар билан савдо-ни амалга оширадиган биржалар фаолият кўрсатади. Бу савдонинг асосий вазифаси - қимматбаҳо металларга нархларни хежерлаш.

Накд қўймаларнинг саноат истемолидан ташқари, пенсия жамғармалари ва хусусий инвесторлар томонидан инвестицион талаб юзага келади. Ёмбилар ва тангаларнинг муайян турлари шундай операцияларга асосланган. Хусусий шахслардан ташқари инвесторлар, етказиб берувчилар ҳам бўлиши мумкин. Ушбу холатда ўзига хос ролни тури жамғармалар ва халқаро ташкилотлар ўйнайди. Инвесторлар – олтин бозори қатнашчиларининг кенг тоифаси бўлиб, кўпчилик гурухларга бўлиниши мумкин. Олтингдаги инвестицияларнинг шакллари хилма – хилдир: бу – тилла тангалар, ёмбилар ёки заргарлик буюмларини сотиб олиш, накд пулга сотувлар бозорида ноаник шартларда дилерлик олиб бориш, опцион ёки

спекулятив мақсадларида олтинни сотиб олиш, ҳамда олтинга эга бўлиши мумкин бўлган ёки олтинга инвестициялар билан боғлик бўлган бирон бир ташкилотлар ва жамгармаларнинг сотиб олинган акциялари. Бу инвесторлар фаолияти, заргарлик ва саноатнинг бошқа тармоқларини табиий эҳтиёжлари минимал нархлар даражасида тўлиқ қондирилишига қарамасдан 1971 йилдан кейин олтинга бўлган нархлар кескин ўзгаришининг сабаби бўлди.

Шимолий Америка ва Европада инвесторларнинг чайковчиларга айланиш мойиллиги бор, улар гаров суммаси ҳисобига олтин савдоси, фьючерс битимлари ва опционларини савдоси каби усууллар ёрдамида, киска муддат оралигига фойда олишга уринадилар. Бунда улар олтинни сотиб олмасдан ёки етказмасдан, нархларнинг тебранишидан фойдаланишиди. Осиё инвесторлари, америкалик ва европаликлардан фарқ қилиб, олтинни табиий турли шаклдаги қўймаларда йигишга уринадилар ҳамда олтинга инвестицияларни, ҳавфли молиявий вазиятлардан чиқишига имконият берувчи восита сифатида кўрадилар⁶⁷.

Саноат истеъмолчиларида заргарлик ишлаб чиқариш, саноат корхоналари ҳамда кўпинча аффинаж корхоналари ҳам киради. Олтинни тозалаш бўйича корхоналар мижозларининг аксарият қисмини, муайян турли таърифларга эга бўлган олтинни олишга муҳтож, саноатнинг турли тармоқлари ташкил этади. Электрон саноат эҳтиёжлари учун соғлиги 999,99 (бешта тўқкиз) бўлган олтин талаб килиниши мумкин, заргарларнинг эҳтиёжи эса – кейинчалик кайта қуиши учун кум кўрининишидаги олтин билан чекланишлари мумкин. Саноат корхоналарининг кўпинча, консигнацион омборларда олтинга эга бўлган брокерлик фирмалари орқали қимматбаҳо металларни сотиб олишига қарамасдан, бъязи ҳолларда айни брокерлик идоралари, ўз мижозлари номидан ва улар топшириги билан олтинни тозалаш ва асл ҳолга келтиришни амалга оширади.

8.2.Олтин фиксинги

Лондонда кунига икки марта банклараро бозорида олтинга жорий нарх қайд қилинади. Асос сифатида муайян пайтга вужудга келадиган, металлга бўлган талаб ва таклифнинг нисбати қабул қилинади. Бу мақсадда бешта лондонлик иштирокчи томонидан ол-

⁶⁷ «Организация операций с драгоценными металлами». Прикладное пособие «Внешторгбанка». 1977 г.

тинга нархнинг фиксинги ўтказилади. Фиксинг, табий металлнинг етказилмасдан савдоси амалга ошириладиган банкларо бозор элементи бўлиб, «unallocated» ҳисоб вараклари юритилади.

Олтиннинг биринчи фиксинги 1919 йил 12 сентябрда ўтказилган, ўшанда олтин нархи 4 фунт стерлинг 18 шиллинг ва 9 пенс даражасида белгиланган (ўша пайтда бу таҳминан 20,67 АКШ долларини ташкил қилган). Фиксингнинг дастлабки маҳсади бўлиб, Жанубий африкалик олtinga нисбатан бозор нархини белгилаш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда фиксинг 10 соат 00 дақиқада «Н.М. Ротшильд энд Санс Лтд.» Компанияси идорасида (эрталаб ёки биринчи фиксинг) ўтказилади, унинг вакили раислик килувчининг ва-зифаларини бажаради.

Биринчи фиксинг вактида, маркет-мейкерлар мижозларга, ҳамда бошқа иштирокчиларга металл биржа баҳосини тақдим этишлари мажбурий эмас.


Иккинчи фиксинг пайтида бир вактнинг ўзида Нью-Йоркдаги НИМЕКС энг йирик биржалари ишлайди. Бу ерда олтин фьючерсларининг савдоси ўтказилади. Улар фиксинг билан бир қаторда нарх учун мўлжал бўлиб хизмат килади.

Фиксингда бешта доимий аъзолар қатнашади, улардан ҳар бири ўзининг вакилини юборади. Ўртача фиксинг таҳминан 15 дақиқа давом этади, лекин 2 дақиқагача қисқариши мумкин. Энг узок давом этган фиксинг 2 соату 26 дақиқада қайд қилинган. Ҳозирги пайтда фиксингларда қуидаги компания вакиллари иштирок этадилар:

- H.M. Rothschild and sons;
- Mocatta and Goldsmith (Standard Chartered Bank);
- Samuel Montague (Midland Bank);
- Sharps Picely (Deutsche Bank).

Белгиланган вактга фиксингнинг бешта қатнашчиси маҳсус хонада йигиладилар ва телефон орқали ўз фирмаларининг амалий заллари билан боғланадилар. Улардан ўз навбатида, фиксингда олтиннинг муайян микдорини сотиш ёки харид килишни истаган фирманинг ҳар қандай мижозлари билан алоқа ўрнатадилар. Бундай мижозлар бўлиб марказий банклар, олтин қазиб чиқарувчи компаниялар, инвестицион жамғармалар, заргарлик саноати корхоналари ва фиксингда қатнашмаган бошқа банк ва фирмалар ҳисобланади. Бу мижозлар фиксинг вактида телефон, телекс алоқаси ёки Reuter-дилинг бўйича алоқани ўрнатадилар. Буюртма-

ларни олиб, фиксинг қатнашчилари буюртмаларнинг микдорий нисбатини хисобга оладилар. Бу ҳолда ҳарид қилинадиган ва сотиладиган олтин микдори «бар»ларда кўрсатилади (инглизча «bar» сўзидан - ёмби). Вазни 400 унция бўлган стандарт барлар назарда тутилади. Reuter-дилинг бўйича музокараларнинг таклиф қилинаётган саҳифасида, қатнашчилардан бирининг (Standard Chartered Bank банки томонидан, Мокатта групп) ўз мижозига фиксингнинг изоҳлари кўрсатилган.



8.1-расм. Жаҳон олтини бозорларида нархининг ўзгариш динамикаси⁶⁸.

Бунда фиксингда 135 барлар сотилган бўлиб, 135 барлар сотиб олинган (135×400 унция = 5400 унция ёки таҳминан 1,7 тонна). Таъкидлаш керакки, 270 барли айлануви (ёки 3,4 тонналарда) – ўртачадан бир мунча юқоридир. Шундай килиб, бир кунда бир вактнинг ўзида икки марта мувозанат нархини, яъни металлга талаб ва таклифни тенглаштирадиган нархни аниқлаш мумкин бўлади. Олтин фиксинги «очиқ» хисобланади, яъни қатнашчилар доимо ўз мижозларига, металлни сотиш ва сотиб олиш буюртмаларини фиксингига кўйилган микдор қисмида фиксация жараёнини изоҳлайдилар. Фиксинг жараёнида мижоз ўз буюртмасини чакириб олиши, ёки аксинча кўпайтириши мумкин. Нарх фиксациясидан кейин

⁶⁸ <http://www.gold.org/>

фиксация килинган буюртмаларнинг бажарилиш нархи аниқланади. Бу ҳолда сотишга бўлган буюртма, +\$0,05 фиксинг нархи бўйича бажарилади, сотиб олиш учун буюртмада эса - +\$0,25 фиксинг нархи бўйича, яъни бундай муайян вазиятда сотувчилар фиксингда олтинни \$395,50 нархи бўйича сотидилар, харидорлар эса трой унциясига \$395,70 нархи бўйича сотиб олдилар. Нархни фиксация килиш жараёнининг қатнашчилари сотув ва харид нархлари орасидаги бу фарқни фиксация киладилар (яъни бир унцияга 20 центдан).

Мазкур механизм, бозорнинг ҳар қандай иштирокчисига олтинни баравар шартларда сотиш ва сотиб олишга имкон беради, шу туфайли олтиннинг катта миқдорлари, сотув ва харид нархлари орасидаги минимал фарқ билан сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Фиксинг нархи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва муҳокама қилинмайди. Бу бозор нархининг ўзгарувчалиги пайтида аксарият иштирокчиларга битимларни фиксинг асосида тузишга имкон беради.

Юкоридаги расмдан, олтин нархининг ўзгариш динамикасини кўришимиз мумкин. Бу ерда, Евронинг 1999 йилдан олдинги қиймати сифатида марка олинган. Расмдан кўриб, турганимиздек, 70 - йиллар бошларида Бреттон Вудс валюта тизимининг таназзулидан сўнг, олтин қиймати кескин ўса бошлади.

З БҮЛİM ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

IX боб. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ОМИЛЛАР

9.1. Халқаро молия институтларининг валюта муносабатларини ривожланишидаги ўрни

Молия – кредит ва валюта тизимининг юзага келиши ўзига хос тарихий воқеликка эга. Молиявий – валюта муносабатлари аввалига якка ҳолда намоён бўлиб, икки ёклама келишувлар доирасида бўлиб тизимли кўринишга эга бўлмаган. Кейинчалик давлатлар кўп томонлама келишувлар тузса бошлашган. Шу тариқа валюта молиявий муносабатлари миллий тизим чегарасидан чиқиб, ҳудудий ва жаҳон тизимларини ташкил этган. Маълумки, валюта тизими таркибий элементлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг қай йўсинда амал қилишига қараб бутун тизимга баҳо бериш мумкин бўлади. Валюта тизимининг элементларидан бири бўлиб, валюта муносабатларини тартибга солувчи органлар фаолияти ҳисобланади. Миллий валюта тизимида бу алоҳида давлат органлари бўлса, халқаро миқиёсда бу вазифани халқаро молия институтлари амалга оширишади.

9.1-жадвал Жаҳон валюта тизими эволюциясида валюта муносабатларини тартибга солувчи институционал асослар⁶⁹

Даври	Валюта тизими	Институционал жихати
1867–1913 Йиллар	Париж валюта тизими	Конференция (1867 йил)
1922– 1936	Генуя валюта тизими	Конференция (1922 йил) Халқаро ҳисоблар банки (1930 йил)
1944 – 1976	Бреттон Вудс валюта тизими	ХВФ (1944 йил)
1976-хозирга қадар	Ямайка валюта тизими	ХВФ (1944 йил) Конференция (1976)

⁶⁹ Муаллифлар томонидан тузилган

Халқаро молия институтлари мамлакатлараро ташкил этилгани учун кўп томонлама манфаатларга хизмат қиласди ва умумлашган ёки бирхиллашган коидаларни ишлаб чиқади. Валюта тизими айнан шу коидаларга мувофиқ шаклланади.

Тарихан тўртта жаҳон валюта тизими амал қилган ва уларнинг хар бирида валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи ташкилот фаолият олиб борган (9.1-жадвалга қаранг).

Халқаро молия институтлари асосан, биринчи жаҳон урушидан кейин ташкил топа бошлаган. Бу халқаро ташкилотлар аъзо мамлакатларга карз маблагларини тақдим этиш билан бирга жаҳон валюта тизимининг фаолият юритиш тамойилларини ишлаб чиқишиди ва давлатлараро валюта муносабатларини тартибга солишади.

Халқаро молия институтлари хўжалик муносабатларининг жадаллашуви, глобализация жараёнининг ривожланиши, жаҳон иқтисодида кечадиган инқирозларни биргаликда ҳал этишга эҳтиёжнинг юзага келиши билан ташкил этила бошлаган.



9.1- расм. Халқаро молия институтларининг валюта муносабатларига таъсирига қараб туркумланиши.

Халқаро молия институтларини валюта муносабатларининг ривожланишига таъсир этишига қараб, икки гуруҳга бўлиш мумкин: бевосита валюта муносабатларини ривожланишини белгилаб берадиган ташкилотлар ва билвосита кўрсатадиган хизматлари оркали таъсир этадиган институтлар (9.1-расмга қаранг).

Халқаро ҳисоблар банки (ХХБ) 1930 йилда Бельгия, Франция, Германия, Италия, Япония, Буюк Британия ва АҚШ таъсисида Базель шаҳрида ташкил этилган бўлиб, унга Биринчи Жаҳон урушини якунлаб берган Версаль шартномасига мувофиқ, Германия келтирган заرارларни қоплаш учун тўловларни тартибга солиш вазифасини юклатилган эди. Шунингдек, ХХБ марказий банкларни ҳамкорликда иш олиб боришларини таъминлаши керак эди. Банк номи ҳам шу вазифалардан келиб чиқиб қўйилган. 1930 йиллардаги молиявий ва иқтисодий инқизоз марказий банкларни биргаликда фаолият олиб боришни талаб этар эди Генуя валюта тизими тамойиллари асосида ташкил этилган валюта муносабатлари ХХБ га аъзо мамлакатлар марказий банкларининг доимий йиғилишларида тартибга солиб туриладиган бўлди.

Буюк депрессия ва сиёсий зиддиятларнинг ошиб бориши натижасида жаҳон валюта тизимининг инқизозга учрашига қарамасдан, марказий банклар учун Базелда ҳар ой йигилиб, фикр алмашишлари учун шароит яратиб берилган эди. ХХБ марказий банкларга кенг кўламдаги хизматларни кўрсатишда давом этиб, киска фурсатда ўз мавқеини мустахлаб олишга эришди ва иқтисодий тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйди.

Иккинчи жаҳон уруши давомида, Банк омон қолиши учун барча йиғилишларни тўхтатиб қўйди ва дахлсизлик тўғрисида декларацияни қабул қилди. Ушбу декларацияга мувофиқ, банк урушда қатнашайтган томонга бошқа мамлакатга нисбатан устунлик қилишга ёрдам берувчи банк хизматларини тўхтатиб қўйди ва марказий банкларга ўз мажбуриятларини бажаришга кўмак бериш билан чекланди.

1944 йилда Бреттон Вудс конференциясида муҳокама қилинган масалалар қаторида ХХБни тугатиш ҳам ўрин олди. Конференция карори асосида ташкил этилган ХВФ ва Жаҳон банкининг фаолият кўлами ХХБга нисбатан кенг қарновли бўлгани учун, танлов янги институтлар ҳисобига ҳал этилиши кутилган эди. Бунга карши Европа марказий банклари ўз институтларини саклаб қолиш фикрини кўллаб куватлашди. Кейинчалик ХХБ Европа мамлакатларининг молиявий тикланишида ниҳоятда катта ўринга эга бўлди. Бундан ташқари, Совуқ Уруш даврида банк икки кутб ўртасида даҳлсиз бўлган музокара майдони сифатида хизмат қилди.

ХХБнинг иккинчи жаҳон урушидан 70 – йилларгача бўлган даврда марказий банклар билан ҳамкорлиги қатъий белгиланган

курсда эркин алмаштириладиган валюталарга асосланган Бреттон Вудс валюта тизими манбаатларини химоя қилишдан иборат бўлди. 1950 йилларда Европа Тўлов Иттифоқининг (European Payments Union, EPU) агенти сифатида Банк Европа мамлакатлари валюталарини эркин алмаштиришга эришишда техник жиҳатдан катта ёрдам берган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европанинг барча мамлакатларида валюта муносабатлари қатъий тартибга солинган эди, бу эса эркин савдони сезиларли чеклади. EPU унга аъзо мамлакатларда валюта чекловларини бартараф этиб, ҳалқаро бозорда валюталарнинг эркин алмашувини таъминлаш мақсадида ташкил этилган эди. Бу тадбир Европа учун муваффақиятли кечиб, 1958 йилнинг охирига келиб, ҳудуд бўйлаб барча валюталар эркин конвертиранадиган бўлди.

1958 йилдан сўнг Бреттон Вудс валюта тизими 1944 йилда кабул қилинган тамойиллар асосида тўлиқ ишга тушди. Аммо тизимнинг самарали ишлаши учун мамлакатлардан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик талаб этилди. Бундай шароитда Банкнинг резерв валюталар (доллар ва фунт стерлинг) позициясини таъминлашдаги иштирокида янада ошди. Бунда Банк марказий банклар ўртасида, мавжуд тизимни ишдан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган инқирозлардан саклаш мақсадида, мувофиқлаштирувчи фаолият олиб борди. Бу фаолият доирасига Олтин Пулни сақлаш, своп битимлар тармогини ташкил этиш, фунт стерлинг алмашинувини таъминлаш каби вазифалар кирган эди. Катта ўнлик (G10) томонидан белгилаган бу вазифалар хисобига мавжуд тизимнинг 60 – йиллардаги олтин даврида иктисодий ўсишни таъминлашга эришилди. Шундай бўлсада, тизимнинг сақлаб қолиш имкони бўлди ва 1973 йиллардан бошлаб, эркин сузуб юрувчи валюта курси даври бошланди.

Ўттиз йилдан ортиқ ХХБ Европада валюта интеграция жараёнида яқиндан қатнашиб келган. Мазкур валюта тизими тамойиллар асосида қабул қилинган «валюта илони» режимини таъминлашда Банк техник жиҳатдан катта ёрдам кўрсатган. 1964 йилдан бошлаб, Европа иктисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар марказий банларидан тузилган Бошқарув Кўмитасида интеграциянинг келгуси ишлари муҳокама этила бошлади ва 1979 йилнинг 13 марта ХХБ бўлиб ўтган навбатдаги йигилишда Европа валюта тизими тўғрисидаги келишув имзоланди

ХХ асрнинг охирги ўн йилларидаги молия бозорларининг кенгайиши ва глобаллашуви кучайиши натижасида, марказий банкларнинг ХХБ орқали ҳамкорлиги тобора ортиб борди. ХХБ валюта ва молиявий барқарорлигини таъминлашни икки йўналишда олиб боради:

–зарурат юзага келганда фавқулотда молиявий ёрдам кўрсатиш;
–халқаро молиявий тизими барқарорлиги ва банк назорати самарадорлигини таъминлашга қаратилган стандартларни ишлаб чикиш бўйича мутахассисларни жалб қилиш.

ХХБ марказий банкларга қуйидаги валюта операцияларини тақдим этади:

–спот, своп, форвард, опцион ва форех бозоридаги депозитлар;
–хорижий валютанинг овернайт талабларини қондириш;
–Лондон, Берн ёки Нью Йорк молия бозорларига маблагларни жойлаштириш;
–спот, аутрайт, своп ва опцион шартлар асосида олтин олди – сотдисини амалга ошириш.

ХХБнинг жаҳон валюта тизимида катта аҳамиятга эга бўлсада, алоҳида мамлакатларга, яъни аъзо бўлмаган давлатлар жумладан, Ўзбекистонда валюта муносабатлари ривожланишида ўринга эга эмас. МДҲ доирасида ХХБга биргина Россия аъзо бўлган. Ҳозирги пайтда, Ўзбекистон валюта соҳасида ҳамкорлик қилаётган ва тўғридан – тўғри таъсирга эга ягона ташкилот бўлиб ХВФ хисобланади.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) валюта – молиявий соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминловчи ташкилот ҳисобланади ва ҳозирги пайтда 183 аъзолардан иборат. ХВФ Жаҳон банки билан бир вактда 1945 йилда Бреттон Вудс конференцияси қарори билан ташкил этилган. Бошқа мавжуд молия институтларидан фарқли равишда ХВФ айнан валюта муносабатларини ривожлантириш, жаҳон валюта тизимининг ишлаш тамойилларини ишлаб чикиш ва улар бўйича фаолиятни таъминлаш, мамлакатларга валюта соҳасида турли хизматларни кўрсатишга қаратилган.

ХВФнинг вазифалари асосий мақсадидан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат:

– халқаро валюта – молиявий муаммолар устида биргаликда ва доимий иш олиб борувчи ташкилот доирасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

риш мақсадида эркинлаштириш ва расмийлаштириш курсини тұғрилаш билан бир вактда, келишиб олинган тартибда пул-кредит ва бюджет сиёсатини үтказиш мақсадға мувоғиқлиги қайд этилған.

Ўзбекистонда ХВФ ходимлари назорати остида амалга оширилған дастур доирасыда 2002 йилда иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандум қабул қилинди ва унинг бажарилиши билан 2003 йилда жорий операциялар бўйича чекловларни олиб ташлашга эришилди.

Валюта муносабатларининг ривожланишида бошка институтлар ҳам алоҳида ўрин тутади, аммо уларнинг таъсири тўғридан – тўғри бўлмаса-да, у ёки бу соҳани ривожлантиришга қаратилган тадбирлари, молиялаштириш дастурлари ва инвестицион лойиҳалари орқали таъсири сезилиши мумкин. Шулар жумласига, Умумжон савдо ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, ЕвроОсиё тараққиёт банкини киритиш мумкин.

Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, 1948 йилда қабул қилинган Тариф ва Савдо бўйича Бош келишув (GATT)нинг давомчиси ҳисобланади. УСТ нинг асосий максади аъзо мамлакатларда ўзаро ташки савдо операциялар уйғунлигини таъминлаш ва камситувчи (дэмпинг) сиёсатни тартиба солишдан иборат.

Маълумки, ташки савдонинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан мамлакатда ўрнатилган валюта муносабатларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун УСТга аъзо бўлаётган мамлакатлар олдига ХВФ талаблари бажарилишини кўйди.

Ўзбекистон 1994 йилда УСТга кириш учун ариза берган ва 1995 йилдан бошлаб, ташкилот талаблари бажарилишини кузатиб борувчи гурух ташкил этилган. 1998 йил сентябринда УСТ котибиятига Ўзбекистоннинг ташки савдо рёжими тўғрисида Меморандум тақдим этилган.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ). Ўзбекистон ЕТТБга 1992 йилда, банк акцияларининг собиқ иттифок республикалари ўртасыда тақсимлангандан сўнг аъзо бўлади, 1993 йилда биринчи лойиҳа амалга оширилади.

ЕТТБ Ўзбекистонда ўз фаолияти еттига Йўналишни белгилади. Булар қуйидаги соҳаларни ривожлантиришга қаратилади:

- молия сектори ва банк инфратузилмаси;
- кичик ва ўрта корхоналар;
- бозор инфратузилмаси;

–энергетика мажмуаси;
–пахтани қайта ишлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари;
–сайёхлик инфратузилмаси;
–табиий ресурсларни ўзлаштириш.

ЕТТБнинг асосий мақсади Собиқ Иттифок парчаланиши натижасида жаҳон майдонларига чиқкан янги ривожланаётган мамлакатларда бозор ислоҳотларини амалга оширишга ёрдам беришдан иборат. ЕТТБ мамлакатда инвестиция лойиҳани амалга оширав экан қарз олувчи олдига бир қатор талабларни кўяди. ЕТТБнинг бундай талаблари қаторида валюта масалалари ҳам алоҳида ўрин олган. Банк мамлакатда кечачётган ислоҳотларни доимий кузатиб боради.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ). 1993 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси томонидан ОТБга аъзо бўлиб кириш учун расмий ариза берилади, унга кўра 1993 йил 6 августда ОТБ бошқарув кенгаши Ўзбекистонни аъзоликка қабул қилиш ҳақида резолюция (266) қабул килди.

1995 йил 29 июнда ЎзР Президентининг «Ўзбекистоннинг Осиё Тараққиёт Банки»га аъзо бўлиб кириши тўғрисида»ги Фармони (ПФ №1199) чиқди.

ОТБ ҳам ЕТТБ каби асосий эътиборни бозор ислоҳотларини амалга оширишга қаратадиган ташкилот ҳисобланади. Ушбу ташкилот БМТнинг таклифи билан Осиё ва Тинч океани ҳудудида жойлашган мамлакатларни ривожлантириш ва камбагаликка карши фаолият олиб бориш учун ташкил этилган.

Умуман олганда Банкнинг фаолияти валюта муносабатларига таъсирини эътироф этиш кийин, чунки ташкилотни валюта соҳасидаги масалалар қизиктирмайди.

ОТБ нинг Ўзбекистонда валюта муносабатларига ривожланишига таъсирип этиш имкониятларини Банк томонидан умумий бўлган валютани 2006 йилда муомалага чиқаришга режалаштирилаётганлиги орқали ифодаласа бўлади⁷¹.

Ушбу тадбирнинг биринчи босқичи 2006 йилда нақдсиз шаклда ACU⁷² ҳисоб бирлигини киритишдан бошланиши керак эди. Ушбу валютанинг курси валюталар саватига киритилган валюта қиммат-

⁷¹ ОТБнинг 2006 йилдаги 40 - Йигилиши маъруzasидан.

⁷² Осиё валютасининг номи 1979 йилда қабул килинган ECU дан олинган бўлган бўлиб, Asian Currency Unit – яъни Осиё Валюта Бирлиги маъносини билдиради.

ликлари асосида аникланиб, ушбу саватта Хитой, Жанубий Корея, Япония ва АСЕАН га аъзо 10 мамлакат валютаси киритилган.

ХВФ мутахассислари ва Вашингтон ҳукумати ҳозирги пайтда бу валютанинг таъсирини таҳлил қилмоқда. Хитой, Янги Тайван ва Гонг Конг валюталари иштирок этган ҳар қандай валюта саватининг барқарор бўлиши шубҳасиз, АСУнинг айнан шу жиҳати жоиз бўлса, АҚШ долларини ортда қолдириши мумкин дея зътироф этилмоқда⁷³.

Ўзбекистоннинг Осиё тараққиёт банкига аъзолигини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакат валюта захирасида бу каби валютанинг пайдо бўлиши валюта диверсификациясини амалга ошириш имкониятини янада кенгайишига хизмат килиши мумкин.

9.2. Ўзбекистоннинг халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз дунёнинг етакчи ва энг йирик молиявий ташкилотлари сафига қўшилмоқда. Ушбу ташкилотлар билан амалга оширилган лойихалар, улар томонидан ажратиб келинган ва келинаётган молиявий ресурслар мамлакатимиз иқтисодиёти ва бошқа секторларининг ривожига хизмат кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигининг бошланиши сифатида 1992 йилда амалга оширилган ишларни келтириб ўтиш мумкин. Айнан шу йилда мамлакатимиз дунёнинг энг йирик ва нуфузли халқаро молиявий ташкилотлари, Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки гурӯҳи таркибига кирди. Ушбу интеграциялашув мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида амалга ошираётган ислоҳотлар учун янги йўлларни очиб берди. Ўзбекистон ва халқаро молиявий ташкилотлар ўргасидаги ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи сифатида мамлакатимизнинг минтакадаги энг йирик молиявий ташкилотлар, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиб киришида намоён бўлди.

Республикамизга, ҳозирги кунга келиб асосий молиявий маблағларни ажратиб келаётган молиявий ташкилотлар ичida Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки гурӯҳига кирган ташкилотлар алоҳида ўрин эгаллайдилар. Шунинг учун мамлакатимизнинг халқаро молиявий ташкилотлар билан молиявий муносабатларини


⁷³ Anthony Rowley. Boost for new monetary scheme. ADB 39th Annual Meeting. Hyderabad, India 2006.

тахлил қилас эканмиз, айнан шу икки халқаро молиявий ташкилоттарнинг мамлакатимиз билан алоқаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон барқарор ўсишга эришди, камбағаллик даражасини кескин пасайишига эришди ва жаҳон молиявий инқирозини енгид ўтди.

Ўзбекистон ва Жаҳон банки гурӯҳи

Мамлакатимиз Жаҳон банки таркибига 1992 йилда кирган бўлиб, ҳозирги кунга қадар ушбу молиявий ташкилот билан ҳамкорликда 23 лойиҳани имзолашга эришди. Ушбу лойиҳаларни имзолаш жараёнида Жаҳон банки гурӯҳи томонидан Ўзбекисондаги иқтисодий ўзгаришлар чукур таҳлил этиб борилди.



9.2- расм. 1998-2010 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётидаги макроиқтисодий ўзгаришлар⁷⁴

Ўзбекистондаги макроиқтисодий барқарорликка эришиш бора-сидаги дадил қадамлар Жаҳон банки гурӯҳи томонидан ижобий баҳоланиб, давлатимизнинг рейтингини ошишига ва ажратилаётган кредитларни йўналишини ўзгаришига ҳамда лойиҳаларни кўпайнишига олиб келди.

Лойиҳалар Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро ривожланиш ассоциацияси томонидан молиялаштирилган бўлиб, имзоланган 23 лойиҳадан 13 таси ҳозирги кунга келиб якунланган бўлса, қолган 10 та лойиҳа ҳозирги кунда ҳам амалда.

⁷⁴ Жаҳон банкининг 2011-йил хисоботлари асосида тузилди.

Ҳамкорлик даври давомида яқунланган лойиҳаларнинг умумий қиймати 549 млн. АҚШ долларига тенгдир.

Ҳозирги кунга қадар яқунланган лойиҳалар, асосан, инсон ресурсларини бошқариш ва ижтимоий муҳофазани кучайтириш, энергетика соҳасини такомиллаштириш ва қишлоқ ҳудудларида иқтисодий ўсиши таъминлашдан иборат.

9.2-жадвал

Жаҳон банки гурухи томонидан молиялаштирилган ва ниҳоясига етган лойиҳалар (31.12.2011 й. ҳолатига)⁷⁵

№	Лойиҳалар	Ажратилган маблаг (АҚШ долларида, млн.)
1	Институционал ривожланиш	21
2	Иқтисодиётни кайта тиклаш	160
3	Пахтачилик соҳасини модернизациялаш	66
4	Иқтисодиётнинг институционал ривожланиши 1	25
5	Саломатлик 1	30
6	Иқтисодиётнинг институционал ривожланиши 2	28
7	Тошкент шаҳрини чиқиндилардан тозадаш	24
8	Давлат молия бошқарувидаги ислоҳотлар	0,9
9	Шаҳар транспортининг янгиланиши	29
10	Кишлоқ хўжалиги ҳудудидаги корхоналарни кўллаб-куватлаш 1	36
11	Кишлоқ хўжалиги ҳудудида сув таъминотини яхшилаш	75
12	Бухоро ва Самарқанд шахарларининг сув таъминотини яхшилаш	40
13	Таълим 1	15
	Жами	549

Жаҳон банкининг республикамиз иқтисодиёти учун ажратган молиявий маблаглари мамлакат иқтисодий ривожланиши, ЯИМнинг ўсиши, иқтисодиётнинг модернизациялашувига қаратилган бўлиб, куйидаги асосий тўрт йўналиш доирасида иғодаланган:

- иқтисодий ўсиш учун замин яратиш;
- қишлоқ ҳудудида иқтисодий ривожланишни таъминлаш;

⁷⁵ Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

- инсон ресурслари тараққиётини ва ижтимоий муҳофазани тъминлаш;
- атроф мұхитни ҳимоя қилиш ва у билан бөглиқ рискаларни бошқариш.

Хозирги кунда амалда бўлган лойиҳаларнинг умумий суммаси 630 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, лойиҳалар асосан инфраструктурунга ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини тъминлашга қаратилган бўлиб, жами 10 лойиҳа доирасида молиялаштирилиб келинмоқда (3-жадвал).

9.3-жадвал

Жаҳон банки гурухи томонидан ҳозирги кунда Ўзбекистонда молиялаштирилиб келинаётган лойиҳалар⁷⁶ (31.12.2011 й. ҳолатига)

№	Лойиҳалар	Ажратилган маблаг (АҚШ долларида, млн.)
1	Кишилк ҳўжалиги худудидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш 2	68
2	Дренаж ва ирригацион тизимларни янгилаш	60
3	Саломатлик 2	40
4	Иккинчи умумий таълим	28
5	Фарғона сув ресурсларини бошқариш	66
6	Бухоро ва Самарқанд оқава сув тармоқларини модернизациялаш	55
7	Саноат корхоналаридаги энергия қувватларидан фойдаланиш самарасини ошириш	25
8	Сирдарё сув таъминотини яхшилаш	88
9	Толимаржон иссиқлик электр станциясини қуриш	110
10	Соғлиқни саклаш тизимини тақомиллаштириш	93
	Жами	632,5

Ўзбекистон Республикасига киритилган дастлабки маблаг – Техник ёрдам ва мамлакатда ташкилотларнинг барпо этилишига багишланган эди. Киритилган сума 21 млн. АҚШ долларига тент бўлган бўлиб, бу лойиҳа 1994 йилдан 2000 йилгача давом этди. Лойиҳанинг асосий мазмуни иқтисодий ислохотларнинг олиб бо-

⁷⁶ Муаллифларлар томонидан ишлаб чиқилган.

рилишига күмаклашишдир, инфратузилмани ривожлантириш, хусусийлаштиришни амалга ошириш ва албатта ижтимоий муҳофазани таъминлаш кирган эди.

Ушбу лойиҳанинг мантиқий давоми сифатида 1995 йилда 160 млн. АҚШ долларига тенг янги кредит ажратилди.

Мамлакатимизга ажратилган навбатдаги кредит 1994 йилда имзоланиб, лойиҳа 2002 йилда ниҳоясига етгунича ажратилиб келинди. Ажратилган сумма 66 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у пахта етиштирилишини ривожлантириш, техник заминини яхшилашга қаратилиши билан бирга атроф мухитни заҳарлашга қарши ҳам етарлича эътибор берди.

Эътибор берадиган бўлсак, Жаҳон банки гуруҳининг аксарият ажратмалари атроф мухитни тозалигини сақлашга эътибор берди. Хусусан сув тозалигини сақлашга, айнан шу соҳадаги дастлабки кадам 1992 йилда кўйилди. Имзолангтан лойиҳа «Сув таъминотини яхшилаш» деб аталди ва у амалга ошириладиган ишларнинг дебобчаси бўлди, деб айтсак муболага бўлмас. Ажратилган сумма 5 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Ундан сўнг 1997 йилда «Сув ва санитария» мавзусидаги лойиҳа доирасида 75 млн. АҚШ доллари ажратилди. Лойиҳа 2008 йилда тутатилди. Бунга кўшимча тарзда 2001 йилда яна бир лойиҳа доирасида 36,14 млн. АҚШ доллари берилди.

1998 йилнинг 21 майидан бошлаб эса Тошкент шаҳрида тупроқнинг шўрланишига қарши чора-тадбирларга бағишиланган лойиҳа имзоланди, у 8 йил давом этиб, унинг доирасида 24 млн. АҚШ доллари банк томонидан инвестиция сифатида киритилди.

Дастлабки бобда таъкидлаб ўтилганидек, банкнинг асосий максадларидан бири дунёдаги инсонларнинг соглигини яхшилаш, айнан шу мақсадда 1998 йилда мамлакатимиз билан «Саломатлик-1», 2004 йилда эса «Саломатлик-2» лойиҳалари имзоланди. Дастлабки лойиҳа доирасида 30 млн. АҚШ доллари ажратилган бўлса, иккинчисида 40 млн. АҚШ доллари ажратилди. Лойиҳаларнинг асосий мақсади сифатида – соглиқни сақлаш ташкилотларининг техник базасини яхшилаш ва тажрибали кадрларни етиштириш бўлди. Дарвоке, «Саломатлик-2» дастури 2010 йилнинг июнигача давом этди.

Иқтисодий соҳани янада ривожлантириш учун банк томонидан 1998 йилда 28 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа, 1999 йилда эса 25 млн. га тенг лойиҳа имзоланди. Ушбу лойиҳалар – Халқаро

ривожланиш ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида имзоланди. Уларнинг асосий мақсади:

- иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш;
- тижорат банклари орасидаги рақобатни кучайтириш;
- банк соҳасида инновацион фаолиятни уйготиш.

Янги асрга қадам кўйилганидан кейин ҳам Жаҳон банки гурухи ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси орасидаги муносабат сусаймади. Эндиликда банк кўпроқ ижтимоий соҳаларга зътиборини кучайтириди. Хусусан 2000 йилнинг майида 29 млн. АҚШ долларига тенг Транспорт соҳасини ривожлантиришига бағишлиланган лойиҳа имзоланди. Унинг натижасида Самарқанд, Наманган, Бухоро, Нукус, Олмалиқ шаҳарларида транспорт таъминоти яхшиланди.

Таълим соҳасига 2006 йилда имзоланган лойиҳа натижасида 15 млн. АҚШ доллари ажратилди. Бу пуллар юқори синфларда ўқитиш самарадорлигини оширишга йўналтирилди. Лойиҳа 2009 йилнинг июнигача давом этди. Лойиҳанинг Ўзбекистон томонидан иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги бўлди.

Банк янги соҳаларга кириб боришига қарамай, олдиндан ишлаб келган соҳаларни ҳам унутмади, яъни 2002 йилда «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сув таъминотини яхшилаш» лойиҳасига 40 млн. АҚШ доллари ажратилди. Ушбу лойиҳа Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг сув таъминоти кизмати томонидан амалга оширилган бўлиб, келажакда лойиҳанинг давоми ҳам молиялаштирилиши кутиляпти. Бундан ташқари Дренаж, ирригация ва мелиорация тизимларини яхшилаш учун 128 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа ишга тушди. Бу лойиҳа икки босқичли бўлиб, унинг биринчи босқичи доирасида 60 млн. АҚШ доллари берилиши мўлжалланган бўлса, 2008 йилда бошланган иккинчи босқичида яна 68 млн. АҚШ доллари ажратилади. Ҳар иккала лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилди.

Юқорида таъкидланган техник ёрдам ва кредитлардан ташқари Жаҳон банки гурухи мамлакатимизга грантларни ҳам ажратиш билан шугулланиб келмоқда.

4-жадвал маълумотларига асосан ажратилган грантларнинг энг каттаси Иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлилига ажратилган, ажратилган сумма 414 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у мамлакатимизнинг Иқтисодий тадқиқотлар марказига ажратилган.

Ушбу дастурнинг асосий мақсади – иқтисодий ўзгаришларни назарий асосларини баҳолаб бориш, уларни таҳлил қилиш ва шу билан шугулланувчи ташкилотларнинг маъмурий техник базасини яхшилаш.

9.4-жадвал

Жаҳон банки гурухининг 2000-2011 йилларда мамлакатимизга киритган грант маблағлари⁷⁷

№	Грант номи	Сумма (млн. АҚШ дол.)	Олган ташкилот
1	Статистика тизимидағи институционал ўзгаришлар	410,000	Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси
2	Иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили	414,000	Иқтисодий тадқикотлар маркази
3	Монополияга қарши чоралар учун ўзгаришлар	250,150	Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш қўмитаси
4	Пенсия ислоҳотлари	315,000	• Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги

Иккинчи грант миқдори 410 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у ҳам назарий асосларни такомиллаштиришга қаратилган. Хусусан, статистик тизимини янгилашга йўналтирилган.

8-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳон банки томонидан 2003 йилдан бошлаб Ўзбекистонга ажратилган кредитларнинг аксарият қисми ўзлаштирилган ва ҳозирги кунга келиб колдик баланси 592,5 млн. АҚШ долларини ташкил этади. банк томонидан молиялаштирилган лойиҳалар ҳам қамраб олинган.

Бу жаҳон банки экспертларининг ҳисобларига қараганда жуда яхши кўрсаткич бўлиб, 2012 йил давомида, яъни лойиҳадар айнан шу йилни ҳам қамраб олади, уларни ўзлаштиришга имкониятлар мавжуд. Чунки, Президентнинг молия соҳасига тегишли 1438 сонли, саноатни ривожлантиришга оид 1442 сонли, инфратузилма,

⁷⁷ Жаҳон банки гурухининг расмий Веб сайти маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш 1446 сонли ва тизимили ўзгаришларни жадаллаштиришга йўналтирилган 1464 сонли фармонларини амалга ошириш учун Жаҳон

Бундан ташқари монополияга қарши курашга багишланган дастур учун ва пенсия тизимидағи ислохотларни кўллаб-куватлаш мақсадида грантлар ажратилган.

Жаҳон банки гурухи ташкилотлари томонидан ажратилган пул маблаглари асосан ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга тасмиланди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ажратилган маблаглар мамлакатнинг кўпгина соҳаларида ҳолатнинг бир мунча яхшиланишига замин яратиб берди.



9.3-расм. Ўзбекистонга ажратилган маблагларнинг қолдиқ баланси⁷⁸

Жаҳон банки гурухи инвестициялари натижасида қуйидаги ижобий натижалар юзага келди:

- Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 44 000 га яқин инсонлар тоза сув билан таъминланди. 800 000 га яқин кишиларнинг ҳар куни истеъмол қиласиган сувлари эса ҳам сифат, ҳам микдор жиҳатидан яхшиланди.
- Республикасининг 90% аҳолиси сув таъминотига эга бўлди. Шу пайтнинг ўзида деярли 80% инсонлар сув таъминотидан қоникиш ҳосил қиласилар.
- Ирригация тармоқларининг яхшиланишидан деярли 5000 та фермер ўз ишини яхшилаш имконига эга бўлди.

⁷⁸ Жаҳон банкининг хисоботлари асосида тузилди.

- 50 га яқин фермерлар янги, замонавий усқуналарни сотиб олиб, ўзининг иш даражаларини аңчагина яхшилаб олдилар.
- 2300 поликлиника янгидан иш бошлади.
- 11 млн.га яқин чекка тумандаги кишилар замонавий ва сифатли медицинага эга бўлди.
- Касалликларнинг сони камайди.

Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги

Ривожланаётган Осиё мамлакатлари ҳудудий халқаро банкни тузишга Марказий Африка Таракқиёт Банки (МАТБ) ва Африка Таракқиёт Банки (АФТБ) тузишдан кейин астойдил ҳаракат қила бошлади. Осиё тараққиёт банкини (ОТБ) тузиш ҳақидаги аниқ тақлиф 1963 йил сентябрда БМТнинг иқтисодий комиссияси томонидан берилди. Комиссия банк ҳудудий иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим инструменти бўлади деб умид қилган эди. Бу тақлиф 1963 йил декабрида Манилада бўлиб ўтган Осиё ҳамкорлиги бўйича министрлар конференциясида кўллаб-кувватланди ва конференция ЭКАДВ Ижроия котибиятига ОТБни тузиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши илтимос қилди. Натижада, Ижроия котибияти эксперталар гуруҳини ташкил қилди ва бу гуруҳга йирик мутахассислар жалб қилинди. ОТБ Халқаро Тикланиш ва Таракқиёт Банки (ХТТБ) ва МАТБ тажрибаларига асосланган ҳолда тузилди. Таъсисчилар ОТБнинг бир томондан ХТТБ билан, иккинчи томондан миллий банклар билан алоқасини кўзда тутган эди. Осиё мамлакатларига кўп томонли ёрдам кўрсатиш тизимини ХТТБ бошқариши керак эди. Осиё Таракқиёт Банки (ОТБ) - Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ривожланиш лойихалари учун узок муддатга кредит ажратиш билан шугулланадиган йирик давлатлараро молия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Банк 1965 йилда ташкил топган, унинг бош қароргоҳи Манила шахри (Филиппинлар)да жойлашган. ОТБни тузишдан мақсад - Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беришдан иборат.

Токиода имзоланган ОТБ тўғрисидаги битимга кўра бу молиявий ташкилотнинг функциялари МАТБ функцияларига ўхшаш. Банк Осиё-Тинч океани ҳудуди (ОТОХ) мамлакатлари ҳудудий ҳамкорлигини, иқтисодий ривожланишини таъминлаши, аъзо мамлакатларга молиявий, иқтисодий ва техник ёрдам

кўрсатиши, уларнинг иқтисодий ҳаракатларини тартибга солиб туриши керак. Осиё Тараққиёт Банкининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:

- Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожига ва ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- Давлат ва хусусий фонdlардан капитал қўйилмаларнинг ўсишини таъминлаш;
- ОТОХга кирувчи мамлакатларга қарзлар бериш, бунда кичик ва энг паст ривожланган давлатларни молиялаштириш ҳамда ҳудудий-иктисодий ҳамкорликни мустаҳкамловчи лойиҳаларга катта эътибор бериш керак;
- Ҳудудий савдонинг ривожланишига олиб келувчи иқтисодий режаларни тартибга солишда иштирок этиш;
- Та什ки манбалардан молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш ва бажаришга техник ёрдам бериш;
- ОТОХ мамлакатлари ташки савдосига ва иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш;
- ОТБ заиф ривожланган мамлакатлар эҳтиёжига катта эътибор беради ва ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига олиб келувчи регионал, субрегионал ва миллий лойиҳа ва режаларга катта эътибор беради.

ОТБни ташкил этиш жараёнида ривожланаётган давлатлар тўртта асосий шартни кўйдилар :

- капиталнинг 60 % и ЭСКАТО ҳудуди мамлакатлари взнослари эвазига шакллантирилиши керак;
- Банк президенти регион давлатларидан бирининг вакили бўлиши керак;
- директорлар кенгашининг 12 аъзосидан 8 таси ҳудуд давлатлари вакили бўлиши керак;
- банк штаб-квартираси ҳудуд давлатларидан бирининг пойтахтида жойлашиши керак.

ОТБ уставига биноан Банк тизимиға бир нечта маҳсус фонdlар киради:

- Имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредитглаш маҳсус фонди;
- Техника ёрдами маҳсус фонди.

Ўзбекистон Осиё Тараққиёт банкига 1995 йилнинг 18 августида аъзо бўлиб кирди. Республикаизмнинг бу банкка аъзо бўлиши

иқтисодий ўзгариш жараёнини маълум даражада тезлаштиради, ҳамда тадбиркорлик ва бизнеснинг турли хил шаклларини ривожланишига кўмаклашади. 1996 йилнинг 17 декабрида ОТБ нинг Директорлар Кенгаши Ўзбекистонга 50 млн.\$ микдорида кредит линиясини 13 йил муддатга, дастлабки З Йилини имтиёзли шартда очишга қарор қилди. Бугунги кунда бу кредит линияси тўлиқ ўзлаштирилган бўлиб, ўнлаб кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

ОТБ асосан ўз кредитларини технология ва ускуналарни сотиб олиш, ишчи капитал харажатларини қисман қоплашга, кишлоқ хўжалиги секторида мавжуд ускуналарни модернизация қилиш, қайта қуроллантириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган субвойиҳаларни молиялаштиришга берилади. Бу кредит линиясининг кредитори бўлиб ЎзРТИФ Миллий банки хисобланади. Қарз олувчи бўлиб хусусий, кичик ва ўрта корхоналар бўлиши мумкин (Аралаш капиталга эга бўлган корхоналар бўлиши мумкин, лекин бошқарув хусусий сектор қўлида бўлиши керак). Кредит олиш учун лойиҳа экспортбоп ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва валютада ўзини коплаши керак.

2003 йил охирида Осиё Тараққиёт Банки(ОТБ) Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун умумий қиймати 99,2 млн. АҚШ долларига тенг иккита кредит линиясини очишга қарор қилди: «АМУ-ЗАНГ машина каналларини тиклаш» - 73,2 млн. АҚШ доллари ва «Бошоқли экинлар ҳосилдорлигини ошириш» - 26 млн. АҚШ доллари . ОТБ нинг Ўзбекистонга ажратган кредитининг умумий ҳажми 1млрд. 340 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, 14 қўшма лойиҳани амалга оширишни назарда тутади. Шундан 745 млн. АҚШ долларига тенг кредит бугунги кунда амалда тасарруф этилмоқда. Бу билан ОТБ мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритаётган бошқа ҳалқаро молия ташкилотларидан ўзид кетди.

«АМУ-ЗАНГ» машина каналлари тизимини тиклаш» лойиҳасининг масади Аму-Занг ирригация тизимининг мустаҳкамлиги, самародорлиги ва барқарорлигини оширишdir. Бу тизим Амударёдаги насос станцияларини ўз ичига олиб, Сурхондарё вилоятида 100 минг гектар майдонга сув етказиб беради, вилоятдаги 400 минг кишининг турмуши асосан сугориладиган дехкончилик билан боғлиқ. Лойиҳа доирасида 3 та асосий насос станцияси – Боботог,

Аму-Занг ва Аму-Занг 2 ни реконструкция қилиш кўзда тутилган. АМУ-Занг каналининг магистрал ирригация ва дренаж тизимини режали таъмирлаш ва тикилаш (асосий каналларнинг айрим қисмлари, гидроиншоотларни тикилаш, соҳилни бетонлаш) сув ўтказиш имкониятларини ошириш ҳамда сувнинг унумли ва ўз вактида таксимланишига йўналтирилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳа амалга оширилгач, мазкур худудларда яшовчи 200 минг киши ижтимоий ва иқтисодий фойда кўради, яъни уларнинг даромадлари ортади, янги иш ўринлари яратилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ нинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, базавий ва ўрта маҳсус қасбхунар таълими, коммунал хўжалик, кичик ва ўрта бизнес соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Факат 2003 йилнинг ўзида базавий таълим, микромолиялаш, энергетика инфратузилмаси соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ОТБ ўртасида умумий қиймати 198,5 млн. АҚШ долларига тенг 4 та битим имзоланди.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ОТБ 2004-2006 йилларга мўлжалланган қиймати 500млн. АҚШ долларига тенг уч йиллик ҳамкорлик дастурини амалга ошириш борасида келишувга эришилди. Бу дастур оналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш, ичимлик сув билан таъминлаш, корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-куватлаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, энергетикада янги қувватларни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган қўшма лойиҳалар амалга оширишни назарда тутади.

Бундан ташқари Қорақалпогистонда ОТБ гранти ёрдамида Гаров фонди очилди. Маблағи 120 минг АҚШ долларига тенг бўлган бу жамгармани тузишдан мақсад, Орол бўйида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлашни йўлга кўйишда ёрдам беришdir. Ушбу гаров фонди тадбиркорлар учун 10 млн. сўмга кадар кредит олинаётганида гаровга кафолат беради.

Фонд ҳозирнинг ўзидаёқ икки тадбиркорга 12 млн. сўмлик кредит олиш учун гаров берди. Йил охиригача яна 18 тадбиркорни шу йўсинда қўллаб-куватлаш режалаштирилган. Шу кунларда 10 та бизнес лойиҳа кўриб чиқилмоқда.

Ҳозирда Қарақалпогистонда 133 минг кичик ўрта бизнес субъекти бор. Бу эса ўттан Йилнинг шу даврига нисбатан 2390 тага кўпdir. Натижада 3169 та янги иш ўринлари бунёд этилди. ОТБ нинг Тошкентдаги ваколатхонасидан хабар беришларича, банк Қарақалпогистондаги бизнес-инкубатор билан шартнома тузган, ушбу хужжатга кўра кичик корхоналарни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалламокда. Шу мақсадда ОТБ Қарақалпогистондаги ишлаб турган корхоналарга грантлар ажратмокда. Шунингдек, 10 минг АҚШ долларигача бўлган суммага қишлоқ хўжалиги ва ускуна лизинги учун ҳам грантлар бермоқда.

Умуман олганда, тасдиқланган стратегияга мувофиқ 2005 йилгача бўлган даврда ОТБ лойиҳа ссудалари беради, техникавий ёрдам кўрсатади ва зарурат тугилганда шошилинч тўлов операцияларини ўtkазади. Ўзбекистон ҳукумати Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг 585 млн. АҚШ доллари миқдорида ажратган мультитранш кредитини биринчи тоифали миллий автомагистрал қуриш учун жалб қиласди.

Жорий Йилнинг биринчи ярмида биринчи траншни ажратиш тўғрисида келишувни имзолаш режалаштирилиб, унинг миқдори аниқлаштирилмоқда.

Биринчи траншнинг кредит маблаглари «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов» (A-380) автойўлининг 50 км узунликдаги қисмини реконструкция қилишга йўналтирилади. Реконструкцияни амалга оширишга жорий йил декабрида киришиш режалаштирилмоқда. Қурилиш муддати – икки йил. Ўтган йил май ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2009-2014 йилларда 2,6 млрд. долларга яқин қийматтага эга биринчи тоифали миллий автомагистралини қуриш дастурини тасдиқлади. Дастур доирасида 2015 йилга келиб, республикада умумий узунлиги 1501 км келадиган автомобиль йўлларининг тўртта қисмини қуриш режалаштирилмоқда.

ОТБнинг маблаглари 220 км узунликдаги A-380 автомобиль йўли қисмлари реконструкциясига йўналтирилади. Дастурга мувофиқ, олти йил давомида бетон ва цемент қопламали, узунлиги 400 км келадиган тўрт тасмали йўллар, бетон-асфальт қопламали 813 км тўрт тасмали йўллари ва бетон-асфальт қопламали 288 км икки тасмали йўллари қурилади. Қурилиш шунингдек, еттига транспорт чорраҳаларини ва 1488 пм йўл қувурлари ҳамда кўприклари бунёд этишни кўзда тутади. 2,6 млрд. долларга яқин қийматдаги лойиҳани молиялаштириш ОТБнинг мультитраншли

кредитидан ташқари, 1,68 млрд. доллар микдоридаги ҳукумат маблағлари хисобига, шунингдек, Хитой ҳукуматининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо-мамлакатлар учун кредит линияси ҳамда бошқа ҳалқаро молия ташкилотлари хисобига амалга оширилади. Дастур ҳалқаро молия ташкилотлари маблағларини бетон ва цемент қопламали йўл қисмларини қуриш ва технологияни сотиб олиш учун жалб қилишни кўзда тутади.

9.5- жадвал

Осиё тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонга ажратилган кредитлар ва Техник ёрдамлар⁷⁹ (млн.АҚШ долл.)

	1995-2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Тасдиқланган лойихалар	822	68	57	62	127	132	64	656
Оддий капитал ресурслари бўйича кредитлар	755	65	-	33	96	85	-	390
Осиё ривожланиш фонди кредитлари	20	-	55	28	30	45	60	265
Техник ёрдам лойихалари	27	3	2	2	1	2	4	0.6
Тасдиқланган лойихалар	230	106	90	49	59	59	138	151
Тўланганлари	193	89	92	59	51	49	126	82

Эслатиб ўтамиз, 2007 йил декабрида ОТБ Директорлар Кенгаши Ўзбекистон ҳукуматига 180 млн. доллар кийматга эга «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов» автомобиль йўли реконструкцияси учун 75,3 млн. доллар микдорида кредит ажратилишига розилик билдириган. Маълумот. Ўзбекистон автомобиль йўллари умумий узунлиги 146,4 минг км.ни ташкил этади. Улардан 42,5 минг км – умумий фойдаланишдаги магистрал йўллари, жумладан, 3200 км – ҳалқаро ҳамда 18,8 минг км – давлат микёсидаги автотрассалардир. Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 20 та ҳалқаро транспорт маршрутлари ва йўналишлари ўтади.

⁷⁹ Development Effectiveness Brief Uzbekistan2010. p.1
256

Айтиш жоизки, Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида ишлаб чиқарилган ҳамкорлик стратегиясига биноан мамлакатимизга техникавий кўмак йўналишлари бўлиб қуидагилар танланди:

инвестиция лойиҳаларини тайёрлашни молиялаштириш;

меъёрий негизни такомиллаштиришга кўмаклашиш;

турли давлат муассасаларига консалтинг хизматларини кўрсатиш;

тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

экология ва соглиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш;

иктисодиётнинг турли тармоқларидаги миллий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

6 жадвал маълумотларига кўра шу даврдан 2010 йилга қадар ташкилот томонидан мамлакатимизга ажратилган жами пул мидори 1 млрд. 993 млн. АҚШ долларини ташкил этаётган бўлиб, ушбу сумманинг 97%, яъни 1 млрд. 950 млн. АҚШ доллари Ўзбекистонга 35 та займ доирасида ажратилган бўлса, қолган 43 млн. 200 минг АҚШ доллари грант ёрдамлари сифатида берилган. 2010 йилда Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон Республикасига 656 млн. АҚШ долларини асосий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида ажратди, ушбу ажратилган сумма энергетика, транспорт, сув таъминоти ва кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришга сарфлаш мўлжалланган. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз Осиё тараққиёт банкининг регионал аъзолари қаторидан 15-атзо бўлиб намоён бўлса, қарз олган мамлакатлар қаторида 14-саҳифани банд этиб келмоқда.


Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ЯИМ доимий равишда ўсиб келмоқда. Бунга асосий сабаб, албатта мамлакатимизда белгилаб олинган ривожланиш дастурлари ва ҳукуматимизнинг олиб бораётган сиёсати замин яратиб келмоқда, деб айтсак муболага бўлмайди. Бундан ташқари, ўшишнинг асосий сабаблари сифатида саноат ва инфратузилмани ривожлантиришга киритилган молиявий маблагларни ва уларни тўғри ва оқилона ўзлаштирилганлигини кўрсатсан бўлади.

Осиё тараққиёт банки томонидан ишлаб чиқилган ва тайёрланиб келинаётган мамлакат ривожланиш стратегияси, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иктиносидиётнинг модернизация жараёни билан узвий боғланган тарзда тузилмоқда. Ҳусусан, банк томонидан 2011-2014 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастурининг

асосий йўналиш ва мақсадларига иктисодий ўсишни давом эттириш ва янада ошириш, хусусий ва молиявий секторни ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини ва инсон капиталини янада ривожлантириш киради. Кайд этиб ўтилган йўналишларнинг ривожлашиши эса ўз-ўзидан иктисодиётнинг ўсишини таъминлаш билан биргаликда янги иш ўринларини яратишга ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қиласи.

9.6- жадвал

1996-2010 йилларда ОТБ томонидан Ўзбекистонга ажратилган кредитларнинг тақсимланиши (жами 1.993 млн.АҚШ долл.)⁸⁰



Юқорида қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимиз Осиё тараққиёт банки билан 16 йилдан ортиқ вақт давомида ҳамкорлик килиб келмоқда. Шу давр мобайнида амалга оширилган лойиҳаларнинг барчаси ўз олдига асосий мақсад сифатида аҳоли турмуш даражасини оширишни қўйиб келган. Бу эса ўз навбатида таълим, қишлоқ хўжалиги, транспорт, сув таъминоти, коммунал хўжалик ва кичик бизнес корхоналарига таъсир кўрсатди.

⁸⁰ Development Effectiveness Brief Uzbekistan2010. p.2
258

9.7-жадвал

Осиё тараққиёт банки томонидан Ўзбекистон Республикасига ажратилган кредитлар⁸¹ (млн. АҚШ долл. 31.12.2011 й. ҳолатига)

Тармок	Займларнинг сони	Миндори	Фоиз (%)
Кишлоқ хўялиги ва табиии ресурслар	8	345,4	17,75
Таълим	8	290,5	14,93
Молия	3	420,0	21,58
Энергетика	2	70,00	3,6
Соғликни саклаш ва ижтимоий химоя	1	40,00	2,06
Саноат ва савдо	1	50,00	2,57
Давлат секторини бошқариш	1	20,00	1,06
Транспорт ва информацион технологиялар	5	380,3	19,54
Сув таъминоти ва коммунал хўялик	6	329,0	16,91
Жами	35	1945,90	100


Осиё тараққиёт банки томонидан бугунги кунга қадар 35 кредит лойиҳалари ажратилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 1 млрд. 950 млн. АҚШ долларидир (7-жадвал).

Осиё тараққиёт банки билан биргаликда амалга оширилган лойиҳалар каторидан жой олган «Ўқув адабиётларнинг нашрини такомиллаштириш»га багишланган лойиҳа натижасида мактабларда янги ўқув адабиётларни ижарага олиш инновацион тизими яратилди ва мактаб ўқувчилари янги, сифатли адабиётларга эга бўлдилар. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини оширишга ва кам таъминланган оиласларнинг болаларини ўкиш имкониятларини кенгайтирги.

Ажратилган суммалар таҳлили шуни кўрсатадики, Осиё тараққиёт банки ўз стратегиясига содик қолган ҳолда асосан, ижтимоий соҳаларни қўллаб-куватлашга катта зътибор бермоқда (9-расм).

⁸¹ Осиё тараққиёт банки ҳисоботлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳамкорлик йилларида амалга оширилган яна бир гурӯҳ лойиҳалар сув ресурсларини бошқаришга қаратилди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши, биринчидан шаҳарларнинг дренаж тизимларини янгиланишига ва⁸¹ модернизация қилинишига замин яратган бўлса, иккинчидан тупрок унумдорлигини оширишга ва унда фаолият юритувчи деҳқонларнинг кўпроқ ҳосил олишига ёрдам беришdir.



9.4-расм. Осиё тараққиёт банки томонидан Ўзбекистон Республикасига ажратилган кредитларнинг соҳалар бўйича тақсимоти (31.12.2011 й. ҳолатига)⁸²

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, айниқса транспорт инфратузилмасининг яхши ривожланганлиги муҳимdir, айнан шу мақсадда, Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида амалга оширилган лойиҳалар каторида алоҳида эътибор транспорт ривожланишига қаратилган бўлиб, темир йўл тизимининг модернизациялашуви амалга оширилди, бу эса умумий ҳисобда 660 км темир йўлининг реконструкция қилинишига замин яратиб берди. Амалга оширилган янгиланиши ишлари дунё стан-


⁸² Осиё тараққиёт банки хисоботлари асосида Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

дартлари даражасида олиб борилиб, нафақат темир йўлнинг янгилашишга, балки телекоммуникацияларнинг янгиланишига ва компьютерлаштирилишига имкон берди. Амалга оширилган ишлар нафақат моддий неъматларнинг яратилишига, балки инсон ресурсларнинг ривожланишига туртки бўлди, чунки ушбу курилиш натижасида мамлакатимизда янги иш ўринлар очилиб, мутахассисларнинг малакаси оширилишига ёрдам берди.

Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган кредитлар давлат молия секторини янгиланишига хизмат қилди. Натижада, мамлакатимизда мавжуд бўлмаган Газначилик тизими юзага келди.

Шу ўринда ажратилган кредит линиялар ижтимоий соҳа ривожига, хусусан согликни сақлаш соҳасини ҳам қамраб олганлигини айтиб ўтиш зарур. Хусусан, амалга оширилган ишлар натижасида Жиззах, Гулистон ва Қарши шаҳарлари аҳолиси тоза ичимлик сувига эга бўлган бўлсалар, «Она ва бола соглигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси натижасида эса 1600 та шифокор ва 20 000 та ҳамширалар қайта ўқитилдилар.

2010 йилда Осиё тараққиёт банки томонидан тайёрланган лоийҳа натижасида кўп томонлама электрэнергияни ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда, ушбу лойиҳа Толимаржон ТЭС замирида икки буғ-газ курилмаларнинг курилиши натижасида амалга оширилиши кутилмоқда.



9.5-расм. Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонга киритган маблағларининг соҳалар бўйича тақсимоти (31.12.2011 й. ҳолатига)⁸³

⁸³ ОТБ маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Маълумки, Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар фақатгина ушбу ташкилот томонидан ажратилган пул маблағлари ҳисобидангина бўлиб қолмай, бошка молиявий маблағларни жалб қилиш йўли билан амалга оширилади. Бу хукумат, давлат органлари, молиявий ташкилотлар ва хусусий корхоналарнинг лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этишини таъминлайди. Бундай йўл тутилиши ўз навбатида барча манфаатдор шахс ва субъектларнинг фаолиятини тўгри йўналтиришга ёрдам беради.

2011 йилнинг бошига келиб, кўшма молиялаштирилган лойиҳалар доирасида Ўзбекистон томонидан инвестицион лойиҳаларга 366,5 млн. АҚШ доллари ва 6 техник кўмак доирасида 3,3 млн. АҚШ доллар пул маблағлари ажратилди. Юқоридаги суммаларни алоҳида кўриб чиқар эканмиз, шунга гувоҳ бўлишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлган давр мобайнинда амалга оширилган 615 та кредит лойиҳалари доирасида 259,99 млн. АҚШ доллари ажратилди. Бундан ташқари йирик маслаҳатчи компаниялар (6-жадвал) 89 шартнома доирасида 10,76 млн. АҚШ доллари суммасига teng фаолиятни заёмлар доирасида амалга оширган бўлсалар, техник кўмак доирасида бу кўрсаткич 112 шартнома ва 3,84 млн. АҚШ долларига teng бўлди.

Айтиб ўтилганидек, Халқаро молиявий ташкилотларнинг мамлакатлар билан алоқалари нафакат тўғридан-тўгри йўсинда, балки кўшма лойиҳалар орқали, консорциумларнинг тузилиши натижасида молиялаштириш ишларини амалга оширади.

Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон ўргасидаги молиявий муносабатлар ҳам бундан мустасно эмас. Осиё тараққиёт банки молиялаштираётган лойиҳалар БМТнинг ривожланиш дастури, Жаҳон банки ва бир катор мамлакатлар ҳукуматлари билан биргаликда амалга оширилади. Ушбу сўзларнинг тасдиги сифатида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва БМТнинг ривожланиш дастури доирасида 2006-2010 йилларда аҳоли турмуш даражасини ошириш дастурининг молиялаштирилишидир. 2008-2009 йилларда Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Халқаро валюта фонди мамлакатда молия тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширган лойиҳаларни биргаликда молиялаштириган бўлса, 2009 йилда Осиё тараққиёт банки ва Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда «Навоий» эркин индустрисал зонасига инвестицияларни жалб қилиш борасида ўтказилган кўргазмани ташкиллаштирилиши молиялаштириб берди.

Х боб. МИЛЛИЙ ВАЛЮТА КУРСИ ЎЗГАРИШИННИГ ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

10.1. Миллий валюта – сўмнинг алмашув курси динамикаси ва унга таъсир қилувчи омиллар

Сўмнинг номинал алмашув курси Республика валюта биржасидаги хорижий валюталарга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқкан ҳолда эркин валюта савдоси асосида аниқланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 22 июндан №263 сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги ва 2001 йил 10 июндан №294 «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорларига асосан, республикамиз ички валюта бозоридаги барча операциялар талаб ва таклиф асосида аниқланадиган валюта курси бўйича амалга оширилиши белгиланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамиз валюта биржасининг асосий ижобий ютукларидан бири бу 2008 йилдан бошлаб Еврони Республика валюта биржасида олди-сотди объектига айлантирилганлигидир. 2008 йилга қадар Республика валюта биржасида факат битта валюта – АҚШ доллари олди-сотди қилинар эди.

Валюта курси – халқаро савдо, кредит ва капитал ҳаракатларида; миллий ва жаҳон бозорлари нархларини таққослашда; банклар ва фирмаларни валютадаги ҳисоб ва рақсларини қайта баҳолаганда ишлатилади. Валюта курси шаклланишига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади, булар:

– Мамлакат иктисолиётидаги инфляция даражаси. Мамлакатдаги инфляция даражаси (бошқа омиллар ўзгармас бўлганда) қанчалик юкори бўлса миллий валюта қадри шунчалик паст бўлади, ва аксинча, инфляция нақадар камайиб борса миллий валюта қадри шу қадар ошиб боради;

– Тўлов баланси ҳолати. Ижобий қолдиқга эга тўлов баланси миллий валюта курсининг ошишига замин яратса, унинг пассив бўлиши аксинча валюта курси тушишига олиб келади;

– Фоиз даражалари ўртасидаги фарқ. Бунинг таъсири иккита ҳол билан изоҳланади: биринчидан, мамлакатдаги фоиз даражаларининг ўсиши шу давлатга қисқа муддатли капиталлар ҳаракатини юзага келтириши мумкин; иккинчидан, фоиз даражалари тўғридан

– тўғри валюта бозорларига ва ссуда капиталлари бозорига таъсир кўрсатади.

– Валюта бозорлари фаолияти ва чайқовчилик билан боғлик валюта операциялари. Агарда, бирор – бир валюта курси туша бошласа, у ҳолда банклар ва бошқа корхона – фирмалар ушбу валютадаги активларини тезроқ сотишга ва ўзларининг ушбу валютадаги позицияларини ёпишга ҳаракат қилишади. Бу ҳаракат, ўзи шундек ҳам курси пасаётган валютани аҳволини янада ёмонлашувига олиб келиши мумкин;

– Миллий валютага жаҳон ва миллий бозорларда ишонч дараҷасини ўзгариши. У давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолати билан аниқланади. Чунки, валюта дилерлари бирор – бир валюта билан операция қилишдан олдин ушбу валюта мамлакатининг келгусидаги ўзгаришлари динамикасини хисобга олган ҳолда хулоса киласи ва кейингина операцияни амалга оширади;

– Мамлакатда юритиладиган валюта сиёсати ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Миллий валюта курсининг шаклланиши кўп омилли жараён хисоблангани боис, унга таъсир қилувчи монетар омиллар хусусида сўз юритамиз.

Миллий валютанинг алмашув курсига таъсир қилувчи муҳим монетар омиллардан бири инфляция хисобланади. Инфляция дараҷасининг ошиши айниқса, талаб инфляциясининг кучайиши товарлар ва хизматлар баҳоларининг ўсишига олиб келади. Бунинг натижасида миллий валютанинг товарлар ва хизматларга нисбатан қадрсизланиши юз беради. Инфляциянинг миллий валютанинг алмашув курсига таъсирининг иккинчи жиҳати тўлов баланси билан боғлик бўлиб, инфляциянинг кучайиши натижасида товарларнинг баҳоси ошиб, уларни экспорт қилиш кийинлашади. Натижада экспорт тушуми камаяди ва миллий валюта алмашув курсининг пайиш хавфи юзага келади.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши муомаладаги пул массасининг ўзгаришига олиб келади. Бу эса, муомаладаги пул массасининг асосий қисмини тижорат банклари нинг кредит эмиссияси натижасида юзага келиши билан изоҳланади.

Миллий валютанинг алмашув курсига таъсир қилувчи муҳим омиллардан яна бири мамлакат ташки қарзининг даражаси хисобланади. Ташки қарзининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан

60 фоиздан ошиши тўлов баланси ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади. Чунки бунда хорижий валюталар таклифининг камайиши юз беради.

Инфляция даражасининг сўнгги йилларда барқарорлаштиришга муваффақ бўлинганлиги сўмнинг алмашув курсига ижобий таъсир кўрсатади. Халқаро валюта фонди экспертларининг холосасига кўра, инфляциянинг йиллик даражаси 10 фоиздан ошмаса, у макроиктисодий ўсиш суръатларига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмайди.

2005-2011 йилларда мамлакатимиз ташки савдо балансининг ижобий сальдоси микдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шуни айтиш жоизки, 2011 йил январ ҳолатига ташки савдо сальдоси 1,8 баравар кўпайганлигини таъкидладилар. Бу эса, хорижий валюталар таклифининг ошишига хизмат қиласи ва сўмнинг алмашув курсига ижобий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, валюта курсининг аникланиси ва шаклланиши жуда мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Ҳеч ким валюта курсининг келгусидаги ўзгаришини аниқ қилиб айтиб бера олмайди, факат уни мавжуд иқтисодий, сиёсий ва бошқа омилларни инобаттга олган ҳолда тахмин қилиш мумкин холос. Валюта курси ҳар вақтнинг ўзига мос талабларидан келиб чиқсан ҳолда валюта бозоридаги валютага бўлган талаб ва тақлиф асосида аникланади.

Хорижий валютага талабни куйидаги омиллар натижаси⁸⁴ деб қараш мумкин:

– Товар ва хизматлар импорти учун зарур бўлган хорижий валюталар;

– Капитал экспортини амалга ошириш учун.

Хорижий валюталар тақлифи бўлса:

– Товар ва хизматларни экспортидан тушган валюта маблаглари;

– Капитал импортидан келадиган валюталар.

Миллий ва жаҳон бозорларининг таннарх кўрсаткичлари орасидаги боғловчи инструмент сифатида амал қилган ҳолда, валюта курси халқаро иқтисодий алоқаларда ва ишлаб чиқаришда алоҳида ўрин эгаллайди. Ишлаб чиқарувчи, тадбиркор валюта курси орқалигина ўзининг маҳсулоти, хизмати таннархини жаҳон бозори баҳолари билан солиштиради. Бу – алоҳида корхоналарнинг ва умуман олганда давлатнинг амалга оширган ташки иқтисодий

⁸⁴ Kiyichiro Tachi: The Contemporary Japanese Economy. Tokyo 2001. Page-146

алоқалари натижаларини сархисоб килишга имкон беради. Валюта курси – импорт ва экспорт нархларига, фирмаларни рақобатбардошлигига, ҳамда уларни даромадларига маълум маънода таъсирини ўтказади. Чунки, валюта курси ўзгариши билан ҳалқаро алоқалар субъекти оладиган даромад миқдори ўзгаради ва бунинг натижасида унинг ялпи ишлаб чиқариш натижасига таъсир қилади.

Валюта курси пасайиши натижасида экспортерлар маълум маънодаги кўшимча даромадга эришишади ва бу уларни рагбатлантиради. Валюта курси пасайиши эвазига улар томонидан жаҳон бозорига тақлиф қилинаётган маҳсулот ва хизматлар учун энди улар олдингига кўра пастрок нарх белгилашади. ҳамда рақобатда голиб чиқиш имконига эга бўлишади. Аммо, бу экспортерни маълум маънодаги кўшимча даромадига, унинг ўз давлати материал бойликлари йўқотиши эвазига эришаётганлигитини эсдан чиқармаслиги лозим. Шунингдек, валюта курсининг пасайиши импортни кимматлашувига олиб келади, ҳамда истеъмолчилар томонидан миллий иктисадда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга бўлган талабни ошириб, миллий ишлаб чиқаришни ривожланишига туртки бўлиши мумкин. Лекин шуни айтиш жоизки, миллий валюта курсининг пасайиши ташки қарз (валютадаги) юкини оширади. Чет эллик инвесторлар учун, миллий валютада олинган даромадларини, фоизларини, дивиденdlарини олиб чиқиб кетишлари фойдасиз бўлади ва уларни бу олган маблагларини қайта инвестиция қилишга, ёки миллий ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиб олишга ва кейин экспорт қилишга харакат қилишга унрайди.

Валюта курси ошганида эса ички нарх навонинг рақобат-бордошлиги пасаяди, экспорт самарадорлиги камаяди, ва бу экспортга йўналтирилган соҳаларнинг ва охир окибатда миллий ишлаб чиқаришни кисқаришига олиб келиши мумкин

Ҳар бир давлат ўз миллий валютасига эга бўлади, лекин ҳеч бир давлат ўзи алоҳида чет эл давлатлари билан алоқа қилмасдан, айниқса иктисадий алоқага киришмасдан ўзида мавжуд эҳтиёжларни тўла қондира олмайди. Шу боис ҳам, ҳар бир давлат ўзида етарли даражадаги олтин – валюта захираларига эга бўлиши ва миллий валютаси айрибошланадиган бўлиши талаб қилинади. Валюта айрибошланишини таъминлашнинг икки тури мавжуд бўлиб: валютанинг ички конвертацияси ва ташки конвертацияси таъминланиши мумкин, бу ушбу давлатда юритилаётган монетар сиёсатнинг туттган ва ўзига белгилаб олган мақсадидан келиб чиқади.

Олдин ҳам келтирганимиздек, валюта курсини: номинал ва реал курслари мавжуд бўлиб, реал валюта курси ҳалқаро молияда асосий очувчи баҳо вазифасини ўтайди. Қисқа ва узок давр оралигидаги валюта курси ўзгаришини келтириб чиқарувчи маълум бир формулани талқин қилиш билан боғлиқ олиб борилган ўрганишларга жуда катта зътибор қаратилган бўлсада, аник бир тўхтамга келинмаган. Реал валюта курсидаги ўзгаришларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, - дейди ХВФ экспертлари Мензи Чин ва Луис Жонстон, - бу курсдаги ўзгаришлар жуда чегараланган характерга эга⁸⁵.

Валюта курсини номинал лангар (*nominal anchor*), яъни аник белгиланган мўлжал сифатида ишлатилиши унинг маҳсус белгиланган нишон даражасида бўлишлигини таъминлаш учун олиб бориладиган ҳаракатлардан келиб чиқади. Валюта курси бўйича аник белгиланган миқдорни, даражани саклаб туриш қўйидаги имкониятларни юзага чиқаради⁸⁶:

– Паст инфляция даражасига эришиш ва уни ушлаб туришга йўналтирилган монетар сиёsatни такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш имконини яратади;

– Монетар сиёsatни ўтказишга замин яратади.

Шунингдек, ўзгармас қилиб белгиланган валюта курс бўйича эркин айрибошланадиган валютани ишлатилиши макроиктисодий барқарорликни таъминлашга кўл келиши мумкин. Лекин, бу алоҳида олинган давлатлар томонидан кўлланилиши кўзланган мақсадга келтирмаслиги ҳам мумкин⁸⁷.

Охирги вактларда валюта курси бўйича жуда кўп муҳокама қилинадиган саволлар ичida қўйидагиларни келтириш мумкин⁸⁸:

– Иктиносидий ўсишга реал валюта курси таъсири;

– Структуравий ўзгаришларга реал валюта курсининг таъсири;

– Реал валюта курсини миқдорини у ёки бу даражада ушлаб турилишига қизиқиши бор иктиносидий (ижтимоий, сиёсий) гурухларнинг идентификацияси;

⁸⁵ IMF working paper, «Real Exchange Rate Levels, Productivity and Demand Shocks: Evidence from a Panel of 14 Countries», prepared by Menzie Chin and Louis Johnston, May 1997

⁸⁶ IMF working paper, «Exchange Rates, Convertibility, and Capital Flows Some Current Issues Facing Transition Economies», prepared by R. Barry Johnston in July 1995 page 5

⁸⁷ B A Islamov, «Urgent Problems of Transitional Economies and Banking - Financial Systems», lectures 6 and 7, Tashkent, «Moliya», 2002, page 6

⁸⁸ А Илларинов «Реальный валютный курс и экономический рост» Журнал «Вопросы экономики» №2, 2002 год, стр 19-20

- Реал валюта курсининг паст (юкори) қилиб белгиланиш даражаси;
- Миллый валютанинг келгусидаги реал валюта курсини оширишни таъминлаш имкониятлари;
- Реал валюта курси даражасини оширишнинг мос келадиган даражада бўлиши тезлиги;
- Валюта реал курсига – иктисодий сиёсат ричаглари орқали таъсир килиш мумкинлиги (мумкин эмаслиги) бўйича.

Валюта номинал курсининг реал курсига нисбатан юкори бўлиши иктисодий ўсиш даражасига салбай таъсир кўрсатади. Ортиқча (юкори) баҳолангандан валюта курси даражасини, давлат иктисодий ўсиш даражаси билан унинг микдори баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқлаш мумкин. Реал валюта курсининг юкори даражада ушлаб турилиши иктисодий ўсишнинг секинлашишига олиб келади.

Юкорида келтирганимиздек, валюта курсига таъсир килувчи омиллар орасида инфляция даражаси асосий ўринлардан бирини эгаллади. Шу боис, инфляция даражасининг пасайиши ва валюта девальвациясининг нисбатан паст суръатларда бўлиши валюта алмашув курслари ўзгаришини кам бўлишига асос бўлиб хизмат килади.

Ушбу ўринда Марказий банк томонидан валюта курсига таъсир ўтказиш мақсадида амалга оширадиган амалларига кисқача тўхталсан:

Давлатнинг пул-кредит сиёсатига боғлиқ ҳолда валюта интервенциясининг икки хили: «соф – тоза» ва «ифлос (грязные)» мавжуд. «Соф – тоза» интервенциялар назарий нуқтаи назардан пул – кредит соҳасига таъсири бўлмайди. Иккинчи хили эса аксинча ўз таъсирини ўтказади.

Давлат ўзининг валюта курсига ўз таъсирини ўзининг олтин – валюта заҳираларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Давлатнинг қанчалик микдордаги олтин – валюта заҳираларига эга эканлиги ҳам жуда катта роль йўнайди. Шу ўринда мамлакатимизда юритилаётган оқилона валюта сиёсати туфайли республикамиз олтин – валюта заҳиралари ҳам йил сайин ортиб қелаётганини қуидаги чизмадан юриш мумкин.

Республикамиз олтин – валюта заҳиралари микдори 2003 йилнинг январидан бошлаб ўсиш суръатига эга бўлган⁸⁹. Буни асосий сабаби қилиб, республикамизда йил сайин экспорт ҳажмининг импортга нисбатан кескин суръатларда ўсиши натижасида мамлака-

⁸⁹ ХВФ мълумотлари асосида Муаллифлар томонидан шакллантирилган (www.imf.org)

тимиз савдо баланси бўйича олинаётган ижобий сальдони кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизнинг кенг имкониятларини амалда қўлланилгани боис ва хукumatимиз томонидан босқичма–босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ республика экспорт салохияти, унинг структуравий таркиби ҳам ўзгарган ҳолда кенгайиб микдор жихатидан ошиб бормокда. Бу эса ўз навбатида ички валюта бозорига хорижий валюталар тақлифини ошишига олиб келади.

Валюта бозори орқали валюта курсига таъсир қилишнинг яна бир йўли бу миллий валюта девальвациясидир. Девальвация – бу миллий валюта курсининг хорижий валютага нисбатан пасайишини англатади. Буни амалга оширишнинг асоси бўлиб, миллий валюта курсининг реал валюта курсига нисбатан юқори бўлиши ҳисобланади⁹⁰. Валютанинг девальвация қилинганик даражасини тошида қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$D = ((Kc-Kn) / Kc) \times 100;$$

Бу ерда: D – девальвация фоизда;

Kc – янги курс;

Kn – эски курс.

Девальвация – мамлакат тўлов баланси салбий бўлганида ва инфляция даражасининг юқори бўлганида қўлланилади. Девальвациянинг келиб чиқишига иккита омил таъсир кўрсатади:

- Экспортни рағбатлантириш заруряти туғилса;
- Расмий валюта курси билан миллий валюта реал курсининг ўртасида фарқ юзага келса.

Мамлакат тўлов баланси ҳолатининг ёмонлашуви қузатилган ҳолатда девальвация сиёсати қўлланилса, иқтисодни ривожланишига сезиларли даражадаги ошишини келтириб чиқаради. Шу боис, агарда мамлакат иқтисодий вазиятида миллий валюта девальвациясини талаб қилувчи омиллар вужудга келса, ушбу давлатда девальвацияни тезда амалга ошириш керак. Чунки, бу давлат иқтисодиётининг янги босқичга чиқишига замин яратади. Аксинча, валюта курси сунъий ушлаб турилса бу иқтисодга салбий таъсир ўтказади.

Бундай инфляция даражасининг пасайиши билан мамлакат Марказий банкининг қайта молиялаш старкаси ҳам секин асталик билан пасайтирилиб келиниб, 2011 йил якуни бўйича унинг микдори 12%га тушишига эришилди.

⁹⁰ А.И.Шмырева, В.И.Колесников, А.Ю.Климов, «Международные валютно кредитные отношения». Санкт-Петербург, «ПИТЕР», 2002г. Стр 27

Шундай килиб, миллий валюта алмашув курсига жуда күп омиллар ўз таъсирини ўтказар экан, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки миллий валюта алмашув курсини доимий назоратда ушлаб тұрғани ҳолда белгиланған параметрларда бўлишини таъминлашда ўз инструментларидан фойдаланиши мумкин.

10.2. Валюта курсини ташқи савдоға ижобий таъсирини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси

Биз мазкур параграфни ёзишда асосий эътиборни катта иктисадий салоҳиятга ва миллий валютанинг алмашув курси барқарорлигини таъминлаш тажрибасига эга бўлган Россия Федерацияси, Эрон Ислом Давлати ва Япониянинг миллий валюталарининг алмашув курси динамикаси ва ташқи савдо муносабатлари ўртасидаги оқилона мутаносибликни таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганишга ва умумлаштиришга қаратамиз.

Бизга маълумки, товарлар импорти ўсиш суръатининг мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларни ишлаб чиқариш суръатидан юкори бўлиши ўрта муддатли даврий ораликларда миллий валютанинг алмашув курсига нисбатан кучли салбий таъсирни, яъни тазийкни юзага келтиради. Бунинг сабаби шундаки, ўсиш суръатладидаги мазкур тафовут импорт тўловлари билан боғлиқ бўлган валюта оқимининг тобора кучайишига олиб келади ва бунинг натижасида миллий валюта бозорида хорижий валюталар таклифи камаяди. Бу эса, миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади. Бундай шароитда миллий валютанинг қадрсизланишини олдини олиш учун Марказий банк ёки Ҳукумат етарли даражада олтин-валюта захираларига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, миллий валютанинг қадрсизланиш жараёни доимий тус олади. Шуниси характерлики, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда Марказий банк етарли даражада олтин-валюта захираларига эга эмас. Одатда, бундай мамлакатларда ташқи қарз муаммоси мавжуд бўлиб, у олтин-валюта захираларини тўплаш имконини бермайди. Айниқса, экспорт тушуми жаҳон бозоридаги конъюнктуравий тебранишларга боғлиқ бўлган мамлакатларда олтин – валюта захираларини мажбуриятлардан орттирган ҳолда тўплаш жараёни ниҳоятда оғир кечади. Масалан, экспорт тушумининг умумий ҳажмида хом-ашё ресурсларини экспорт қилишдан олинадиган тушумларнинг миқ-

дори юкори бўлган мамлакатларда экспорт тушумининг миқдори конъюнктуравий ўзгаришларга боғлик равишда кескин тебранади.

Япониянинг ҳозирги кундаги валюта тизими шаклланиши ҳам 1949 йили валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонуни қабул қилиниши билан бошланган. Шуни айтиш жоизки, ўша пайтларда Япония иқтисоди жуда заиф ва саноат ривожланишининг бошлангич босқичида бўлган. Япония хукуматининг экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсат юритиши натижаси ўлароқ унинг иқтисодий салоҳияти 1955 – 1972 йиллар давомида йил сайин ошиб, иқтисоднинг юкори суратларда ўсишига ва ҳалқаро савдо балансининг ижобий бўлишига эришган. Ушбу вакт мобайнида валюта тизимини либераллашувини ва тўлик шаклланишини таъминлаш бўйича аниқ чора тадбирлар кўрилган, бу кўрилган чораларни қуидаги даврларга бўлиб кўрсатиш мумкин:

10.1 – жадвал

Япониянинг 1949 – 1991 йиллар давомида амалга оширган чора тадбирлари⁹¹

Даврлар	Хўкукий ҳужжатлар қабул қилинган йили	Асосий маъмуни
I	1949 йилги – Валютани тартибга солиш қонуни	<p>Валюта айриботланиши ва савдо кучли назоратга олинган</p> <p>Чет эл билан савдо алокаларини назоратта олиш ушбу қонун билан белгиланганди.</p>
		<p>Келгусида Ҳалқаро Валюта Фондига аъзо бўлиш талабларига жавоб бермаслиги</p> <p>Қонунга асосан ҳар хил принциплар белгиланган бўлиб, улар ХВФ келишувининг моддаларига тўгри келмасди</p>
	1950 йилда Валюта Бюджети ва Валюта Жамғараш тизими ташкил қилинди	<ul style="list-style-type: none"> - экспортни амалга оширишда тўланадиган бадаллар ва бошка талаблар киритилди; - Ваколатли Банклар Тизими белгиланди; - Валюта муомалалари белгиланган ваколатли банклар орқали амалга оширилиши белгиланди.
	1952 йили	<p>Савдо ўйларига маблагларини валютада ушлаб туришга рұхсат берилди</p>
II	1964 йили	<ul style="list-style-type: none"> - Валюта Бюджет Тизими бекор қилинди - ХВФ нинг VIII мoddаси талаблари қабул қилинди
	1965 йили	Ишлаб чиқарувчиларга ҳам маблагларини валютада ушлашга рұхсат берилди

⁹¹ Source: Survey by the Economic Stabilization Board. Lecture materials of BFA Summer course in Tokyo organized by the Ministry of Finance of Japan, 2002.

	1967-1971 йиллар	Ички тұғридан тұгри бұладиган инвестициялар либераллаштирилди
	1972 йили .	- валютада үз маблагларни ушлаш бүйічә кири-тилган чеклаш тизими бекор килинди; - Президентларга валюта депозитларига эта бўлиш либераллаштирилди
	1973 йили	Ўзига бешта соҳани бирлаштирган холда ички инвестиция килиш тўлиқ либераллаштирилди
III	1980 йили «1979 йилги Валютани тартибга солиш конуни» тўлиқ кайта ишланди ва 1979 йилда кабул килинган конун үз кучини йўқотди	Тўловлар ва транзакциялар тўлигича рухсат берилди
		Халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган бўлди
		Мандат методи оркали Ҳукукий бошқариш Йўлга кўйилди
		Ваколатли банклар тизими талаблари кайта кўриб чикилган
даврлар	Ҳукукий хуж-жатлар кабул килинган йили	Асосий мазмунни
III	1986 йили	Офшор бозори ташкил қилинди
	1988 йили	кимматбахо когозлар ва молиявий муддатли операциялар либераллашувини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилди
IV	1991 йили	Валютавий операцияларнинг тўлиқ либераллашуви таъминланди, яъни олдин валюта операцияларини факат ваколатли банклар амалга оширган бўлса энди бошка нобанк дилерларига ва брокерларга рухсат берилди Валютада хисоб ракамга эта бўлишга барчага рухсат берилди.

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлар шуни қўрсат-моқдаки, Япония ҳукумати ҳам үз миллий валютаси иенани эркин айрибошланишини таъминлашиб борасида чора-тадбирларни экспортга йўналтирилган валюта сиёсати юритган холда босқичмабосқич амалга оширган. Бунинг натижасида, ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда Иена тўла эркин айрибошланадиган ва Япония жаҳон бозорида ўзининг ўрнини топган мамлакат даражасига эришган.

Эрон Ислом Давлати, 1990 йилларда валюта тизимини либераллаштириш бўйича ўқкита асосий чорани амалга оширган. Биринчидан, 1991 йили, давлатда мавжуд еттита валюта айрибошлаш курслари сонини уттага туширди. 1993 йил марта бўлса, қолган учта валюта курсини умумлаштириб, расмий валюта алмашинув курси параллел бозор валюта курси билан бир хиллиги таъмин-

ланди. Лекин, ёғ маҳсулотларини нархи жаҳон бозорларида тушиб кетиши натижасида, давлат томонидан умумлаштирилган валюта курси яна иккитага ўтказилди. Шундай килиб, 1994 йил Май ойидан бошлаб давлатда иккита валюта курсли тизим амалга кири-тилди, бунда расмий валюта курсига ҳамроҳ сифатида экспорт курси кўлланила бошланди.

1993 йил 21 мартаидан, Эрон Ислом Давлатида учта расмий тан олинган валюта курслари мавжуд бўлиб, бундан ташкири параллел бозор курси ҳам ишлатилган. Яъни:

– ёғ экспортида, расмий давлат қарзини тўлаш ва асосий товарлар импортида кўлланиладиган валюта курси. Бу курс СДРга биректирилган бўлиб, 1 СДР 92,3 рупи деб белгиланганди;

– ярим тайёр маҳсулотлар ва капитал товарлар импортида кўлланилган курс. Бу курс АҚШ долларига боғлаб қўйилган. 1 АҚШ доллари 600 рупи қилиб белгиланган;

– учинчи валюта курси – бу тиҷорат банклари орасида эркин сузуб юрувчи курс сифатида, параллел бозор курсидан келиб чиқкан ҳолда аникланган.

Янги киритилган, яъни мавжуд валюта курсларини умумлаштириш натижасида белгиланган валюта курси куйидагилар асосида аникланган:

– сотиб олиш қобилиятидан – валюта паритетидан келиб чиқкан ҳолда;

– асосий савдо қилинадиган товарларнинг рақобатбардошлигини сақлаб қолишига йўналтирилган ҳолда;

– бозордаги талаб ва таклифни инобатга олиш принциплари асосида.

1994 йил май ойидан яна иккита валюта айрибошланиш курсига ўтилишини, ушбу давлатнинг олтин – валюта захираларини сақлаб қолишига қаратилган чора-тадбирлар натижаси деб қараш мумкин. Чунки, миллий валюта кадрини барқарор ҳолатда ушлаб туришга ҳаракат қилган Эрон ҳукумати анчагина ҳалқаро захираларидан ишлатиб қўйганди. Эътибор берилса, бу давлат валюта курсларидан олдин мавжуд валюта курслари фарки жуда катта бўлган, шу боис ягона белгиланган айрибошлар курси унинг реал қийматидан анча юқори бўлганлиги сабабли, мавжуд ҳоражий валютага талабни қондириш имконияти фақат давлат заҳираси зди. Ҳолбуки, ўша вактда Эрон маҳсулотлари экспорти давлат импорти учун зарур бўлган валютани келишини таъминламасди.

АСОСИЙ АТАМАЛАР

FRA сотуви – кредитор (инвестор) битимни (Bid) томонидан, яъни FRA нинг банк томонидан сотиб олиниши нархи бўйича катъийлаштиради ва бинобарин келгусида фоиз ставкалари пасайиши эҳтимолдан сугурталанди.

FRA контракти хариди – фоиз ставкаларининг FRA даражасидан пасайиши эҳтимолидан сугурталайди ва инвестор (сармоядор) томонидан кўлланади.

FRA контракти хариди – фоиз ставкаларининг FRA даражасидан юкори кўтарилиши эҳтимолидан сугурталайди ва карз олувчи томонидан кўлланади.

FRA опционы сотуви – «Пут» сармоядор (инвестор) келгусида фоиз ставкаларининг пасайишидан сугурталанди.

FRA опционы хариди – «Кол» карз олувчи келгусида фоиз ставкаларининг ошишидан сугурталанди.

FRA хариди - карз олувчи битимни (ask) томондан, яъни банк томонидан FRA сотуви тарифидан катъийлаштиради, шу тарзда фоиз ставкасининг эҳтимолдаги кўтарилишидан сугурталанди.

Аутрайт форвард курси – Битим тузилган кунда кайд этилади ва унинг ижро куни учун ҳакиқий .

Бевосита котировка – Миллий валюта бирликларида ифодаланган хорижий валюта бирлигининг нархи. Яна қаранг: Тескари котировка.

Биржа очилиши нархи – Валюта биржасидагиномланган олди-сотдилярнинг бошлангич харид ва сотув нархлари. Бу нархлар ўртасидаги фарк барча харид ва сотув топширикномалари бажарилиши мумкин бўлган курс ўрнатилмагунча камаяверади.

Бреттон-Вудс – 1944 йилда Бреттон - Вудс конференцияда 45 давлат Халкаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки ҳамда янги валюта тизимини барпо этиш тўғрисида битим туздилар. Унда доллар етакчи ролни ўйнай бошлади. Валюта паритетлари олтинда ёки долларда акс этди, 1973 йилда долларга муттасил тазийик оқибатида тизим емирилди.

Бузилган сана – форвард битимини валюталашнинг ностандарт муддати. Валюталаш муддати одатда бир ёки икки ҳафтани, шунингдек, 1, 2, 3, 6 ва 12 ойни ташкил этади.

Вақтингчалик қиймат – валютанинг бекарорлиги ва опционнинг ижросигача колган муддат билан белгиланади. У опцион ижрочисига бўлган вактнинг кискариши билан камаяди.

Вақтингчалик опционли форвард битими – вақтингчалик опционли . форвард битими катъий муддат ва опционли даврга зга. Оpcionli давр давомида харидор (ёки сотувчи) валютанинг бутун суммасини ёхуд унинг бир кисмини сотиб олиши (сотиши) мумкин. Кейинчалик, тўлов куниди, барча сумма тўлиқ талаб қилиб олиниши мумкин.

Валюта биржаси – Германиядаги Франкфурт фонд биржасининг бир кисми бўлиб хисобланади. Унда ҳар куни расмий мақслер томонидан 17та валютанинг курси белгиланади. Котировка Франкфуртда ўтказилади, бошқа биржа майдонларида — Берлинда, Дрюсельдорф, Гамбург ва Мюнхенда - факатгина Франкфурт биржасига жўнатиладиган топширикномалар тўпландади.

Валюта курси – хорижий валютанинг муайян стандарт миқдори нархи, у бошқа валюталарнинг нисбий бирлигида белгиланади (ўрнатилади).

Валюта позицияси – Курс хатарларидан таркиб топган, хорижий валютадаги очик позиция.

Валюталаштириш санаси – Битим шартларини ижро этиш учун белгиланадиган сана.

Валютанинг бекарорлиги – Валютанинг тебраниш имконияти. Валюта ички бекарорлиги унинг келгусидаги тебранишларини кутиш билан белгиланади. Опционнинг вактинчалик кийматини таркибий кисми бўлиб хисобланади.

Девизлар (хорижий валюта) – Банкларнинг хорижда жойлаштирилган хорижий валютадаги активлари, шунингдек, чет злда тўланиши лозим бўлган хорижий валютадаги чеклар ва векселлар. Девизлар – нақдсиз пуллардир.

Дисконт – Форвард ва спот-курс ўтказидаги фарқ. Бунда спот-курс форвард курсидан юкори. Ҳар икки валютанинг тегишли муддатдаги фоиз ставкалари фарки унинг хисоб-китоб базасини ташкил этади. *Яна қаранг: Рағбат (мукофот)*

Евробозор – савдо-сотиклар ўтказилган мамлакат валютасидан бошқа валюталарда акс этган депозитлар ва кредитлар билан савдо қилинадиган халкаро пул бозорлари ва капиталлар бозорлари учун умумий тушунча.

Европа валюта келишуви - 1958 йилда имзоланган келишув бўлиб, иштирокчи мамлакатлар валюталари бир-бирига ва долларга айирбошланган. Курс тебранишлари чегараси + 0,75% даражасида ўрнатилди.

Европа валюта тизими - 1979 йилда асос солинган. Унинг бош максадлари -- ЕИга аъзо мамлакатлар иктиносидий ҳамкорлигини кучайтириш ва уларни учинчи мамлакатларнинг бекарорлаштирувчи таъсиридан муҳофаза этиш. Валюталарнинг тебраниш чегараси + 2,25% даражасида белгиланди, 1993 йилда улар 15% гача кенгайтирилди.

Европа тўлов иттифоқи – 1950 йилда 16 мамлакат томонидан Европа валюталарининг эркин конвертацияланиши учун кўп томонлама тўловлар ва асослар тизими яратиш максадида ташкил қилинган.

Европача опцион – факатгина белгиланган санада ижро этилиши мумкин бўлган опцион тури.

Ижро нархи («Страйк» нархи) – опцион контрактдаги катъийлаштирилган (чекланган) валюта курси, унга кўра контракт харидори хорижий валютани сотиб олиши ёки сотиши мумкин.

Интервенция (тажовуз, боскин) – миллий валюта курсини тартиблаштириш максадида банклар томонидан хорижий валютанинг сотиб олиниши ёки сотилиши.

Ички киймат – опцион нархини (рагбатни) белгиловчи киймат. Ички киймат жорий форвард курси ва ижро нархи ўртасидаги фаркни ифодалайди.

Қарама-қарши битим (хеджинг) – аникланган ёки эхтимолдаги хатарни баробарлаштиради, хатар тўлиқ бартараф этилмайди.

Кафолотли маржа – позицияни очишда кафолат сифатида опционлар биржасининг клиринг палатасига киритиш лозим бўлган сумма.

Қисқа позиция – валютавий ёки фоиз хатарларидан иборат бўлган, хорижий валютадаги маъжбуриятлар. Яна қаранг: Узун позиция

Клиринг палатаси – муддатли биржадаги, ҳар бир битим бўйича шерик сифатида чикувчи хисоб-китоб палатаси. Биржа савдоси иштирокчилари клиринг палатасига сугурта гаровларини киритадилар ва ҳар куни очик позицияларини қайта нархлади.

Котировка валютаси – савдо килинаётган валютанинг стандарт бирлига нархини кўрсатади. Яна қаранг: Савдо қилинадиган валюта.

Кредит – Евробозордаги ўрта ва узок муддатли кредитлар. Улар бўйича, сузуви фоиз ставкалари белгиланган давр учун катъийлаштириб кўйилади.

Кросс-курс – улар бўйича доллар олди-сотди килинмайдиган, валюта котировкаси бўлиб хисобланмайдиган курслар.

Кунлик лимит – савдо — сотик иштирокчисига кун давомида ўзига олишга рухсат этилган максимал валютавий ёки фоиз хатари.

Либор — «Лондон банклараро депозитлар бозорида таклиф (сотувчи)нинг ставкаси» тушунчасининг кисқартмаси (аббревиатуроси), Лондоннинг етакчи банклари ҳар куни тенг даражадаги банклар учун ўз валютавий кредит ставкаларини маълум киладилар. Бу ставкалар негизида ўртacha арифметик ставка аникланади. Уни Британия банклар уюшмаси чоп этади.

Ликвидлилик – фойдаланишда (иҳтиёрда) бўлган накд маблағлар ва тезда пул маблағларига айланадиган активлар.

Лимитланган топширикнома (чекланган нархли эълон) — Битим амалга оширилиши мумкин бўлган топширикни максимал ёки минимал курсда валютани сотиб олиш ёхуд сотиш учун топширикнома.

Лоро хисобвараги — А банкининг корреспондентлик хисобвараги бўлиб, Б банки уни ўз позициясидан юритади.

Маржа – сотиб олиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарк. Мижозлик битимларида банклараро курслар ва мижозлар билан хисоб-китоб килинадиган курслар ҳамда фоиз ставкалари ўртасидаги фаркни белгилаш учун кўлланади.

Миллий (мақаллий) валюта – валюта, резидентлар унинг эгалари бўлиб хисобланадиган мамлакатдаги конуний тўлов воситасини ифодалайди.

Минимал захира (резерв)лар – тижорат банклари Марказий банкда ушлаб туришлари шарт бўлган пуллар. Минимал (энг кам) захиralар даражаси Марказий банк томонидан муайян депозит битимлар микдоридаги катъий фоиз улушкида ўрнатилади. Одатда, минимал резервларга фоизлар кўйилмайди.

Молиявий фьючерс контракти – валюта ёки молиявий воситалар олди-соттисининг стандарт биржа контракти. Молиявий фьючерс контракти олдиндан белгиланган курс бўйича, келишилган муддатда савдолашиладиган суммани етказиб бериш ёки қабул қилиш тўғрисидаги стандартлаштирилган катъий келишув.

Мувозанатланмаган бозорлар – экспрементал (фавқулодда) курс тебранишли, ниҳоятда бекарор бозорлар. Масалан, валюта курсининг кучли ўсиши бу валютанинг сотув курсини деярли имконсиз килиб кўяди. Бундай холларда, одатда, марказий банклар бозор механизмига аралашиб, курсларни баркарорлаштириш ва уларни келгусидаги огишини бартараф этиш учун валютани сотиб оладилар ва сотадилар.

Накд пуллар – танга ёки банкнот шаклидаги пуллар.

Ностро хисобварағи – А банкнинг корреспондентлик хисобвараги, Б банки уни А банкининг позициясидан юритади.

Овернейт-позиция – хорижий валютадаги позиция, у энг камидаги тун вакти давомида копланмайди.

Опцион – харидор муайян суммадаги валютани сотиб олиш ёки сотиш ҳукукини олади, сотувчи харидорнинг истагига кўра валютани етказиб бериши ёки сотиб олиши шарт.

Опцион «Кол» – аввалдан келишилган нархда муайян кунда ёхуд муайян муддат давомида муайян суммадаги валютани сотиб олиш ҳукуки.

Опцион «Пут» – келишилган нархда, ижро этиш кунидаги муайян давр мобайнинда муайян суммадаги валютани сотиш ҳукуки.

Опцион рағбат (мукофат) – сотувчи томонидан опцион харидорига тўланган рағбат. Рағбат микдори икки кийматдан ташкил топади: ички ва вактинчалик.

Опцион хатар – валюта курси ёки фоиз ставкаларининг нокулай ўзгаришлари хатари. У шунингдек, валюта хатари ёки фоиз хатари деб аталади.

Паритет – дилер томонидан унинг котировкаси билан унга кўйилган курс мослигини белгилаш учун фойдаланилади.

Позициянинг ёпилиши (копланиш) – очик валютавий ёки позициянинг қарама — карши битим йўли билан копланиши.

Пункт (пипс) – валюта курсининг минимал ўзгариши (нарх қадами). Валютанинг икки курси: форвард курси ва спот — курс, сотиб олиш ва сотиши курслари ўртасидаги фаркни ўлчаш учун фойдаланилади.

Рагбат (мукофот) – форвард ва спот курслари ўртасидаги фарк. Бунда спот-курс форвард курсидан паст бўлади. Тегишли муддатдаги ҳар икки валюта фоиз ставкалари фарки рагбатнинг хисоб-китоб базасини ташкил этади.

Савдо (иш) куни – фоиз ва валюта битимлари тўғрисидаги битим тузиладиган кун.

Савдо килинадиган валюта – каррали стандартли бирликлар билан савдо килинадиган ва нархи бошқа валютанинг ўзгарувчи бирликларида ифодаланадиган валюта.

Спот-битим – контрагентлар ўртасида бир вақтнинг ўзида «спот» битими ва қарама-қарши форвард битимини тузиш.

Спот-ставка (қўшилма) – спот ва форвард курслари ўртасидаги, пунктларда ифодаланган фоизлар фарки. Фоизлар тузилмасига боғлик холда дисконт ёки рагбатдан таркиб топади.

Смитсон битими – 1971 йилда Бреттон – Вудс тизимига аъзо мамлакатлар Вашиштондаги Смитсон институтида ўз валюталарининг алмаштириш курслари ва тебраниш чегараларини белгилаб кўйдилар.

Сотиб олиш курси – У бўйича олди-сотди килинадиган валюта сотиб олинадиган курс. Яна қаранг: *Сотиш курси*

Сотиш курси – У бўйича олди-сотди килинадиган валюта сотиладиган курс. Яна қаранг: *Сотиб олиш курси*.

Спот битими – валюта битими, унга кўра тўловлар битим тузилганидан кейинги иккинчи иш кунида амалга оширилади.

Спот курси – спот битимини тузишда олди-сотди килинаётган валютанинг муайян бирлиги кийматини ифодаловчи курс.

Спот-некст – кейинги иш кунида тескари битим амалга ошириладиган кисқа муддатли спот ёки фоизли келишув.

Спред – валютани котировкалашда сотиб олиш ва сотиш курси ўртасидаги фарк.

Спред – валютани котировкалашда сотиб олиш курслари ўртасидаги фарк.

Стратегик позиция – муайян муддатда ёки тўлов кунида курсларнинг кутилмаган ўзгаришидан фойда олиш учун фойдаланиладиган очик форвард позиция.

Сугурта хатари – битим бўйича шерик ўз мамлакатидаги сиёсий ҳодисалар ёки конунчиликдаги чекловлар оқибатида тўлов мажбуриятларини бажара олмаслик хатари.

Тескари (билвосита) котировка – хорижий валюта бирликларида ифодаланган миллий валюта бирлигининг нархи.

Тескари курс – икки мамлакатда турлича ифодаланган валюта курси. Бир мамлакатда олди-сотди қилинадиган валюта бошқа мамлакатда котировка валютаси сифатида амал қиласди.

Том-некст – амалда эртага бошланадиган (кейинги иш кунида) ва индинга якунланадиган киска муддатли своп-битим.

Тўлов санаси – битим бўйича шерик ўша кунга кадар валютани ўтказиб бериши, яъни тўловни амалга ошириши лозим бўлган сана.

Узун позиция – хорижий валютага нисбатан курс хатар (таваккал)ларидан изборат талаблар.

Умумий позиция – Тўловларнинг турили муддатлари хисобга олинмайдиган соф валютавий ёки фоизли позиция.

Фоиз ставкаси кафолати – IRG – «Interest Rate Guarantee»ни одатда карз олувчилар ёки кредиторлар опциони деб аташади. У ўзида FRA битимининг харидини ёки сотувини ифодалайди. IRG ни бажаришда томонлар ижро вактидан бошлаб FRA, бўйича позиция (холат)ларни эгаллайдилар.

Фонзли своп – айни бир валютадаги фоиз тўловлари алмашинувини ўзида акс эттиради. Одатда бундай битимлар бир йилдан ортиқ муддатга амалга оширилади. Бундай свопларда асосий сумма алмашинуви хеч качон кўзда тутилмайди. Фонзли свопларнинг кўпроқ тарқалган турида, катъий фоиз ставкалари бўйича тўловлар сузуви ставка бўйича (худди LIBOR каби «reference rate» га асосланади) фоиз тўловларига айрбошланиши амалга оширилади – купонли своп.

Форвард битими – вактинчалик опционли битим тузилганидан кейинги икки иш кунидан каттарок муддатда бир валютани бошкасига конвертацияланishi тўгрисидаги икки томоннинг келишуви.

Форекс – клуб – халкаро валюта савдосининг фаол иштирокчилари бўлган банклар томонидан профессионал стандартларни ва валюта бозоридаги муомала меъёрларини белгилаб кўйиш мақсадида асос солинган ташкилот.

Харидор (опционга) – муайян муддат давомида кунда белгиланган курс бўйича белгиланган валюта суммасини сотувчидан сотиб олиш ёки унга сотиш.

ХВБ – Чикагодаги Халкаро валюта бозори, Чикаго савдо биржасининг таркибий бўлинмаси. 1984 йилда бу ерда валюта опционлари билан савдо килина бошланган.

ХВФ – Халкаро валюта фонди – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳсус ташкилоти, 1944 йилда Бреттон- Вудсда асос солинган. Унинг асосий вазифалари аъзо мамлакатларнинг валютавий ҳамкорлигини таъминлаш ва жаҳон савдоси учун кулай шарт-шароитлар яратиш хисобланади.

Хорижий валюта – бошқа бир мамлакатда қонуний тўлов воситасини ифодаловчи валюта. Мазкур валютани келиб чиқиш мамлакатидан ташкирида яшовчи шахслар унинг эгалари хисобланади.

Ярим маржали курс – мижоз билан валюта битимини хисоб — китоб килишда тўлик маржа эмас, балки ярми олинади. Агар одатдаги маржанинг чорак кисми хисобга олинса, бу холда гап факат чорак маржа курси ҳакида боради.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
I-БЎЛИМ. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ, БОЗОРЛАРИ, КУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	6
I БОБ. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	6
1.1. Валюта муносабатларининг иктисодий моҳияти ва валюта тизимлари	6
1.2. Валюта муносабатларини тартибга солиш .. ва валюта сиёсатининг назарий асослари	18
1.3. Валюта инкиrozларининг валюта муносабатлари эволюциясида тутган ўрни	23
1.4. Ўзбекистон Республикасида валюта .. муносабатларининг хукукий асоси.....	50
II БОБ. ВАЛЮТА БОЗОРЛАРИНИГ УМУМИЙ ТАФСИФИ	65
2.1. Валюта бозорининг зарурати ва турлари	65
2.2. Форекс бозори	67
2.3. FOREX бозориниг асосий иштирокчилари	70
2.4. Валюта бозори тарихи	72
2.5. Евровалюта бозорларининг ривожланиши	73
III БОБ. ВАЛЮТА КУРСИНинг НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ВАЛЮТА КУРСИ ХУСУСИДАГИ ЕТАКЧИ КОНЦЕПЦИЯЛАРНИГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ	77
3.1 Валюта курси турларининг тавсифи	77
3.2. Валюта курсини макроиктисодий таҳлили моделилари	85
3.5. Валюта курси режимлари	111

3.6. Валюта курсига таъсир этувчи омилларнинг туркумланиши	113
3.7. Ўзбекистонда айирбошлаш курси сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари	115
2-БЎЛИМ. ВАЛЮТА БОЗОРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ	129
IV БОБ. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ТАСНИФИ ВА УЛАРДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ ЖИҲАТЛАРИ	129
4.1. Накд касса ва муддатли валюта операциялари	129
4.3. Валюта операцияларини амалга оширишда юзагакеладиган валюта рисклари	155
4.4. Халқаро амалиётда тижорат банкларининг валюта рискларини бошқариш усуллари ва воситалари	163
V БОБ. СПОТ —БИТИМЛАР ВА «СПОТ» ОПЕРАЦИЯЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР	169
5.1. Спот - битимлар	169
5.2. Кросс — курслар	175
5.3. «Спот» операциясига таъсир этувчи омиллар	177
VI БОБ МУДДАТЛИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ	183
6.1. Валюта бозорида форвард операциялари	183
6.1.1. Форвард валюта контракти	183
6.2. Валюта бозорида форвард курсининг аникланиши	185
6.2.1. Валютанинг форвард котировкаси	190
6.3. Валюта бозоридаги форвард битимлари турлари ва уларнинг хисобини юритиш	190
6.4. Валюта бозорида «своп» битимлари	193
6.5. Валюта бозоридаги опционлар	197

VII БОБ БИРЖАДАН ТАШКАРИ САВДОНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ.....	203
7.1. Фоиз ставкаси билан бажариладиган форвард операцияси (FRA).....	203
7.2. Фоиз ставкали «своп» операциялари	211
7.3. Фоиз ставкалари опционлари.....	214
VIII БОБ. ОЛТИН БОЗОРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАР	220
8.1. Олтиннинг инсон ҳаётидаги ўрни	220
8.2.Олтин фиксинги.....	228
3-БЎЛИМ. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.....	232
IX БОБ. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ОМИЛЛАР	232
9.1. Халкаро молия институтларининг валюта муносабатларини ривожланишидаги ўрни	232
X БОБ. МИЛЛИЙ ВАЛЮТА КУРСИ ЎЗГАРИШИННИГ ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ	263
10.1. Миллий валюта – сўмнинг алмашув курси динамикаси ва унга таъсир килувчи омиллар	263
10.2. Валюта курсини ташки савдога ижобий таъсирини таъминлаш бўйича хориж тажрибаси	270
АСОСИЙ АТАМАЛАР	274

**АЛИШЕР ВОСИҚОВИЧ ВАҲОБОВ,
ТЎЛҚИН САТТАРОВИЧ РАСУЛОВ**

ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ НАЗАРИЯСИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013

Муҳаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: М.Холмуҳамедов
Мусаввир: Э.Мажидов
Мусахҳиҳа: М.Ҳалилтова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Раҳматуллаева

**Нашрлиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 18.09.2013 йил.
Бичими 60x84 1/16, «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 18,0. Нашр босма табоги 17,75.
Тиражи 500. Буюртма №119.**

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кӯчаси, 171-уй.



ISBN 978-9943-10-964-3

F
TEXNOLOGİYALAR
AN VA

9 789943 109643